



ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

ДАРСЛИК
1-ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Ш.А. ТАДЖИМЕТОВ, Р.Т. ДЖУРАБАЕВ, Б.Б. УМУРЗОКОВ,
Н.З. ТАСИМОВ, Х.Н. МУСЛИМОВ, Л.З. КОМИЛОВ, Б.А. УЛУГБЕКОВ,
Х.А. ТУРАББАЕВ, Л.Р. ИСАЕВ, А.Т.АЛИЖОНОВ, Ф.Ф. ХАТАМОВ

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

ДАРСЛИК

1-қисм

Тошкент – 2024

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
илимий кенгашида мақулланган

Масъул муҳаррир
О.Т. Ахмедов

**Ш.А. Таджиметов, Р.Т. Джурбаев, Б.Б. Умурзоқов, Н.З. Тасимов,
Х.Н. Муслимов, Л.З. Комилов, Б.А. Улугбеков, Х.А. Тураббаев,
Л.Р. Исаев, А.Т. Алижонов, Ф.Ф. Хатамов**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
бошлиғининг саф қисми бўйича ўринбосари,
доцент, подполковник

Д.А.Алаутдинов

Ўзбекистон Республикаси Малака ошириш
институти Юридик фанлар кафедраси
доценти ю.ф.н., доцент, подполковник

Ж.С. Мухторов

Ж- **Жанговар тайёргарлик:** дарслик (1-қисм) –Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2024. – 274 б.

“Жанговар тайёргарлик” дарслиги 1-қисм ИИВ Малака Ошириш
институти Жанговар тайёргарлик циклида ўқитиладиган модуллар бўйича
ишлаб чиқилган дастурлар асосида тайёрланган. Дарслик маъруза, семинар,
амалий ва бошқа машғулотларини ўтказиш услубиётига замонавий ёндашиб
ёритиб берилган.

Ушбу дарсликда таълим оловчилар ўқ отиш тайёргарлиги, ҳарбий
муҳандислик тайёргарлик ва махсус операцияларни олиб боришда ИИОнинг
махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари томонидан
қўлланиладиган ўқ отар қуроллар, портловчи мосламалар ва гранаталар
бўйича билимларни эгаллашлари учун етарли маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИИВ Малака Ошириш институтида
таҳсил оладиган тингловчилар учун мўлжалланган.

УДК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2024.

КИРИШ

“Жанговар тайёргарлик” дарслигининг 1-қисмида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини турли ҳил фавқулодда ва экстремал шароитларда вазифаларни бажариш учун керак бўладиган жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қуролли кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига йўллаган байрам табригида сўзлаган нутқида: “Мен ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар-жисмоний ва руҳий тайёргарлик билан боғлиқ бир қатор муаммоларга эътибор қаратмоқчиман. Нега деганда, жисмоний тайёргарлик ҳарбий хизматчилар учун хизмат фаолиятида, ҳарбий карьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши зарур. Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир. Бу борада асосий эътиборни ҳарбий-амалий масалаларни ҳал этишга йўналтириш лозим. Ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама соғлом ва чидамли бўлиши, ҳар қандай мураккаб жанговар-жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак”, деб таъкидлаганлар.

Шу муносабат билан Малака Ошириш институти тингловчилари, шунингдек доимий таркиб ходимларини ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини реал шароитларда узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ, ностандарт (фавқулодда) вазиятларда тезкор ва қонуний ҳаракатланишлари, жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни шакллантиришда “Жанговар тайёргарлик” дарслигининг 1-қисми асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

I-БОБ. ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АСОСИ

1-§. Таълимнинг предмети ва методи

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича таълим тизимига ҳозирги қарашлар оддийдан тортиб мураккабгача бўлган турли ассоциациялар тизимини яратиш орқали таълим олувчиларда муайян хислатларни тарбиялаш, ўқотар қурол бўйича тегишли билим ва кўникмаларни шакллантиришdir.

Марказий Осиёдаги жиноятчиликнинг бугунги ҳолати ички ишлар органлари учун кадрларни профессионал даражада тайёрлашга, биринчи навбатда, уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигига янгича ёндашишни талаб этмоқда.

Жанговар тайёргарлик деганда, ички ишлар органлари ходимлари ва ИИВ таълим муассасалари тингловчи (курсант)ларини белгиланган муддатларда жанговар вазифаларни бажариш учун шаклланган касбий қобилияти тушунилади. Ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ИИВ таълим муассасалари тингловчи (курсант)ларининг жанговар тайёргарлик даражасининг шаклланиши бевосита ўқ отиш тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқотар қуролларни қўллаш амалиётининг кўрсатишича, ғайриқонуний ҳаракатларга чек қўйиш ички ишлар органлари ходимларидан юксак ахлоқий-иродавий хислатлар ҳамда маҳсус касбий-амалий ва жисмоний тайёргарликни, ўзига бириклирдан қуролни мукаммал эгаллаш ҳамда мураккаб, тез ўзгарувчан вазиятда ундан ишонч билан фойдаланиш маҳорати бўлишини талаб этади. Шунингдек, жанговар қуролга оид илмларни яхши эгалламаганлик сабабли жиноятларга чек қўйиш (барҳам бериш) вақтида нафақат ички ишлар органлари ходимларининг ўзлари, балки операция ўтказилаётган ҳудудда тасодифан пайдо бўлган фуқаролар ҳам жабрланишлари аниқланган.

Юқорида айтилганлардан турли жиноятларга чек қўйиш (барҳам бериш) воситаси сифатида қурол ишлатиш борган сари кўп учрамоқда, индивидуал қуролига оид билимларни пухта эгаллаш ички ишлар органлари ходимлари учун жуда муҳим деган хулосага келиш мумкин.

“Қуролни қўллай олиш” анча кенг қамровли тушунча бўлиб, қурол қўллашнинг ҳуқуқий асослари, унинг таркибий қисмлари, у билан муомала қилиш чоғидаги хавфсизлик чоралари, нишонга

аниқ отишнинг назарий асослари, ўқ отиш усул ва қоидаларини билиш, шунингдек қурол билан ишончли ҳаракатланиш ва тезкор вазият мураккаблашган шароитларда нишонни йўқ қилиш қобилияtlарини қамраб олади.

Ўқ отиш тайёргарлиги тизимидағи норматив талаблар жуда катта аҳамиятга эга, чунки уларда ички ишлар органлари ходимлари тайёргарлигига қўйилган талаб даражаси аниқ белгилаб қўйилган.

Ходимларнинг қонунда белгиланган вазиятларда табель қуролини ишлатиши одатда низоли вазиятнинг мураккаб психологик шароитларида юз беради. Бу вазият унда инсон ақлий фаолиятини кескин торайтирадиган ва иродасига салбий таъсир этадиган эмоционал ҳолат келтириб чиқаради. Бу ҳол қурол қўллаш натижаларига жиддий таъсир қўрсатади.

Қурол қўллашнинг мураккаб вазиятлари ички ишлар органлари ходимларида мустаҳкам ўқув ва кўникмалар бўлишини, шунингдек фавқулодда вазиятларда онги ва руҳияти барқарор, ишончли ва тўғри ишлашини таъминловчи хислатлар бўлишини талаб этади.

Фавқулодда вазиятларда индивидуал қуролни қўллашга тайёрлик ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У бошқа амалий фаолият билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими бўлғуси ходимларининг шахсини шакллантириш учун зарурдир.

Ички ишлар органлари ходимларини фавқулодда вазиятларда қуролни самарали қўллашга тайёрлаш мураккаб, зиддиятли ва кўп босқичли жараёндир. Унга руҳий-жисмоний ҳамда бошқа хилмажил омиллар – ички ва ташқи, объектив ва субъектив, узоқ ва кисқа муддатли ҳолатлар – таъсир қўрсатади. Шу боис, бу жараёнда турли даражадаги ва тартиbdаги қонунлар ва қонуниятлар ўзига хос кўринишида намоён бўлади. Бу, биринчи навбатда, табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонунлари, шунингдек ходим шахсининг шаклланиши, унинг билиш ва амалий фаолият кўrsatiши қонуниятларидир.

Ўқ отиш тайёргарлигининг вазифалари

Ўқ отиш тайёргарлигининг асосий вазифалари шахсий таркибга қуролни моҳирлик билан қўллаш ҳамда хизматнинг турли шароитларида вақт ва ўқ-дориларни энг кам даражада сарфлаган ҳолда, душманни яксон қилиш учун қуролнинг жанговар имкониятларидан максимал фойдаланишни ўргатиш; таълим

олувчиларда ўз қуролига ишонч ҳосил қилиш, ўқ отиш вазифаларини бажаришда фаоллик ва мустақилликни тарбиялаш ҳисобланади.

Бўлинмалар шахсий таркиби қурол ишлатиш билан боғлиқ хизмат-жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қўйидагиларга мажбур:

– қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятлари ва таркибий қисмларини, ўқ отиш асослари ва қоидаларини билиш;

– қурол ва ўқ-дориларни ўқ отишга тайёрлаш ва доимо жангга шай ҳолда сақлаш, нишонларни кузатиб разведка қилиш, уларгача бўлган масофани аниқлаш, нишонни маҳв этиш бўйича тўғри кўрсатма бериш ҳамда ўт очишда душмандан олдин ҳаракатланиш, қуролдан ўқ отишнинг барча масофаларида мустақил равишида ва гурӯҳ таркибида барча усуллар билан аниқ ўқ отиш ҳамда турли нишонларни, одатда, биринчи ўқ билан шикастлаш маҳоратига эга бўлиш;

– қурол билан ҳаракатланиш ҳамда қуролдан барча усуллар билан (жойида туриб, қисқа муддатга тўхтаб ва юрган ҳолда) кўчмас, пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи нишонларга қарата кундузи ва тунда, об-ҳаво ва жойнинг ҳар қандай шароитида ўқ отишда, шунингдек жойидан туриб ва ҳаракатда қўл гранаталарини улоқтиришда мустаҳкам кўникмаларга эга бўлиш.

Таълим шакллари

Таълим оловчилар ўқ отиш бўйича билим, ўқув ва кўникмаларга ўқув хоналардаги машғулотлар қурол билан машқ қилиш, ўқувотишлари, жанговар ўқ отишлар ва тактик машқларда, қурол ва жанговар техникага хизмат кўрсатиш, мустақил тайёргарлик вақтларида, мерганлар мусобақаларида ва таълимнинг бошқа предметлари бўйича машғулотлардаги иш жараёнида эга бўладилар ҳамда уларни такомиллаштириб борадилар.

Ўқув хоналаридаги машғулотларда, одатда, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, нишонга олиш ва кузатиш ускуналарининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши, қуролга хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш қоидалари; ўқ отиш асослари ва қоидалари ўрганилади. Кейинчалик таълим оловчилар ушбу масалаларга оид билим, маҳорат ва кўникмаларини қурол бўйича машқлар, ўқ отиш ва таълимнинг бошқа шаклларида такомиллаштирадилар.

Қурол бўйича машқларда таълим оловчиларнинг турли жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган

қурол билан ҳаракатланиш (ўқ отиш усуллари), нишонни кузатиб разведка қилиш, уларгача бўлган масофани аниқлаш ва нишонни кўрсатиш, ўқ отиш қоидаларини амалда қўллаш, қўл гранаталарини улоқтириш ва бўлинмаларнинг ўқ отишини бошқариш кўникмалари ҳосил қилинади, такомиллаштирилади ва автоматизм даражасига етказилади.

Жанговар ўқ отишларда раҳбарларнинг бўлинмаларни бошқариш кўникмалари такомиллашади, шахсий таркиб эса жанговар ҳолатга жуда яқин шароитда бўлинмалар таркибида ҳаракатланаётган турли жанговар вазифаларни бажариш кўникмаларини такомиллаштирадилар; айни вақтда бўлинмалар ҳаракатларининг уйғунлиги текширилади.

Қурол ва жанговар техникага хизмат кўрсатиш вақтидаги ишлар чоғида ҳамда парк-хўжалик ишлари кунлари таълим олувчилар қуролнинг, нишонга олиш ва кузатиш ускунларининг моддий қисмларига оид билимларини чуқурлаштирадилар ҳамда қуролни кўздан кечириш ва унга техник хизмат кўрсатиш, қуролдаги носозликларни бартараф этиш ва нишонга олиш мосламаларини текшириш кўникмаларини такомиллаштирадилар.

Мустақил тайёргарлик чоғида таълим олувчилар, одатда, қуролнинг моддий қисмлари, ўқ отиш асослари ва қоидалари бўйича олган билимларини мустаҳкамлайдилар ҳамда қурол билан ҳаракатланиш ва ўқ отиш қоидаларини қўллаш борасидаги кўникмаларини такомиллаштиришлари мумкин.

Ўқ отиш мусобақалари ўтказилаётганида бўлинмалар шахсий таркибининг ўқ отиш маҳорати такомиллаштирилади, кейинчалик оқилона фойдаланиш мақсадида энг яхши мерганлар танлаб олинади.

Қурол ва жанговар техника билан ўтказиладиган бошқа фанлар, айниқса маҳсус тактик тайёргарлик машғулотларда ушбу фан бўйича масалаларни ўрганиш билан бирга, ўқ отиш тайёргарлиги бўйича кўникмалар ҳам такомиллаштирилиши лозим: қурол билан ҳаракатланиш, кузатган ҳолда нишонларни разведка қилиш, нишонгача бўлган масофани аниқлаш, нишонни кўрсатиш, ўқ отишни бошқаришда – ўқ отиш қоидаларини қўллаш бўйича кўникмалар; жисмоний тайёргарлик машғулотларида – қўл гранаталарини улоқтириш кўникмалари; саф тайёргарлиги чоғида – ўқ отишга тайёрланиш усуллари; муҳандислик тайёргарлиги вақтида – ўқ отиш позицияларини танлаш ва жиҳозлаш ҳамда окоплар, траншеялардан ўқ отиш кўникмалари такомиллаштирилмоғи керак ва ҳ.к.

Таълим принциплари

Ўқ отиш тайёргарлиги ички ишлар органлари шахсий таркибини ўқитиши ва тарбиялашга оид қуидаги умумий принциплар асосида ўтказилади: илмийлик; таълим оловчиларнинг онглилиги ва фаоллиги; мунтазамлик ва изчилик; қўргазмалилик, тушунарлилик; билим, ўкув ва кўникмаларнинг мустаҳкамлиги; жамоавийлик ва якка тартибда ёндашиш.

Таълимдаги *илмийлик* таълим оловчиларга бериладиган билимларнинг аниқлиги ва фаннинг замонавий маълумотларига мос бўлиши лозимлигини билдиради. Шунга эришиш лозимки, таълим оловчилар нафақат қуролнинг тактик-техник хусусиятлари, тузилиши ва ишлаш принципларини ўрганишлари, балки ўз қуроли ва жанговар техникасининг юксак жанговар хусусиятларига ишонч ҳосил қилишлари; қуролни моҳирлик билан қўллаш уларнинг энг биринчи бурчи эканлигини аниқ тушуниб олишлари керак. Бунда таълим ва тарбия чамбарчас боғлиқ ҳолда, комплекс тарзда олиб борилиши лозим.

Таълим оловчиларнинг *онглилиги ва фаоллиги* уларнинг ўрганилаётган материални англашган ҳолда ўзлаштиришлари ҳамда машғулотга ижодий ёндашиб, фаол бўлишларида намоён бўлади.

Ўқ отиш тайёргарлиги машғулотлари таълим оловчилар ўз олдида турган вазифаларни тушунадиган, уларни ўз вақтида бажаришга интиладиган қилиб; машғулотларда фаол ҳаракат қиласиган, ташаббус қўрсатадиган, ўкув материалини ҳар томонлама ўйлаб қўрадиган, таълим жараёнида оладиган билим, ўкув ва кўникмаларни ўзлаштириб олиш зарурлигини тушунадиган; нима учун муайян вазиятда бошқача эмас, айнан шундай ҳаракат қилиш зарурлигини биладиган, ўзлаштирган билим, ўкув ва кўникмаларини ижодий қўллайдиган, ўз ҳаракатларининг натижаларини танқидий таҳлил қиласиган этиб ташкил қилиниши ва ўтказилиши зарур.

Таълимдаги *мунтазамлик ва изчилик* машғулотлар, қуролли машқлар ва ўқ отиш машғулотлари бутун ўкув йили мобайнида бир текис ўтказилиши, ўрганилаётган материал эса муайян кетма-кетлиқда тизимли баён этилишида намоён бўлади.

Ўқ отиш тайёргарлигини режалаштиришда қуролнинг моддий қисмини, ўқ отиш асослари ва қоидаларини ўрганиш ўқ отиш топшириқларини амалда бажариш билан, ўтилган янги материал

билан чамбарчас боғланиши, қуролли машқлар эса ўқ отиш билан боғланиши керак ва ҳ.к.

Раҳбар ўқ отиш машқларини ўтказишга тайёрланишда янги материални баён этишнинг энг тўғри кетма-кетлигини белгилай олиши керак.

Таълимдаги кўргазмалилик ўқув материалини тушунишни осонлаштиради ва унинг яхшироқ ўзлаштирилишига имкон беради. Энг яхши кўргазмали восита қурол, ўқ-дорилар, мўлжалга олиш ва кузатиш ускуналарининг ўрганилувчи намуналари (яъни, табиий кўргазмалилик)дир. Бироқ баъзан уларнинг макетлари, плакатлар, чизмалар ва бошқа график хужжатлар, ўқув кинофильмлари ва мультимедиа тақдимотларидан ҳам фойдаланиш зарур бўлади. Улар ёрдамида қуролнинг айрим қисмлари ва механизмлари қандай тузилганлиги ва қандай ишлашини яхшироқ кўрсатиш мумкин.

Таълимдаги тушинарлилик ўрганилаётган саволлар ҳажми ва мазмуни таълим олувчиларнинг ушбу тоифаси ўзлаштира оладиган бўлишини талаб этади. Таълим олиш жараёнида тушунарлилик принципи маълумдан номаълумга, соддадан мураккабга, осондан қийинга ўтишни талаб қиласди. Материални баён этиш чуқурлигини аниқлашда уни ўзлаштириш учун ажратиладиган вақтдан ҳамда ўрганилган материални мустаҳкамлаш имкониятидан келиб чиқиш зарур. Машғулотларда амалий ҳаракатларга қараганда ортиқча назарий тушунтиришларнинг кўплиги, таълим олувчилар учун тушунарсиз формула ва терминларнинг ишлатилиши машғулотларга қизиқиши, таълим олувчиларнинг фаоллигини ва умуман машғулотлар сифатини пасайтиради.

Билим, ўқув ва кўникмаларнинг мустаҳкамлиги илгари ўрганилган материал (усул, ҳаракат) мустаҳкам ўзлаштирилиши ва узоқ вақт ёдда қолиши, мунтазам тақорорлаб турилишини, эгалланган билимлар эса такомиллаштириб борилиши ҳамда янги, мураккаброқ шароитларда қўлланишини назарда тутади. Ўрганилган материалнинг хотирада сақланиши кўп жиҳатдан таълим олувчилар ушбу билимларнинг амалий аҳамиятини тушунишига боғлиқ. Билим, ўқув ва кўникмаларнинг мустаҳкамлиги принципи амалга ошишида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши, ижоди ва қизиқувчанлигини ҳар томонлама рағбатлантириш катта аҳамиятга эга.

Таълимдаги жамоавийлик ва якка тартибда ёндашии таълим давомида барча ходимларнинг муваффақиятли ишлашлари учун

қулай шароит яратиш ва айни вақтда уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашишдан иборат. Жамоавийлик ҳаракатларда уйғунлик, бир-бирини алмаштира олиш, мувофиқлик ва аниқликни таъминлайди. Жипслашган жамоада унинг ҳар бир аъзоси бошқаларининг тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўз билим ва кўникмаларини ривожлантиради, хизматдошларининг ёрдамига ишонган ҳолда анча ишонч билан ҳаракат қиласи, уларнинг маслаҳат, истак ва танқидларига жавобан ўз ҳаракатларини анча танқидий баҳолайди. Раҳбарлар умумий саъй-ҳаракатларни жанговар тайёргарлик вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратишлари, умумий манфаатларни шакллантиришлари, соғлом мусобақа ва ўзаро ёрдам руҳини ривожлантиришлари керак.

Индивидуал ёндашувни амалга ошириш – ҳар бир ходимнинг таълим жараёнидаги маънавий ва жисмоний имкониятларини яхши билиш ва уларга ҳар бир ходимнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таъсир кўрсатиш, уларнинг ҳар бирига билим, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг энг қисқа йўлини топишларида кўмаклашиш демакдир. Ўқ отиш кўрсаткичларининг пастлиги кўпинча раҳбар таълим олувчиларнинг ўзига хос жиҳатларини, ўқ отиш усулларини (қуролланиш вақтидаги ҳаракатларини) ёки ўқ отиш қоидаларини билиш ва қўллашдаги камчиликларини аниқламаганлиги билан боғлиқ бўлади. Таълим жараёнида индивидуал хусусиятларни, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хислатлари ва мойилликларини билиш ва инобатга олиш – раҳбарнинг бурчи.

Таълим методлари

Ўқ отиш тайёргарлигига, одатда, таълимнинг қуйидаги методлари қўлланилади: айтиб бериш, тушунтириш, кўрсатиш, машқ қилдириш, мустақил ишлаш ва амалда ўқ отиш. Таълим методининг танланиши машғулот мавзуи, мақсади ва мазмунига ҳамда таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ. Ҳар бир машғулотда бир қанча метод қўлланиши мумкин. Масалан, ўқ отиш методи (қуролланган ҳолдаги ҳаракатлар)ни ўргатишда кўрсатиш, тушунтириш ва машқ қилдириш методи қўлланиши мумкин.

Айтиб бериши ўрганилаётган материални қисқача ҳикоя тарзида баён этишдир. У қуролнинг жанговар хусусиятлари ва моддий қисмларини ҳамда ўқ отиш асосларига оид айрим масалаларни ўрганишда ишлатилади.

Тушунтириши – ўрганилаётган ҳодисалар, жараёнлар, ҳаракатларнинг моҳиятини баён этиш. Бу ўқ отиш тайёргарлигининг барча бўлимларини ва одатда, ўрганилаётган қурол (ўқ-дори, асбоб)ни ёки қурол билан бажариладиган ҳаракатни кўрсатиш билан уйғун ҳолда қўлланилади. Тушунтиришда материални аниқ-равshan баён этиш, хулоса ва таърифларни қатъий ифодалаш лозим.

Кўрсатиши таълимнинг энг қулай методи ҳисобланади. Бунда таълим оловчилар нимани ўрганиш лозимлигини кўргазмали ҳолда кўриб турадилар. Қурол билан намунавий ҳаракатлар раҳбарнинг ўзи ёки яхши тайёргарлик кўрган таълим оловчи томонидан кўрсатилиши мумкин. Усул (ҳаракат) дастлаб яхлит ҳолда зарур суръатда (тезликда), сўнгра секинлаштирилган суръатда элементларга бўлиб ҳамда ҳар бир ҳаракат ва таълим оловчилар ушбу усулни ўрганишда йўл қўядиган, кўп учрайдиган хатоларни қисқача тушунтирган ҳолда қўрсатилади. Мухими – кўрсатилаётган нарса (усул, ҳаракат) таълим оловчиларга яхши кўриниб туриши.

Машқ – ўрганилаётган ҳаракатларни кўп марта, мақсадга йўналтирилган ҳолда ва онгли равища тақорорлаш орқали таълим оловчиларда зарур ўқув ва кўникмалар ҳосил қилинадиган ҳамда тақомиллаштирилдиган таълим усули. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича машқлар индивидуал ва гурухий (расчёт, бўлинма таркибида) турларга бўлиниши мумкин. Индивидуал машқлар таълим оловчиларда алоҳида бир ходим учун зарур бўладиган ўқув ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун қўлланилади. Уларга хос жиҳат шундан иборатки, айрим таълим оловчилар раҳбар бошчилигида ёки унинг топшириғига кўра мустақил равища айни бир ҳаракатларни бажарадилар (масалан, нишонга бир хилда олиш ва ўқ отишни машқ қиласилади). Гурухий машқлар таълим оловчиларда расчет ва бўлинмани уйғунлаштириш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилиш ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида қўлланилади. Уларга хос жиҳат шундаки, ҳар бир таълим оловчи ҳаракатларни ўз мутахассислиги ёки ушбу машғулотда вактинча эгаллаб турган лавозимига мувофиқ равища бажаради. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича машқлар одатда нормативлар ҳамда маҳсус ишлаб чиқилган тайёров машқларини бажариш орқали ўтказилади. Бунда нормативлар ва тайёров машқларини бажариш шартлари таълим оловчилар ўқуви ва

кўникмалари шаклланиб борган сайин мураккаблаштириб борилиши керак.

Мустақил иши – таълим олувчилар раҳбарнинг бевосита иштирокисиз илгари эгаллаган билим, ўқув ва кўникмаларини мустаҳкамлайдиган ёки йўриқномалар, плакатлар, чизмалар, макетлар, ўқув қуроли ва бошқа қўлланмалардан фойдаланган ҳолда янги билим, ўқув ва кўникмаларни эгалладиган усул.

Амалий ўқ отиши – бу таълим олувчилар олган штатдаги қурол ва ўқ-дорилардан турли нишонларга тегизиш учун жанговар ҳолатда фойдаланиш амалиётида қўлладиган усул. Ўқ отиши нафакат эгалланган билим, ўқув ва кўникмаларни мустаҳкамлашга, балки камчиликларни аниқлашга ҳам имкон беради. Шу боис ўқ отиши натижалари пухта таҳлил этилмоғи ва шу асосда шахсий таркибининг маҳоратини ошириш чоралари кўрилмоғи лозим.

2-§. Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалари

Мазкур Отиш курси ички ишлар органларида хизмат қилаётган сафдор, сержант ва офицерлар таркибидаги ходимлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантлариiga ўқотар қуролларни хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳамда маҳсус ҳаракатларда охирги чора сифатида қўллаш, ундан моҳирона фойдаланиш ҳамда амалий кўникмаларини баҳолаш учун мўлжалланган.

Отиш курсининг асосий мақсади – ички ишлар органларида юқори жанговар тайёргарликка эга ходимларни тайёрлашдан иборатdir.

Отиш курсини ўзлаштирилиш куйидагилар орқали амалга оширилади:

бўлинмалар билан комплекс машғулотларни сифатли ўтказиш ва барча турдаги ўқотар қуроллардан амалий отиш машқларини бажариш имконини берадиган замонавий ўқув моддий база (полигонлар, отиш майдонлари ва жанговар отиш тирлари)нинг мавжудлиги;

машғулот раҳбарларининг юқори методик тайёргарлиги ва ўқ отиш машқларини режалаштиришда замонавий методлардан фойдалана олиши;

ўқ отиш машғулоти раҳбарларининг юксак профессионал ва услубий тайёргарлиги;

таълим жараёнида ўқув машқ воситаларидан самарали фойдаланиш;

ходимлар томонидан отиш асослари ва қоидалари, қуроласлаха, ўқ-дори, кузатиш асбобларини таркибий қисмлари ва жанговар хусусиятларини бўйича билимларни пухта ўзлаштириш;

қуролларни отишга тўғри тайёрлаш ва ҳар қандай вазиятда нишонларни тезда аниқлаш ва унга талофат етказишни мукаммал билиш;

отиш вазифаларини бажаришда бўлинма шахсий таркибининг ҳаракатларини ҳамжиҳатлиги;

машғулотлар давомида шахсий таркибининг доимий ва муайян мақсадга йўналтирилган руҳий тайёргарлиги;

отиш машқи шартлари, машқ бажариш тартиби ва хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиниши;

ўқотар қуроллардан моҳирона фойдаланиш, техник ҳолатини текшириш, баҳолаш, қуролдан отиш машқларини ва тўғри отишни бажариш усулларини такомиллаштириш.

Отиш курсини ўзлаштиришга оид ташкилий-услубий кўрсатмалар ва отиш машғулотини ўтказишнинг умумий тартиби

Ўқув (назорат) отиш машқлари давомида ўқув жойларида қўшимча машғулот (машқ)лар ташкил этилади. Ўқув жойлари ва ўтказиладиган машғулотлар мазмуни машғулот раҳбари (бўлинма раҳбари) томонидан белгиланади.

Отиш машғулотига раҳбарлик қилиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, отиш мобайнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, отиш машғулотларига қўйидаги таркибда масъуллар тайинланади:

- ўқ отиш машғулоти катта раҳбари;
- ўқ отиш машғулотининг ўқув нуқталари ва жойлари бўйича раҳбарлари;
- кузатув гурухи бошлиғи ва шахсий таркиби (очик жанговар отиш тирлари ва дала ўқув майдонларида);
- навбатчи шифокор (фельдшер), шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тўплами ва тез ёрдам автомобили билан;
- жанговар таъминот пункти бошлиғи;
- ўқ-дорилар тарқатувчиси;

- қурол-аслаҳа техник устаси;
- навбатчи автотранспорт ҳайдовчиси;
- тунда ўқ отиш машғулотлари ўтказилса, нишонлар майдонини ёритиш пости.

Жанговар қуролдан амалий ўқ отиш машқларини бажаришдан камида бир кун олдин, шахсий таркиб билан мазкур отиш курснинг “Отиш машғулотларини ўтказишидаги хавфсизлик қоидалари”, шунингдек, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларнинг жанговар хусусиятлари, таркибий тузилиши, амалий отиш машқларини ўқув қуроллари (ўқув пистолет, автомат ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда патронсиз (ўт очишга тайёрланиш, ўт очишни амалга ошириш ва ўт очишни якунлаш) бажариш тартиби юзасидан синовлар қабул қилинади.

Синов топширмаган ходимларга жанговар қуролдан амалий ўқ отишга ва ушибу машғулотларда қатнашишига рухсат берилмайди.

Ўт очиш машқини ташкиллаштириш ва ўтказишига оид талаблар

Ўт очиш машқлари машғулот раҳбарлари (бўлинма, гурӯҳ раҳбарлари) томонидан кундузи ва тунда, об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида, жанговар отиш (очик ёки ёпик) тири ва дала ўқув майдонларида доимо фаолият қўрсатадиган ўқув жойларида мунтазам ўтказиб борилади.

Ўт очиш машқида:

нишонларни кузатув билан разведка қилиш;
тайёрлов отиш машқлари;
ўт очишни бошқариш;
қўл гранатасини улоқтириш;
қурол билан бажариладиган амалий ҳаракатлар ўзлаштирилди ва шу каби, бошқа машғулотлар ўтказилади.

Ҳар бир ўт очиш машқи учун ўқув жойларининг сони ва уларда ўтказиладиган машғулотлар мазмуни белгилаб ўтилади.

Ўт очиш машқлари ходимларнинг ўқотар қуролни отишга ҳозирлаш ва қўллаш бўйича амалий қўнималарини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

Машқ мазмунига оид талаблар ўзаро боғлиқ бўлиши, бироқ ҳар бир навбатдаги машқ янги ўқув саволлари ўзлаштирилиши

билингвистикада, ходимлар томонидан муқаддам эгалланган билими, кўникма ва маҳоратини инобатга олиб такомиллаштириб борилади.

Машғулот раҳбари ўтказилган машғулотни таҳлил қилишдан олдин шахсий таркиб, қурол-яроғ сони, уларнинг ўқизизлантирилгани, моддий анжомларни текшириб, сарфланмаган ўқ-дориларни топширишга буйруқ беради.

Машғулотларни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун қўйидаги жиҳозланган ўқув жойлари бўлиши лозим:

отиш машқларини бажариш, жанговар отиш машғулотини ўтказиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, патронларни магазинга жойлаш бўйича меъёрларни машқ қилиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

қуролнинг нишонга олиш мосламаларини нормал ҳолатга келтириш, қуролнинг отиш қобилиятини текшириб, жанговар ҳолатга келтириш учун ростлаш нишонининг мавжудлиги;

кўл гранатасини улоқтиришни ўргатиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

қуролнинг таркибий қисмларини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув жойлари.

Шахсий таркибнинг тегишли хатти-ҳаракатларни мустақил бажара олиш ва психолигик жиҳатдан бардошлилик сифатини тарбиялаш мақсадида ўт очиш машқи давомида турли ташқи таъсирлар юзага келтирилиши, нишонларнинг хусусиятлари, пайдо бўлиш жойи ва вақти тез-тез ўзгартириб борилиши, душман томонидан отилган ҳолат ва шу каби, никобланиш ҳолати ўзгартирилган вазият намоён (имитация) қилиниши мумкин.

Ўт очиш машқи сутканинг ҳар хил вақтида, ноқулай об-ҳаво ва қўриниши чекланган (тумандан ташқари) шароитларда ўтказилиши, машқ давомида шахсий таркибга бериладиган жисмоний юклама ошириб борилиши тавсия этилади.

3-§. Отиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш

Дастлабки ҳолат, ўт очишни бошлаш ва тўхтатиш марралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгиланади ва жиҳозланади.

Ўқотар қуролдан отишда ўт очиш марраси (позицияси) дастлабки маррадан пистолетлар (ПМ, АПС, GLOCK ва бошқа)

учун камида 3-4 метр, автоматлар (АК, АКМ, 9А-91 ва бошқ) учун камида 10 метр, пулемёт қурилмаларидан отища камида 30 метр узоқликда белгиланади.

Үқ-дорилар сонини машқлар шартида кўрсатилганидан ортиқ кўпайтириш, шунингдек, бошқа енгиллаштириш ёки соддалаштиришлар тақиқланади. Агар машқларни енгиллаштириш ва соддалаштиришларга йўл қўйилса, отиш машғулоти дарҳол тўхтатилиб, бундай камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Қуйидаги ҳолатларда отиш машқлари такроран бажарилади (тўлиқлигича ёки қолган үқ-дорилар билан):

машқларни бажариш вақтида отиш машғулоти олдидан аниқлаш ва машғулот вақтида бартараф этишининг имкони бўлмаган, носозлик ва тўхталишларга йўл қўйилган бўлса;

нишонлар жиҳозларининг ишдан чиқиши сабабли отиш машғулоти олиб борилмаган ёки тўхтатилган бўлса;

отиш жараёнида нишон белгиланган вақтдан олдин бекилиб қолган (йиқилиб тушган) ёки қулаб тушган (вайрон бўлган) бўлса, лекин уни кўздан кечиришда яксон қилинганлиги исботланмаса, ходим унга сарфланиши керак бўлган отиш машғулоти үқ-дориларни тўлиқ сарфлаб бўлмаган бўлса. Ходимнинг ўз билан боғлиқ равищда үқ-дориларини тўлиқ сарфламаган бўлса, машқ бажарилиши нишонларнинг яксон қилиш натижаларига кўра баҳоланади.

Такрорий отиш машғулотининг тартиби отиш машғулоти раҳбари (отиш машғулотининг катта раҳбари) ёки текширувчи томонидан белгиланади. Такрорий отиш машғулотида машқ тўлиқлигича ёки қолган үқ-дорилар билан такрорланаётганидан қатъий назар машқ шартларида назарда тутилган барча нишонлар бошқа вариант бўйича кўрсатилиши мумкин. Сўнгги ҳолатда ходим биринчи отиш машғулотида ўт очишни олиб бормаган нишонларга отади, қолган нишонларга фақат отишни ифодаловчи ҳаракатларни бажаради.

Отиш машқларини бажара олмаган ходимларга, отиш машқини қўшимча ўрганганларидан сўнг навбатдаги отиш машғулотида айнан ушбу машқларни тақроран бажаришларига рухсат берилади.

Қуидаги ҳолаттарда нишон яқсон этилган деб ҳисобланади:

- доиралар юритилған нишон – агар ушбу нишон сиртида түғридан-түғри теккан үқ изи күрінса. Бунда, доира чизигіга теккан үқ изи отувчи фойдасига ҳисобланади;
- отиш машқлари давомида фойдаланған нишонлар гурұхы (бир неча нишонлардан ташкил топған нишон) таркибида камида битта нишонга шикаст етказилған бўлса.

Қуидаги ҳолларда яқсон қилинған нишонлар сонидан қатъий назар, отиш машғулоти “Қониқарсиз” деб баҳоланади:

- отувчи ўт очиши түхтатиши маррасига чиққандан кейин ўқ узган бўлса;
- харакатдаги отиш машқларини бажаришда ҳеч бўлмаганда бир маротаба түхташни амалга оширган бўлса;
- отувчи машқларни бажаришда хавфсизлик чораларини бузган бўлса;
- хавфли йўналишлар чегарасидан ташқарига ёки блиндажларга (байроқ, ёритгич осилған) ўт очган бўлса;
- ўт очиши маррасига чиқмай туриб ўт очган бўлса;
- “Машқ тамом” сигнали (“Тўхта!”, “Ўт очиши тўхтат!” командаси) берилганига ҳамда блиндажларда оқ рангдаги байроқ (ёритгич) кўтарилиганига қарамай ёки қурол стволи қум тепалигига (тўсиққа) туширилғандан кейин ҳам отишни давом эттирган бўлса.

П-БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎҚ ОТАР ҚУРОЛЛАР

1-§. Ўқотар қуроллардан отиш машқлари

Бошланғич отиш машқлари – ўқотар қуролдан харакатсиз нишонларга отишнинг бошланғич билим ва қўникмаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган.

Ходимлар ушбу машқларни тирда, отиш шаҳарчасида, отиш майдонида, жанговар қуроллар билан бажаришни пухта ўзлаштирадилар, бунда фақат жойда турган ҳолда ўт очилади.

Ўқув отиш машқлари – бўлинмаларда қурол билан отиш вақтидаги ҳаракатларни бажариш, шунингдек, шахсий таркибни қайта тайёрлаш ва бўлинмани қайта қуроллантириш даврида янги қуролни ўзлаштириш учун зарур амалий қўникмаларни мустаҳкамлаш ҳамда тиклаш мақсадида ўтказилади.

Үқув отиш машқларининг айрим элементлари отиш машқлари учун тайёргарлик машқлари сифатида ўзлаштирилади.

Назорат отиш машқлари – бўлинмаларда ходимларнинг қурол билан ва отиш вақтидаги ҳаракатларни бажариш ҳамда уларнинг отиш бўйича амалий кўникмаларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ўтказилади. Янги қуроллар билан қайта қуроллантирилаётган бўлинмалар шахсий таркиби ўқув ва назорат отиш машқларини қайта тайёрлаш дастурини ўташ даврида ўзлаштиради.

2-§. ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги пистолетлардан отиш машқлари

ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги жанговар пистолетлардан отиш машқлари штат лавозими бўйича ушбу қуролларга эга бўлган барча соҳавий хизмат ходимлари томонидан бажарилади ҳамда бошланғич, ўқув ва назорат туридаги машқлардан иборат бўлади.

Ходимлар бошланғич, ўқув ва назорат отиш машқларини ўзлаштирилиши ва амалий бажарилишида белгиланган кетма-кетликка амал қиласди. Бунда, ҳар бир отиш машқини амалий бажаришда ижобий баҳоланган ходимларга кетма-кетлик бўйича кейинги машқни бажаришга рухсат берилади. Бошланғич отиш машқи ҳамда отишга ажратилган вақт чегараланмаган турдаги отиш машқларини бажаришда жанговар пистолетлардан ташқари, спорт қуроллари (Марголин пистолети, ТОЗ-36, ТОЗ-49 револьверлари ва шу кабилар)дан фойдаланишга рухсат этилади.

1-жадвал

Ўқотар қуроллардан отиш машқлари

Ўқотар қуроллардан отиш машқлари қурол турига кўра учга бўлинади.		
Пистолет учун	Автомат учун	Мерган миљтиғи учун
1 та бошланғич отиш машқи	1 та бошланғич отиш машқи	-
3 та ўқув отиш машқи	-	1 та ўқув отиш машқи
3 та назорат отиш машқи	2 та назорат отиш машқи	1 та назорат отиш машқи
11 та махсус отиш машқи (9 та ўқув, 2 та назорат)	4 та махсус отиш машқи (3 та ўқув, 1 та назорат)	-

3-§. Отиш машғулотларини ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари

Хавфсизлик қоидалари – шахсий таркибнинг хавфсизлиги, қурол-аслаҳанинг бутлигини таъминлаш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуудир.

Шахсий таркиб томонидан отиш машғулотининг хавфсизлигига юксак жанговар кўникма, юқори ахлоқий-руҳий ҳолат, ҳарбий интизомга эга бўлиш, отиш асослари ва қоидаларини билиш ҳамда аниқ кетма-кетлик билан бажариш, ўт очишни маҳорат билан бошқариш, юксак даражадаги профессионал тайёргарлик, бошлиқларнинг юқори бошқарувчанлик қобилияtlари орқали эришилади.

Ходимларнинг қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар, уларнинг мўлжалланиши ва замонавий жангда қўлланилиши бўйича билимлари синовдан ўтказилганидан сўнг уларга отиш машғулотига қатнашишларига рухсат берилади.

Отиш машғулоти ўтказилаётган ҳар бир обьектда унинг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, отиш машғулотига чиқарилган бўлинмалар шахсий таркиби билиши керак бўлган хавфсизлик қоидалари бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши мумкин.

Хавфсизлик қоидалари, машқ бажариш тартиби ва шартлари, қурол-аслаҳаларнинг тактик-техник тавсифлари, моддий қисмлари, фойдаланиш қоидалари ҳамда улар билан муомала қилишдаги хавфсизлик қоидаларини ўзлаштиргмаган шахсий таркибга отиш машғулотида иштирок этишга ва унга хизмат кўрсатишга **рухсат берилмайди**.

Ҳар бир ходим томонидан отиш машғулотидаги хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари қўл остидаги шахсий таркиби томонидан хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Отиш майдонининг чегаралари табиий жойда “**Тўхта, отяпти!**”, “**Ўтиш тақиқланади!**” белгилари билан белгиланиб, улар сўқмоқ ва йўлларнинг кесишиш жойларида ҳамда бир-бираидан ажралиб турадиган қилиб ўрнатилади. Заруратга кўра, отиш майдонининг чегараларида траншея қазилиши мумкин. Барча йўллар ва пиёда сўқмоқлар шлакбаум ёки зич тўсиқлар билан

ёпилади. Бундан ташқари, отиш майдонига яқин жойлашган аҳоли яшаш жойларида отиш майдони бошлигининг рухсатисиз отиш майдони ҳудудига киришни тақиқловчи эълонлар осилади.

Бўйсунуvida отиш майдони бўлган раҳбар (бошлиқ)лар маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўрнатилган огоҳлантирувчи белги ва сигналларнинг нимани англатиши, отиш машғулоти мобайнида ҳудудга кирган, портламай қолган ўқ-дорилар ва имитация жиҳозларига теккан шахслар ўзларини қандай хавфга қўяётганлиги бўйича аҳолига мунтазам равища тушунтириш ишлари олиб бориши лозим.

Маҳаллий ҳокимият органларига отиш машғулотлари ўтказилиши ҳамда белгиланган вақтда отиш майдони ҳудудига ўтишнинг тақиқланиши ҳақидаги хабарномалар юборилади.

Хабар бериш хабарнома варағига имзо куйиш орқали амалга оширилади.

Отиш машғулотидан олдин нишонлар майдони кўздан кечирилиши ҳамда одам, ҳайвон ва транспорт воситалари унинг ҳудудидан чиқариб юборилиши керак.

Отиш машғулоти обьектида фақат белгиланган йўллар бўйлаб ва полигон бошлиғи томонидан кўрсатилган ҳудудларда ҳаракатланишга рухсат этилади.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар бўлган участкаларга кириш ман этилади. Ушбу участкалар тегишли огоҳлантирувчи ёзувлари бор кўрсаткич ва белгилар билан белгиланиши керак.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар ҳамда имитация воситаларига тегиш тақиқланади. Ҳар бир портламай қолган снаряд (граната), имитацион заряд ҳақида отиш машғулоти раҳбари ва полигон бошлиғига белгиланган тартибда билдирув берилади.

Отиш машғулоти раҳбари ўртасида радиоалоқа мавжуд бўлмаган тақдирда отишни бошлаш ва олиб бориши тақиқланади, шунингдек, нишонлар майдони ва ўқ кучини сўндирувчи макон чегарасида ёнғин содир бўлганда отиш тўхтатилади. Отишни тўхтатиши сигналлари ва “Тўхта!”, “Отиш тўхтатилсин!” командаларига биноан отувчилар отишни тўхтатади, қурол ўқизлантирилди ва сақлагичга қўйилади.

Жанговар қўл гранаталарини улоқтиришда фақат раҳбарнинг командасига биноан, гранаталарни улоқтиришдан олдин уларга запал қўйишга рухсат берилади.

Жанговар қўл гранаталарини граната сумкаларидан ташқарида олиб юриш тақиқланади. Мудофаада қўлланиувчи ва танкка қарши гранаталар портлаганидан сўнг **10 сония** ўтиб блиндаждан чиқишига рухсат этилади. Агар заряд жойланган граната улоқтирилмаган (сақлаш чекаси суғурилмаган) бўлса, уни ўқиззлантириш командага биноан ва отиш машғулоти раҳбарнинг бевосита кузатуви остида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатларда отувчилар томонидан мустақил равища ёки раҳбар командасига биноан отиш зудлик билан тўхтатилади:

нишонлар майдонида одам, машина ва ҳайвонларнинг, отиш машғулоти ҳудуди устидан пастлаб учётган самолёт ва вертолётларнинг пайдо бўлиши;

гранаталар хавфсиз зона чегарасидан ташқарига ёки одамлар томонидан банд қилинган жойларга тушса ва блиндаж билан алоқа узилиб қолса;

қўмондонлик пункти ёки блиндажда оқ рангли байроқ кўтарилса (оқ рангли фонар ёқилса), шунингдек, блиндаждан отишни тўхтатиш тўғрисидаги бошқа қабул қилинган сигнал (портлатгич пакет, тутунли шашка, ракета ва шу қабилар) берилса;

куршов постидан отиш машғулотини давом эттиришнинг хавфли эканлиги тўғрисидаги билдирув ёки сигнал берилса;

нишонлар майдонида ёнгин чиқса.

Отишни тўхтатиш учун **“Отиш (машқ) тамом!”** сигнални берилади ва қизил рангли байроқ ўрнига оқ рангли байроқ ўрнатилади (оқ рангли фонар ёқилади) ҳамда **“Тўхта, отиш тўхтатилсин!”** командаси берилади. **“Отиш (машқ) тамом!”** сигналини барча отувчилар дарҳол қабул қилиб олиши ҳамда ўз жойида қолиб, ўз командирларининг сигнал ва командаларини кутмаган ҳолда отишни тўхтатишлари талаб этилади.

“Отиш (машқ) тамом!” сигналидан **“Ўт оч!”** сигналигача ким бўлишидан қатъий назар ўт очиш маррасида (отиш жойида) қолиши ва у ерда қолдирилган қуролга яқинлашиши тақиқланади.

Қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

“Ўт оч!” сигнални (раҳбар, бошлиқнинг командаси) берилгунгача қуролни жанговар ва паҳтавон патронлар билан, шунингдек, жанговар ва инерт зарядли гранаталар билан ўқлаш;

курол ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъий назар уни одамларга, четга ва отиш майдонининг фронт орти қисмига йўналтириш;

носоз қуролдан, носоз ўқ-дорилар билан, отиш хавфли бўлган йўналишларда, қўмондонлик (бошқарув) пункти ва блиндажларда оқ рангли байроқ ўрнатилганда отиш ёки отишни давом эттириш;

ўқланган қуролни ҳар қандай жойда қолдириш ёки уни бошқа шахсларга бериш, раҳбар (бошлиқ)нинг командасисиз шахсий қуролни ўт очиш позициясида (отиш жойида) қолдириш;

ташқи қопламаси шикастланган гранаталардан фойдаланиш;

кучли ёмғир ёки қор ёғаётган шароитлардаги отища жанговар граната портлатгичининг каллак қисмидаги сақлагич қопқофини олиб ташлаш;

отиш жойининг олд томонида бутазор ёки баланд ўсган ўтлар бўлиши;

отиш майдонининг портламай қолган гранаталар ва бошқа портловчи буюмлар мавжуд бўлган участкаларига кириш, мазкур участкалар тақиқланган зона ҳисобланади ва тўсиб қўйилган, кўрсаткич ҳамда тегишли ёзувлари бор белгилар билан белгиланган бўлиши лозим (масалан, “Хавфли!”, “Портламай қолган граната – тегилмасин!”).

Портламай қолган гранаталар, снарядлар ва бошқа портловчи буюмларга ўзбошимчалик билан тегиши (ҳар бир портламай қолган граната (снаряд)ни, у аниқлангандан сўнг дарҳол огоҳлантирувчи ёзувли кўрсаткич билан белгилаш ва бу ҳақида отиш майдони бошлиғига хабар бериш лозим);

жанговар гранаталарни қисмларга ажратиш ва улардаги носозликларни бартараф этиш тақиқланади.


Ушбу қоида билан бирга, қўшимча равища ҳар бир қурол тури бўйича тегишли қўлланма ва йўриқномаларда баён қилинган хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши талаб этилади.

4-§. Ички ва ташқи баллистика

Ички баллистика ҳақида маълумотлар

Баллистика – ўқ (снаряд)нинг ҳаракати ҳақидаги фан бўлиб, ички ва ташқи баллистикага бўлинади.

Ички баллистика ўқ отишда, айниқса ўқ (граната)нинг ствол канали ичида ҳаракатланиши вақтида юз берадиган жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади.



Ўқ отиш ва унинг даврлари

Порохли заряд ёнишидан ҳосил бўлган газлар қувватининг қурол стволи каналидан ўқ (граната)ни отиб юборишига **ўқ отиш** дейилади.



Ўқотар қуроллардан ўқ отишда қуйидаги ҳодисалар рўй беради. Турткич патрондонга жойланган жанговар патроннинг пистонига зарбаси натижасида пистоннинг зарбдор таркиби портлаб, алангаланади. Сўнгра аланга гильза тубидаги тешиклар орқали порохли зарядга ўтади ва уни ёндиради. Қисқа стволли қуролда порох заряди тахминан 0,0005–0,0008 сония ичида аланга олади, ўқ эса 0,001–0,06 сонияда отилади. Бундай тез ёнишнинг сабаби газлар босими ортиши билан аланга фронтининг борган сари тезроқ тарқалишига боғлиқ.

Порохли заряд ёниши натижасида катта миқдорда қизиган газ ҳосил бўлади ва у ствол каналида юқори босимни юзага келтиради. Бу босим ўқнинг тубига, гильза ва ствол каналининг деворларига ҳамда затворга босим беради. Ўқнинг орқа қисмига газларнинг босим бериши натижасида ўқ жойидан силжийди ва ствол каналининг сойли (нарезли) қисмига ўтиб, айланма ҳаракатга келади. Ўқ ствол канали бўйлаб ҳаракатланаётганида унинг тезлиги тўхтовсиз ортиб боради ва ствол каналининг ўқи йўналишида катта куч билан ташқарига отилиб чиқади. Снаряд стволни тарк этаётганида стволдан жуда катта тезликда чиқаётган порох газлари оқими таъсирида яна озроқ вақт тезлашиб боради, ствол оғзидан муайян масофада энг катта тезликка эришади.

Газларнинг гильза тубига берадиган босими ствол ва умуман қуролнинг орқага ҳаракати (тепиши)ни юзага келтиради. Гильза ва

ствол деворлари газлар таъсирида кенгаяди (таранглашувчи деформация ҳодисаси юз беради), гильза патрондонга қаттиқ қисилиб, порох газларининг затвор томон ўтишига йўл қўймайди. Ўқ отиш пайтида ствол тебранади ва қизийди. Ўқ ортидан ствол канали орқали отилиб чиқаётган қизиган газ ва порохнинг ёниб улгурмаган зарралари ҳавога урилганида аланга ва зарбли ҳаво тўлқини ҳосил бўлади: ана шу тўлқин ўқ отилиши пайтидаги товушга сабаб бўлади.

Автомат қуроллар (масалан, Калашников автомати ва пулемёти, Драгунов мерғанлар милтифи, Горюнов станокли пулемёти)дан ўқ отишда порох газларининг бир қисми ствол каналидаги газ бурувчи тешик орқали газ камерасига ўтади ҳамда газ поршенига босим бериб, уни затвор асоси билан бирга орқага кескин суреб юборади.

Затвор асоси ўқнинг ствол каналидан чиқиб кетишини таъминлайдиган муайян масофани босиб ўтгунича, затвор ствол каналини ёпган ҳолда тураверади. Ўқ ствол каналидан учеб чиққанидан кейин ствол очилади; затвор асоси ва затвор орқага сурила бориб, қайтарувчи пружинани сиқади ҳамда затвор патрондондан гильзани чиқаради. Сиқилган қайтарувчи пружина таъсирида затвор навбатдаги патронни патрондонга элтиб жойлади ва ствол каналини қайта ёпади.

Кучнинг қайтарилишини қўллаш принципига асосланган автомат қуроллар (масалан, Макаров пистолети, Стечкин автоматик пистолети, 1941 йилги намунадаги автомат)дан ўқ отишда газлар босими гильзанинг туби орқали затворга узатилади ва затвор билан гильзани орқага ҳаракатлантиради. Бу ҳаракат порох газларининг босими затворнинг инерция кучини ва қайтарувчи пружина кучини енгган тақдирдагина бошланади. Бу пайтга келиб эса ўқ ствол каналидан учеб чиқади. Затвор ортга ҳаракатланиб, қайтарувчи пружинани сиқади, кейин сиқилган пружина таъсирида затвор олдинга суриласи ва ўз йўлидаги навбатдаги патронни патрондонга элтиб жойлади.

Айрим қурол намуналарида (масалан, Владимиров йирик калибрли пулемёти, 1910 йил намунасидаги станокли пулемёт)да порох газларининг гильза тубига босим кўрсатиши натижасида дастлаб ствол унга бириктирилган затвор билан бирга ортга ҳаракатланади. Ствол ва затвор ўқнинг ствол каналидан учеб чиқишига имкон берадиган муайян масофани босиб ўтганидан кейин


бир-биридан ажралади, шундан кейин затвор инерция кучи таъсирида энг орқа ҳолатга ўтади ва қайтариш пружинасини сиқади, ствол эса пружина таъсирида олд томондаги ҳолатга қайтади.

Баъзан турткич пистонга зарба берганидан кейин, ўқ отилмай қолади ёки отилиши бироз кечикади. Бунда биринчи ҳолда – пистоннинг чақилмай қолиши, иккинчисида эса кечиккан отилиш юзага келади. Пистоннинг чақилмай қолишига унинг зарбдор таркиби ёки порох зарядининг намланиб қолиши, шунингдек турткич зарбасининг кучсизлиги сабаб бўлиши мумкин. Кечиккан отилиш порохли заряд секин алганга олиши ёки ёниши сабабли келиб чиқади. Шу боис пистон чақилмай қолса, затворни дарров очиш ярамайди, чунки кечиккан отилиш ҳодисаси юзага келаётган бўлиши мумкин. Агар станокли гранатомётдан отишда пистон чақилмай қолса, уни қайта ўқлашдан олдин камида бир дақиқа кутиш зарур.

Ўқ отилишида кетма-кет келувчи тўртта давр (дастлабки, биринчи ёки асосий, иккинчи, учинчи ёки газлар таъсиридан кейинги давр) мавжуд.

Дастлабки давр порохли заряднинг ёниши бошланишидан ўқ қобиқларининг ствол каналидаги қирқимларга тўлиқ киришигача давом этади. Бу даврда ствол каналида ўқ қобиқларининг қаршилигини енгиш учун зарур газ босими вужудга келади. Бу босим *енгиб ўтиши босими* деб аталади; у қирқимларнинг тузилиши, ўқнинг оғирлиги ва ўқ қобигининг қаттиқлигига қараб $250\text{--}500 \text{ кг}/\text{см}^2$ ни ташкил қилади (масалан, 1943 йил намунасидаги патрон ишлатиладиган ўқотар қуролда енгиб ўтиш босими $300 \text{ кг}/\text{см}^2$).

Бу даврда порох газларининг ёниши доимий ҳажмда юз беради, патрон қобифи қирқимларга шу заҳоти киради, ўқ ҳаракати эса ствол каналида кучайиш босими ҳосил бўлган заҳоти бошланади, деб қабул қилинган (1-расм).



1-расм. Ўқ отилишининг даврлари

Биринчи ёки асосий давр ўқ ҳаракатдан бошлагандан порохли заряд тўлиқ ёниб бўлгунича давом этади. Бу даврда порохли заряднинг ёниши тез ўзгарувчи ҳажмда амалга ошади. Ўқнинг ствол каналидаги ҳаракат тезлиги унча катта бўлмаган даврнинг бошида газлар миқдори ўқ орқасидаги (ўқнинг орқа қисми билан гильза туви оралиғидаги) макон ҳажмига нисбатан тезроқ кўпаяди, газлар босими кескин ошиб, энг юқори кўрсаткичга эришади. Бу босим *максимал босим* деб аталади. Бундай босим ўқотар қуролларда ўқ 4-6 см масофани босиб ўтганида юзага келади. Шундан кейин ҳаракат тезлигининг кескин ошиб бориши оқибатида ўқ ортидаги макон янги газлар пайдо бўлишига нисбатан тезроқ кенгаяди ва босим пасая бошлайди, давр охирига келиб у максимал босимнинг тахминан $\frac{2}{3}$ қисмига тенг бўлади. Ўқ тезлиги ошиб боради ва даврнинг охирида бошланғич тезликнинг тахминан $\frac{3}{4}$ қисмига етади. Порохли заряд ўқ ствол каналидан учиб чиққунича батамом ёниб бўлади.

Иккинчи давр порохли заряд тўлиқ ёниб бўлганидан то ўқ ствол каналидан учиб чиққунича давом этади. Бу давр бошланиши билан порох газлари оқими тўхтайди, аммо қаттиқ сиқилган ва қизиган газлар кенгая бориб, ўқка босим беришни давом эттиради ва унинг тезлигини ошириб боради. Иккинчи даврда газлар босими анча тез камаяди ва турли намунадаги қуроллар стволлари оғзида 300–900 кг/см (масалан, ўзи ўқланадиган Симонов карабинида – 390 кг/см, Горюнов станокли пулемётида – 570 кг/см)ни ташкил қиласи. Ўқнинг ствол каналидан учиб чиқиши вақтидаги тезлиги бошланғич тезликдан бироз камроқ бўлади. Ўқотар қуролларнинг баъзи турларида, асосан калта стволли қуролларда (масалан, Макаров пистолетида) иккинчи давр бўлмайди, чунки ўқ ствол

каналидан учиб чиқаётган пайтда порохли заряд түлиқ ёниб улгурмайды.

Учинчи ёки газлар таъсиридан кейинги давр ўқ ствол каналидан учиб чиққан пайтдан порох газларининг ўққа таъсири тугагунича давом этади. Бу давр мобайнида ствол каналидан 1200–2000 м/с тезликда отилиб чиқаётган газлар ўққа таъсир кўрсатишида давом этиб, унга қўшимча тезлик беради. Ўқ энг юқори тезликка учинчи давр охирида, ствол оғзидан бир неча ўн сантиметр нарида эришади. Бу давр порох газларининг ўқ орқасига бераётган босими ҳаво қаршилигига тенглашганида тугайди.

Ўқнинг бошланғич тезлиги

Ўқнинг ствол қирқими оғзидаги ҳаракатланиш тезлиги бошланғич тезлик деб аталади.



Ствол оғзидаги тезликдан каттароқ ва максимал тезликдан кичикроқ тезлик бошланғич тезлик сифатида қабул қилинган. У тажриба орқали навбатдаги ҳисобларни эътиборга олган ҳолда аниқланади. Бошланғич тезлик катталиги ўқ отиш жадвалида ва қуролнинг жанговар тавсифномасида кўрсатилади.

Бошланғич тезлик қуролнинг энг асосий жанговар хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Бошланғич тезлик ортиши билан ўқнинг учиш масофаси, тўғри отиш масофаси, ўқнинг шикастлаш ва тешиб ўтиш имконияти ошади, шунингдек унинг учишига ташқи шароитлар таъсири камаяди.

Ўқнинг бошланғич тезлиги стволнинг узунлиги, ўқ ҳамда порохли заряднинг оғирлиги, ҳарорати, намлигига, порох зарраларининг шакли ва ҳажмига, шунингдек зарядларнинг зичлигига боғлиқ. Ствол қанчалик узун бўлса, порох газлари ўққа шунчалик узоқ вақт таъсир этади ва ўқнинг тезлиги шунчалик катта бўлади. Куролни лойиҳалаштиришда стволнинг узунлиги ва порох зарядининг оғирлиги энг оқилона ўлчамда катталаштирилади.

Порохли заряднинг ҳарорати ошиб борган сари порохнинг ёниши ҳам, пировардида максимал босим ва ўқнинг бошланғич тезлиги ҳам ортади. Ҳарорат пасайганда эса бошланғич тезлик камаяди. Бошланғич тезликнинг ортиши (камайиши) ўқ этиб борадиган масофанинг узайиши (қисқариши)га сабаб бўлади. Бинобарин, учиш масофасига тузатиш киритганда ҳаво ва заряднинг ҳарорати (ҳаво ҳарорати тахминан заряднинг ҳароратига тенглиги) ҳисобга олиниши зарур.

Порохли заряднинг намлиги ортса, ёниш тезлиги ва ўқнинг бошланғич тезлиги камаяди.

Порохнинг шакли ва ўлчамлари порохли заряднинг ёниш тезлигига ва, ўз навбатида, ўқнинг бошланғич тезлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Улар қуролнинг лойиҳасини яратишида мос равища танланади.

Заряд оғирлиги ва гильзадаги ўқнинг нисбати зарядлаш зичлиги деб аталади. Ўқнинг гильзага керагидан ортиқ чукур ўрнатилиши зарядлаш зичлигининг анча ошиб кетишига, бу эса, ўз навбатида, босим кескин ортиб, стволнинг ёрилишига олиб келади, шу боис бундай патронларни қўллаш мумкин эмас. Зарядлаш зичлиги камайган (ошган)да ўқнинг бошланғич тезлиги ортади (камаяди).

Қуролнинг тепиши ва ўқнинг учиш бурчаги

Ўқ отиш пайтида қурол (ствол)нинг орқага ҳаракатланишига қуролнинг тепиши дейилади.

Тепиши елка ёки қўлга бўладиган туртки сифатида сезилади. Қуролнинг тепиши у орқага ҳаракатланаётганида эга бўладиган тезликнинг катталиги ва қувватига боғлиқ.

Тепиши затвор тепкини тортганида (итарганида) ёки қайтариш пружинаси сиқилганида сезила бошлайди, асосий тепки эса затвор пистолет рамкасига $3,82\text{ m/s}$ тезлик билан урилганида ўқ учиб чиққанидан кейин $0,007$ сония ўтгач юз беради. Бу вақтда ўқ, Макаров пистолети учун амалга оширилган хисоб-китобларга қараганда, пистолетдан $2,2\text{ m}$ узоқлашишга улгуради.

Ўқ қуролга нисбатан неча марта енгил бўлса, қуролнинг тепиши тезлиги ҳам шунчалик кам бўлади.

Юқорида баён этилганларнинг ҳаммасидан шундай хулоса чиқариш керак бўлади: қуролнинг тепиши нишонга олишнинг аниқлигига **таъсир этмайди!** Пистолетни бош ва ўрта бармоқ учлари билангина тутиб турган ҳолда кўрсаткич бармоқ билан тепки босиладиган бўлса ҳам, ўқ барибир нишонга тўғри тегади, ҳолбуки қурол тепиши вақтида қўлдан чиқиб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Порох газларининг босим кучи (тепиши кучи) ва тепишига қаршилик кўрсатувчи куч (қўндоқ, дастак таянчи, қуролнинг оғирлик маркази ва бошқа) бир тўғри чизиқда жойлашмаган бўлиб, қарама-қарши томонга йўналгандир. Шу боис иккита кучни ташкил қиласидиган бу кучлар таъсирида ствол оғзи юқорига оғади

(кўтарилади) (2-расм). Бу икки куч ўртасидаги бурчак қанчалик катта бўлса, стволнинг оғиз қисми шунчалик катта бурчакда оғади.



2-расм. Ўқ отиш пайтида қурол тепиши натижасида қурол оғзининг юқорига силтаниши

Бундан ташқари, ўқ отиш пайтида қуролнинг стволида тебраниш юзага келади. Ўқ учиб чиқаётганида стволнинг тебраниши натижасида у бирламчи ҳолатидан ҳар қандай томон (тепа, паст, чап, ўнг томон)га оғиши мумкин. Ўқ отиш учун таянчдан нотўғри фойдаланилган ёки қурол ифлосланган тақдирда ушбу оғиши катталashiши мумкин.

Ствол каналида газ бурувчи тешиги бор автомат қуролларда газ камерасининг олд деворига газларнинг босим бериши натижасида ўқ отиш вақтида ствол газ бурувчи тешикка қарама-қарши томонга бироз оғади.

Стволнинг тебраниши, қуролнинг тепиши ва бошқа сабаблар туфайли ствол каналининг ўқ отилишигача бўлган даврдаги йўналиши билан ўқнинг ундан учиб чиқиши давридаги йўналиши ўртасида муайян бир бурчак ҳосил бўлади ва у учиш бурчаги деб аталади. Агар ствол канали ўқнинг отилган ўқ учиб чиққанидан кейинги йўналиши ўқ отилмасидан аввалги йўналишидан юқорида бўлса, учиш бурчаги мусбат, аксинча, пастда бўлса, манфий хисобланади.

Ҳар бир қурол нусхасини нормал жанговар ҳолатга келтириш вақтида учиш бурчагининг отишга таъсири бартараф этилади. Аммо қуролни елкага тираш ёки таянчдан фойдаланишда хатога йўл қўйилса ва у билан нотўғри муносабатда бўлинса, учиш бурчаги ва қуролнинг уриши (ўқнинг аниқ тегиши) ўзгариб кетади.

Қурол тепишининг ўқ отиш натижаларига салбий таъсирини камайтириш мақсадида айрим ўқотар қуроллар (масалан, Калашников автомати)га ҳолатни барқарорлаштирувчи маҳсус мосламалар – компенсаторлар ўрнатилади. Ствол каналидан отилиб чиқаётган газлар компенсатор деворига урилиб, стволнинг оғиз қисмини бироз пастга ва чапга оғиштиради.

Танкка қарши қўл (станокли) гранатомётларидан отиш хусусиятлари



Танкка қарши қўл (станокли) гранатомётлари динамореактив қуроллар турига киради. Гранатомётдан ўқ отишда порох газларининг бир қисми стволнинг очик орқа қисмидан отилиб чиқади, бунда ҳосил бўлган реактив куч тепиш кучига тенглашади; порох газларининг бошқа қисми гранатага босим бериб, унинг бошланғич тезлик олишини таъминлади.

Гранатомётдан отиш вақтидаги реактив куч стволнинг орқа қисмидан порох газлари отилиб чиқиши натижасида юзага келади. Стволнинг олд девори вазифасини бажарувчи граната тубининг текислиги газнинг орқага чиқишини чеклайдиган сопло текислигига нисбатан катта бўлгани боис, бу ерда газ оқимиға қарама-қарши йўналган ортиқча газлар босими (реактив куч) вужудга келади. Бу куч гранатомёт тепишини барқарорлаштиради ва гранатага бошланғич тезлик беради.

Реактив кучнинг катталиги оқиб чиқаётган газлар миқдори ва тезлигига тўғри пропорционалдир. Гранатомётдан отишда газлар оқимининг тезлиги сопло, яъни торайиб-кенгайиб турадиган тешик ёрдамида оширилади.

Реактив куч катталиги бир сонияда отилиб чиқаётган газлар миқдори билан уларнинг отилиб чиқиш тезлиги кўпайтмасининг тахминан ўндан бир қисмiga тенг.

Гранатомёт стволи каналидаги газлар босими хусусиятининг ўзгаришига зарядлар зичлигининг камлиги ва порох газларининг отилиб чиқиши таъсир кўрсатади. Шу сабабли гранатомёт стволидаги газларнинг максимал босими ўқотар қуроллардагидан 3–5 марта кам. Граната ствол каналидан учиб чиққунича унинг порохли заряди ёниб бўлади. Реактив двигателнинг реактив кучи таъсирида гранатанинг учиш тезлиги доимий равишда ошиб боради ва порох газлари оқимининг тугаши арафасида энг юқори даражага эришади. Граната ҳаракатидаги энг юқори тезлик *максимал тезлик деб аталади*.

Порох газларининг стволга таъсири ва уни сақлаб қолиш чоралари

Ўқ отиш жараёнида ствол емирилади. Буни келтириб чиқарадиган сабабларни учта асосий гурухга – кимёвий, механик ва термик сабабларга ажратиш мумкин.

Кимёвий сабаблар натижасида ствол каналида қурум¹ ҳосил бўлади, у ствол канали емирилишига катта таъсир кўрсатади.

Агар ўқ отишдан сўнг бутун порох қуруми олиб ташланмаса, ствол каналининг хроми кўчган жойлари қисқа вақт ичидаги занг билан қопланади, занг олиб ташлангач эса ўрнида излари қолади. Бундай ҳоллар такрорланадиган бўлса, стволнинг шикастланиш даражаси ортиб боради ва ствол канали деворларида чуқурчалар пайдо бўлиши мумкин. Ўқ отишдан сўнг ствол каналини дарҳол тозалаш ва мойлаш уни занг туфайли шикастланишдан сақлайди.

Механик сабаблар – ўқнинг ствол сойларига берадиган зарби ва ишқаланиши, стволни нотўғри (офзига қўйиладиган накладкасиз ёки орқа томонидан, патрондонга туби тешилиб ясалган гильза қўймай) тозалаш ва шу кабилар – ствол сойлари ҳошияларининг емирилишига ёки бурчаклари, айниқса чап қирраси яссиланишига, қизиш тўри бор жойларда хром қоплами кўчишига олиб келади.

Термик хусусиятга эга сабаблар – порох газларининг юқори ҳарорати, ствол каналининг вақти-вақти билан кенгайиши ва дастлабки ҳолатга қайтиши – қизиш тўри ҳосил бўлишига ҳамда ствол канали деворларининг юзалари хром кўчган жойларда эришига олиб келади.

Стволнинг ўқ отиш учун яроқлилик муддатини узайтириш учун қуролни тозалаш ва кўздан кечириш учун белгиланган қоидаларга тўлиқ риоя этиш ҳамда ўқ отиш вақтида ствол қизишини камайтириш чораларини кўриш зарур.


Стволнинг мустаҳкамлиги деб унинг деворларининг ствол каналидаги порох газларининг муайян босимиға чидаш қобилиятига айтилади. Масалан, ўқ отиш пайтида ствол каналининг ҳамма жойларида газлар босими бир хил бўлмайди, ствол

¹ Курум сувда эрийдиган ва эримайдиган моддалардан иборат. Эрийдиган моддалар капсулнинг зарбдор таркиби портлашидан ҳосил бўладиган тузлар (асосан – калий хлорид)dir. Курумнинг эримайдиган моддалари куйидагилардир: порох заряди ёнишидан ҳосил бўлган куль, ўқ қобигидан ажралган томпак, гильзадан эриб чиқкан мис ва латунъ (жэз), ўқ тубидан эриб чиқкан қўрғошин, стволдан эриб чиқкан ва ўқдан узилган темир ва ш.к. Эрийдиган тузлар ҳаводаги намни ўзига сингдириб, занглаш келтириб чиқарадиган эритма ҳосил қиласи. Эримайдиган моддалар тузлар билан бирга занглашни кучайтиради.

деворлари турли қалинликда ясалади – орқа томони қалинроқ, оғзига яқин жойи эса юпқароқ. Бунда стволлар энг кўп босимдан 1,2–1,5 баравар ортиқ босимга дош берадиган қилиб ясалади.

Агар газлар босими бирор сабабга кўра мўлжалдан ортиб кетадиган бўлса, *ствол бўртиши ёки ёрилиши* мумкин.

Ствол кўп ҳолларда ичига бегона нарса (каноп лоси, латта, тупроқ) кириб қолишидан шишади. Ўқ ствол канали бўйлаб ҳаракатланаётганида бегона нарсага дуч келиб, ҳаракатини секинлаштиради ва шу боис ўқ ортидаги макон нормал ўқ отишдагига қараганда секинроқ ошиб боради. Бироқ порох зарядининг ёниши давом этаётгани ва газлар оқими жадал ортиб бораётгани боис, ўқ ҳаракатланиши секинлашган жойда ортиқча босим ҳосил бўлади; босим мўлжалланган катталиктан ошиб кетганида у шишади, баъзан эса ёрилади (3-расм).



3-расм. Стволнинг шишиши ва ёрилиши

Ствол шишиши ёки ёрилишига йўл қўймаслик учун уни доимо ичига бегона нарсалар кириб қолишидан сақлаш, ўқ отишдан аввал албатта кўздан кечириш, зарур бўлса, тозалаш керак.

Қурол узоқ вақт фойдаланилган, шунингдек ўқ отишга етарлича пухта тайёрланмаган ҳолларда затвор билан ствол ўртасидаги тирқиш кенгайиши мумкин. Бу тирқиш ўқ отиш пайтида гильзанинг орқага ҳаракатланишига олиб келади. Аммо гильза деворлари газлар босими таъсирида патрондонга зич ёпишгани ва ишқаланиш кучи гильза ҳаракатланишига тўскинлик қилгани боис, гильза чўзилади, тирқиш катта бўлса ҳатто йиртилади; натижада кўндаланг ёрилиш келиб чиқади.

Стволнинг чидамлилиги деганда унинг муайян миқдордаги ўқларни отишга бардош бериши тушуниладики, бундан кейин ствол емирилиб, ўз хусусиятларини йўқотади (ўқлар сочилиши анча ортади, ўқнинг бошлангич тезлиги ва барқарор учиши

камаяди). Ўқ отиш қуролларининг хромланган стволлари 20–30 мингта ўқ отишга чидайди.


Қуролга тўғри қараш ва ўқ отиш режими гариоя этиш орқали стволнинг чидамлилигини ошириш мумкин.

Ўқ отиш режими деб қуролнинг моддий қисмлари, хавфсизлигига зарар етказмаган ва ўқ отиш натижаларини ёмонлаштиргаган ҳолда муайян вақт оралиғида амалга оширилиши мумкин бўлган энг кўп сонли ўқ отишларга айтилади. Ҳар бир қурол тури ўз ўқ отиш режимига эга.

Ўқ отиш режимига риоя этмаслик стволнинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши ва, бинобарин, вақтидан бурун эскиришига, шунингдек ўқ отиш натижалари кескин ёмонлашишига олиб келади.

Ташқи баллистика ҳақида маълумотлар

Ташқи баллистика – ўқ (граната)нинг унга порох газларининг таъсири тугаганидан кейинги ҳаракатини ўрганувчи фан.



Ўқ (граната) порох газлари таъсирида ствoldан учib чиққанидан кейин инерция кучи таъсирида ўз ҳаракатини давом эттиради. Реактив двигателга эга гранаталар эса реактив двигателларидаги газлар оқими тугаганидан кейин инерция бўйича ҳаракатда давом этади.

Траектория ва унинг элементлари

Учиш вақтида ўқ (граната)нинг оғирлик маркази чизадиган эгри чизик траектория деб аталади (4-расм).



4-расм. Ўқ траекторияси (ён томондан кўриниши)

Ўқ (граната) учайтганида унга оғирлик ва ҳавонинг қаршилик кучи таъсир этади. Оғирлик кучи ўқ (граната)ни доимо пасайишга мажбур қилади, ҳавонинг қаршилик кучи эса ўқ (граната)нинг ҳаракат тезлигини тўхтовсиз секинлаштиради. Бу кучлар таъсирида ўқнинг учиш тезлиги камайиб боради, учиш траекторияси эса эгри чизик ҳосил қилади. Ҳаво эгилувчан хусусиятга эга бўлиб, ўқнинг


учишига қаршилик кўрсатади, уни енгиб ўтиш учун ўқ қувватининг бир қисми сарфланади.

Ҳавонинг қаршилик кучи учта асосий сабабдан – ҳавонинг ишқаланиши, ҳаво ўрамаларининг пайдо бўлиши ва баллистик тўлқин юзага келишидан – келиб чиқади.

Ҳаракатланаётган ўқ тўқнашадиган ҳаво зарралари қайишқоқлиги ва ўқнинг ташқи юзасига илашиши натижасида ишқаланиш юзага келади ва у ўқнинг учиш тезлигини камайтиради.

Ўқнинг ташқи юзасига тегиб ўтувчи ҳаво қатлами *чегара қатлами* деб аталади. Бу ҳаво қатлами ўққа (гранатага) ишқаланиб ўтганидан кейин уларнинг орқа қисмида дарҳол бирлашиб улгурмайди.

Ўқнинг орқа қисмида қирқилган бўшлиқ ҳосил бўлади ва натижада ўқнинг олдинги қисми билан орқа қисмидаги босимлар ўртасида фарқ юзага келади. Бу фарқ унга қарама-қарши йўналган кучни пайдо қиласди, бу куч ўқнинг учиш тезлигини камайтиради. Ўқнинг орқа қисмида ҳосил бўлган бўшлиқни ҳаво тўлдиришга ҳаракат қилиши натижасида ҳаво ўрамалари пайдо бўлади (5-расм).



5-расм. Ҳавонинг қаршилик кучи ҳосил бўлиши

Ўқ (граната) учишда ҳаво заррачалари билан тўқнашади ва уларни тебранишга мажбур қиласди. Бунинг натижасида ўқ (граната)нинг олдида ҳаво зичлиги ортади ва товуш тўлқинлари вужудга келади. Шунинг учун ўқ (граната)нинг учиши ўзига хос товуш билан кузатилади. Товуш тезлигидан кичик тезликда ўқ (граната)нинг учишида товуш тўлқинларининг ҳосил бўлиши уларнинг учишига кам таъсир этади. Чунки товуш тўлқинлари ўқ (граната)нинг тезлигига нисбатан тезроқ тарқалади. Агар ўқнинг учиш тезлиги товуш тезлигидан юқори бўлса, бу тўлқинларнинг бир-бираига урилиши натижасида кучли зичланган ҳаво тўлқини – баллистик тўлқин ҳосил бўлади ва бу тўлқин ўқнинг учиш тезлигини

камайтиради, бунинг сабаби ўқ ўз қувватининг бир қисмини ушбу тўлқинни вужудга келтиришга сарфлашидир.

Ўқнинг учишига қаршилик кўрсатувчи юқорида айтиб ўтилган ҳамма кучлар йиғиндиси ҳавонинг қаршилик кучини ташкил қиласди. Қаршилик кучининг таъсир этувчи нуқтасига қаршилик маркази дейилади.


Ҳавонинг қаршилик кучи ўқ (граната)нинг учишига жуда катта таъсир кўрсатади; у ўқ (граната) тезлигини ва етиб бориш масофасини камайтиради. Масалан, 1930 йилги намунадаги ўқ 15° ли бурчакда 800 м/с бошланғич тезлик билан отилса, ҳавосиз бўшлиқда 32620 м , ҳаволи бўшлиқда эса атиги 3900 м га етиб боради.

Ҳаво қаршилик кучининг катталиги ўқнинг учиш тезлиги, шакли ва калибрига, шунингдек юзасига боғлиқ. Ўқнинг учиш тезлиги, калибри ва ҳавонинг зичлиги ортиши билан ҳавонинг қаршилик кучи ҳам ошади.

Ўқ товуш тезлигидан тез учганида ҳавонинг қаршилик кучи ҳосил бўлишининг сабаби ўқнинг бош қисми олдида зичлашган ҳаво (баллистик тўлқин) вужудга келишидир. Бундай ҳолда ўқнинг олд қисми ўткир учли қилиб ясалгани маъқул. Товуш тезлигига яқин тезликда учадиган гранаталарга ҳавонинг қаршилик кучини граната орқасида ҳосил бўладиган ҳавосиз бўшлиқда ҳаво ўрамаларининг пайдо бўлиши юзага келтиради. Шу боис гранаталарни узун ва торайиб борадиган думли қилиб ясаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқ юзаси қанчалик силлиқ бўлса, ҳавонинг ишқаланиш ва қаршилик кучи шунчалик кам бўлади.

Замонавий ўқнинг турли шаклларда чиқарилиши ҳаво қаршилигини камайтириш заруратидан келиб чиққан.


Бошланғич тойилишлар (туртқилар) таъсирида ўқ ствол каналидан учиб чиқаётган пайтда унинг ўқ чизиги билан траекториясига уринма ўртасида бурчак ҳосил бўлади ва ҳавонинг қаршилик кучи унга ўқ чизиги бўйлаб эмас, балки бурчак остида таъсир этади ҳамда нафақат ўқнинг тезлигини камайтиришга, балки уни ағдаришга ҳам ҳаракат қиласди (б-расм).



6-расм. Ҳаво қаршилик кучининг ўқ учисига таъсири.

Ўқ ҳавонинг қаршилик кучи таъсирида ағдарилиб кетмаслиги учун ствол каналидаги сойлар ёрдамида ўқка айланма ҳаракат берилади (масалан, Калашников автоматидан ўқ отиш вақтида ствол каналидан ўқ учиб чиқаётганида унинг айланиш тезлиги бир сонияда 3000 мартани ташкил этади). Тез айланаётган ўқ ҳавода учаётганида қуидаги ҳодисалар юз беради. Ҳавонинг қаршилик кучи ўқнинг бош қисмини юқорига ва орқага буришга ҳаракат қиласи. Аммо ўқнинг бош қисми тез айланиши натижасида гироскоп хусусиятига мос равища, берилган ҳолатни сақлаб қолишига ҳаракат қиласи ва юқорига эмас, балки ҳавонинг қаршилик кучи йўналишига тўғри бурчак остида ўзи айланаётган томонга жуда сезиларсиз даражада оғади. Ўқнинг бош қисми ўнг томонга оғиши билан ҳавонинг қаршилик кучи йўналиши ўзгаради ва ўқнинг бош қисмини ўнгга ва орқага буришга ҳаракат қиласи, аммо ўқнинг бош қисми ўнгга эмас, балки пастга бурилади ва ҳ.к.

Ҳавонинг қаршилик кучи доимий таъсир этганлиги, унинг ўқка нисбатан йўналиши ўқнинг ўзак чизиғи (ўқи) оғишига мос равища алмашиниши натижасида ўқнинг бош қисми ҳавода айлана тасвирини, унинг ўқи эса бош қисми оғирлик марказида бўлган конусни чизади. Натижада конуссимон ёки процессион деб аталувчи ҳаракат вужудга келади, яъни ўқ гўёки траектория эгри чизигининг ўзгаришини кузатиб боргандек бўлади (7-расм).



7-расм. Ўқнинг секин кечувчи конуссимон ҳаракати

Ўқнинг секин кечувчи конуссимон ҳаракати маркази (ўқи) траекторияга уринмадан бироз ортда қолади (траекториядан

юқорида жойлашади). Демак, ўқ ҳаво оқимиға күпроқ қуи қисми билан түқнашади ва секин кечувчи конуссимон ҳаракат ўқи айланиш томонга (ствол сойи ўнг томонга бўлганда ўнгга) оғади. Ўқнинг отиш сатҳидан у айланадиган томонга оғиши *деривация* деб аталади (8-расм).



8-расм. Деривация (траекториянинг юқоридан кўриниши)

Шундай қилиб, деривация сабаблари қуидагилардир: ўқнинг айланма ҳаракати, ҳаво қаршилиги ҳамда траекторияга уринманинг оғирлик кучи таъсирида пасайиши. Ушбу сабаблардан ақалли биттаси бўлмаса, деривация бўлмайди.

Ўқ отиш жадвалларида деривация йўналишга тузатиш сифатида мингликларда (мингдан бир қисмда) кўрсатилади. Бироқ ўқотар қуролдан ўқ узишда деривация катталиги арзимасдир. Масалан, 500 м узоқликда у 0,1 мингликдан ошмайди ва унинг ўқ отиш натижаларига таъсири амалда инобатга олинмайди.

Ўқларнинг ғужлиги (зич тегиши)ни ошириш учун айрим гранаталарга газлар оқими ҳисобидан секин кечадиган айланиш берилади. Граната айланishi оқибатида унинг ўқни оғдирувчи кучлар моментлари кетма-кет турли томонларга таъсир этади, шу боис ўқ отиш ғужлиги яхшиланади.

Ўқ (снаряд) траекториясини ўрганиш учун қуидаги таърифлар қабул қилинган (9-расм).



9-расм. Траектория элементлари

Ствол оғзи қирқимининг маркази ўқ үчиб чиқадиган нүкта деб аталади. Бу нүкта траекториянинг боши ҳисобланади.

Үқ үчиб чиқиши орқали ўтадиган горизонтал юза қурол горизонти деб аталади. Қурол ва траекторияни ёнбошдан акс эттирувчи чизмаларда қурол горизонти горизонтал чизик күринишида акс этади. Траектория қурол горизонтини икки марта, яни ўқ үчиб чиқиши нүктасида ва ерга тушиши нүктасида кесиб ўтади.

Нишонга қаратилған қурол стволи канали ўқининг давоми ҳисобланувчи түгри чизик құтарилиб бориши чизиги деб аталади.

Құтарилиб бориши чизиги орқали ўтадиган вертикаль юза ўқ отиши юзаси деб аталади.

Құтарилиб бориши чизиги ҳамда қурол горизонти ўртасида ҳосил бўлган бурчак құтарилиб бориши бурчаги деб аталади. Агар бу бурчак манфий бўлса, оғиши бурчаги деб аталади.

Үқ үчиб чиқиши пайтида ствол канали ўқининг давоми ҳисобланувчи түгри чизик улоқтириши чизиги деб аталади.

Улоқтириш чизиги ва қурол горизонти ўртасида ҳосил бўлган бурчак улоқтириши бурчаги деб аталади.

Құтарилиб бориши бурчаги ва улоқтириш чизиги ўртасидаги бурчак үчиб чиқиши бурчаги деб аталади.

Траекториянинг қурол горизонти билан кесишишган нүктаси қулаши нүктаси деб аталади.

Қулаш нүктасидаги траектория билан уринма ҳамда қурол горизонти ўртасидаги бурчак қулаши бурчаги деб аталади.

Учиб чиқиш нұқтасидан қулаш нұқтасигача бўлган масофа *тўлиқ горизонтал узоклик* деб аталади.

Ўқ (снаряд)нинг қулаш нұқтасидаги тезлиги *охирги тезлик* деб аталади.

Ўқ (снаряд)нинг учеб чиқиш нұқтасидан қулаш нұқтасигача ҳаракатланиш вақти *учишининг тўлиқ вақти* деб аталади.

Траекториянинг энг юқори нұқтаси *траектория чўққиси* деб аталади.

Траектория чўққисидан қурол горизонтигача бўлган энг қисқа масофа *траекториянинг баландлиги* деб аталади.

Траекториянинг учеб чиқиш нұқтасидан чўққисигача бўлган қисми *кўтарилиб борувчи тармоқ* деб, чўққисидан қулаш нұқтасигача бўлган қисми эса *пастлаб борувчи тармоқ* деб аталади.

Қурол йўналтирилган нишондаги ёки ундан ташқаридаги нұқта *нишонга олиш нұқтаси* деб аталади.

Мерган кўзидан бошланиб мўлжаллагич тирқишининг ўртасидан (унинг қирралари даражасида) ва мушка (нишонча) чўққиси орқали мўлжал нұқтасига ўтадиган чизик *нишонга олиш чизиги* деб аталади.

Кўтарилиб бориш чизиги ҳамда нишонга олиш чизиги ўртасида ҳосил бўлган бурчак *нишонга олиш бурчаги* деб аталади.

Нишонга олиш чизиги ҳамда қурол горизонти ўртасида ҳосил бўлган бурчак *нишон жойининг бурчаги* деб аталади.

Ўқнинг учеб чиқиш нұқтасидан бошланиб траектория нишонга олиш чизиги билан кесишиган жойгача давом этадиган масофа *мўлжалга олиш масофаси* деб аталади.

Траекториянинг исталган нұқтасидан нишонга олиш чизигигача бўлган энг қисқа масофа *траекториянинг нишонга олиш чизигидан баландлиги* деб аталади.

Траекториянинг нишон (ер, тўсиқ) юзаси билан кесишиган нұқтаси *учрашиш нұқтаси* деб аталади.

Траекторияга уринма ҳамда нишон юзаси (ер, тўсиқ)га уринманинг учрашиш нұқтасида ҳосил бўладиган бурчак *учрашиш бурчаги* деб аталади. Учрашиш бурчаги деб 0 дан 90^0 гача бўлган ўлчамдаги ёндош бурчаклардан кичкинаси қабул қилинади.

Ўқнинг ҳаводаги траекторияси қуйидаги хоссаларга эга:

– пастдаги тармоқ юқорилаб борувчи тармоқдан қисқа ва тикроқдир;

- қулаш бурчаги улоқтириш бурчагидан катта;
- ўқнинг охирги тезлиги бошланғич тезлигидан камрок;
- улоқтириш бурчаги катта бўлган ўқ отиш пайтида ўқнинг учиш тезлиги – траекториянинг пастлаб борувчи тармоғида, кичикроқ бурчакда улоқтириш бўладиган ўқ отишда эса қулаш нуқтасида энг кичик бўлади;
- траекториянинг юқорилаб борувчи тармоғи бўйлаб ўқнинг ҳаракатланиши унинг пастлаб борувчи траектория тармоғидагига қараганда камроқ вақт давом этади;
- айланма ҳаракат қилаётган ўқнинг траекторияси ўқ оғирлик кучи ва деривация таъсирида пасайиб бориши оқибатида икки хил эгриликка эга чизик кўринишида бўлади.

Мўлжалга олиш (нишонга тўғрилаш)

Ўқ нишонга бориши ва унга ёки керакли нуқтага тегиши учун ўқ отишгача бўлган даврда ствол канали ўқини фазода (горизонтал ва вертикал текисликда) муайян ҳолатга келтириш лозим.

Фазода қуролнинг ствол каналини отиш учун зарур ҳолатга келтириш *мўлжалга олиш* ёки *нишонга тўғирлаш* (наводка) деб аталади.

Қурол стволининг каналини горизонтал текислик бўйича талаб этилаётган ҳолатга келтириш *горизонтал нишонга тўғирлаш* (*наводка*) деб аталади. Вертикал текислик бўйича ствол каналига йўналиш беришга эса *вертикал нишонга тўғирлаш* дейилади.

Нишонга тўғирлаш мўлжалга олиш мосламалари ҳамда нишонга тўғирлаш механизmlари ёрдамида амалга оширилади ва у икки босқичда бажарилади.


Биринчи навбатда, мўлжалга олиш мосламалари ёрдамида нишонгача бўлган масофага ва турли шароитларда отишдаги тузатишларга мос равишда бурчаклар чизмаси тузилади (нишонга тўғирлашнинг биринчи босқичи). Кейин қуролда вужудга келтирилган бурчаклар чизмаси нишонга тўғирлаш механизmlари ёрдамида ҳудудда аниқланган чизма билан мослаштирилади.

Агарда горизонтал ва вертикал нишонга тўғирлаш бевосита нишонга ёки нишон яқинидаги ёрдамчи нуқтага нисбатан амалга оширилса, бундай нишонга тўғирлаш *тўғри нишонга тўғирлаш* деб аталади.

Ўқотар қуроллардан ва гранатомёт отишда битта мўлжалга олиш чизигидан фойдаланиб амалга ошириладиган тўғри нишонга тўғирлаш қўлланилади.

Мүлжал қирқими ўртасини мушка тепаси билан ўзаро бирлаштирувчи тўғри чизик мүлжал чизиги дейилади.


Очиқ мүлжал билан нишонга тўғирлашни амалга ошириш учун мүлжал қирқимини силжитиш орқали мүлжал чизигига шундай ҳолат бериш керакки, бунда мүлжал чизиги билан ствол канали ўқи ўртасида вертикал текисликда нишонгача бўлган масофага мос келувчи бурчак ҳосил бўлсин, горизонтал текисликда эса ёnlама шамол тезлигига ёки нишоннинг ёnlама ҳаракат тезлигига боғлиқ бўлган ёnlама тузатишга teng бурчак ҳосил бўлсин (10-расм).



10-расм. Очик мүлжаллагич ёрдамида мүлжалга олиш: O – мушка; a – целик; aO – мүлжал чизиги; cC – ствол каналининг ўқи; oO – ствол каналининг ўқига параллел чизик; H – мүлжаллагич баландлиги; M – мүлжал (целик) кўчшининг катталиги; a – нишонга олиши бурчаги; Ub – ёnlама тузатиш бурчаги.

Мүлжал (целик)нинг доимий ўрнатилишига эга бўлган қурол (масалан, Макаров пистолети)да ствол канали ўқининг вертикал юзадаги талаб этиладиган ҳолати нишонгача бўлган масофага мувофиқ келадиган нишонга олиш нуқтасини танлаш ва мүлжалга олиш чизигини ушбу нуқтага йўналтириш орқали берилади. Ёнбош йўналишда ҳаракатсиз мүлжаллагич қирқими бўлган қуролда (масалан, Калашников автомати)да ствол канали ўқининг горизонтал юзадаги талаб этиладиган ҳолати ёнбош тузатишга мувофиқ келадиган нишонга олиш нуқтасини танлаш ва мүлжалга олиш чизигини унга йўналтириш орқали эришилади.

Оптик мүлжаллагичда мүлжалга олиш чизиги мүлжаллагич асосининг чўққиси ва объектив маркази орқали ўтувчи тўғри чизикдир (11-расм).




11-расм. Оптик мүлжаллагич ёрдамида нишонга олиш: aO – нишонга олиш чизиги; cO – ствол канали ўқига параллел чизик; a – нишонга олиш бурчаги; Ub – ёнбош тузатиши бурчаги.

Оптик мүлжаллагич ёрдамида мүлжалга олиш учун мүлжаллагич механизмлари ёрдамида мүлжалга олиш чизиги (мүлжаллагич түрига эга каретка)га шундай ҳолат берилади, бунда ушбу чизик ва ствол канали ўқи ўртасида вертикаль юзада нишонга олиш бурчагига тенг бурчак, горизонтал юзада эса – ёнбош тузатишига тенг бурчак ҳосил бўлади. Сўнгра қурол ҳолатини ўзгартириш орқали мүлжалга олиш чизигини нишон билан бирлаштириш керак, бунда ствол канали ўқига маконда талаб этиладиган ҳолат берилади.

Траекториянинг шакли ва амалий аҳамияти

Траекториянинг шакли кўтарилиш бурчагининг катталиги боғлиқдир. Кўтарилиш бурчаги оширилиши билан траектория баландлиги ва ўқнинг тўлиқ горизонтал учиш узоқлиги ошади. Лекин бу маълум бир чегарагача давом этади. Бу чегарадан кейин траектория баландлашуви ошиши давом этади, тўлиқ горизонтал узоқлик эса камая бошлайди (12-расм).



12-расм. Энг узоқ бурчак, ётиқ, осма ва ёндош траекториялар.

Ўқ (граната) учишининг тўлиқ горизонтал узоқлиги юқори бўладиган кўтарилиш бурчаги энг катта узоқлик бурчаги деб аталади. Энг катта узоқликка учиш бурчагининг катталиги турли хил қурол ўқлари учун 35° га яқинни ташкил қиласди.

Кўтарилиш бурчаги энг катта узоқликка учиш бурчагига нисбатан кичик бўлган траекториялар ётиқ траекториялар деб аталади. Энг узоқ масофа бурчагига нисбатан каттароқ кўтарилиш бурчагини оладиган траекториялар ёйсимон траекториялар деб аталади.

Битта қуролдан отишда (бошланғич тезлиги бир хил бўлган) горизонтал узоқлиги ҳар хил бўлган 2 та траектория олиш мумкин.

Кўтарилиш бурчаклари ҳар хил, лекин бир хил горизонтал траекториялар туташи траекториялар деб аталади.

Ўқотар қуроллардан ва гранатомётдан отишда фақат ётиқ траекториялар қўлланилади. Қанчалик траектория ётиқ бўлса, шунчалик катта ҳудуддаги нишонларни мўлжални бир марта ўрнатиш орқали маҳв этиш мумкин. Ётиқ траекториянинг амалий аҳамияти шундан иборат.

Траекториянинг ётиқлиги (ер бағирлаб кетиши)га унинг нишонга олиш чизигидан бироз юқори бўлиши хосдир. Бундай масофада траектория нишонга олиш чизигидан қанчалик кам кўтарилиса, шунчалик ётиқ бўлади. Бундан ташқари, траекториянинг ётиқлиги ҳақида ўқнинг тушиш катталиги бўйича хулоса чиқариш мумкин: қулаш бурчаги қанчалик кичик бўлса, траектория шунчалик ётиқ бўлади.

Агарда ўқ ўзининг бутун учиш траекторияси мобайнида нишонга нисбатан баландга кўтарилимаса, бундай отишга бевосита ўқ отиш деб аталади (13-расм).



13-расм. Бевосита ўқ отиш.

Жангнинг қизғин вазиятларида бевосита ўқ отиш масофаси чегарасида ўқ отишда, мўлжални ўзгартирмасдан туриб, баландлик бўйича мўлжалга олиш нуқтаси одатда нишоннинг пастки чеккасидан танланади. Бевосита ўқ отиш масофаси нишоннинг баландлигига ва траекториянинг ётиқлигига боғлиқ. Нишон қанчалик баланд бўлса, траектория ҳам шунчалик ётиқ бўлади, бевосита ўқ отиш масофаси қанчалик узоқ бўлса, мўлжалга олиш мосламасини битта ҳолатга ўрнатиш орқали шунчалик узоқ масофадаги нишон маҳв этилиши мумкин.

Бевосита ўқ отиш масофасини жадваллар бўйича нишон баландлигини траекториянинг нишонга олиш чизигидан энг кўп кўтарилиши катталиклари ёки траекториянинг баландлиги билан қиёслаш орқали аниқлаш мумкин.

Бевосита ўқ отиш масофасидан катта масофада жойлашган нишонларга қарата ўқ отища траектория унинг чўққиси яқинида нишондан юқорироққа кўтарилади ва мўлжаллагич бир хил ўрнатилганида қайсиdir масофада нишонга ўқ тегмайди.

Жойнинг траекториянинг пастки тармоғи нишон баландлигидан юқори бўлмаган масофаси ўқ *тегадиган макон* (*ўқ тегадиган макон чуқурлиги*) деб аталади.

Ўқ тегадиган макон чуқурлиги нишоннинг баландлигига (нишон қанчалик баланд бўлса, бу макон шунчалик катта бўлади), траекториянинг ётиклигига (траектория қанчалик ётиқ бўлса, макон шунчалик катта бўлади) ҳамда жойнинг оғиш бурчагига боғлик бўлади (олдинги нишабликда у камаяди, орқа нишабликда эса ортиб боради).

Ўқ тегадиган макон чуқурлигини *нишонга олиши чизигидан траекториянинг ошиши жадвалари бўйича* траекториянинг тегишли ўқ отиш узоқлигига пастки тармоғи юқори қисмини нишоннинг баландлиги билан қиёслаш орқали, агар нишон баландлиги траектория баландлигининг $1/3$ баландлигидан кам бўлган ҳолда эса минглик формуласи бўйича аниқлаш мумкин.

Нишон нишабликда жойлашган ёки нишон жойининг бурчаги мавжуд бўлган ҳолда ўқ тегадиган макон чуқурлигини юқорида кўрсатилган усуллар билан аниқлаш лозим, бунда олинган натижани қулаш бурчагининг учрашиш бурчагига нисбатига кўпайтириш зарур.

Нишабли жойда ўқ тегадиган макон чуқурлигини ошириш учун ўқ отиш позициясини шундай танлаш лозимки, рақиб жойлашувидағи жой имкон қадар нишонга олиш чизиғининг давомига мос келиши керак. Ўқ ўтмайдиган тўсиқ ортидаги маконнинг қиррасидан учрашиш нуқтасигача бўлган қисми *пана макон* деб аталади. Тўсиқ баландлиги қанчалик юқори бўлса ва траектория қанчалик ётиқ бўлса, пана макон шунчалик катта бўлади.

Пана маконнинг муайян траекторияда нишонга ўқ тегиши мумкин бўлмаган қисми *ўлик* (*ўқ тегмайдиган*) макон деб аталади. Тўсиқ баландлиги қанчалик катта, нишон баландлиги қанчалик кичкина ва траектория қанчалик ётиқ бўлса, ўлик макон шунчалик катта бўлади. Ёпиқ маконнинг нишонга ўқ тегиши мумкин бўлган бошқа қисми ўқ тегадиган маконни ташкил қиласи (14-расм).



14-расм. Ёпик, кўринмайдиган ва ўқ тегадиган ҳудуд.

Ёпик макон чуқурлигини траекториянинг мўлжаллаш чизигидан ошишини жадваллар бўйича аниқлаш мумкин. Танлов орқали тўсиқ баландлиги ва унгача бўлган масофага мос келувчи баландлик қидириб топилади. Шундан сўнг унга мувофиқ келувчи мўлжаллагич нуқтаси ва ўқ отиш масофаси аниқланади. Ўқ отишнинг муайян масофаси ҳамда тўсиқ (пана жой)гача бўлган масофа ўртасидаги фарқ ёпик макон чуқурлигининг катталигидир.

Станокларга ўрнатилган пулемётлар орқали ёпик макон чуқурлиги мўлжсалга олиши бурчаклари бўйича аниқланиши мумкин. Бунинг учун пана жойгача бўлган масофага мос мўлжаллагич ўрнатилиши ҳамда пулемётни пана жой қирғогига йўналтириш зарур. Шундан кейин пулемёт мўлжалини ўзгартиргмаган ҳолда мўлжаллагич пана асоси тагига йўналтирилади. Ушбу мўлжаллагичлар ўртасидаги фарқ метрларда ифодаланиб ёпик макон чуқурлигини ташкил қиласи. Бунда тўсиқ ортидаги жой тўсиқ асоси тагига йўналтирилган нишонга олиш чизигининг давоми ҳисобланади.

Ёпик ва ўлик макон катталигини билиш тўсиқлардан душман ўқидан ҳимояланишда тўғри фойдаланишга ҳамда ўқ отиш позицияларини тўғри танлаш ва анча катта баландликдаги траекторияга эга қуролдан нишонга ўқ отиш орқали ўлик маконларни камайтириш чораларини кўришга имкон беради.

Ўқ (гранта)нинг учшига отиши шароитларининг таъсiri

Траекторияларнинг график маълумотлари нормал шароитда отишга мос келади.

Нормал шароитлар сифатида қуйидагилар қабул қилинган:

а) метеорологик шароитлар:

- атмосфера босими 750 мм симоб устунига teng;
- ҳаво ҳарорати + 15 °C;
- ҳавонинг нисбий намлиги 50 %;

– шамолнинг йўқлиги (атмосфера қўзғалмас);

б) баллистик шароитлар:

– ўқ (граната)нинг оғирлиги бошлангич тезлик ва учиш бурчаги отиш бурчагидаги кўрсаткич белгиларига тенг;

– заряднинг ҳарорати $+15^{\circ}\text{C}$;

– ўқ (граната)нинг шакли чизмада кўрсатилганига мос;

– мушканинг баландлиги қуролни нормал жанговар ҳолатга келтириш кўрсаткичига мос ҳолда ўрнатилган, мўлжалнинг баландлиги (бўлими) мўлжалга олишнинг график бурчакларига тўғри келади;

в) топографик шароитлар:

– нишон қурол горизонтида жойлашган;

– қуролнинг ёnlама оғиши мавжуд эмас.


Отиш вақтида ўқ (граната)ларнинг сочилиши

Сочилиш ҳодисаси

Битта қуролдан қанчалик диққат билан бир хил шаклда отишга уринмайлик, ҳар бир ўқ (граната) ташқи шароитлар таъсирида ўзининг траекториясини чизади ва ўзининг тегиши нуқтасига эга бўлади, натижада ўқ (граната)ларнинг сочилиб тегиши юзага келади.

Деярли бир хил шароитда ва бир хил қуролдан отишдаги ўқ (граната)ларнинг сочилиш ҳодисаси ўқ (граната)ларнинг *табиий сочилиши ёки траекторияларнинг сочилиши деб аталади*.

Табиий сочилиш натижасида юзага келган ўқлар траекториясининг йиғиндисига *траекториялар тўплами* деб аталади. Траекториялар тўплами ўртасидан ўтган траектория ўрта траектория деб аталади. График ва ҳисоб маълумотлари ўрта траекторияга тегишлидир (15-расм). Ўрта траекториянинг нишон билан тўқнашиш нуқтасига ўртacha тегиши нуқтаси ёки *сочилиш маркази* деб аталади.



15-расм. Траекториялар «сноп»и, ўқнинг сочилиши майдони, сочилиши ўқи: а – вертикал юзада; б – горизонтал юзада; ўртacha траектория пунктит чизиқ билан

белгиланган; СТП – ўртача тегиши нуқтаси; ВВ1 – баландлик бўйича сочилиши ўқи; ББ1 – ёнбошлама йўналишида улар бўйича сочилиши ўқи; ДД1 – узоқлик бўйича сочилиши ўқи.

Ўқлар траекториялари тўпламининг қандайdir бир юза билан учрашуви натижасида вужудга келган текисликка *сочилиши майдони деб аталади*.

Сочилиш маркази (ўртача тегиши нуқтаси) орқали ўтказилган ўзаро перпендикуляр тўғри чизиқлар *сочилиши ўқлари* деб аталади ва бу ўқларнинг бири отиш йўналишига мос келиши керак.

Ўқнинг нишон (юза) билан учрашиш нуқтасидан сочилиш ўқларигача бўлган энг яқин масофага *оғии* деб аталади.

Сочилиш сабаблари

Ўқ (граната)ларнинг сочилишини келтириб чиқарувчи сабаблар уч гуруҳга бўлиниши мумкин:

- бошланғич тезликнинг турлича бўлишини келтириб чиқарувчи сабаблар;
- отиш бурчагини ва йўналишининг турлича бўлишини келтириб чиқарувчи сабаблар;
- ўқ (граната) учиш шароитининг турлича бўлишини келтириб чиқарувчи сабаблар.

Бошланғич тезликнинг турлича бўлишини келтириб чиқарувчи сабаблар: порох заряди ва ўқ (граната) оғирлиги ўртасидаги нисбатнинг ҳар хиллиги, гильза ҳамда ўқларнинг шакли ва ўлчамлари, порохнинг сифати, зарядлаш зичлиги ва ҳоказо:

- ҳаво ҳароратига ёки қизиган стволда патроннинг туриш вақтига боғлиқ равища заряд ҳароратининг турлича бўлиши;
- ствол қизиш даражасининг ҳар хиллиги.

Бу сабаблар бошланғич тезликнинг тебранишига олиб келади ва натижада ўқларнинг учиш узоқлиги турлича бўлади, яъни ўқларнинг баландлик, узоқлик бўйича сочилиши юзага келади.

Отиш бурчаги ва отиш йўналишининг турлича бўлиши сабаблари:

- нишонга тўғирлашнинг горизонтал ва вертикал ҳолатларидаги ҳар хиллик (мўлжалга олишдаги хатоликлар);
- автоматни барқарор ушламаслик, отишга ҳар хил тайёргарлик кўриш натижасида юзага келадиган турлича отиш бурчагининг ва қуролнинг ёнлама силжишининг вужудга келиши;
- қаторасига отишка стволнинг бурчакли тебраниши, бу ҳолат қуролнинг тепиши ва ҳаракатланувчи қисмларнинг зарбасидан ҳосил бўлади.

Бу сабаблар ўқларнинг ёnlама ва баландлик бўйича сочилишига олиб келади, сочилиш майдонининг катталигига энг кўп таъсир кўрсатади.

Ўқ учиш шароитининг турлича бўлишини келтириб чиқарувчи сабаблар:

– атмосфера шароитларининг турличалиги, асосан, отиш оралиқларидағи шамол йўналиши ва тезлигининг ўзгариши;

– ҳаво қаршилик кучининг ўзгаришини келтириб чиқарувчи ўқ (граната)нинг оғирлигидаги, шаклидаги ва ўлчамларидаги турли хиллик.

Бу сабаблар ёnlама йўналиш бўйича ўқлар сочилишининг ошишига ва баландлик бўйича ўзгаришларга олиб келади.

Ҳар бир отишда ҳар учала гуруҳ сабабларининг ҳаммаси турли хил миқдорда отишга таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, ўқлар траекториясининг турлича бўлишини келтириб чиқаради.

Сочилишни юзага келтирадиган сабабларни ва шундан келиб чиқкан ҳолда, сочилишни ҳам бартараф этиш мумкин эмас. Лекин сочилиш сабабларини билгандан кейин, уларнинг таъсирини камайтириш ва шу орқали ўқнинг тегиши зичлигини ошириш мумкин.

Сочилиш қонуни

Кўплаб (20 дан ортиқ) ўқлар отилганида ўқ билан нишон учрашган нуқталардаги сочилиш майдонида муайян қонуният кузатилади. Ўқ (граната)лар сочилиши нормал тасдифий хатолар қонунига бўйсунади, бу қонун ўқлар (гранаталар) сочилишига нисбатан *сочилиш қонуни* деб аталади. Ушбу қонунга қўйидаги учта қоида хос:

1) сочилиш майдонидаги учрашиш нуқталари (тешиклар) *нотекис* жойлашади, яъни сочилиш марказида зичроқ ва сочилиш майдонининг атрофларида сийракроқ;


2) сочилиш майдонида сочилиш маркази ҳисобланувчи нуқтани (ўртача тегиши нуқтасини) аниқлаш мумкин, учрашиш нуқталари (тешиклар) ана шу нуқтага нисбатан *симметрик* жойлашади; сочилиш ўқларидан иккала томондаги учрашиш нуқталари сони бир хил (мутлақ катталиқ бўйича кенг доирада жойлашган) бўлади ҳамда сочилиш ўқидан бўладиган бир томонга оғишнинг ҳар бирига нисбатан тескари томонга ҳам худди шундай оғиш мавжуд бўлади;

3) ҳар бир хусусий ҳолда учрашиш нүқталари (тешиклар) чексиз эмас, балки чекланган майдон эгаллайди.

Шундай қилиб, сочилиш қонунини умумий күринишида қыйидаги ифодалаш мүмкін: *амалда бир хил шарт-шароитларда отилган ўқлар етарлича күп бўлганида ўқлар (гранаталар) сочилиши нотекис, симметрик ва чексиз эмас.*

Ўртача тегиши нүқтасини аниқлаш

Тешиклар сони кам (5 тагача) бўлган ҳолатда ўртача тегиши нүқтаси оралиқлари кетма-кет бўлиш орқали аниқланади (16-расм).



16-расм. Қирқимларни кетма-кет бўлиш орқали ўртача тегиши нүқтасини бешига тешик бўйича аниқлаш.

Бунинг учун қыйидагилар зарур:

- икки тешик ўзаро тўғри чизик билан бирлаштирилади ва оралиқ тенг иккига бўлинади;
- ҳосил бўлган нүқта учинчи тешик билан бирлаштирилади ва улар орасидаги масофа тенг уч қисмга бўлинади; сочилиш марказида тешиклар (ўқнинг текислик билан учрашиш нүқтаси)нинг зичроқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, учта тешикнинг ўртача тегиши нүқтаси сифатида биринчи иккита тешикка яқин бўлган қисм нүқтаси қабул қилинади;
- учта тешик учун аниқланган ўртача тегиши нүқтаси тўртинчи тешикка чизик ёрдамида бирлаштирилади ва улар орасидаги масофа тенг тўрт қисмга бўлинади; олдинги учта тешикка яқин бўлинма нүқтаси тўртта тешик учун ўртача тегиши нүқтаси ҳисобланади.

Тўртта тешикдан яна қыйидаги усулда ўртача тегиши нүқтасини аниқлаш мүмкін. Ёнма-ён жойлашган тешиклар ўзаро жуфт-жуфт қилиб тўғри чизик ёрдамида бирлаштирилади, ҳосил бўлган тўғри чизиқларнинг ўртаси бир-бири билан бирлаштирилиб, ҳосил бўлган оралиқ масофа тенг иккига бўлинади ва вужудга келган шу нүқта тўртта тешик учун ўртача тегиши нүқтаси ҳисобланади.

Бешта тешик мавжуд бўлган ҳолда ҳам шу усулда ўртacha тегиш нуқтаси аниқланади.

Тешиклар сони кўп бўлганда сочилишнинг симметриклиги асосида ўртacha тегиш нуқтасини аниқлаш, сочилиш ўқларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун қўйидагилар зарур:

- тешикларнинг пастки ярми саналиб, улар баландлик бўйича сочилиш ўқида ажратилади;
- шу усулда чап ёки ўнг ярим томондаги тешиклар саналади ва улар ёnlама йўналиш бўйича сочилиш ўқи билан ажратилади;
- сочилиш ўқларининг кесишиган нуқтаси ўртacha тегиш нуқтаси хисобланади.

Ўртacha тегиш нуқтасини хисоблаш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун қўйидагилар зарур:

- чап (ўнг) томонидан тешик орқали вертикал чизик чизилади ва бу чизиқдан ҳар бир тешиккача бўлган масофа ўлчаб аниқланади; ўлчаб топилган ҳамма масофаларнинг катталиклари ўзаро қўшилади ва ҳосил бўлган йиғинди тешиклар сонига бўлинади;
- пастки (юқоридаги) тешик орқали горизонтал чизик чизилади ва бу чизиқдан ҳар бир тешиккача бўлган масофа ўлчаб аниқланади; ўлчаб аниқланган ҳамма масофаларнинг катталиклари ўзаро қўшилади ва ҳосил бўлган йиғинди тешиклар сонига бўлинади.


Ҳосил бўлган сонлар ўртacha тегиш нуқтасининг ўтказилган чизиқлардан узоқлигини кўрсатади.

Автоматик қуролдан отища тисланиш энергиясининг бир қисми қуролни қайта ўқлаш механизмини орқага қайтариш учун сарфланади, шу сабабли автоматик қуролларда тисланиш кучи автоматлаштирилмаган қуролларга нисбатан кам бўлади. Ствол каналида газ бурувчи тешик бўлган автоматик қуролларда газ уячасининг олдинги деворига газларнинг босим бериши натижасида стволнинг ўқ отища газ бурувчи тешикнинг қарама-карши томонига қисман оғиши юзага келади.

Тисланиш кучи ва тисланишга қаршилик кучи (кўндоқ таянчи, дастаклар, қуролнинг оғирлик маркази) битта тўғри чизиқда жойлашмаган ва улар қарама-карши томонга йўналган. Улар бир жуфтни ташкил қилиб, бу кучлар таъсирида қурол стволнинг оғиз қисмини юқорига иргитади. Бу жуфт қўлларнинг елкаси қанчалик

катта бўлса, стволнинг оғиз қисми шунчалик кўп юқорига сакрайди.

Қурол тисланишининг ўқ отиш натижаларига салбий таъсирини камайтириш мақсадида баъзи бир ўқотар қуролларга махсус мосламалар – барқарорлаштирувчилар (дулный тормоз компенсатор) ўрнатилади (17-расм). Масалан, Калашников автоматида стволдан отилиб чиқаётган газлар компенсатор деворига урилиб, стволнинг оғиз қисмини пастга ва чапга бироз оғиштиради.



АКМ автоматида компенсатор

АК-74 автоматида дульный тормоз компенсатор

17-расм. Калашников автомати стволидан отилиб чиқаётган газлар барқарорлаштирувчи (ДТК) деворига урилиб чиқши жараёни

5-§. Макаров пистолети (ПМ)



Николай Фёдорович Макаров
(09.05.1914-13.05.1983)

9 мм ли Макаров пистолети 1948 йил Николай Фёдорович Макаров томонидан ихтиро қилинган бўлиб 1951 йил собиқ СССРнинг катта офицерлар таркибини қуроллантириш мақсадида қуролланишга қабул қилинган.

9 мм ли Макаров пистолети шахсий таркибнинг хужум ва химоя қуроли бўлиб, душманни яқин масофаларда йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Пистолетдан 50 метргача масофада мўжалга олиб отиш анча юқори самара беради.

9 мм ли Макаров пистолетининг жанговар хусусиятлари

T/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	315 м/с
3.	Жанговар отиш тезлиги	30 патрон (бир дақиқада)
4.	Ўқнинг жароҳатлаш масофаси	350 м
5.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	50
6.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	730 гр
7.	Пистолетни 8 та патрон билан оғирлиги	810 гр
8.	Пистолетни узунлиги	161 мм
9.	Стволнинг узунлиги	93 мм
10.	Пистолетни баландлиги	126,75 мм
11.	Пистолетнинг эни	30,5 мм
12.	Нарезлар сони	4 та.
13.	Магазин сифими	8 патрон
14.	Патрон	9x18
15.	Патрон оғирлиги	10 гр
16.	Порох зарядининг оғирлиги	0,25 гр

9 мм ли Макаров пистолети фойдаланиладиган патронларнинг жанговар хусусиятлари

9 мм ли пистолет патрони гильза, пистон, порохли заряд ва ўқдан иборат (18-расм).



18-расм. Патроннинг тузилиши.

Гильза порохли зарядни жойлаштириш ва патроннинг ҳамма қисмларини бирлаштириш учун хизмат қиласди. У порохли зарядни ва пистонни ташқи таъсирлардан ҳимоя қиласди ва отиш вақтида

ствол каналидан патрондон орқали газларнинг орқага ҳаракатланиш йўлини ёпиб туради.



- 1-гильза;
- 2-пистон;
- 3-порохли заряд;
- 4-ўқ қўрғошин;
- 5-пўлат ва мис копламаси;
- 6-пўлатдан ясалган ўзак;
- 7-қўрғошинли қоплама.

Гильза тубида пистон учун уя, пистонни турткич зарбасидан кейин тешувчи сандон, пистон таркиби ёнганидан кейин, унинг алангаси порохли зарядга ўтадиган иккита тешик мавжуд. Гильза тубининг ташқи қисмида улоқтиргич тишчаси (илгаги) кириши учун айлана арикча бор.

Ўқ қўрғошин ўзакдан, пўлат ва мис копламидан иборат. Ўқ гильзага сиқиб киритиш орқали ўрнатилади.

Заряд тутунсиз пироксилини порохдан иборат.

Пистон порохли зарядни ёндириш учун хизмат қиласи. Пистон латун калпокчадан, унга зичлаб солинган зарбли таркибдан ва зарбли таркибни беркитиб турадиган калайи копламадан ташкил топган.

Турткич зарба берганида зарбли таркиб аланга олади.

Патронлар магазинга бир қатор жойланади. Магазинни ўқлаш унга патронни кўл билан жойлаштириш орқали бажарилади.

Пистолетнинг асосий қисм ва механизмлари.

Пистолетнинг асосий қисм ва механизмларининг тузилиши ҳамда вазифалари:

Стволли асос тушириши халқаси билан – ўқнинг учишига йўналиш бериш учун хизмат қиласи;

Затвор – патрондонга магазиндан патронни етказиб бериш, отища ствол каналини ёпиш, гильзани ушлаб туриш (чиқариб олиш) ва тепкини жанговар ҳолат (взвод)га келтириш учун хизмат қиласи;

Туртқич – пистонни чақиш учун хизмат қиласи;

Улоқтиргич – қайтаргич билан учрашгунча гильзани затвор косачасида ушлаб туриш учун хизмат қиласи;

Сақлагиң – пистон билан муомала қилишда хавфсизликни таъминлайди;

Қайтарувчи пружина – отишдан кейин затворни олдинги ҳолатига қайтариш учун хизмат қилади;

Зарбдор - тепки механизми:

Тепки ҳалқаси – тепки тортқичидан тортиб тепкини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади;

Тепки – турткичга зарба бериш учун хизмат қилади;

Пружинали шептало – тепкини жанговар ва сақлагиң ҳолат (взвод)ида ушлаб туриш учун хизмат қилади;

Тепки тортқичи взвод дастаги билан – тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва тепки ҳалқасига босилғанда тепкини жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қилади;

Жанговар пружина – тепкини ва тепки тортқичини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади;

Затвор тутқичи – магазинда ҳамма патронлар ишлатиб бўлинганидан кейин затворни орқа ҳолатида ушлаб туриш учун хизмат қилади.

Пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва қайта йиғиши

Пистолетни қисмларга ажратиш ва қайта йиғиши

Пистолетни қисмларга ажратиш нотўлиқёки тўлиқ бўлиши мумкин. Пистолетни қисмларга нотўлиқажратиш – уни тозалаш, мойлаш ва қўздан кечириш учун, тўлиғи эса пистолет жуда ифлосланганида, ёмғир ёки қор остида бўлганида, янги мойга ўтилганида, шунингдек таъмирлаш вақтида амалга оширилади.

Тез-тез тўлиқ қисмларга ажратиш заарли бўлиб, пистолет қисм ва механизмларининг ейилишини тезлаштиради.

Пистолетни қисмларга ажратиш ва йиғишида қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

– қисмларга ажратиш ва йиғиши столда ёки скамейкада, дала шароитида эса тоза тўшамада амалга оширилади;

– қисм ва механизmlар ажратилиш тартибида жойлаштирилиши, улар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва кескин зарбаларга йўл қўйилмаслиги лозим;

– йиғилаётганда қисмларнинг рақамларига эътиборни қаратиб, бошқа пистолетлар қисмлари билан алмашинишига йўл қўймаслик керак.

Пистолетни қисмларга нотұлиқ ажратишиң қуидаги тартибда амалға оширилади:

1. Даста асосидан магазинни чиқариш. Пистолет дастасидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўлнинг бош бармоғи билан магазин зашчёлкаси орқага итарилади (19-расм), айни вақтнинг ўзида чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан магазин қопқоғининг ўсиқ қисмидан тортилиб, магазин дастадан чиқарилади.



19-расм. Магазинни даста асосидан чиқарип олиш

Сақлагич байроқчаси пастга босилиб, пистолет сақлагичдан ечилади, чап қўл билан затвор орқа ҳолатга тортилиб, патрондонга қаралади ва унда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилингач, ўнг қўл бош бармоғи билан затвор ушлагичи босилиб, затвор қўйиб юборилади.

2. Затворни рамкадан ажратиши. Дастани ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан тепки ҳалқасининг олдинги қисмидан пастга тортилиб туширилади (20-расм), уни ўнгга ёки чапга оғдириб, шу ҳолда туриши учун рамкага тираб қўйилади. Пистолетни бундан кейинги қисмларга ажратиши вақтида ҳалқа ўнг қўл кўрсаткич бармоғи билан шу ҳолатда тутиб турилади.




20-расм. Тепки ҳалқасини тортиб тушириши.

Чап қўл билан затвор орқа чекка ҳолатга тортилади ва орқа қисмини бироз кўтарган ҳолда, унинг қайтарувчи пружина таъсирида олдинга ҳаракатланишига йўл қўйиб берилади. Затвор рамкадан ажратилиб (21-расм), тепки ҳалқаси жойига туширилади.



21-расм. Затворни рамкадан ажратиши.

3. Стволдан қайтарувчи пружинани ечиш. Ўнг қўл билан дастадан ушлаган ҳолда, чап қўл билан пружина таълим оловчининг ўзига қаратиб буралиб, стволдан чиқариб олинади (22-расм).



22-расм. Стволдан қайтарувчи пружинани ечиш.



Макаров пистолетининг нотўлиқ ажратишидан кейинги кўрининиши.

Пистолетни қисмларга нотўлиқажратишдан кейин йиғиш **тескари тартибда амалга оширилади**.

1. Стволга қайтарувчи пружинани кийдириш. Рамка дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан пружина охирги ўрамасининг диаметри бошқаларга қараганда кичикроқ бўлган тор қисми билан стволга кийдирилади.

2. Затворни рамкага ўрнатиш. Рамка дастасидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан затворни ушлаб, унга қайтарувчи пружинанинг бўш томони киритилади (23-расм) ва ствол олди

қисми затвор канали ичидан ўтадиган ва ташқарига чиқадиган қилиб затвор орқага сурилади (24-расм). Затворнинг орқа қисми рамкага шундай қўйилиши керакки, бунда затворнинг узуна бўртиқлари рамканинг ботиқларига тушиши керак, бунинг учун затвор рамкага тақалади, кейин қўйиб юборилади. Затвор қайтарувчи пружинанинг таъсирида куч билан олдинги ҳолатга қайтади. Пистолет сақлагичга қўйилади (байроқча тепага кўтарилади).



23-расм. Қайтарувчи пружинанинг бўши учини затвор каналига киритиш.



24-расм. Затворни рамкага бирюктириши.

Эслатма. Затворни рамкага бирлаштириш учун пастга тортиш ва тепки ҳалқасини қиялаштириш шарт эмас. Бунда, затворни орқага охиригача тортиб, орқа томонини юқорига тирадгунича кўтариш зарур. Мухими, затворнинг олдинги пастки деворчаси затворнинг орқага ҳаракатини чекловчи тепки ҳалқасининг ўркачига тиқилмаслиги керак.

3. Магазинни даста асосига ўрнатиш. Пистолетни ўнг қўлда ушлаган ҳолда, чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан магазин дастанинг пастки дарчаси орқали даста асосига ўрнатилади (25-расм). Бош бармоқ билан магазин қопқоғига босилади ва бунда зашчёлка (жанговар пружинанинг пастки чеккаси) магазин

деворидаги бўртиққа мингашиб қолиши керак; бу ҳолда «шиқ» этган товуш чиқиши керак. Магазинга кафт билан уриш ман этилади.



25-расм. Магазинни даста асосига ўрнатиш.

Нотўлиқажратищдан кейин пистолетнинг тўғри йиғилганигини текшириш. Пистолет сақлагичдан ечилади (байроқча пастга туширилади). Затвор орқа ҳолатга тортилиб, қўйиб юборилади. Затвор бир оз олдинга силжиганидан кейин затвор ушлагичга ва даста асосига тирагиб орқа ҳолатда қолиши керак. Затвор ушлагичи пастга босилиб, затвор туширилади. Затвор жанговар пружина босими таъсирида куч билан олдинги ҳолатга қайтиши ва тепки эса жанговар ҳолатда туриши керак. Пистолет сақлагичга қўйилади (байроқча қўтарилади). Тепки жанговар ҳолатдан чиқиб кетиши ва блокланиши керак.

Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш

Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Пистолет нотўлиқ қисмларга ажратилади (19 – 22-расмлар).
2. Шептало ва затвор ушлагичини рамкадан ажратиш. Чап қўлнинг бош бармоғи билан тепки бошини ушлаган ҳолда ва кўрсаткич бармоқ билан тепки думига боса туриб, тепки оҳиста жанговар ҳолатдан чиқарилади.



26-расм. Шептало пружинасининг илгагини затвор ушлагичидан тушириши.

Тозалагичнинг бўртиги билан шептало пружинасининг илгаги затвор ушлагичидан туширилади (26-расм). Ўнг қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоғи билан шептало олд томонга буралади, бунда шептало ўқининг ўнг тарафидаги кемтиги, рамкадаги ўқ жойлашадиган тешикнинг кемтиги билан мос келиши керак; шундан кейин шептало ва затвор ушлагичини тепага кўтариб рамкадан чиқариб олинади (27-расм).



27-расм. Шептало ва затвор ушлагичини рамкадан ажратилиши.

3. Даста асосидан, жанговар пружина эса рамкадан ажратилади. Бунинг учун тозалагичнинг отвёрткаси ёрдамида винт бураб бўшатилади ва даста бир оз куч билан орқага сурилиб, асосидан ажратилади (28-расм).



28-расм. Дастани асосидан ажратии.

Чап қўл бош бармоғи билан жанговар пружина даста асосига босилиб, унинг лўқидони даста асоси бўйлаб сурилади ҳамда жанговар пружина даста асосининг ўсифи (приливи)дан ажратиб олинади (29-расм).

Эслатма: 1. Жанг пайтида, агар қўл остида тозалагич бўлмаса, винтни затвор тутқичининг қайтаргичи билан бураб чиқариш мумкин; 2. Дастребки чиққан пистолетларда жанговар пружина сургичсиз бириткирилади.



29-расм. Жанговар пружинани рамкадан ажратии.



30-расм. Тепкини рамкадан ажратии.

4. Тепкини рамкадан ажратиш. Рамкани чап қўлда ушлаган ҳолда ва тепки ҳалқасини олдинги чекка ҳолатга суриб, ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан тепки олдинга буралади; бунда тепки ўқидаги кемтик қисми рамкадаги ўқ уясидаги кемтиклар билан мос келиши керак; шунда тепкини ствол томонга силжитиб чиқариб олинади (30-расм).



31-расм. Рамкадан тепки тягасини взвод дастаги билан ажратиши.

5. Рамкадан тепки тягасини взвод дастаги билан ажратиш. Рамка чап қўлга олинади ва ўнг қўл билан тепки тягаси орқа қисмидан кўтарилади (31-расм), шундан кейин тяганинг цапфаси тепки ҳалқаси тешигидан чиқариб олинади.

6. Тепки ҳалқасини рамкадан ажратиш. Рамкани чап қўлда ушлаган ҳолда, худди пистолетни қисмларга нотўлиқажратишдаги каби, ўнг қўл билан тепки ҳалқаси пастга тортилиб, рамкага тираб қўйилади; тепки думидан олдинга тортган ҳолда, унинг цапфаси уясидан чиқарилади ва тепки ҳалқаси рамкадан ажратиб олинади. Тепки ҳалқаси жойига қайтариб қўйилади.

7. Затвордан сақлагични ва турткични ажратиш. Затворни чап қўлга олиб, ўнг қўл бош бармоғи билан сақлагич байроқчasi тепага кўтарилади; кейин бош ва кўрсаткич бармоқлар билан байроқча бироз тортилиб, рамкадан бир оз чиқарилади ва орқага буралиб, рамка уясидан чиқариб олинади (32-расм).

Затвор орқа қисмини ўнг қўл кафтига енгил урган ҳолда, турткич затвордан чиқариб олинади.




32-расм. Затвордан сақлагачни ажратиши.



33-расм. Затвордан улоқтиргични ажратиши.

8. Затвордан улоқтиргични ажратиш (33-расм). Затворни чап қўлга олиб, ўнг қўл билан тозалагич ёрдамида сиқувчи жойлаштирилади ва улоқтиргичнинг орқа қисми кўтарилиб, улоқтиргич затвор чуқурчасидан чиқарилади, бунда улоқтиргич кескин сакраб чиқиб кетмаслиги учун ўнг қўлнинг бош бармоғи билан тепасидан ушлаб турилади. Кейин затвор уясидан сиқувчи улоқтиргич пружинаси билан чиқариб олинади.

9. Магазинни қисмларга ажратиш. Магазинни чап қўлга олиб, шу қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан узатгич пружинаси узатгичга сиқилади, ўнг қўл билан эса магазин қопқоғи ўsic қисмидан тортиб чиқарилади (34-расм). Кейин магазин корпусидан узатгич пружинаси ва узатгич чиқариб олинади.




34-расм. Магазинни қисмларга ажратиши.

Түлиқ ажратишдан кейин пистолетни йиғишиң тескари тартибда амалга оширилади.



35-расм. Магазинни йиғиши.

9. Магазинни йиғиши. Магазин корпуси чап қўлда ушланади, бунда магазин зашчёлкаси учун бўртиқ олдинда ва тепада бўлиши керак; ўнг қўл билан магазин корпусига узатгич солинади. Кейин узатгич пружинасининг қайрилмаган қисми пастга қилиниб магазин корпусига солинади ва чап қўлнинг бош бармоғи билан пружинани босиб туриб (35-расм), ўнг қўл билан қопқоқ магазиннинг қайрилган чеккасига суриб кийдирилади, бунда пружинанинг қайрилган чеккаси қопқоқ тешигига кириб қолиши керак.



36-расм. Улоқтиргични затворга ўрнатиши.

2. Улоқтиргични затворга ўрнатиш (36-расм). Затворнинг олд қисми ўзига қаратган ҳолда ушланиб, ўнг қўл билан затвор уясиға улоқтиргич пружинаси сиқувчиси билан қўйилади. Улоқтиргич илгичи билан затвор косачасига қўйилади, бунда унинг товончаси тепада бўлади. Тозалагич билан сиқувчи жойлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида улоқтиргич чап қўлнинг бош бармоғи билан сиқувчига ва пастга босилади. Бунда сиқувчининг бошчаси затвор товончасига ўрнашиб қолиши керак.

3. Турткич ва сақлагични затворга ўрнатиш. Затворнинг орқа қисмини ўзига қаратган ҳолда, чап қўлда ушланади ва турткичининг қирқими сақлагич уяси томонга қаратилиб, затвор каналига солинади. Ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан сақлагич уяга киритилиб (37-расм), кейин тепага ва олдинга буралади.



37-расм. Сақлагични затворга ўрнатиши.

4. Тепки ҳалқасини рамкага ўрнатиш. Рамкани ўнг қўлда ушлаб туриб, тепки ҳалқаси пастга тортилади ва пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратгандаги каби, рамкага тираб қўйилади. Тепки ҳалқасининг боши рамка устунчасининг дарчасидан киритилиб, цапфаси рамканинг цапфа уясиға жойлаштирилади; тепки ҳалқаси жойига қайтарилади.



38-расм. Текки ҳалқасини взвод дастаги билан рамкага ўрнатиши.

5. Текки ҳалқасини взвод дастаги билан рамкага ўрнатиш. Рамкани чап қўлга олиб, текки думи орқага босилади ва текки тягасининг цапфаси текки ҳалқасининг тешигига киритилади (38-расм) ва тяганинг орқа чеккаси даста асосининг орқа деворига туширилади.



39-расм. Теккини рамкага ўрнатиши.

6. Теккини рамкага ўрнатиш. Чап қўл билан рамкани даста асосидан ушлаган ҳолда, текки ҳалқаси олдинги чекка ҳолатга буралади; ўнг қўл билан текки бошчасини олдинга қилган ҳолда, унинг цапфалари рамкадаги цапфа уяларига киритилади (39-расм) ва текки бошчаси орқага бураб қўйилади.



40-расм. Жанговар пружинани рамкага ўрнатиши.



41-расм. Жанговар пружинани сурма қисқич билан қотириши.

7. Жанговар пружинани рамкага ва дастани даста асосига ўрнатиши. Рамка чап қўлга олинади; тепки ҳалқаси олдинга сурилиб, взвод дастаги эса юқорига кўтарилиб, ўнг қўл билан жанговар пружина куракчалари рамка дарчасидан киритилади ва пружинанинг ўзи тешиги билан даста асосидаги айлана ўсиққа (приливга) кийдирилиб ушланади, бунда жанговар пружинанинг кенг куракчаси тепкининг чукурчасига, тор куракчаси эса взвод дастаги товончасига жойлашиши керак. Жанговар пружинанинг тўғри жойлаштирилганлиги текшириб кўрилади, бунинг учун тепки думига бир неча марта енгил босилади. Агар енгил босишда тепки орқага ҳаракатланса, жанговар пружина тўғри ўрнатилган бўлади. Кейин жанговар пружинанинг ҳолати ўзгартирилмасдан туриб задвижка билан маҳкамланади; даста кийдирилиб, винт охиригача бураб қотирилади. Пистолетни шундай буриш керакки, даста асосининг орқа деворчаси отувчига қараб туриши керак, сўнгра чап қўл бош бармоғи билан жанговар пружинани магазин зашчёлкасидан, кўрсаткич бармоқ билан эса даста асосининг олд деворидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл бош ва кўрсаткич бармоқлари

билин жанговар пружина задвижкаси кийдирилади (40, 41-расмлар).

8. Затвор ушлагич ва шепталони рамкага ўрнатиш. Рамкани чап қўлга олиб, ўнг қўл билан затвор ушлагич рамка қирқимиға қўйилади (42-расм); шепталонинг ўнг томонидаги цапфасининг кемтиги олдинга қаратиб ушланади; кейин затвор ушлагичининг орқа қисмини бироз кўтариб, унинг тешигига шепталонинг пружинали чап тарафидаги цапфаси киритилади ва шепталонинг цапфалари рамкадаги уяларига киритиб ўрнатилади. Тозалагичнинг учи билан шептало пружинасининг эркин учи кўтарилиб, затвор ушлагичининг елкасига кийдирилади.

Пистолет йиғилганидан кейин қисм ва механизмларнинг тўғри ишлаши текширилади.



42-расм. Затвор ушлагич ва шепталони рамкага ўрнатиш.

Пистолетни тозалаш ва мойлаш.

Пистолет доимо тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак. Бунга ўз вақтида ва тўғри тозалаш ҳамда мойлаш, у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва тўғри сақлаш орқали эришилади.

Пистолетни тозалаш қуидаги вақтларда амалга оширилади:

- жанговар вазиятларда, манёврларда ва узоқ дала ўқув машқларида – ҳар куни жанг тўхтаган вақтда ёки машғулотлар оралиғидаги танаффусларда;
- ўқ отишсиз машқлар, нарядлар ва дала машғулотларидан кейин – машқ, наряд ва машғулотлар тугаши биланоқ;
- отишдан кейин – ўқ отиш тугаши билан дарҳол ствол канали ва патрондон тозаланади ва мойланади; пистолетни тўлиқ тозалаш отишдан қайтиб келинганидан кейин амалга оширилади; кейинги 3–4 кун мобайнида пистолетни тозалаш ҳар куни такрорланади;

– агар пистолет ишлатилмаётган бўлса, камида ҳар етти кунда бир марта тозаланиши керак.

Мой фақат яхшилаб тозаланган ва қуруқ юзага намлик таъсир этиб улгурмасидан зудлик билан суртилади.

Пистолетни тозалаш ва мойлаш офицерлар томонидан мустақил равишда бажарилади.

Пистолетни артиш, тозалаш ва мойлаш учун қўйидагилар қўлланилади:

– суюқ милтиқ мойи – ҳаво ҳарорати + 5 дан – 50 °C гача бўлганида пистолетни тозалаш ҳамда унинг қисм ва механизмларини мойлаш учун;

– милтиқ мойи – пистолет стволининг канали, қисм ва механизмларини тозалагандан кейин уларни мойлаш учун ишлатилади; бу мой +5 °C ва ундан юқори ҳароратда ишлатилади;

– РЧС эритмаси (стволларни тозалаш эритмаси) – пистолетнинг порох газлари таъсир этган стволларининг каналлари ва пистолетнинг бошқа қисмларини тозалаш учун;

– латта ёки КВ-22 қофози – пистолетни артиш, тозалаш ва мойлаш учун;

– каноп лоси, фақат ствол каналини тозалаш учун.

Дала шароитида пистолет фақат суюқ милтиқ мойи билан тозаланади.

Пистолетни *тозалаши* қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) артиш ва мойлаш материаллари тайёрланади;
2) анжомлар кўздан кечирилади ва фойдаланиш учун тайёрланади;

3) пистолет қисмларга ажратилади;

4) ствол канали тозаланади. Бунинг учун тозалагичнинг уч қисмидаги тешигидан каноп толаси ёки латта ўтказилади; каноп толасининг қалинлиги шундай бўлиши керакки, каноп толаси ўтказилган тозалагич қўл билан □оли ш босилганида ствол каналига кирадиган бўлсин. Каноп толасига суюқ милтиқ мойи шимдирилади. Тозалагич ствол каналининг оғзидан киритилади. Пистолет рамкаси стол устига ётқизиб қўйилади, уни чап қўл билан ушлаб турган ҳолда ўнг қўл билан тозалагич бутун ствол канали бўйлаб бир неча марта олдинга ва орқага ҳаракатлантирилади. Каноп толаси янгиланиб, тозалаш такрорланади. Тозалагич яхшилаб артилади. Ствол канали аввал тоза каноп толаси, сўнгра тоза ва қуруқ латта билан қуритиб артилади. Латта кўздан

кечирилади; агар латтада қурум ёки занг излари бўлса, ствол канали яна суюқ милтиқ мойи шимдирилган каноп толаси, сўнгра тоза ва қуруқ латта билан артилади. Ствол каналини тозалаш ундан чиқарилган латта тоза бўлмагунича давом эттирилади. Патрондон ҳам шу усулда тозаланади. Патрондон фақат ўқ солинадиган қисми томонидан патрондоннинг ўйик жойига тиralган каноп (латта)ли тозалагични айлантириб тозалаш зарур;

5) пистолет рамкасини олиш ва тепки ҳалқаси билан бирга тозалаш. Қисмлари кир ва намдан тоза бўлгунича латта билан қуритиб артилади. Занг суюқ милтиқ мойи шимдирилган каноп толаси ёки латта билан тозаланади;

6) затвор, қайтарувчи пружина, затвор ушлагиchi ва зарбор-тепки механизмининг қисмларини тозалаш. Агар тозалаш отишдан кейин амалга оширилаётган бўлса, затвор косачаси суюқ милтиқ мойи ёки РЧС эритмаси шимдирилган каноп толаси ёки латта билан қурумдан халос бўлгунига қадар тозаланади. Қисмлар тозаланганидан кейин қуритиб артилади. Агар пистолетдан ўқ отилмаган ва затвор косачасида қурум ва занг бўлмаса, затвор косачаси қуруқ латта билан артилади;

7) даста қуруқ латта ёки каноп билан артилади;

8) магазинни тозалаш. Магазин наряд ва машғулотлардан кейин йифилган ҳолда, ўқ отишдан кейин ҳамда ёмғирда қолганида ёки кир бўлиб кетганида қисмларга ажратилган ҳолда тозаланади. Наряд ва машғулотдан кейин кир ва намлик кетгунича қуруқ латта билан артилади. Отишдан кейин эса узатгичдаги қурум суюқ милтиқ мойи ёки РЧС эритмаси шимдирилган латта ёки каноп толаси билан кетказилади. Тозалангандан сўнг қуригунча артилади;

9) филофнинг ташқи ва ички қисми қуруқ латта билан кир ва нам батамом йўқолгунича артилади;

10) тозалагич қуритиб артилади.

Пистолетни мойлаш қуийдаги тартибда амалга оширилади:

1) Ствол каналини мойлаш. Тозалагич тешигидан латта ўтказилади. Латтага мой шимдирилади. Тозалагич ствол каналининг оғзидан киритилиб, каналнинг кесим ва юзалари юпқа мой билан қопланиши учун бутун узунлиги бўйлаб бир неча марта силлиқ ҳаракатлантирилади. Патрондон стволнинг орқа ўқ солинадиган қисмидан латта бириктирилган тозалагични айлантириб мойланади;

2) пистолетнинг қолган металл қисмлари ва механизмларини мойлаш. Ташқи қисмлари мой шимдирилган латта билан мойланади. Каналлари, уячалари ҳамда тешикларини мойлаш учун мой шимдирилиб, таёқчага ўралган латта қўлланилади. Мой юпқа қилиб текис суртилиши лозим. Пистолет қисмларидаги ортиқча мой пистолетнинг кирланишига сабаб бўлади ва ишлаш вақтида тўхталишларга олиб келиши мумкин;

Ғилоф мойланмайди, балки латта билан қуритиб артилади.

3) тозалагични мойлаш.

4) мойлаш тугалланганидан кейин пистолет йиғилади, кўздан кечирилади, йиғишнинг тўғрилиги ҳамда қисм ва механизмларининг ишлаши текширилади.

Ғилоф мойланмайди, балки латта билан қуритиб артилади.

3) тозалагични мойлаш.

4) мойлаш тугалланганидан кейин пистолет йиғилади, кўздан кечирилади, йиғишнинг тўғрилиги ҳамда қисм ва механизмларининг ишлаши текширилади.

Совуқдан иссиқ хонага олиб кирилган пистолет «терлаб» бўлмагунича мойланмайди; сув томчилари пайдо бўлганида нам қуришини пойлаб ўтирамай, пистолетнинг қисм ва механизмлари қуритиб артилади ва мойланади.

Узоқ муддатга сақлаш учун топширилаётган пистолет астойдил тозаланиши, ствол канали ҳамда зарбдор-тепки механизми суюқ милтиқ милтиқ мойи билан мойланниши, бир қават маҳсус шимдирлган эритмали ва икки қават парафинли қофозга ўралиши ҳамда картон кутига зичлаб жойлаштирилиши керак.

Пистолетнинг қисм ва механизмлари $+5^{\circ}\text{C}$ ва ундан паст ҳароратда фақат суюқ милтиқ мойи билан мойланниши лозим.

Пистолет қисм ва механизмлари, патрон ва анжомларининг тузилиши ҳамда вазифалари

Пистолет қисм ва механизмларининг тузилиши ва вазифалари.


Рамка олиши ва тепки ҳалқаси билан (43-расм). Ствол ўқнинг учишига йўналиш бериш учун хизмат қиласи. Ствол ичидан тўртта чапдан ўнга оғувчи кертиклар мавжуд ва улар ствол ичини тўртта ҳошияга ажратади. Кертиклар ўқни айланма ҳаракат қилишга мажбур қиласи. Ствол каналининг икки қарама-қарши ҳошияси

ўртасидаги масофа калибр деб аталиб, у пистолетда 9 мм га тенгдир. Ствол каналининг орқа қисми силлиқ ва диаметри каттароқдир; у патрон жойлашиши учун хизмат қилади ва патрондон деб аталади.

Стволнинг орқа қисмida стволни рамка тиргагига бириктириш учун прилив ҳамда ствол штифти учун тешик мавжуд. Приливда ва патрондоннинг қуий қисмida патронни магазиндан патрондонга йўналтириш учун қиялик бор.

Стволнинг ташқи қисми силлиқ. Унга қайтарувчи пружина кийдирилади.

Ствол рамкага преслаб уланади ва штифт ёрдамида маҳкамланади.



43-расм. Рамка олии ва тепки ҳалқаси билан: а – чап томони; б – ўнг томони:
 1 – даста асоси; 2 – ствол; 3 – стволни мустаҳкамлаши учун стойка; 4 – тепки илгагини ва тепки ҳалқасининг ўркачини жойлаштириши учун дарча; 5 – тепки илгагининг цапфалари учун уячалар; 6 – тепки тягасининг олд цапфаси жойлашиши ва ҳаракатланиши учун эгри паз; 7 – тепки ва шептало цапфалари учун уячалар; 8 – затвор ҳаракатини йўналтириши учун пазлар; 9 – жсанговар пружина қанотчалари учун дарча; 10 – затвор ушлагичи учун ўйик; 11 – дастани винт ва жсанговар пружинани сургич (задвижска) ёрдамида мустаҳкамлаши учун резбали тешиги бўлган ўсиқ (прилив); 12 – магазин заишёлкаси учун қирқим; 13 – тепки ҳалқасини мустаҳкамлаши учун уячали ўсиқ (прилив); 14 – ён дарчалар; 15 – тепки ҳалқаси; 16 – затворнинг орқага ҳаракатланишини чеклаши учун ўркач; 17 – магазиннинг устки қисми кирадиган дарча.

Рамка пистолетнинг ҳамма қисмларини ўзаро бирлаштириш учун хизмат қилади. Рамка даста асоси билан бир бутунликни ташкил қилади.

Рамканинг олдинги қисмida қуйидагилар мавжуд: тепасида – стволни бириктириш учун тиргак, пастида – тепки ҳалқасини жойлаштириш учун дарча ва тепки ҳалқасининг ўркачи. Ушбу дарчанинг ён деворларида тепки ҳалқаси цапфалари учун цапфа уялари мавжуд. Рамка таянчида қуйидагилар мавжуд: юқори қисмida – стволни бириктириш учун тешик; тагида – тепки ҳалқаси бошчасини жойлаштириш учун дарча; ўнг томонда – тепки тягасининг олдинги цапфаси жойлашиши ва ҳаракатланиши учун қия ботик.

Рамканинг орқа қисмидаги қуийдагилар мавжуд: тепасида – тепки ва шепталонинг цапфалари учун уялар ҳамда затворнинг ҳаракатини йўналтириш учун ботиқлар (тепки цапфалари учун цапфа уялари ҳамда шептало цапфаси учун ўнг цапфа уясида қирқимлар мавжуд); тагида – жанговар пружинанинг куракчалари учун дарча.

Рамканинг ўрта қисмидаги магазиннинг юқори қисми кириши учун дарча ва чап деворида затвор ушлагичи учун қирқим мавжуд.

Эслатма: айрим пистолетларда оғирлигини камайтириш учун рамкада тешиклар ясалган.

Даста асоси қобиқни, жанговар пружинани бириттириш ва магазинни жойлаштириш учун хизмат қилади. Унда қуийдагилар мавжуд: пистолетнинг оғирлигини камайтириш учун ўнг ва чап томонларида дарча; дастага магазинни киритиш учун пастки қисмидаги дарча; орқа деворида – жанговар пружинани задвижка лўқидон ёрдамида ва дастани винт ёрдамида бириттириш учун резбали тешик; пастидаги – магазин қисқичи (зашчёлкаси) учун қирқим; олдинги деворида – рамкага ўқ ёрдамида тепки ҳалқасини улаш учун уяли ўсиқ.

Тепки ҳалқаси тепки думини тасодифан босиб юборишнинг олдини олишга хизмат қилади. У олдинги чеккасида затворнинг орқага ҳаракатини чеклайдиган ўсиқка (ўркачга) эга.

Затвор (44-расм) патрондонга магазиндан патронни етказиб бериш, отишида ствол каналини ёпиш, гильзани ушлаб туриш (патронни чиқариб олиш) ва тепкини жанговар ҳолатга қўйиш учун хизмат қилади.



44-расм. Пистолет затвори: а – чап томони; б – пастдан кўриниши: 1 – мушка; 2 – целик; 3 – гильза (патрон) улоқтиргичи учун дарча; 4 – сақлагач уяси; 5 – кертик; 6 – стволни қайтариш пружинаси билан бирга жойлаштириш учун канал; 7 – затворни рамка бўйлаб ҳаракатлантириши йўналиши учун бўйлама бўртиқлар; 8 – затворни затвор ушлагичига қўйши учун тиш; 9 – қайтариши учун паз; 10 – взвод ричагининг ажратувчи бўртиги учун паз; 11 – шепталони взвод ричагидан ажратилиши учун чуқурча; 12 – олиб

боргич; 13 – взвод ричагини шепталодан ажратили учун бўртиқ; 14 – взвод ричаги ажратувчи бўртигини жойлаштириш учун чуқурча; 15 – тепки учун паз; 16 – ўркач.

Затворнинг ташқари қисмида: мўлжалга олиш учун мушка; мўлжал (целик) учун кўндаланг ботик (паз); мушка ва мўлжал ўртасида ярқирашнинг олдини олиш учун узунасига ўсиқ (насечка); ўнг томонида – отилган гильза (патрон)ни улоқтириш учун дарча; улоқтиргич учун ботик (паз); улоқтиргич сиқувчиси (гнеток) ва пружинаси учун уя; чап томонида – сақлагич учунуя ва сақлагични тутиб туриш учун иккита ўйик: тепадагиси – байроқчанинг сақлагич ҳолати учун ва пастдагиси – байроқчанинг «ўт оч» ҳолати учун; юқоридаги ботик ёнида қизил нуқта мавжуд бўлиб, байроқча «ўт оч» ҳолатига қўйилганда очилади, сақлагичга қўйилганда эса ёпилади; иккала томондан – затворни қўл билан орқага тортиш қулай бўлиши учун тишли юза; затворнинг орқа чеккасида – тепкининг ўтиши учун ботик (паз) мавжуд.

Затвор ичида: стволни қайтарувчи пружинаси билан жойлаштириш учун канал; рамкада затвор харакатини йўналтириш учун бўйлама бўртиқлар; затворни затвор ушлагичига қўйиш учун тиш; ўркач; қайтаргич учун ботик (паз); взвод дастагининг ажратувчи тумшуғи (бўртиғи) учун ботик (паз); гильза туби жойлашиши учун косача; магазиндан патронни патрондонга элтиш учун юборгич (досилатель); взвод дастагини шепталодан ажратиш учун бўртиқ; тепки ҳалқаси босилган ҳолатида взвод дастагининг ажратувчи бўртиғи жойлашиши учун ўйик; затвор ўркачининг ўнг томонида тепки ҳалқаси босилган ҳолатда затворни ушлагичи билан бирга ечиб олиш вақтида шепталони взвод дастагидан ажратиш учун мўлжалланган ўйик; турткични жойлаштириш учун канал мавжуд.

Турткич (45-расм) пистонни чақиш учун хизмат қилади. Унда қўйидагилар мавжуд: олдинги қисмида – боёқ, орқа қисмида – сақлагич учун турткични затвор каналида ушлаб турадиган қирқим.

Оғирлигини камайтириш ва ишқаланишини камайтириш мақсадида турткич уч қиррали қилиб ясалади.



45-расм. Турткич: 1 – боёқ; 2 – сақлагич учун қирқим.


Улоқтиргич (46-расм) гильза (патрон)ни қайтаргич билан учрашгунча затвор косачасида ушлаб туриш учун хизмат қилади. Унда: илгак (унинг ёрдамида гильза (патрон) айлана ариқчасидан

илиб олинади ва затвор косачасида ушлаб турилади) ва затвор билан бирикиш учун товонча; улоқтиргич товончасининг орқа қисмида – гнётчанинг бош қисми кириши учун ковакча (уступ) мавжуд.

Улоқтиргичнинг орқа қисмида тозалагич билан гнётчани ботириш қулай бўлиши учун ботикча (виемка) мавжуд. Улоқтиргич затвордаги ботикча (пазга) жойлаштирилади.


Улоқтиргич сиқувчиси (гнеток)нинг бош қисми йўғонлашган бўлиб, унга улоқтиргич сиқувчисининг орқа қисмига кийдирилган кичикроқ диаметрдаги пружинасининг олдинги учи тиради.

Улоқтиргич сиқувчиси улоқтиргич пружинаси билан бирга затвор уячасига ўрнатилади. Пружина таъсирида улоқтиргичнинг илгичи доимо затвор косачаси томон оғишиб туради.



46-расм. Улоқтиргич: 1 – зацеп (илгак); 2 – затвор билан бирлаштириши учун товонча; 3 – юкча; 4 – улоқтиргич пружинаси.

Сақлагич (47-расм) пистолетни ишлатишда хавфсизликни таъминлайди.



47-расм. Сақлагич: 1 – сақлагич байроқчаси; 2 – фиксатор; 3 – уступ; 4 – қовурға; 5 – илгак; 6 – бўртиқ.

У қуидагилардан иборат: сақлагич ҳолатини «ўт очиш» ҳолатидан «сақлаш» ҳолатига ўтказиш учун байроқча, сақлагични қўйилган ҳолатда ушлаб туриш учун фиксатор; сақлагични «сақлаш» ҳолатига ўтказишда шепталони айлантириш ва тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш учун токчали поғонасига (уступга) эга бўлган ўқ; сақлагични «сақлаш» ҳолатига қўйишда затворни рамка билан ёпиш учун қовурға; тепкини «сақлагич» ҳолатида ёпиб қўядиган илгак, сақлагичга қўйилгандан, тепки зарбасини қабул қиласидиган бўртиқ.

Сақлагич затвордаги уяга жойлаштирилади.

Мүлжал (целик) мушка билан биргаликда мүлжалга олиш учун хизмат қиласы. У ўзининг асоси билан затворнинг кўндаланг ботигига ўрнатилади.

Қайтарувчи пружина (48-расм) ўқ отишдан кейин затворни олдинги ҳолатига қайтариш учун хизмат қиласы. Пружина учларидан бирининг диаметри бошқа бурамалариникидан кичик бўлади. Пружина шу ҳалқаси билан пистолетни йифиш пайтида стволга кийдирилади. Бундан пистолетни қисмларга ажратиш пайтида пружинанинг стволда мустаҳкам туришини таъминлаш мақсади кўзланади. Пружина стволга кийдирилади, у ствол билан бирга затвор каналига жойлаштирилади.



48-расм. Қайтарувчи пружинаси.

Зарбдор-тепки механизми (49-расм) тепки, пружинали шептало, тепки тягаси (взвод дастаги билан), тепки ҳалқаси, жанговар пружина ва жанговар пружина сургичидан иборат.




49-расм. Зарбдор тепки механизми: 1 — пружинали шептало; 2 — взвод ричагили тепки тягаси взвод дастаги билан; 3 — жанговар пружина; 4 — тепки ҳалқаси; 5 — жанговар пружина задвижкаси; 6 — тепки.

Тепки (50-расм) турткичга зарба бериш учун хизмат қиласы. Унинг тепасида — қўл билан жанговар ҳолатга келтириш учун тишли бошча; олдинги юзасида — тепки жанговар ҳолатдан чиқарилганда эркин ҳаракатланиши учун қирқим; сақлагич илгаги учун чукурча; тепки асосида — иккита бўртиқ (уступ); тепадагиси — сақлагич ҳолат (взвод), пастдагиси — жанговар ҳолат; ён томонларида — тепки рамканинг цапфали уяларида айланадиган цапфалар ҳамда оғирлигини камайтириш учун ёйсимон виточкалар; ўнгда — тепкини взвод дастаги билан жанговар ҳолатга келтириш учун ўз-ўзидан

ўқланиш тиши; чапда – тепкини сақлагиچ билан қулфлаш учун бўртиқ; пастида – жанговар пружинанинг кенг куракчаси учун ботик; ўнг томонда тепки асосининг пастки қисмида – взвод дастагининг товончаси жойлашиши учун айланга ўйик.

Тепкининг цапфалари тепкини рамкадан эркин чиқариб олиш учун кемтикларга эга.



50-расм. 1 – насечкали каллак; 2 – қирқим; 3 – ўйик; 4 – сақлагиҷ взвод; 5 – жанговар взвод; 6 – цапфалар; 7 – самовзвод тиши; 8 – бўртиқ (уступ); 9 – чуқурча; 10 – ҳалқасимон чуқурча.


Шептало (51-расм) тепкини жанговар ва сақлагиҷ ҳолатда ушлаб туриш учун хизмат қиласди. Унда: тепкининг уступлари билан илашиш учун бурунча; рамка уяларида шепталонинг айланиши учун цапфалар; чапда – сақлагиҷни «сақлаш» ҳолатига қўйганда сақлагиҷ уступининг токчаси билан шепталони қўтариш учун тиш; ўнгда – тепки қўйиб юборилганда, взвод дастаги таъсир этадиган бўртиқ мавжуд.

Шептало ўқининг чап цапфасига пружина кийдирилган. Бу пружинанинг бўш томони илгак шаклида букилган бўлиб, у затвор турткичи елкасига кийдирилади. Пружина ўзининг тортишиш кучи билан шептало тумшуғини тепкига босади. Шептало ўқининг ўнг тарафи кемтикли бўлиб, унинг рамкадан ажратилишини енгиллаштиради.



51-расм. Шептало: 1 – шептало цапфалари; 2 – тиши; 3 – бўртиқ; 4 – шептало бурунчаси; 5 – шептало пружинаси; 6 – шептало стойкаси.

Тепки тягаси взвод дастаги билан (52-расм) тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва тепки ҳалқасига босилганда тепкини жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қиласи. Тепки тягаси чекка қисмларida цапфаларга эга.




52-расм. *Тепки тягаси взвод дастаги билан:* 1 – тепки тягаси; 2 – взвод ричаги; 3 – тепки тягасининг цапфалари; 4 – взвод ричагининг ажратувчи бўртиги; 5 – қирқим; 6 – самовзвод бўртиги; 7 – взвод ричаги товончаси.

Олдинги цапфаси билан у тепки ҳалқасига уланади, орқадаги цапфаси билан эса взвод дастагига уланади.

Взвод дастагида қуидагилар мавжуд: затвор орқага ҳаракатланганида шепталодан уни ажратадиган ажратувчи бўртиқ; шептало бўртиғи учун қирқим; тепки думига босилганда тепкини жанговар ҳолатга келтирувчи ўзини ўзи жанговарлаш бўртиғи; жанговар пружинанинг тор товончаси таянадиган товонча. Взвод дастагининг товончаси тепкининг айлана ўйифига жойлашади.

Тепки ҳалқаси (53-расм) тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қиласи. Унда цапфа, тепки тягаси билан уланиши учун дум мавжуд.



53-расм. *Тепки ҳалқаси (илгаги):* 1 – тешик; 2 – цапфа; 3 – дум.

Жанговар пружина (54-расм) тепкини ва тепки тягасини ҳаракатга келтириш учун хизмат қиласи. Унда тепкига таъсир этувчи кенг куракча, взвод дастагига ва тепки тягасига таъсир этувчи тор куракча, ўрта қисмида даста асосидаги резбали тешикка бириктириш учун □оли шва пастки қисмида магазинни дастада ушлаб қолувчи қисқич мавжуд.



54-расм. Жанговар пружина: 1 – кенг қуракча; 2 – топ қуракча; 3 – отбойка учи; 4 – тешик; 5 – тирқиши.


Кенг пружинанинг чеккаси эгилган бўлиб, тепкининг жанговар ҳолатдан чиқсан ҳолатда туришини таъминлайди. Жанговар пружинани винт билан қотиришдан олдин даста асосига сургич ёрдамида мустаҳкамланади.

Винтли дастак (55-расм) билан даста асосидаги ён дарчаларни беркитади ва пистолетни қўлга ушлашда қулайлик яратишга хизмат қилади. Унда қобиқни даста асосига бириктириш учун тешик, қайиш учун илгич, қобиқнинг даста асосида эркин силжиши учун эгилган тепа қисм, орқа қисмининг пастида магазин қисқичи учун ўйик мавжуд.



55-расм. Винтли дастак: 1 – антапка; 2 – пазлар; 3 – тешик; 4 – винт.

Затвор ушлагичи (56-расм) – магазинда ҳамма патронлар ишлатиб бўлинганидан кейин затворни орқа ҳолатда ушлаб қолади. Унинг олдинги қисмида затворни орқа ҳолатда ушлаб қолувчи бўртиқ, қўлда босиб затворни қўйиб юбориш учун тишли тугмача, орқа қисмида эса шепталони чап тарафдаги цапфаси билан улаш учун тепа қисмида гильзани затвор дарчасидан улоқтириш учун қайтаргич мавжуд.



56-расм. Затвор ушлагичи: 1 – бўртиқ; 2 – қовурғали тугмача; 3 – тешик; 4 – қайтаргич.

Затвор ушлагиши олдинги қисми билан биргаликда рамканинг чап деворидаги қирқимга қўйилади.

Магазин (57-расм) саккизта патронни жойлаш учун хизмат қиласди. У корпус, узатгич, узатгич пружинаси ва қопқоқдан иборат.



57-расм. Саккиз зарядли магазин: 1 – магазин корпуси; 2 – узатгич; 3 – узатгич пружинаси; 4 – магазин қопқоғи

Магазин корпуси (58-расм) – магазиннинг ҳамма қисмларини бирлаштиради. Корпус ён деворларининг тела қисми эгилган бўлиб, патронлар ва узатгични корпусда ушлаб туриш, шунингдек затвор патронни патрондонга узатаётганда уни йўналтиришга хизмат қиласди. Унинг ён деворларида оғирликни камайтириш ва магазиндаги патронлар сонини аниқлаш учун дарчаси, пастки қисмида магазин қопқоғи учун ёnlама ўсиқ, магазин қисқичи учун бўртиқ, затвор илгаги ўтиши учун букик жойлар мавжуд.

Магазин дастага даста асосининг пастки дарчасидан жойланади.



58-расм. Магазин корпуси: 1 – дарча; 2 – эгилган қовурга; 3 – бўртиқ; 4 – қирқим; 5 – букик жой.

Узатгич (59-расм) патронларни узатиш учун хизмат қиласди. У узатгичнинг магазиндаги ҳаракатини йўналтирадиган иккита қайрилган чеккадан иборат. Қайрилган чеккаларнинг бирида, магазинда патронлар тугаганидан кейин затвор сақлагичини юқорига кўтариб ишга туширадиган илгак мавжуд.



59-расм. Узатгич (металдан): 1 – букилган учлари; 2 – тиши.

Узатгич пружинаси (60-расм) ўқ отишда патронларни узатгич билан биргаликда юқорига кўтариб узатишга хизмат қилади. Пружинанинг пастки қисмида букилган чеккаси бор бўлиб, у қопқоқнинг тешигига кириб беркитиб қолади.



60-расм. Узатгич пружинаси.

Магазин қопқогида (61-расм) пружинанинг букилган чеккаси учун магазин корпусидаги ёnlама ўсиққа кийиладиган ботиги мавжуд.




61-расм. Магазин қопқоги: 1 – тешик; 2 – пазлар.

Пистолет анжомларининг вазифаси ва тузилиши.

Пистолет анжомларига қуйидагилар киради (62-расм): филоф, тозалагич, захира магазин, пистолет тасмаси.

Филоф пистолет, захира магазин ва тозалагични олиб юриш ва сақлаш учун хизмат қилади. Филоф корпус, қопқоқ, захира магазин учун чўнтак, олд ва орқа ташувчи ҳалқалар, илгак, тозалагич учун ҳалқалар ҳамда ички ёрдамчи тасмадан иборат.



62-расм. Пистолет анжомлари: а – 2 өилоф: 1 – корпус; 2 – қопқоқ; 3 – захира магазин учун чүнтак; 4 – олдинги күтәрүвчи ҳалқа; 5 – орқадаги күтәрүвчи ҳалқа; 6 – илгак; 7 – тозалагич учун ҳалқалар; 8 – ички ёрдамчи тасма; б – захира магазин; в – тозалагич: 1 – тиг; 2 – тозалагич қирқими; 3 – бўртиқ; г – пистолет тасмаси: 1 – камар; 2 – карабинча; 3 – ҳалқа.

Тозалагич пистолетни қисмларга ажратиш, тозлаш ва мойлашда фойдаланилади. Тозалагичда қўйидагилар мавжуд: бир учида – шептало пружинасининг илгагини ечиш ва жойига ўрнатиш учун ҳамда улоқтиргични ажратишда улоқтиргич сикувчиси (гнеток)ни бураб кирғизиш учун бўртиқ, каноп лоси ёки латтани қистириш учун қирқим; бошқа учида – тозалаш вақтида тозалагични ушлаш учун ҳалқа. Ҳалқа учида пистолетни қисмларга ажратиш вақтида дастани ечиб олиш ва бириктириш учун тиф мавжуд.

Пистолет тасмаси пистолетнинг камарга бириктирилишини таъминлайди. У камар, карабинча ҳамда камарга бириктириш учун ҳалқадан иборат.

Пистолетга хизмат кўрсатиш

Пистолетнинг доимо тоза ва соз ҳолда бўлишига уни ўз вақтида ва тўғри тозалаш ҳамда мойлаш, у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва тўғри саклаш орқали эришилади.

Пистолетни тозалаш, мойлаш ва кўздан кечириш учун нотўлиқ қисмларга ажратиб йиғилади.

Пистолет қаттиқ ифлосланган бўлса, қор ва ёмғирдан сўнг ёки сақлаш мақсадида мойлаш ва таъмирлаш ишларини ўтказиш учун тўлиқ қисмларга ажратиб йиғилади.

Пистолетни кўп мартта қисмларга ажратиб йиғиш тавсия этилмайди, чунки кўп қисмларга тўлиқ ажратишда пистолетнинг қисм ва механизmlари ишдан чиқиши мумкин.

Пистолетни қисмларга ажратиб йиғиши мобайнида қуидаги қоидаларга амал қилиш шарт:

➤ пистолетни стол устида, дала шароитларида эса тоза мато устида ажратиш ва йиғиши керак;

➤ қисм ва механизмларни ажратилиши кетма-кетлигиге асталик ва өхтиёткорлик билан қуч ишлатмай ажратиш лозим;

➤ пистолетни йиғиши вақтида эса диққат билан кетма-кетлигиге ва қүйилған рақамларига эътибор берип йиғиши керак ва бошқа пистолетлар қисмларига аралашып кетмаслиги лозим.

Пистолетни тозалаш қуидаги тартибда амалга оширилади:

- жанговар вазиятларда, манёврларда ва узоқ ўқув машқларида – ҳар куни жанг тўхтаган вақтда ёки машғулотлар оралигидаги танаффусларда;

- ўқ отишидан машқлардан, нарядлардан ва дала машғулотларидан кейин – машқлар, нарядлар ва машғулотлар тугаши биланок;

- отишдан кейин – ўқ отиши тугаши билан (ўқ отиши майдонида, тирда, далада) ствол канали тозаланади, кейин қуруқ қилиб артилади ва мойланади; отишдан қайтиб келинганидан кейин пистолетни тўлиқ тозалаш амалга оширилади; кейинги 3-4 кун мобайнида пистолетни тозалаш такрорланади;

- агарда пистолет ишлатилмаётган бўлса, ҳар етти кунда бир марта тозаланиши керак.

Мой яхшилаб тозаланган юзага намлик таъсир этиб улгурмасидан зудлик билан суртилади.

Казармада ва лагерларда пистолетларни тозалаш маҳсус жиҳозланган столларда, жанговар ва юриш вазиятларида эса олдиндан тозаланган тагликда, фанерда, тахтада амалга оширилади.

Пистолетни артиш, тозалаш ва мойлаш учун қуидагилар кўлланилади:

- пистолетнинг стволида ва бошқа қисмларида порох газларининг таъсир этишидан ҳосил бўлган қурумларни бартараф этиш ёки юмшатиш учун;

- милтиқ мойи – пистолетнинг ҳамма металл қисмларини мойлаш учун; бу мой пистолет қисм ва механизмларини +5 °C дан паст бўлмагандаги ишлашини таъминлайди;

- 21 ракамли қишки мой – пистолет қисмларини қиша маълаш учун; бу мой – 40°C совуқликкача пистолет қисм ва механизмларининг ишлашини таъминлайди;

- замбарак мойи – узоқ муддатга омборда саклашга топширилаётган пистолетларни мойлаш учун;

- тоза пахта матолик латта – пистолет қисмларини артиш, тозалаш ва мойлаш учун; шунингдек, каноп толаси – ствол каналини тозалаш учун.

Пистолетни тозалаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) артиш ва мойлаш материаллари тайёрланади;
- 2) пистолет қисмларга ажратилади;
- 3) ствол канали тозаланади.

Тозалагичнинг уч қисмидан тешигидан каноп толаси ёки латта ўтказилади. Каноп толасининг калинлиги шундай бўлиши керакки, у bemalol ствол каналига кирадиган бўлсин. Каноп толасига ишқорий коришма шимдирилади ва тозалагич ствол каналининг олдинги қисмидан киритилиб, бир неча марта уни ствол канали бўйлаб олдинга ва орқага ҳаракатлантирилади. Каноп толаси янгиланиб, тозалаш такрорланади. Кейин ствол канали тоза каноп толаси ёки латта ёрдамида тоза ва қуруқ қилиб артилади. Латта кўздан кечирилади, агарда унда қурум ёки занг излари бўлса, ствол канали тоза бўлгунича тозалаш давом эттирилади. Юқорида кўрсатилган усулда патрондон ҳам тозаланади. Тозалаб бхлинганидан кейин ствол канали ва патрондон ёриқка тутиб кўздан кечирилади;

4) Пистолет асосини стволи ва тушириувчи ҳалқаси билан тозалаш. Қисмлари латта билан ифлос ва намликтан тоза бўлгунча қуруқ қилиб артилади.

Занглар ишқорли коришма шимдирилган латта ёки каноп толаси ёрдамида тозаланади. Асосдаги ботиқларни, уяларни ва тешикларни тозалашда ёғоч чўплар кўлланилади;

5) Затворни, қайтарувчи пружинани, затвор тутқичи ва зарбдор тепки механизмининг қисмларини тозалаш. Агарда тозалаш отишдан кейин амалга оширилаётган бўлса, затвор косачаси ишқорий эритма шимдирилган каноп толаси ёки латта билан қурумдан тоза бўлгўнга тозаланади. Агарда пистолетдан отилмаган бўлса, затвор косачаси қуруқ латта билан артилади. Қўл етмас жойларини артишда ёғоч чўпдан фойдаланилади.

Бошқа металл қисмлари ифлос ва намлиқдан тоза бўлгунча латта билан қуруқ қилиб артилади.

Затвор, затвор тутқичи, зарбор төпки механизмининг қисмлари отишсиз наряд ва машғулотлардан кейин йифилган ҳолда тозаланади. Отишдан кейин ёки пистолет ёмғирда колса, қисмларга ажратиб тозаланади;

6) Дастак кобиғи қуруқ латта ёки каноп билан артилади;

7) Магазинни тозалаш. Наряддан ва машғулотдан кейин магазин йифилган ҳолда, отишдан кейин ва ёмғирда колганда ёки кучли ифлосланганда, қисмларга ажратган ҳолда тозаланади. Наряд ва машғулотдан кейин ифлос ва намлик қуруқ латта билан артилади, отишдан кейин эса узатгичдаги қурум ишқорий эритма шимдирилган латта ёки каноп толаси билан тозаланади;

8) Гилофнинг ташқи ва ички қисми қуруқ латта билан артилади.

Пистолетни мойлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) Ствол каналини мойлаш. Тозалагич тешигидан латта ўтказилади ва унга мой шимдирилади. Тозалагич ствол каналининг уч қисмидан киритилиб, бутун узунлиги бўйича бир неча марта силлиқ ҳаракатлантирилади. Бунда каналнинг кесим ва юзлари юпқа мой билан қопланади. Патрондон стволнинг орқа қисмидан мойланади;

2) Пистолетнинг бошқа металл қисм ва механизмларини мойлаш. Ташқи қисмлари мой шимдирилган латта билан мойланади. Стволчалари, уячалари ҳамда тешиклари мой шимдирилган ва таёқчага ўралган латта ёрдамида мойланади. Мой юпқа қилиб суримиши лозим. Ортикча мойлаш пистолет қисмларининг ифлосланишига ва пистолетнинг ишлашидаги тўхталишларга сабаб бўлиши мумкин;

3) Мойлаш тугалланганидан кейин пистолет йифилади, йифишининг тўғрилиги ва қисм ҳамда механизмларнинг ишлаши текшириб кўрилади.

Пистолетни қишки мойлашга ўтказиша милтиқ мойидан тўлиқ тозаланади. Агарда пистолет милтиқ мойидан тўлиқ тозаланмаса, у совуқда ишламайди.

Совўқдан иссиқ хонага олиб кирилган пистолет мойланмайди, балки у терлаганидан кейин қисм ва механизмлари қуруқ қилиб артилади ва мойланади.

Узок муддатга саклаш учун топширилаётган пистолет тўлиқ тозаланиши ва замбарак мойи ёки 50 % замбарак ва 50 % милтиқ мойи аралашмаси билан қалин қилиб мойланиши зарур.

Пистолетни кўздан кечириш

Пистолетни кўздан кечириши қуидагиларга бўлинади:

1. Пистолетни йифилган ҳолда кўздан кечириш;
2. Пистолетни қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечириш;
3. Жанговар патронларни кўздан кечириш

Пистолетни жанговар холатини ва созлигини аниқлаш мақсадида, ички хизмат низомида кўрсатилгандек, вақтида кўздан кечириб турилади. Пистолет йифилган ёки қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечирилади.

Пистолет билан қуроллангани ҳар бир ходим машғулотдан олдин, ўқ отишдан олдин ғоли ш тозалашда пистолетни кўздан кечириши шарт.

Машғулот ва отишдан олдин пистолет йифилган ҳолда, тозалаш пайтида эса қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечирилади.

Пистолетни ҳар куни кўздан кечиришда қуидагиларни текшириш зарур:

- металл қисмларда занг, ифлослик, тирналган жойлар, ёриқлар йўқлиги ва мойнинг ҳолати;
- затвор, магазин, зарбор тепки механизми, сақлагич ва затвор тутқични соз ишлаши;
- мўлжал билан мушкани созлигини;
- дастакка магазин ушлаб турилишини;
- қувур каналининг тозалигини.

Кўздан кечириш вақтида носозликлар аниқланса уларни тезда бартараф этиш лозим.

Пистолетни сақлаш тартиби

Пистолет ҳар доим соз ҳолатда бўлиши керак. Пистолет ғилофни ва ускуналарни сақлаш пистолет биритирилган ҳодимга юкланди.

Казармада ёки лагерда жойлашганда, пистолет ғилофдан чиқарилган ҳолда, ички хизмат низомида кўрсатилганидек, уяли шкафларда ёки қутиларда сақланади. Сақлашда пистолет ўқланмаган бўлиши керак.

Қисқа муддат аҳоли пунктларида, хонадонларда яшаганда пистолет ҳодимнинг ўзида сақланади. Даля машғулотларида, юришда ёки машинада кетаётганда, пистолет қайишга тақилган

ғилофда олиб юрилади. Пистолет қувурининг шишиши ёки ёрилишининг олдини олиш учун, унинг қувурига бирон нарса тиқиш тақиқланади.

Отишдан бошқа ҳамма вақт пистолетнинг сақлагиши «сақлаш» ҳолатида бўлиши керак. Агарда пистолетни нам ғилофга солишига тўғри келса, биринчи имкон бўлганидаёқ пистолетни чиқариб артиб тозалаш ва мойлаш зарур.

Иссиқ худудларда ҳавода чанг бўлганда, шунингдек ҳаво намлиги кучли худудларда пистолет маҳсус кўрсатмага биноан сақланади.

Пистолетга турғум химёвий захарлаш воситалари таъсир этганда, уни дэгазация қилиш ички ишлар идоралари химёвий хизматнинг маҳсус кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Ўқотар қуролдан отиш машқларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби

Ўқув жойларидағи отиш машғулоти раҳбари отувчиларнинг навбатдаги сменаси (хисоби)га жанговар таъминот пунктидан ўқдориларни олиш ҳақида буйруқ беради. Ўқ-дорилар ходимларга белгиланган тартибда доналаб ёки тайёрланган тасма (ўқдон)ларда тарқатилади, шунингдек, заруратга қараб фақатгина тайёрланган ўқдон (тасма)ларда тарқатилиши мумкин.

Ходимлар ўқ-дори (патрон)ларни олгандан сўнг, уларни кўздан кечириб, унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқдори (патрон)ларни олдим, камчиликлар йўқ (ёки камчиликлар мавжуд бўлса айтади)!**” деб ахборот беради. Ўқдориларни ўқдон (тасма)ларга, шунингдек, гранаталар билан бирга сумка (кути)ларга жойлаштирадилар ҳамда смена бошлиғининг раҳбарлигига бошланғич ҳолатга ўтадилар.

Смена (хисоб) бошланғич ҳолатга етиб келгач, ўқув жойларидағи отиш машғулоти раҳбари отувчилар гурухи командири (раҳбари)га отувчиларнинг ҳар бирига жанговар вазифани тушунтириш тўғрисида буйруқ беради.

Отувчилар гурухи командири (раҳбари) ёки ўқув жойларидағи отиш машғулоти раҳбари ҳар бир отувчига машқни бажариш тартибини (ўт очиш позицияси, ўрни ва отиш ҳолати, отиш сектори, ҳарақат йўналиши, ходимларнинг отиш навбати ва бошқалар) тушунтиради.

61. Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимлар сменаси ва ўқув жойининг отиш машғулотларини ўтказиш учун

шайлигига ишонч ҳосил қилгач, ўқув жойининг бошқарув пунктида қизил байроқ кўтаришни (визуал сигнал мосламасининг қизил рангдаги ярим доирасини очишни, бундан буён матнда қўмондонлик, ўқув жойи бошқарув пунктларидағи байроқлар ҳақида айтилган ҳамма нарса визуал сигнал мосламасига ҳам тааллуқли ҳисобланади) буюради ва отиш машғулотининг катта раҳбариға отишга шайлик ҳақида билдирув беради.

Барча майдонлар машғулотини ўтказиш учун шай ҳолатга келиши билан отиш машғулотининг катта раҳбари қўмондонлик пунктида қизил байроқ кўтаришни буюради ва “**Диққат! Ҳамма эшитсин!**” сигналини беришга кўрсатма беради.

Жойдан отиш назарда тутилган машқларни бажаришда (ўт очиш позицияларини алмаштириш билан) ходимлар ўт очиш маррасидаги кўрсатилган ўт очиш позицияларини эгаллайдилар, қуролни ўқлайдилар ва унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқ отишга тайёр!**” деб билдирув беради.

Билдирувларни қабул қилгач, машғулот раҳбари ходимларга “**Ўт оч!**” командасини беради ҳамда ходимлар отиш секторини кузатиб, нишонлар аниқланган вақтда машқ шартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равища отадилар.

Ўт очиш маррасидан маълум узоқликдаги тайинланган ўт очиш позицияларига қараб силжиш назарда тутилган машқларни бажаришда участкадаги отиш машғулоти раҳбарининг командасига кўра ходимлар ўт очиш маррасида отишга тайёрланадилар, қуролни ўқлайдилар ҳамда унвони ва фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқ отишга тайёр!**” деб билдирув берадилар.

Отиш машғулоти раҳбарининг “**Ўт очиш маррасига – ОЛҒА!**” командасига биноан ходимлар қуролларни сақлагичга қўйган ҳолда шахдам қадамлар билан, қисқа масофаларга югуриб ўтган ёки юргурган ҳолда кўрсатилган ўт очиш позициялари томон юрадилар.

Қўйилган вазифага мувофиқ кўрсатилган отиш секторини кузатадилар, нишонлар аниқланган вақтда машқ шартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равища отадилар.

Машқларни бажариш тугагандан сўнг ходимлар қуролни ўксизлантирадилар, ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари қуролни кўздан кечириб, сменани бошланғич ҳолатга қайтаради, бошқарув пунктидаги қизил байроқни оқ рангдаги байроқ билан

алмаштиришга кўрсатма беради ва ҳар бир ходимнинг машқ пайтидаги ҳаракатлари, отиш натижалари юзасидан кузатувлар, ўқдориларнинг сарфланиши, носозликлар ҳамда отишдаги тутилишлар тўғрисидаги билдирувини тинглайди.

Билдирув бериш мисол тариқасида қуидагича амалга оширилади: **“Ўртоқ катта лейтенант, сафдор Ўролов пистолетдан назорат отиш машқини бажарди, отиш вактида:**

4-сонли, айланалар туширилган кўкрак шаклини 3 та ўқ билан зарб этди;

ўқдориларнинг барчаси сарфланди (барчаси сарфланмади, шунча патрон ортиб қолди), отиш вактида тўхталишлар бўлмади (ёки тўхталишлар сабабини айтиб ўтади)”.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимнинг билдирувларини тинглаб бўлгач, машқлар ижроси юзасидан қисқача муҳокама ўtkазади ва унда ходимлар қуидагиларга эътибор қаратади:

ходимларнинг отишга тайёрланиш вактидаги ҳаракатлари, отиш йўллари ва усулларининг тўғри ижро этилиши, ҳаракат давомида қисқа тўхташлар давомийлигига;

отиш учун маълумотларни тайёрлашдаги аниқлик, бошланғич кўрсатмаларга тузатишлар киритиш ва ўт очиш амалини олиб боришга тузатишлар киритишга;

ҳаракатланиш, отишни олиб бориш, қўл гранаталарини улоқтириш вактида жой ва маҳаллий предметларнинг ҳимоя хусусиятларидан фойдаланишга;

машқ шартлари ва хавфсизлик талабларининг бажарилишига.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари муҳокамани ўтказиб бўлгандан сўнг баҳоларни эълон қилиб, сарфланмаган ўқдориларни жанговар таъминот пунктига ёки тарқатувчига топшириш ва навбатдаги ўқув жойига йўл олиш тўғрисида буйруқ беради. Сўнгра отиш машғулоти катта раҳбариға сменанинг отишни тугатганлиги тўғрисида билдирув беради.

Смена бошланғич ҳолатга қайтгандан сўнг (бошқарув пунктларининг барчасида оқ байроқ чиқариб қўйилгандан сўнг) отиш машғулотининг катта раҳбари қўмондонлик пунктида оқ байроқ чиқариб қўйиш, **“Машқ тамом!”** белгисини бериш ва зарурат бўлса **“Нишонларни кўздан кечириш!”** ҳақида кўрсатма беради.

Макаров пистолетидан ўқув отиш машқларини бажариш



Пистолетдан ўқ отиши усуллари

Пистолетдан отиш тик туриб, тиззалаган ҳолда, ётиб ва қўлга таянган ҳолда амалга оширилади. Отишни барча усуллардан фойдаланиб, тез ва нишонни кўздан қочирмасдан амалга ошириш зарур.

Пистолетдан ўқ отиш қуйидаги усуллар билан бажарилади:

- отишга тайёрланиш (пистолетни ўқлаш, ўқ отиш ҳолатини эгаллаш);
- ўқ отишни амалга ошириш (мўлжалга олиш, тепкини қўйиб юбориш);
- ўқ отишни тугаллаш (тепки думига босишини тўхтатиш, сақлагични ёпиш, пистолетни ўқсизлантириш).


Жангда пистолетдан мустақил равища ўт очилади. Ўқув машғулотларида ҳар хил ҳолатда отишга командалар берилади. Масалан: «**Фалон нишонга қаратা, ётган ҳолда** (тиззалаб, тик турган ҳолда) – **ўт оч!**». Бу команда бўйича кўрсатилган ҳолат эгалланади, сақлагич байроқчаси пастга босилади, мўлжалга олиниб, ўзини ўзи жанговарлаш орқали ўқ отилади. Нишонга аниқ уриш учун ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, ўзига қулай ҳолатни эгаллайди.

Отишга тайёрланиш

Отишга тайёргарлик қўрилаётганда «**Ўқла!**» командаси бўйича қуйидагилар бажарилиши зарур:

- ғилофдан пистолетни чиқариш, магазинни даста асосидан чиқариш; пистолетни ғилофига солиш;
- магазинни патронлар билан ўқлаш (63-расм); ўнг қўл билан магазинга бирин-кетин патронларни жойлаш, бунда патрон магазин корпуси ён деворчаларининг юқори қисмидаги эгилган қирралари

ортига кирмагунича бош бармоқ билан босилади ҳамда пистони орқа деворига тегмагунича итариб қўйилади;



63-расм. Магазинни патронлар билан ўқлаши.

- ўнг қўл билан пистолетни ғилофдан чиқариб, магазинни дастага киритиш;
- патронни патрондонга киритиш, бунинг учун сақлагични ўчириш (байроқчасини пастга тушириш), затворни орқага тортиш ва қўйиб юбориш;
- сақлагични ишга солиш (байроқчасини бош бармоқ билан кўтариб, қизил доирачани ёпиш) ва пистолетни ғилофга жойлаш.

Эслатма. Жанговар ҳолатда пистолет аввалдан ўқланган бўлиши керак.

Тик турган ҳолда отиш ҳолатини эгаллаш учун:

- ярим чапга бурилиб, ўнг оёқ нишон йўналишида елка кенглигига олдинга қўйилади, бунда гавда оғирлиги икки оёқка тенг тушиши керак;
- пистолет ғилофдан чиқарилади;
- пистолетнинг оғзини юқорига қаратган ҳолда, ўнг кўз олдида ушланади; чап қўл эркин туширилган ёки белга қўйилган бўлади.

Тиззалаган ҳолда отиш ҳолатини эгаллаш учун чап оёқни орқага қўйиб тиззага чўкилади; пистолет ғилофдан чиқарилади, сақлагич ечилади; тепки жанговар ҳолатга келтирилади; пистолет юқорида кўрсатилгандек ушланади.

Ётган ҳолда отиш ҳолатини эгаллаш учун чапга ярим бурилган ҳолда ўнг оёқ ярим қадам олдинга қўйилади; тезда чап тиззага чўкилади; кейин чап қўл билан ерга таянган ҳолда нишон йўналишида ётилади, оёқлар товони ташқарига қараган ҳолда бироз очилади. Пистолет ғилофдан чиқарилади, сақлагичдан ечилади ва тепки жанговар ҳолатга келтирилади (64-расм).



64-расм. Тик туриб бир құллаб отиши ҳолаты

Эслатма: 1. Чап құллаб отища гавда ҳолати аксинча бўлади – ўнг қўл билан пистолет ғилофидан чиқарилади ва чап қўлга олинади.

2. Агар ўзи ўқланган пистолетдан отилмаса, яъни ўқ отишдан аввал тепки жанговар ҳолатга қўйиладиган бўлса, сақлагич ўчирилганидан кейин ўнг қўл бош бармоғи билан тепки бошчасини босиб, тепки жанговар ҳолатга қўйилади.

Тик турган ҳолда икки қўллаб ўқ отиш ҳолатини эгаллаш учун (65-расм):



65-расм. Тик турган ҳолда икки қўллаб ўқ отиш ҳолаты

– нишонга қараб турилади, оёқлар бироз букилган ҳолда елка кенглигига қўйилади, гавда оғирлигини иккакала оёққа бир хил тақсимлаб, чап оёқ (бўйга мослаб) бироз олдинга сурилади;

– ғилоф қопқоғи тұгмасидан ечилиб, пистолет ундан чиқарып олинади;

– пистолет тик турған ҳолда бир қўллаб отиш учун белгиланган ҳолатда ушланади, бунда чап (ўнг) қўл ўнг (чап) қўл кафтини остидан ушлаб ва қоплаб туради, чап (ўнг) қўл бош бармоғи эса ствол йўналиши бўйлаб затвор чизигидан пастда турадиган қилиб жойлаштирилади.

Тиззалаб ўқ отиш ҳолатини эгаллаш учун (66-расм) чап оёқ кафтининг учи ўнг оёқ пошнасининг рўпарасида турадиган тарзда орқага сурилади; тезда чап тиззага чўкиб, пошнага ўтирилади; ўнг оёқнинг тиззасидан кафтигача имкон қадар тик тутилади, оёқ кафтининг учи эса нишонга йўналтирилади; пистолет ғилофидан чиқарилади, агар ўқ отиш тепкини жанговар ҳолатга қўйишдан бошланадиган бўлса, сақлагич ўчирилиб, тепки жанговар ҳолатга қўйилади ва пистолет нишонга қаратилган ҳолда ушлаб турилади.



66-расм. Тиззалаб ўқ отиш ҳолати

Ётиб ўқ отиш ҳолатини эгаллаш учун (67, 68-расмлар) ўнг оёқ билан олдинга ва бироз ўнгга тўлик қадам ташланади; олдинга энгashiб, чап тиззага чўкилади ва чап қўл ерга, бармоқларини ўнгга қаратиб, гавдадан бироз олдинга қўйилади; сўнгра кетма-кет чап оёқ сони ва чап қўл билагига таянган ҳолда, чап ёнбошга ётилади ва тезда қоринга ўчирилади, оёқлар, учлари ташқарига қаратилган ҳолда, елка кенглигига ташланади. Пистолет ғилофидан чиқарилади, сақлагичдан ечилади ва тепки жанговар ҳолатга қўйилади, агар отиш ўзини ўқлаш ҳолатидан амалга ошириладиган бўлса, сақлагичдан чиқарилганидан кейин ўнг қўл кўрсаткич бармоғи, тепки илгагига тегмаган ҳолда, тепки ҳалқасига қўйилади.



67-расм. Ётиб ўқ отиши ҳолати.



68-расм. Ётиб иккала қўлда ўқ отиши ҳолати.

Ўқ отишини амалга ошириш

Барча ҳолатлардан ўқ отиш учун: мўлжалга олиш нуқтаси танланади; нишонни кузатишни тўхтатмаган ҳолда пистолет дастасидан ўнг қўл панжаси билан ушланган ҳолда олдинга узатилади; шу қўл кўрсаткич бармоғининг биринчи бўғини билан тепки илмоғининг думи босилади; ўнг қўлнинг бош бармоғи пистолет дастасининг чап томонидан стволга параллел тарзда узатилади, олдинга узатилган ўнг қўл зўриқмасдан эркин ҳолда тутилади, шу қўл панжаси ствол канали ва қўл билаги ўқи бўйлаб ўтадиган юзада ушланади; пистолет дастасини сикмасдан, имкон қадар бир хилда ушлаш керак.

Мўлжалга олиш учун нафас олиш табиий чиқарилиш вақтида тўхтатилади, чап кўз қисилади, ўнг кўз билан мўлжал кемтигидан

мушкага қаралади, бунда мушка мўлжал кемтигининг ўртасида туриши керак. Унинг тепа қисми эса мўлжал (коровул)нинг юқори чеккалари билан тенг туриши (тўғри мўлжал олиниши) лозим; худди шу ҳолатда пистолет мўлжалга олиш нуқтасига тўғриланади (бунда пистолет ёнбошга бурилмайди), айни вақтнинг ўзида тепки думига босиш бошланади.

Эслатма. Агар отаётган одам алоҳида чап кўзни юмиши қийин бўлса, иккала кўзи очиқ ҳолда мўлжал олишига рухсат этилади.

Тепкини қўйиб юбориши учун нафас олишни тўхтатган ҳолда, тепки думига кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғини билан аста босилади; босиш тепки отувчига сезилмаган ҳолда, гўёки ўз-ўзидан жанговар ҳолатдан чиқиб кетгунича, яъни ўқ отилиши амалга ошмагунича давом эттирилади.

Тепки аввалдан жанговар ҳолатга қўйилганида унинг ҳалқаси (илгаги) отилиш амалга ошгунича эркин ҳаракат қиласидан муайян масофа борлигини инобатга олиш лозим.

Тепки ҳалқасини босища бармоқнинг босими тўғри орқага қаратилган бўлиши шарт. Отувчи тепки думига берилаётган босимни бир текисда ошириб бориши лозим; босимни ошириб бориш давомида мўлжал билан мушка ўртасидаги тўғрилик бузилмаслиги керак. Агар мўлжалга олиш вақтида тўғри мушка мўлжалга олиш нуқтасидан анча оғадиган бўлса, тепки илгагига берилаётган босимни оширмай ва камайтирмай туриб, мўлжални аниқлаштириш ҳамда ўқ отиш юз бермагунича тепки илгагига босимни яна ошириб бориш керак. Тепкини босаётганда тўғри мушка мўлжалга олиш нуқтаси атрофида аста тебранишига эътибор бермаслик керак. Одатда, тўғри мушка мўлжалга олиш нуқтасига энг мувофиқ келган пайтда тепки илгагини охиригача босишга ҳаракат қилиш тепки илгагининг силтанишига ва ўқнинг нишондан оғишига олиб келади.

Агар отувчи тепки ҳалқасининг думини босаётганида бошқа нафас олмай туролмаслигини сезса, тепки илгагига берилаётган босимни оширмай ва камайтирмай туриб, нафас олиши, сўнгра, нафасни таштатиб, тепки илгагига босишни давом эттириши лозим.

Ўқ отишни тугаллаш

Ўқ отишни тугаллаш **вақтинчалиқ** ёки **тўлиқ** бўлиши мумкин. **Вақтинчалик** ўқ отишни тугатиш учун «Тўхта» командаси берилади. Бу команда бўйича отувчи тепки думига босишни тўхтатади; ўнг қўлда пистолетни ушлаб турган ҳолда, шу қўлнинг

бош бармоғи билан сақлагиң байроқчасини юқорига күтәради ва, агар зарур бўлса, пистолетни ўқсизлантиради.

Пистолетни ўқсизлантириш учун:

- пистолет дастасидан магазин чиқарилади;
- ўқланган магазин пистолет дастасига киритилади;
- агар отиш зарурати бўлса, сақлагиң пастга босилади. Отиш тепкини олдиндан жанговар ҳолатга келтириб ёки ўзини ўзи жанговар ҳолатга келтириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўқ отишни тўлиқ тугаллаш учун «Ўқсизлантириш» командаси берилади.

Бу команда бўйича:

- тепки думига босиш тўхтатилади;
- сақлагиң байроқчаси юқорига кўтарилиб ёпилади;
- пистолет ўқсизлантирилайди.

Пистолетни ўқсизлантириш учун:

- магазин дастадан чиқарилади;
- сақлагиҷдан ечилади (байроқча пастга босилади);
- патрондондан патронлар чиқариб олинади, бунинг учун пистолет дастасидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, затвор чап қўл билан орқага тортиб қўйиб юборилади; затвор улоқтириб юборган патрон ердан олинади;
- сақлагиң байроқчаси юқорига кўтарилиб ёпилади;
- пистолет ғилофга жойланади;
- магазиндан патронлар чиқариб олинади (69-расм);
- пистолет ғилофдан чиқарилади; магазин дастага ўрнатилади; пистолет қайтадан ғилофга жойланади ва ғилоф қопқоғи беркитилади.



69-расм. Патронларни магазиндан чиқарииш

«Курол – кўрикка» командаси бўйича отувчи қуидагиларга мажбур: чап қўл билан магазинни пистолет дастасининг асосидан чиқариш ҳамда иккала қўлни елкалари баландлигидан кўтариш (ўнг қўлда пистолет, чап қўлда эса магазин ушланади) (70-расм).



70-расм. «Курол – кўрикка» командасини бажарии.

Ўқ отиш раҳбари смена ортидан юриб магазин патрононида патронлар йўқлигига ишонч ҳосил қиласди, «кўрилди» командасини беради.

Бу команда бўйича ўқ отувчи қуидагиларга мажбур:

- ўнг қўл бош бармоғи билан затвор задержкаси кнопкасини босиш ва затворни бўшатиш;
- тепки илгагини босиб, нишонга қарата назорат тариқасида тепкини босиш;
- сақлагични «сақлаш» ҳолатига қўйиш;
- магазинни даста асосига ўрнатиш;
- пистолетни ғилофга олиш ва қопқоғини илгакка илиш.

Пана жойдан таянган ҳолда ўқ отиш

Таянч ўқ отишнинг самарадорлигини ошириш учун қўлланилади. Таянчининг баландлигига қараб ўқ отувчи отиш учун тегишли ҳолат эгаллаши лозим (71-расм).



71-расм. Панадан туриб ўқ отиш учун ҳолат.

Таянган ҳолда ўқ отиш чоғида ўнг қўл пистолет билан таянч устига шундай қўйиладики, ўнг қўл кафти осилиб туриши, пистолет дастаси эса таянчга тегмаслиги лозим.

Пана жойдан душман қузатувини қийинлаштириш ва унинг ўқидан ҳимояланиш учун фойдаланилади.

Пана ортидан қўл билан оқ отиш учун тегишли ҳолат (тик туриш, тиззалаб туриш, ётиш) эгалланади ҳамда ўнг қўл кафти пистолет билан эркин турадиган тарзда таянчга қўйилади.

Пистолетдан ўқ отиш қоидалари

Пистолет билан қуролланган ҳарбий хизматчи жангда вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мустақил равишда ўт очади.

Отиш учун жой танлаш

Ўқ отиш нишонни қисқа муддатда маҳв этиш имконини берадиган ҳар қандай жойдан ва ҳар қандай ҳолатда амалга оширилади.

Жангда пистолетдан ўқ отиш учун жой мустақил танланади. Танлашда вазият ва худуднинг хусусиятлари ҳисобга олинади.

Танланган жой отиш учун қулай ва душман ўқидан ҳимояланган бўлиши керак.

Пистолетдан ўқ отища тепкининг тўғри босилишига алоҳида эътибор бериш керак (72-расм).



72-расм. Тепки илгагини босишида куч берииш йўналиши.

Отиш учун нишонни танлаш

Жангда пистолетдан отиш учун нишон қилиб, очиқликда жойлашган, тўсатдан пайдо бўлувчи ёки ҳаракатланувчи душманнинг аскар ва офицерлари танланади. Нишон танлашда унинг аҳамиятини ҳисобга олиш, энг яқин тургани ва энг қалтис ҳолатдагисини танлаш лозим.

Мўлжалга олиш нуқтасини танлаш

Мўлжални ишончли маҳв этиш учун нишонгача бўлган масофани ва қуидаги жадвалга асосланиб, траекториянинг кўтарилиш катталигини ҳисобга олиш зарур.

50 м масофадаги қўзгалмас нишонга отища мўлжалга олиш нуқтаси нишоннинг жойлашиши ва баландлиги ҳисобга олинган ҳолда танланади.

Тўғрига ҳаракатланаётган нишонларни отища қўзғалмас нишонларга отиш усулидан фойдаланилади. Ён томонга ҳаракатланаётган нишонларга отища эса мўлжалга олиш нуқтаси ҳаракат йўналиши томонга ва ҳаракат тезлигини ҳисобга олган ҳолда кўчирилади.

Қисқа муддатга ва тўсатдан пайдо бўлувчи нишонларга отища нишоннинг қулай ҳолати кутилади ва тепкининг ўзини ўзи жанговар ҳолатга келиши усулида отилади.

Ўқ отиш вақтида таълим олувчилар баландлик отишини ҳисобга олишлари зарур (73-расм):

Makarov pistoletidan nishonni mo'ljalga olish tartibi:



73-расм. Макаров пистолетидан 20 метр масофага ўқ отишида баландлик отиши.

Чекланган кўринишли шароитда ўқ отиш

Тунда сунъий ёруғлик бўлганида ўқ отиш учун қисқа вақт ичида ўқ узиш учун отувчидан катта маҳорат талаб қилинади. Жой ёритилган вақтда ўқ отувчи тезда нишонни топиб, тўппончани кўтара солиб дарҳол ўқ узиши ёки бир қатор ўқлар отиши керак бўлади (ёритишнинг давом этишига қараб).

Фира-шира вақтда ҳамда ойдин кечада ўқ отиш кундузги ўқ отиш қоидаларида белгиланган тартибда бажарилади.

Тунда, нишонни ёритиш ва мўлжалга олиш имкони бўлмаган пайтда, ўқ шарпаларга ёки ўқ отилишидан ҳосил бўлган чақнашларга ва душман томонидан келаётган турли товушларга қарата ўт очилади.

Заҳарловчи ва радиоактив моддалар таъсир этаётган шароитда ўқ отиш

Заҳарловчи ва радиоактив моддалар таъсир этаётган шароитда ўқ индивидуал ҳимоя воситаларида отилади.

Турли нишонларга қарата ўқ отиш қоидалари оддий шароитлардаги ўқ отиш қоидалари билан бир хил.

Патронлар билан таъминлаш ва уларнинг жангдаги сарфи

Пистолет учун патронлар захираси ғилофдаги захира магазинда олиб юрилади. Пистолет билан қуролланган ҳар бир ҳарбий хизматчи патронлар захираси бўлиши ва жангда уларни тежаб сарфлаш ҳақида ўйлаши лозим.

6-§. Стечкин автоматик пистолети (АПС)



**Стечкин Игорь Яковлевич
(15.11.1922-28.11.2001)**



9 мм ли Стечкин автоматик пистолети 1948 йил Стечкин Игорь Яковлевич томонидан сабиқ

СССРнинг офицер, сержант ва аскарларини қуроллантириш мақсадида ихтиро қилинган бўлиб ушбу қурол 1951 йил қуролланишга қабул қилинган.

9 мм ли Стечкин автоматик пистолети шахсий таркибнинг хужум ва химоя қуроли бўлиб, душманни яқин масофаларда йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Пистолетдан 50 метргача масофада мўжалга олиб отиш анча юқори самара беради.

З-жадвал

9 мм ли Стечкин автоматик пистолетининг жанговар хусусиятлари

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	340 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	700-750 та патрон 1 дақиқада
5.	Жангавор отиш тезлиги, якка тартибда	40 ўқ 1 дақиқада
6.	Жангавор отиш тезлиги, қаторасига отишда	90 ўқ 1 дақиқада
7.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	25,50,100,200

8.	Пистолетни ғилофсиз ва патронсиз оғирлиги	1020 гр
9.	Пистолетни патронлар билан, ғилофсиз оғирлиги	1220 гр
10.	Филоф оғирлиги	560 гр
11.	Пистолетни қўндоғи билан узунлиги	540 мм
12.	Пистолетни узунлиги	225 мм
13.	Ствол узунлиги	140 мм
14.	Пистолетни баландлиги	150 мм
15.	Нарезлар сони	4 та.
16.	Магазин сигими	8 патрон
17.	Патрон	9 x18 мм
18.	Патрон оғирлиги	10 гр

АПС пистолетини нотўлиқ қисмларга ажратиш ва қайта йиғиши тартиби.

1. Пистолет дастагидан магазинни ажратиш. Пистолетни ўнг қўлига олиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан жанговар пружинанинг пастки қисмини орқага итариб чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан магазин қопқоғининг четидан пастга торган ҳолда магазин дастакдан ажратилади. Сақлагич байроқчаси пастга босилиб, пистолет сақлагичдан ечилади, чап қўл билан затвор орқа ҳолатга тортилиб патрондонга қаралади ва унда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилингач, затвор қўйиб юборилади хамда пистолет хавфсиз томонга қаратилган ҳолда тепки ҳалқаси босиб юборилади. (74-расм.)



74-расм. Магазинни ажратиш.

2. Тушурилувчи ҳалқани тушириш.

Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан туширилувчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортилиб туширилади, уни ихтиёрий равишда чапга ёки ўнгга оғдириб, асосга тираб кўйилади. (75-расм).



75-расм. Тушурилувчи ҳалқани тушириши.

3. Затворни асосдан ажратиши. Чап күл билан затвор орқа чекка ҳолатга тортилади ва орқа қисмини бироз кўтарган ҳолда, унинг қайтарувчи пружина таъсирида олдинга ҳаракатланишига йул қўйиб берилади. Затвор асосдан ажратилиб, туширилувчи ҳалқа жойига туширилади (76-расм).



76-расм. Затворни асосдан ажратиши

4. Стволдан қайтарувчи пружинани ажратиши. Ўнг күл билан пистолет дастагидан ушлаган ҳолда, чап күл билан қайтарувчи пружи-на олдинга сурилган ҳолда стволдан ажратиб олинади. (77-расм).



77-расм Стволдан қайтарувчи пружинани ажратиши

9мм ли АПС пистолетининг нотўлик қисмларга ажратилган ҳолдаги кўриниши. (78-расм).



78-расм. 9 ммли АПС пистолетининг нотўлик қисмлари.

Пистолетни нотўлик қисмларга ажратилгандан сўнг уни қайта йиғиш тартиби

1. Стволга қайтарувчи пружина кийдириши.. Пистолет дастагидан ўнг күл билан ушлаган ҳолда, пружинанинг ўрамалари тор қисми билан стволга кийдирилади. (79-расм)



79-расм. Стволга қайтарувчи пружина кийдириши.

2. Затворни асосга ўрнатиш. Пистолет дастагидан ўнг кўл билан ушлаган ҳолда, чап кўл билан затворни ушлаб, унга қайтарувчи пружинанинг озод томони киритилади ва ствол олди қисми затвор канали ичидан ўтадиган қилиб затвор орқага сурилади. Бунда ствол затворнинг олд қисмидан чиқиб туриши керак (80-расм).

Затвор орқа қисми асосга шундай қўйилиши керакки, бунда затворнинг узунасига бўртиқлари асоснинг ботиқларига тушиши керак, шундан кейин у қўйиб юборилади. Затвор қайтарувчи пружинанинг таъсирида куч билан олдинги ҳолатта қайтади. (81-расм)

3. Тушириловчи ҳалқани жойига қўйиш. Пистолет дастагини ўнг кўл билан ушлаган ҳолда, чап кўл билан тушириловчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортилади ва уни ихтиёрий равишда кўйиб юборилади. Тушириловчи ҳалқа асосга ўрнашгандан сўнг пистолет сақлагичга қўйилади (байроқча тепага кўтарилади). (82-расм)

4. Магазинни пистолет дастагига ўрнатиш. Пистолетни ўнг кўлда ушлаган ҳолда, чап кўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан магазин дастакнинг пастки дарчаси орқали дастакка солинади. Бош бармоқ билан магазин қопқоғига босилади ва бунда лўқидон (жанговар пружинанинг пастки чеккаси) магазин деворидаги буртиқقا мингашиб қолиши керак; бу ҳолда шик этган товуш чикади (83-расм).



80-расм. Затворни асосга ўрнатиш



81-расм. Затворни асосга ўрнатиш.



82-расм. Тушириловчи ҳалқани жойига қўйиш.



83-расм. Тушириловчи ҳалқани жойига қўйиш.

7-§. Ярыгин пистолети (ГРАЧ)



**Владимир Александрович
Ярыгин**
**(01.04. 1950 йил туғилған,
70 ёшла)**

хамда ички ишлар ходимларини қуроллантириш учун ишлаб чиқарылған.

9 мм ли Ярыгин пистолети шахсий қурол ҳисобланиб, ҳужум ва мудофаа мобайнида душманин жонли күчини қисқа масофалардан йўқ қилиш учун мўлжалланган.



9 мм ли Ярыгин пистолети 1993-2000 йил оралиғида Владимир Александрович Ярыгин томонидан ихтиро қилинган бўлиб 2003 йил қуролланишга қабул қилинган. 9 мм ли Ярыгин пистолети мудофаа вазирлигининг, ички қўшинларнинг зобитлари вазирлигининг маҳсус бўлинмалари

4-жадвал

9 мм ли Ярыгин пистолетининг жанговар хусусиятлари

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	465 м/с
3.	Жангавор отиш тезлиги	35 ўқ 1 дақиқада
4.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	50
5.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	950 гр
6.	Пистолетни узунлиги	198 мм
7.	Ствол узунлиги	112,8 мм
8.	Пистолетни баландлиги	145 мм
9.	Пистолетнинг эни	38 мм
10.	Нарезлар сони	6 та.
11.	Магазин сигими	18 патрон
12.	Патрон	19x9 ПС
13.	Патрон оғирлиги	9.5 гр
14.	Ўқ оғирлиги	5.3 гр
15.	Патрон узунлиги	29.7 мм.
16.	Ўқ узунлиги	17.8 мм.

Ярыгин пистолетнинг асосий қисм ва механизмлари қўйидагилардан иборат:

1. Стволли асос тушириш халқаси билан, зарбдор тепки механизми сақлагич ва магазин тутқичи;
2. Затвор туртгич билан ҳамда мўлжалга олиш мосламаси;
3. Ствол;
4. Қайтарувчи пружина;
5. Шток;
6. Қисқа туташтирувчи,
7. Дастак;
8. Магазиндан иборат.

Бугунги кунда Ярыгин пистолетидан одий «люгер» патронлари ва маҳсус икки турдаги патронлардан фойдаланилади (84-расм).

1. 9x19 «люгер» патрони
2. Пўлат ўзакли патрон 9x9 ПС
3. Тешиб ўтиши юқори бўлган 9x19 ПБП



84-расм. Патрон 9x19 «люгер», 19x9 ПС ва 9x19 ПБП

Ярыгин пистолетини нотўлик қисмларга ажратиш ва қайта йиғиши.

Пистолетни нотўлик қисмларга куйидагича ажратилади;

1. Пистолет дастагидан магазин ажратилади;

Пистолетни ўнг қўлга олиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан магазин қисқичини орқага итариб чап қўлнинг кўрсатгич бармоғи билан магазин қопқоғининг четидан пастга тортган ҳолда магазинни дастакдан ажратилади (85-расм).



85-расм. Пистолет дастагидан магазини ажратиши.

2. Патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади:

Бунинг учун сақлагич қулоқчаси пастга туширилади, чап қўл билан затвор орқага тортиб ствол кўздан кечирилади. Текширилгач затворни кўлимиз билан олдинги холатига юборамиз ва тепки халқасидан босиб назорат отишни амалга оширамиз (86-расм).



86-расм. Патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади.

3. Қиска туташтирувчини асосдан ажратиши:

Бунинг учун пистолетнинг ўнг томонидан ўнг қўлнинг кўрсатувчи бармоғи билан туташтирувчини чап томон босилади ва чап томондан тортиб олинади (87-расм).



87-расм. Қиска туташтирувчини асосдан ажратиши.

4. Затворни ствол билан пистолет асосидан ажратиб олиши:

Пистолет ўнг қўлга олиниб, чап қўл билан затворни олдинга харакатланиш йўналишида юборамиз тушириш халқаси пастга тортилади ва чап қўлга қийшайтириб асосга тираб қўйилади.

Кўйилганда халқа асосдан чиқиб кетмасдан тирилиб туриши керак (88-расм).



88-расм. Затворни ствол билан пистолет асосидан ажратиб олиш.

5. Ствол, шток ва қайтарувчи пружинани затвор асосидан ажратиб олиш;

Затворни чап қўл билан ушлаб стволнинг қалин бўртифидан ўнг қўл билан ушлаб қувурни озгина олдинга суриб ёнбошлиниб чиқариш керак, шундай қилиб ствол, қайтарувчи пружина ва шток затвор асосидан кўтариб ажратиб олинади (89-расм).



89-расм. Ствол, шток ва қайтарувчи пружинани затвор асосидан ажратиши.

6. Стволдан қайтарувчи пружина ва штокни ажратиши;

Стволни чап қўл билан ушлаб ўнг қўл билан қайтарувчи пружина ва шток эҳтиёткорлик билан ажратиб олинади (90-расм).



90-расм. Стволдан қайтарувчи пружина ва штокни ажратиши.



91-расм. Нотўлиқ қисмларга ажратилган пистолетни йигини тартиби тескари тартиб бўйича бажарилади.

8-§. Ўзи ўқланувчи кичик хажмли пистолет (ПСМ)

5,45 x 18 мм ли ПСМ пистолети конструкторлар гурухи Т.И. Лашнев, А.А. Симарин ва Л.Л. Куликовлар томонидан собиқ СССРнинг олий қўмондонлик таркиби ва КГБнинг тезкор хизмат ходимларини қуроллантириш учун 1971 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, 1973 йил қуролланишга қабул қилинган.

5,45 x 18 мм ли кичик хажмли автоматик пистолет (ПСМ - пистолет самозарядный малогабаритный)си шахсий қурол ҳисобланиб, ҳужум ва мудофаа мобайнида душманини жонли кучини қисқа масофалардан йўқ қилиш учун мўлжалланган (92-93 расмлар).



92-расм. Пистолетни умумий кўрининши.



93-расм. Пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратилган холдаги кўрининши.

5-жадвал

5,45 мм кичик хажимли автоматик пистолетининг жанговар хусусиятлари

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	5x45 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	315 м/с
3.	Жангавор отиш тезлиги	30 ўқ 1 дақиқада
4.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	25
5.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	460 гр
6.	Пистолетни патронлар билан оғирлиги	510 гр

7.	Пистолетни узунлиги	155 мм
8.	Ствол узунлиги	84,6 мм
9.	Пистолетни баландлиги	117 мм
10.	Пистолетнинг эни	18 мм
11.	Нарезлар сони	6 та.
12.	Магазин сигими	8 патрон

**5,45 мм ли ПСМ пистолетини нотўлиқ қисмларга ажратиш
Пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратиш қуидаги тартибда
амалга оширилади:**

**1. Пистолет дастагидан магазин
ажратилади;**

Пистолетни ўнг қўлига олиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан жанговар пружинанинг пастки қисми магазин қисқичини орқага итариб чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан магазин қопқоғининг четидан пастга тортган ҳолда магазин дастакдан ажратилади (94-расм).



94-расм. Пистолет дастагидан магазин ажратилиши.

2. Патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади;

Бунинг учун сақлагич қулоқчаси пастга туширилади, чап қўл билан затвор орқага тортилиб ствол кўздан кечирилади. Текширилгач затворни олдинги холатига қайтарамиз ва назорат отишни амалга оширилади.

3. Тушуриувчи халқани тушириш.

Пистолет ўнг қўлга олиниб, кўрсатувчи бармоқ билан тушириш халқаси пастга охиригача тортилади ва шу холатда ушлаб турилади (95-расм).




95-расм. Патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади.

4. Затвор пистолет асосидан ажратилади (96-расм).

Затворни пистолет асосидан осон ажратиш учун тепкини жанговар холатга қўйиш мумкин. Чап қўл билан затворни охиригача орқага торта туриб затвор орқасини тепага кўтариш керак. Затвор қайтарувчи пружина ёрдамида олдинги холатга

қайтишида имкон берилади. Шунда затвор асосидан ажратилади, тушириш халқаси эса жойига қўйилади.



96-расм. Затвор пистолет асосидан ажратилади.

5. Стволдан қайтарувчи пружина ажратилади.

Асосни дастагидан ўнг қўл билан ушлаб, чап қўл ёрдамида стволдан қайтарувчи пружина чиқариб олинади.


Нотўлик қисмларга ажратилган пистолетни йиғиш тартиби тескари тартибда бажарилади:

1. Стволга қайтарувчи пружина кийгизиш;

Ўнг қўл билан асосни дастагидан ушлаб, чап қўл ёрдамида қайтарувчи пружинанинг тор тарафини стволга кийгизилади.

2. Асосга затворни ўрнатиш;

Ўнг қўл билан асосни дастагидан ушлаб, чап қўлга затвор олинади. Стволга кийилган қайтарувчи пружинанинг кенг тарафини затворнинг олди қисмига тиқиб затворни асос бўйича орқа холатга охиригача тортилади ва асоснинг ўқлагич тушадиган тепа қисмидаги асос буртифига тўғрилаб затвор пастга босилади. Затвор қайтарувчи пружина ёрдамида олдинга сурилиб жойига тушади. Бунда тушурилувчи халқа ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан пастга тортилиб турган бўлади. Шундан сўнг, кўрсаткич бармоғи билан пастга тортилиб турган туширилувчи халқа қўйиб юборилади ва затвордаги сақлагич тепага кўтариб қўйилади. (97-расм).



97-расм. Асосга затворни ўрнатиш.

3. Магазинни пистолет дастагига ўрнатиши;

Үнг қўл билан пистолетнинг дастагидан ушлаб, чап қўлга магазин олинади. Магазин қопқоғини чап қўл бош бармоғи билан дастакка ўрнатилади. Бунда жанговар пружина орқага сурилиб, магазин илгагини ўтказиб яна орқага қайтади. Шунда магазин жойига тушган бўлса қисқа товуш чиқаради. Магазинга кафт билан уришга рухсат берилмайди (98-расм).



98-расм. Магазинни пистолет дастагига ўрнатиши.

9-§. Овозсиз пистолет (ПБ)



9 мм ли овозсиз ПБ пистолети Анатолий Арсеньевич Дерягин томонидан 1967 йил Собиқ СССР ҳарбий разведкаси, КГБ ходимлари ва десантчилар учун ишлаб чиқарилган.

9 мм-ли овозсиз ПБ пистолети шахсий қурол ҳисобланиб, ҳужум ва мудофаа мобайнида душманни жонли кучини қисқа масофалардан йўқ қилиш учун мўлжалланган.

9 мм ли овозсиз ПБ пистолетининг жанговар хусусиятлари

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошлангич учиш тезлиги	290 м/с
3.	Жанговор отиш тезлиги	30 ўқ 1 дақиқада
4.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	50
5.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	970 гр
6.	Пистолетни патронлар билан оғирлиги	1020 гр
7.	Пистолетни узунлиги овоз сўндирувчи мосламасиз	170 мм
8.	Пистолетни узунлиги овоз сўндирувчи мослама билан	310 мм
9.	Ствол узунлиги	104 мм
10.	Пистолетни баландлиги	134 мм
11.	Пистолетнинг эни	32 мм
12.	Нарезлар сони	4 та.
13.	Магазин сигими	8 патрон
14.	Патрон	9x18

Овозсиз ПБ пистолетини нотўлик қисмларга ажратиш

Пистолетни нотўлик қисмларга қўйидагicha ажратилади:

1. Пистолет дастагидан магазин ажратилади. Пистолетни ўнг қўлга олиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан магазин қисқичини орқага итариб чап қўлнинг кўрсатгич бармоғи билан магазин қопқоғининг четидан пастга тортган ҳолда магазин дастакдан ажратилади (99-расм).



99-расм. Пистолет дастагидан магазин ажратилиши.

2. Патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади.

Бунинг учун сақлагич қулоқчаси пастга туширилади, чап қўл билан затвор орқага тортиб ствол кўздан кечирилади. Текширилгач затворни қўлимиз билан



100-расм. Патрондонда

олдинги холатига юборамиз ва тепки халқасидан босиб назорат отишни амалга оширилади. (100-расм).

патрон бор ёки йўқлиги текшириши.

3. Овоз сўндиргични ечиш.

Бунинг учун пистолетнинг ўнг кўлга олиб чак кўлнинг бош бармоғи билан қисқич босилади ва соат кўрсаткичи йўналиши бўйича 90 градусга айлантириб ечиб олинади. (101-расм).



101-расм. Овоз сўндиргични ечиш.

4. Тушурилувчи халқани тушириш.

Пистолет ўнг қўлга олиниб, чап қўл билан тушириш халқаси пастга тортилади ва чап қўлга қийшайтириб асосга тираб қўйилади. Кўйилганда халқа асосдан чиқиб кетмасдан тирагиб туриши керак (102-расм).



102-расм. Тушурилувчи халқани тушириш.

4. Газ камерасини пистолетдан ажратиши.

Пистолет ўнг қўлга олиниб, чап қўл билан катталаштирувчи камера махкам ушланади ва соат кўрсаткичи стрелкаси бўйича ажралмагунга қадар буралади ва ажратиб олингандан сўнг қисмларга ажратилади (103-расм).



103-расм. Газ камерасини пистолетдан ажратиши.

5. Дастакни пистолет асосидан ажратиши.

Бунинг учун пистолет қувурини чап қўл билан ушлаб бош бармоқ билан дастак қисқичи босилади ва ўнг қўл билан пистолет дастаги орқага сурилиб чиқариб олинади (104-расм).



104-расм. Дастаны пистолет асосидан ажратиши.

6. Дастандан қайтарувчи механизмни ажратиш.

Пистолет дастагини ўнг қулга олиб чап қўл билан қайтарувчи механизмни пистолет дастагидан чиқариб олинади (105-расм).



105-расм. Дастандан қайтарувчи механизмни ажратиши.

7. Қайтарувчи механизм тортқичини ажратиш.

Қайтарувчи механизм тортқичини пистолет асосидан ечиб оланади (106-расм).



106-расм. Қайтарувчи механизм тортқичини ажратиши.

8. Затворни ажратиб олиш.

Чап қўл билан затворни охиригача орқага торта туриб затвор орқасини тепага кўтарилади, шундан сўнг у олдинга қайтарилади ва затвор асосидан ажратиб олинади (107-расм).



107-расм. Затворни ажратиб олии.

9. Овоз сўндиригични қисмларга ажратиш.

Ўнг қўл билан овоз сўндиригични ушлаб чап қўл билан тозалагичда қисқич босилади ва қобиқдан сепаратор ажратиб олинади (108-расм).



108-расм. Овоз сўндиригични қисмларга ажратиши.

Пистолетни қайта йифиш тескари тартибда амалга оширилади.

10-§. GLOCK-17 пистолети.



Гастон Глок
(19. 07. 1929 йил. 94 ёшда)



9 мм ли Glock-17 пистолети 1980 йил конструктор Гастон Глок томонидан Австрия полицияси ва

ҳарбийларини қуроллантириш мақсадида ихтиро қилинган. 1980 йил Австрия полицияси ва ҳарбийларини қуроллантириш мақсадида қуролланишга қабул қилинган ҳамда 1982 йилдан ҳозирга қадар ишлаб чиқаришда.

Glock-17 пистолети шахсий қурол ҳисобланиб, хужум ва мудофаа мобайнида душманни жонли кучини қисқа масофалардан йүк қилиш учун мүлжалланган.

7-жадвал

9 мм ли Glock-17 пистолетининг жанговар хусусиятлари.

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	375 м/с
3.	Мўлжалга олиб отиш масофаси (м)	50
4.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	625 гр
5.	Пистолетни патронлар билан оғирлиги	905 гр
6.	Пистолетни узунлиги	186 мм
7.	Мўлжалга олиш линиясининг узунлиги	165 мм
8.	Ствол узунлиги	114 мм
9.	Пистолетни баландлиги	138 мм
10.	Пистолетнинг эни	30 мм
11.	Нарезлар сони	6 та.
12.	Магазин сигими	17, 19, 33
13.	Патрон	9x19 мм luger

Glock-17 пистолетларни нотўлик қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

Glock-17 пистолетини нотўлик қисмларга ажратиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

1. Пистолетни текшириб олиш.
2. Пистолетни нотўлик қисмларга ажратиш.
3. Затворни қисмларга ажратиш.


1. Пистолетни текшириб олиш.

1.1. Пистолетни хавфсиз томонга қаратиш. Бехосдан чиқиб кетган ўқ сизга ва бошқаларга зарар еказмаслиги учун бармоқни тепки халқасидан узоқроқда ушлаймиз (109-расм).



109-расм. Пистолетни хавфсиз томонга қаратиши.

1.2. Магазинни ажратиши. Бош бармоқ билан пистолет қўндоғида жойлашган фиксаторни босамиз ва бўш қўлимиз билан пистолет дастагидан магазинни ажратиб оламиз (110-расм).



110-расм. Магазинни ажратиши.

1.3. Затворни очиши. Пистолет стволини хавфсиз томонга қаратилган холда затворни орқа томонга тортамиз ва затворни тутқич холатига қўямиз. (111-расм).



111-расм. Затворни очиши.

1.4. Патрондонни текшириш. Пистолет затворни тутқич холатига қўйилгандан сўнг патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади. Пистолетни нотўлик қисмларга ажратишдан олдин керак бўлса уч маротабадан текшириш лозим. (112-расм).



112-расм. Патрондонни текшириши.

2. Пистолетни нотълик қисмларга ажратиш.

2.2. Кўз ойнак тақиши. Глок пистолетининг бир нечта қисми пружиналардан иборат бўлиб кўзга зарар етказиши мумкин. Шунингдек кўз ойнак кўзни хар хил эритувчи ва мойли суюқликлардан асрайди.

2.2. Затворни ёпиш. Затворни орқага олдин тортиб оламиз ва тутқичдан озод қилингандан сўнг ўз холига қўйиб юборамиз ва турткични озод қилиш учун тепки халқасини босиб юборамиз (113-расм).



113-расм. Затворни ёпиши.

2.3. Пистолетни ушлаш. Пистолетни бир қўл билан юқори қисмидан ушлаймиз, бунда тўрт бармоқ пистолет қувурида ва бош бармоқ билан пистолет дастагида бўлади (114-расм).



114-расм. Пистолетни ушлаш.

2.4. Затворни орқага тортиш. Затворни юқори қисмидан ушлаб турған холда орқага 2 мм қайтарамиз. Агарда 2 мм дан күпроқ қайтарилса, унда затворни қўйиб юбориб қайтатдан бажарамиз (115-расм).



115-расм. Затворни орқага тортиши.


2.5. Затвор блокировкасини пастга тушириш. Бўш қўл билан затвор блокировкасини икки томонидан пастга босамиз ва затворни олдинга қараб сурамиз, тики пистолет затвори пистолет асосидан ажралгунча (116-расм).



116-расм. Затвор блокировкасини пастга тушириши.


3. Затворни қисмларга ажратиш.

3.1. Пружинани ечиш. Пружинани олдинга озгина тортилади ва енбошлатиб қувур асосидан чиқариб олинади. Пружина босим остида бўлганлиги сабабли уни ечишда эҳтиёт бўлиш зарур. (117-расм).



117-расм. Пружинани ечиш.

3.2. Затвордан құвурни ечиб олиш. Затворни қалин бўртиғидан ушлаб құвурни озгина олдинга суриб юқорига кўтариш керак, шундан сўнг құвурни затвордан кўтариб ажратиб оламиз (118-расм).



118-расм. Затвордан құвурни ечиб олиши.

Пистолетни тозалаш ва мойлаш. Глок пистолети нотўлик қисмларга ажратилганидан сўнг уни яхшилаб артиб тозалаб оламиз. Пистолетни хар доим тоза ва соз холатда сақлаш учун қолган қисмларини ажратиш шарт эмас (119-расм).



119-расм. Пистолетни тозалаш ва мойлаши.

Пистолетни қайта йиғиши. Тозалаш ва мойлаш ишлари тугаганидан сўнг пистолетни қайта йиғиши керак. Пистолетни қайта йиғиши тескари тартибда амалга оширилади.

10-§. КАЛАШНИКОВ АВТОМАТЛАРИ

Михаил Тимофеевич Калашников 1919 йил 10 ноябрда туғилган. 1945 йил бошида 1943 йил намунасидаги патронга



**Генерал-лейтенант
Михаил Тимофеевич
Калашников**
10.11.1919 й. – 23.12.2013 й

мўлжалланган автоматик қурол яратиш устида иш бошлайди. 1948 йилда у Ижевск шаҳрига хизмат сафарига юборилади. Бироз вакт ўтгач, айнан шу ердан қўшинларга автоматнинг дастлабки партияси жўнатилади. У яратган автомат синови муваффақиятли якунлангач, шу ернинг ўзида Армия қуролланишига олиш хақида қарор қабул қилинади.

Кейинроқ 7,62 мм ли замонавийлаштирилган АКМ автомати ҳамда қўндоғи буқланадиган замонавийлаштирилган АКМС автомати пайдо бўлади. 5,45 мм калибрга ўтилгач, Калашников автоматларининг катта оиласи – узунлиги қисқартирилган

АКС-74У, АК-74 ва АК – 74М пайдо бўлади.

Михаил Тимофеевич пулемётлар конструктори сифатида ҳам машхур. У яратган пулемётларга қўйидагилар киради: 7,62 мм ли РПК ҳамда қўндоғи буқиладиган РПКС Калашников қўл пулемётлари; 5,45 мм ли РПК-74 ҳамда қўндоғи буқиладиган РПКС-74 Калашников қўл пулеметлари, жами бўлиб Калашниковнинг конструкторлик бюросида жанговар қуролнинг 100 дан ортиқ намуналари яратилган.

Калашников автомати индивидуал қурол хисобланиб, душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган. Душманни қўл жангидага маҳв этиш учун автоматга найза-пичоқ ўрнатилади.

8-жадвал

7,62 ммли Калашников автоматининг жанговар хусусиятлари

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	7,62 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	715 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	600 та патрон 1 дақиқада
5.	Жангавор отиш тезлиги, якка тартибда	40 ўқ 1 дақиқада
6.	Жангавор отиш тезлиги, қаторасига отишда	100 ўқ 1 дақиқада
7.	Ўқнинг учиш масофаси	3000 м
8.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	1000 м
9.	Кўкрак фигурали нишонга тўғри отиш узоқлиги	350 м
10.	Югурувчи нишонга отиш узоқлиги	525 м
11.	Ўқнинг жароҳатлаш кучининг сақлаш масофаси	1500 м
12.	Найза-пичоқсиз автоматнинг оғирлиги: - енгил қўймали ўқланмаган магазин билан биргаликда	3,1/3,3 кг
13.	Найза-пичоқ билан автоматнинг оғирлиги: - енгил қўймали ўқланган магазин билан биргаликда	3,6/3,8 кг
14.	Найза - пичоқ оғирлиги (қини билан биргаликда)	0,45 кг
15.	Автоматнинг узунлиги: - ўрнатилган найза-пичоқ билан - Найза-пичоқсиз - йиғилган қўндоқ билан	1020 мм 880 мм 640 мм
16.	Стволнинг узунлиги	415 мм
17.	Мўлжалга олиш линиясининг узунлиги	378 мм
18.	Ариқчалар йўлининг узунлиги	240 мм
19.	Нарезлар сони	4 та
20.	Магазин сифими	30 та патрон
21.	Патрон оғирлиги	16,2 гр
22.	Ўқнинг оғирлиги	7,9 гр
23.	Порохли заряднинг оғирлиги	1,6 гр
24.	Патроннинг узунлиги	56 мм
25.	Гильзанинг узунлиги	39 мм

Автоматнинг қисмларга ажратилган холдаги куриниши.



1. Ствол қутиси билан, мүлжал мосламаси ва кўндоғи билан; 2. Ствол қутиси қопқоги; 3. Газ поршенили затвор асоси; 4. Затвор; 5. Қайтарувчи механизм; 6. Газ трубкаси ствол қопламаси билан; 7. Стволости қопламаси; 8. Магазин; 9. Шомпол; 10. Найза-пичоқ; 11. Пенал.

Автомат тўпламига қўйидагилар киради: асбоб-ускуналар, тасма ва магазин учун сумка: бўлардан ташқари, АКМС тўпламига чўнтакли автомат магазини учун ғилоф ҳам киради.

Автоматнинг тузилиши ва ишлаши ҳақида тушунча

Автомат қўйидаги қисмлардан ва механизmlардан ташкил топган:

Ствол – ўқ учишини йўналтириш учун хизмат қилади.

Олов сўндиригич –отиш пайтида автоматнинг оловини камайтириш учун хизмат қилади.

Газ камераси – ствoldаги порох газларини затвор рамасининг газ поршенига йўллаш учун хизмат қилади.

Ствол қутиси – автомат қисм ва механизmlарини бириттириш, затвор рамасини затвор билан биргаликдаги ҳаракатини йўналтириш, ствол каналини затвор билан ёпиш ва затворни ёпиш учун хизмат қилади.

Ствол қутисининг қопқоғи - ствол қутисига жойлаштирилган қисм ва механизmlарни ифлосланишдан асрash учун хизмат қилади.

Мўлжалга олиш мосламаси – автоматни (пулемётни) ўт очиш чоғи турли масофалардаги нишонларга тўғрилаш учун хизмат қилади.

Кўндоқ ва пистолет дастаси - ўт очиш мобайнида автомат (пулемёт) билан ҳаракатларни қулай бажариш учун мўлжалланган

Пулемёт тиргаги - ўт очиш мобайнида таянч вазифасини ўтайди.

Затвор аососи, газ поршени билан биргаликда - зарбор-тепки механизмини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади.

Затвор қуидаги вазифаларни бажаради:

- Патронни патрондонга юборади;
- Ствол каналини ёпади;
- Капсюлни эзади;
- Патрондондан гильзани (патронни) суғуриб олиш учун хизмат қилади.

Қайтарувчи механизми – затвор рамасини затвор билан биргаликда олдинги холатта қайтариш учун хизмат қилади.

Газ трубкаси - газ поршени ҳаракатини йўналтириш учун хизмат қилади.

Ствол усти қопламаси - мерганни ўт очиш чоғида ствол қизигандан қўлларини куйишдан асраш учун хизмат қилади.

Ствол ости қопламаси (дастаси) – қурол билан ҳаракат қилиш қулайлигини таъминлаш хамда мерганни ўт очиш мобайнида қизиб кетган ствoldан қўлларини куйишдан асрash учун хизмат қилади.

Зарбдор-тепки механизми – тепкини жанговар холатдан халос этиш , зарбдорга зарба бериш , автоматик ва якка тарзда ўт очилишини таъминлаш , ўт очишни олдини олиш ва автоматни (пулемётни) сақлагичга қўйиш учун хизмат қилади.

Магазин - патронларни жойлаш ва уларни ствол қутисига юбориш учун хизмат қилади.

Найза – пичоқ - душманга қўл жангига жарохат етказиш учун хизмат қилади

Кин – найза пичоқни бел камарида олиб юриш учун мўлжалланган.



АК-47 да муфта



АКМ да компенсатор



АК-74 да ДТК



АКС-74У да олов сўндиригич

Харакати порох газлари энергиясини қўллашга асосланган.

Ўқ отишда ўқнинг орқасидан йўналган порох газларининг бир қисми ствол тешиклари орқали газ камерасига харакатланади ва газ поршенининг олдинги деворига босади ва уни затворли затвор асоси билан биргаликда орқага суралди. Затвор орқага сурилганда гильзани илиб олиб ствол каналини очади ва гильзани ташқарига улоқтиради, затвор асоси эса қайтарувчи пружинани сиқади ва тепкини жанговар ҳолат (уни автотепки ҳолати)га қўяди.

Қайтарувчи пружина (механизм) таъсирида затвор асоси олдинга харакатланади ва ўз йўлидаги навбатдаги патронни патрон-донга олиб бориб жойлайди ҳамда ствол каналини ёпади. Затвор асоси эса шептоланинг автотепки бўртиқини автотепки ҳолатидан чиқаради.

Затворни беркилиши, унинг ўнгга бурилиши ва жанговар бўртиқларининг ствол қутисининг жанговар таянчларига кириши орқали амалга ошади.

Агар ҳолат ўзгартиргич (предохранитель) қаторасига ўт очишга қўйилган бўлса, тепки ҳалқаси босилган ҳолда магазиндаги ўқ тугамагунча ўқ отиш давом этади.

Агарда ҳолат ўзгартиргич (предохранитель) якка тартибда ўт очишга қўйилган бўлса, тепки ҳалқаси босилганда, фақат бир марта

отилиш юзага келади; навбатдаги отишни амалга ошириш учун тепки ҳалқасини қўйиб юбориш ва қайтадан босиш керак.

Автоматдан отиш учун 1943 йил намунасидағи 7,62 мм ли жанговар патронлар қўлланилади.

Жанговар патрон ўқ, порох заряди, гильза ва пистондан иборат.



1. **Ўқ** очик жойлашган ва тўсиқ ортидаги душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган.

2. **Гильза** патрон қисмларини бирлаштириш ҳамда порох зарядини ташқи воситалар таъсиридан ҳимоя қилиш учун хизмат қиласди. Гильзанинг пастки қисмида айлана шаклида ариқча мавжуд бўлиб, ушбу ариқча гильзани улоқтириш учун хизмат қиласди.

3. **Порохли заряд** кучли газ босимини хосил қилиш ва ўқни харакатга келтириш учун хизмат қиласди.

4. **Пистон** порохли зарядни алгангалатиш учун хизмат қиласди.

1943 йил намунасидағи патронлар оддий, из қолдирувчи ва маҳсус зирх-тешар ёндирувчи патронлардан иборат бўлиб, ушбу патронларнинг бош қисми фарқловчи ранглар билан белгиланган.

Оддий ўқ душманнинг очик жойлашган ёки ўқ теша оладиган ҳимоя воситаси орқасидаги жонли кучини маҳв этишда қўлланилади.

Из колдирувчи ўқ душманнинг жонли кучини маҳв этиш учун қўлланилади, у отилганда 800 м гача масофада ортидан ёритувчи из колдиради. Бу из ёрдамида ўт очишга тўзатиш киритиш ва душманни жойлашган жойини кўрсатиш мумкин.

Из колдирувчи ўқнинг бош қисмида пўлат ўзак, таг қисмида эса из колдирувчи таркиб зичлаб жойланган. Ўқ отиш вақтида порохли заряднинг алансаси из колдирувчи таркибни ёндиради ва у ўқнинг униши давомида кечаси ва қундўзи яхши кўринадиган ярақлаган ёритувчи из колдиради. Ўқнинг бош қисми яшил рангга бўялган.

Зирҳ тешар-ёндирувчи ўқ ёнувчи суюқликларни ёндириш ва 300 метргача масофадаги енгил зирҳ орқасидаги душманнинг жонли кучини маҳв этиш учун қўлланилади.

Зирҳ тешар-ёндирувчи ўқ жезли қобик, пўлат ўзак, мис қобик, мис ва ёндирувчи таркибдан иборат. Ўқ зирҳга урилган пайтида ёнувчи таркиб аланга олади ва пўлат ўзак зирҳни тешган тешикдан ёнилғини ёндиради.

Ўқнинг бош қисми қизил ҳошияли қора рангга бўялган.



Оддий ўқ. (ранг берилмайди)



Оғир ўқ (сарик рангли)



Темир ўзакли ўқ (пушти рангли)



Ёндирувчи ўқ (қизил рангли)



Из қолдирувчи ўқ (яшил рангли)



Зирҳ тешар-ёндирувчи ўқ (қора рангга бўялган ҳамда қизил ҳошия тушурилган)

Автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш

Автоматни қисмларга ажратиш нотўлиқёки тўлиқ бўлиши мумкин: нотўлиқ қисмларга ажратиш - автоматни кўздан кечириш, тозалаш ва мойлаш учун; тўлиқ қисмларга ажратиш - кучли ифлосланганда ва ёмғир-кор тагида колганда автоматни тозалаш, янгидан мойлаш ва таъмирлаш учун. Автоматни керагидан ортиқча қисмларга ажратиш заарли бўлиб, қисмлари ва механизmlарининг ейилишига сабаб бўлади.

Автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш столда ёки тоза таглиқда амалга оширилади; қисмлари ва механизmlари ажратилиш тартибида қўйилади. Автоматни йиғишида унинг қисмларидағи рақамларига эътибор берилади; ҳар бир автоматнинг стволидаги рақамига унинг бошқа қисмларидаги рақамлари мос келиши керак.

Автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш тартиби

1. *Магазинни ажратиш.* Чап қўл билан қўндоқнинг бўйнидан ушлаган ҳолда, ун қўл билан магазин ушланади; бош бармоқ билан магазин қисқичини босган ҳолда магазин пастки қисми олдинга

сурлади ва магазин чиқарид олинади. Шундан кейин патрондонда патрон йўқлиги текширилади, бунинг учун ҳолат ўзгартиргич пастга босилиб, затвор асосининг дастаги орқага тортилади, патрондонга қаралади ва затвор асосининг дастаги қўйиб юборилади ва тепки ҳалқаси думига босилади.

2. *Ускунали пенални чиқарии.* Қўндоқдаги уя қопқоғи бармоқ билан босилади. Бунда пенал пружинанинг таъсирида уячадан чиқади; пенал очилади ва ундан тозалагич; ёршик, отвёртка, виколотка ва шпилька олинади.

Йигиладиган қўндоқли автоматларда пенал магазин чўнтағида олиб юрилади.

3. *Тозалагични ажратиши* (шомпол). Тозалагичнинг чеккаси нишон асосидаги таянчдан тортиб чиқарилади ва тозалагич суғуриб олинади;

4. *Ствол қутиси қопқогини ажратиши.* Чап қўл билан қўндоқ буйнидан ушлаган ҳолда, шу қўлнинг бош бармоғи билан қайтарувчи механизмнинг йуналтирувчи стержени бўртиғига босилади, ўнг қўл билан қопқоқ тепага қўтариленади ва ажратиб олинади.

5. *Қайтарувчи механизмни ажратиши.* Автомат қўндоғи буйнидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан қайтарувчи механизмнинг йуналтирувчи стержени товончаси сурлади; йуналтирувчи стержененинг орқа қисми бирор қўтариленади ва қайтарувчи механизм затвор асоси каналидан суғуриб олинади.

6. *Затвор асосини ажратиши.* Автоматни ўнг қўлда ушлашни давом этган ҳолда, затвор асоси охиригача орқага тортилади ва бирор орқа қисми юқорига қўтарилиб ствол қутисидан ажратиб олинади.

7. *Затворни затвор асосидан ажратиши.* Чап қўлда затвор асосини юқорига қўтариб ушланади; затворни йуналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимидан чиқадиган ҳолатда буралиб затвор орқага сурлади, кейин олдинга сурлиб асосдан чиқарид олинади.

8. *Газ найчасини ствол қобиги билан ажратиши.* Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, газ найчаси беркитгичи вертикал ҳолатда тепага қўтариленади ва газ найчаси газ камераси стволчасидан чиқарид олинади.



Нотұлиқ ажратишдан кейин автоматни йиғиши

1. Газ найчасини ствол қобиғи билан үрнатиши. Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан газ найчасининг олдинги қисми газ камераси стволчасига кийдирилади ва орқа қисми стволга босилади; газ найчаси беркитгичи кайд қилувчига киргунича пастга босилади.

2. Затворни затвор асосига улаши. Затвор асоси чап қўлга, затвор эса ўнг қўлга олинади ва затворнинг цилиндрли қисми асос каналига киритилади; кейин затворнинг йуналтирувчи бўртифи затвор асосининг фигурали қирқимига кирадиган қилиб буралади ва олдинга сурилади.

3. Затвор асосини ствол қутисига үрнатиши. Затвор асоси ўнг қўлга шундай олинадики, бунда затвор бош бармоқ билан олдинги ҳолатда ушлансин. Чап қўл билан қўндоқ буйнидан ушлаб ўнг қўл билан затвор асоси ствол қутисидаги бўшлиқقا киритилади ва затвор асосидаги ботикларга ствол қутисининг буқиқлари киритилиб олдинга сурилади.

4. Қайтарувчи механизмни үрнатиши. Ўнг қўл билан қайтарувчи механизм затвор асоси каналига киритилади; қайтарувчи пружинани сиққан ҳолда йуналтирувчи стержень олдинга сурилади ва бироз пастга туширилиб, унинг товончаси ствол қутисидаги ўзунасига ботикқа киритилади.

5. Ствол қутиси қопқоғни үрнатиши. Қопқоқ олдинги Қисми билан мўлжал асосидаги ярим айлана қирқимига киритилади, йуналтирувчи стерженнинг бўртифи қопқоқ тешиигига кирадиган қилиб, қопқоқнинг орқа Қисми пастга босилади;

6. Тепкини жанговар ҳолатдан чиқарииш ва сақлагиҷига қўйиши. Тепки ҳалқаси босилади ва ҳолат ўзгартиргич охиригача юкорига кўтарилади;

7. Тозалагични ўрнатиши. Тозалагич орқаси билан тутқицдаги тешикка тиқилади ва чеккаси нишон асосидаги таянчга ўрнатилади;

8. Кўндоқ уясига пенални жойлаши. Пеналга ускуналар солинади ва ёпилади, кейин пенал қўндоқдаги уяга жойлаштирилади. АКМС автоматида пенал магазинлар сумкаси чунтагига жойланади;

9. Магазинни автоматга ўрнатиши. Автоматни қўндоғи ёки тутқицидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан ствол қутисидаги дарчага магазин илгаги киритилади ва магазин таянч бўртифи қисқичга сакраб кирадиган қилиб, магазин орқага буралади.

12-§. 5,45 мм ли АК-12 АВТОМАТИ

АК-12 автоматининг моддий қисмлари, улар билан муомалада бўлиш, хизмат кўрсатиш ва асраш.

5,45 мм ли Калашников автомати шахсий қурол ҳисобланиб, у душманнинг шахсий таркибини, ўт отиш воситаларини яксон қилиш учун мўлжалланган.

АК-12 автомати қўл жанги учун найза-пичоқ қўллаш имконига эга, кузатиш ва отиш учун коллиматорли оптик тунги ва кундузги мўлжаллагичлар, лазер нишон кўрсаткичли мосламалар, шунингдек, 6Ч60 индексли кам овозли отиш асбоби ПМС (*прибор малошумной стрельбы*) ўрнатилади.

Автоматдан ўқ - отиш учун оддий 5,45 мм (пўлат ўзакли) 7Н6 ўқи, 5,45 мм 7Н10 кучли тешувчанликка эга ўқ, 5,45 мм 7Т3 ва 7Т3М из қўлдирувчи ўқ ҳамда 5,45 мм 7Х3 ва 7Х3М пахтовон ўқлар қўлланилади (пахтовон ўқ учун насадка қўйилади).



120 - расм. Доимий қўндоқقا эга автоматнинг умумий кўрининиши.



121 - расм. Коллиматор мўлжаллагичга эга автоматнинг умумий кўрининиши.



122 - расм. АК-12 автоматининг ГП-25 ва ГП-34 ствол ости гранатомёти билан биргаликдаги кўринини.

Автоматнинг мажмуасига 40мм ли ГП-25 ва ГП-34 ствол ости гранатамёти киради, ствол ости грантамёт индивидуал қурол бўлиб, душманнинг очиқ жойда, очиқ хандак, траншеялардаги ва жойлардаги қияликларнинг ортига жойлашган жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган

Автоматда ўқ узишни 3 та режими мавжуд: улар якка тарзда, 3 та зарбадан иборат тарзда ва автоматик тарзда. Асосан автоматик ёки якка тарзда ўт очилади. Автоматик тарзда ўт очилиши асосий усул ҳисобланади: у қисқа 5 дона ўқ, узун 10 дона ўқ отиш қобилиятига эга.

Ўт очиш мобайнида патронларни узатилиши қутисимон ва айлана барабан шаклдаги ўқдондан амалга оширилади.

Автоматнинг ўқдонига 30 ва 60 дона ўқ, айлана барабан шаклдаги ўқдонга эса 95 дона ўқ сиғими мавжуд.

9-жадвал

5,45 мм ли АК-12 АВТОМАТИ

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	5,45 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги 7Н6 ўқ билан	900 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Ўт отиш суърати бир дақиқада	700 та патрон 1 дақиқада
5.	Жангавор отиш тезлиги, якка тартибда	40 ўқ 1 дақиқада
6.	Жангавор отиш тезлиги, қаторасига отишда	100 ўқ 1 дақиқада
7.	Ўқнинг учиш масофаси	3150 м
8.	Талофат етказувчи масофа	1350 м
9.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	800 м
10.	Кўкрак фигурали нишонига тўғри отиш узоқлиги	440 м
11.	Бўй шаклдаги нишонига тўғридан – тўғри ўқ - отиш масофаси	625 м
12.	Ўқнинг жароҳатлаш кучининг сақлаш масофаси	1500 м
13.	Автоматнинг ўқдонсиз, найза-пичоқсиз, тасмаси ва	

	қўшимча анжомлари билан биргаликда оғирлиги	3,5 кг
15.	Найза-пичоқ билан автоматнинг оғирлиги:	4,29 кг
16.	30 та ўқланган ўқдон билан оғирлиги	3,8 кг
17.	Автоматнинг узунлиги: - жанговар ҳолатда узунлиги - сафар ҳолатда	880-940 мм 690 мм
18.	ПМС билан жанговар ҳолати	1022-1084 мм
19.	Стволнинг узунлиги	415 мм
20.	Кам овозли отиш асбоби ПМС (<i>прибор малошумной стрельбы</i>)нинг оғирлиги	0,8 кг
21.	Ариқчалар йўлининг узунлиги	372 мм
22.	Нарезлар сони	4 та
23.	Магазин сифими	30 та патрон
24.	7Н6 патрон оғирлиги	10 гр
25.	Ствол чидамлиги -	10 000 та ўқ

Қуролнинг тузилиши, қисм ва механизмларини ишлаши.

Автомат таркибиغا қўйидаги асосий қисм ва механизмлар киради:

- ствол қутиси ствол билан, зарбдор тепки механизми, қўндоқ ва дастак билан биргаликда;
- қайтарувчи механизм;
- мўлжалга олиш планкаси қопқоқ билан;
- йигилган затвор рамаси;
- йигилган затвор;
- қоплама (накладка);
- камера тиқини;
- олов сўндиригич;
- йигилган цевё (куролнинг механизмларига ўрнатиладиган қисми);
- цевё ўқи;
- ўқдон;
- йигилган қаламдон (пенал);
- йигилган ашё (принадлежность).

Ундан ташқари автоматда найза-пичноқ мавжуд.

АК-12 Автоматининг асосий қисм ва механизмлари.
Маълумотлар (6П70 РЭ эксплуатация қилиши қўлланмасидан олинган).



123-расм. Автоматининг асосий қисм ва механизмлари.

1. Ствол қутиси ствол билан, зарбдор тепки механизми, қўндоқ ва дастак билан биргаликда.
2. Қайтарувчи механизм.
3. Мўлжал планкаси қопқоқ билан.
4. Йигилган затвор рамаси.
5. Йигилган затвор.
6. Қоплама (накладка).
7. Камера тиқини.
8. Олов сўндиригич.
9. Йигилган цевё (қуролнинг механизмларига ўрнатиладиган қисми).
10. Цевё ўқи.
11. Ўқдон.
12. Йигилган қаламдон (пенал).
13. Йигилган ашё (принадлежность).

Автоматга қўйидаги эҳтиёт қисмлар киради

Тасма ва сумка, отиш учун коллиматорли оптик мўлжаллагичлар, кундузи ва тунги мўлжалга олиш асбоблари ва лазерли нишон кўрсаткичли мосламалар киради.

АК-12 қуролининг ствол қутиси

Маълумотлар (6П70 РЭ эксплуатация қилиши қўлланмасидан олинган).



124-расм. Автоматнинг ствол қутиси.

1. Кўндок.
2. Ствол қутисини улагич.
3. Ўқдон тутқичи.
4. Сақлагич халқаси.
5. Дастак.
6. Ўқ (Ось) ва кутига ўзаро тасир қилувчи призма.
7. Йўналтирувчи пружина учун бўйламаёриқ.
8. Дастак фиксатори учун тешик.
9. Букилма.
10. Йўналтирувчи бўртиқ.
11. Қайтарадиган бўртиқ.
12. Жанговар таянч.
13. Цевъё ўқи учун тешик.
14. Ўқдонни йўналтириш учун бўртиқ.
15. Ствол қутиси қопқофи учун майдон.

АК-12 йиғилган стволи

Маълумотлар (6П70 РЭ эксплуатация қилиши қўлланмасидан олинган).



125-расм. Автоматнинг йиғилган стволи.

1. Колодка.
2. Йиғилган дастак.

3. Газ трубкаси.
4. Газ камераси.
5. Тұхтатувчи ҳалқа.
6. Антабка.
7. Ствол.
8. Стволштифти (метал үзаги).
9. Тиркалиш бўртифи.

4. Қуролни автоматик ҳолатда ишлаши, газ поршени канали орқали газ камерасига порох газларининг энергияси таъсири асосида.

АК-12 автоматини қисмларга ажратиш ва йиғиш

Автоматни ёйиш ва йиғиш ёки нотўлик ва тўлиқ қисмларга ажратиш мумкин:

- нотўлик қисмларга ажратиш ёки ёйиш тозалашда, мойлашда ва қўрикдан ўтказишда амалга оширилади;
- тўлиқ қисмларга ажратиш ёки ёйишқуролни тозалашда, қаттиқ занглағанда, ёмғир, қор тагида қолган бўлса ёки таъмирлашда амалга оширилади.

Ҳаддан ташқари автоматни ёйиш ёки йиғиш, қисм ва механизmlарга шикаст етиши мумкин.

- қуролни ёйиш ёки йиғиш столда ёки тоза тўшалган буюм устида амалга оширилади. Қуролни қисм ва механизmlарини ёйиш ёки йиғиш тартиби эҳтиёткарона амалга оширилади.

- йиғиш вақтида қисмларни номери билан ҳар бир автоматни ствол қутиси номери билан тўғри келиши шарт. Мўлжал планкаси қопқоқ билан, йиғилган затвор рамаси, йиғилган затвор, қоплама (накладка), камера тикини, олов сўндиргич, йиғилган цевё ва бошқа қисмлар. Жанговар қуролни ёйиш ва йиғишни ўргатиш вақтида ўқув жанговар қуролларда амалга оширилади ва ўргатилади.

Ўргатиш вақтида қисм ва механизmlарга жуда ҳам эҳтиёткор бўлиши уқтирилиши лозим.

Қуролни ёйиш тартиби:

- илгични босиб ўқдонни ажратинг;
- сақлагични ҳохлаган З ҳолатидан бирига қўйинг;
- затвор рамасини ушлаб охиригача суринг;
- ўқ йўқлигига амин бўлинг;
- затвор рамасини қўйиб юборинг;
- икки томонлама пенал фиксаторини босинг;
- пистолет дастагидан пенални чиқаринг;

- гардан фиксаторини босинг;
- гарданни пасига суринг;
- құндоқдан пенални чиқаринг;
- олов сүндиргич фиксатори понасини босинг;
- олов сүндиргични 180⁰ бураб чиқаринг;
- ствол қутиси қопқоғини фиксатор дастасини юқорига

күтариңг;

- фиксаторни ўнга бураб охиригача суринг;
- ствол қутиси қопқоғини ечинг;
- қайтарувчи механизмни чиқаринг;
- затвор рамасини чиқаринг;
- затвор рамасидан затворни чиқаринг;
- газ камерасини ёпувчи фиксатор понасини босинг;
- ёпувчини соат стрелкаси бўйлаб бураб чиқариб олинг.

Қуролнинг йиғиши худди шу каби тескарисига қараб амалга оширилади.

- ёпувчини соат стрелкасига қарши бураб маҳкамланг.
- газ камерасини ёпувчи фиксатор понасини босинг;
- затвор рамасидан затворни қўйинг;
- затвор рамасини қўйинг;
- қайтарувчи механизмни қўйинг;
- ствол қутиси қопқоғини қўйинг;
- фиксаторни чапга бураб охиригача суринг;
- ствол қутиси қопқоғини фиксатор дастасини пастга

тушириңг;

- олов сүндиргич фиксатори понасини босинг;
- олов сүндиргични 180⁰ бураб маҳкамланг;
- құндоқга пенални киргизинг;
- гарданни пасига суринг;
- гардан фиксаторини босинг;
- пистолет дастагидан пенални киргизинг;
- икки томонлама пенал фиксаторини босинг;
- затвор рамасини қўйиб юборинг;
- затвор рамасини ушлаб охиригача суринг;
- сақлагиҷни қўйинг;
- ўқдонни қўйинг;

6. Автоматни нотўлиқ қисмга ажратиш тартиби:

1. Ўқдонни ажратиб олиш, автоматни чап қўл билан ушлаб, ствол ости қопламаси ёрдамида ўнг қўл билан ўқдонни ушлаймиз, бош бармоқ билан қистиргични босиб ўқдонни таг қисмини олдинга итарилиб ажратилади. Ундан кейин ствол каналида ўқ бор йўқлигини текширилади, ўтказгични ҳохлаган З ҳолатидан бирига қўйи ҳолатига қўйилади, затвор рамаси орқага тортилиб ствол канали текширилади, затворни қўйиб юбориб ва тепкини босиб курокни жанговар ҳолатдан чиқарамиз.

- Автоматни тунги мослама билан ёйиш, ўқдонни ажратиб олганимиздан кийин амалга оширилади, тунги мослама ажратилади. Бунинг учун, қисиб турадиган мосламасини чап ҳолатга қўямиз ва орқага тортиб автоматдан ажратиб оламиз.



126-расм. 1. Ствол қутиси ствол билан, зарбдор тенки механизми, қўндоқ ва дастаг билан биргаликда.



127-расм. 2. Қайтарувчи механизм.



128-расм. 3. Мўлжал планкаси қопқоқ билан.



129-расм. 4. Йигилган затвор. рамаси.



130-расм. 5. Йигилган затвор.



131-расм. 6. Накладка.



132-расм. 7. Камера.



133-расм. 8. Олов сўндиригич.



134-расм. 9. Йигилган цевъё (қуролнинг механизмларига ўрнатиладиган қисми).



135-расм. 10. Цевъё ўқи.



136-расм. 11. Ўқдон.



137-расм. 12. Йигилган қаламдон (пенал).

138-расм. 13. Йигилган ашиё
(принадлежность)

2. **Пенални қўндоқ уясидан чиқариш:** ўнг қўл билан қўндоқ уясини томини итариб, пенални босиб пружина ёрдамида чиқариб олинади. Пенални очиб ундан артиш, ёршик, отвертка ва чиқаргични оламиз.

3. **Автоматдан олдинга секинлаштириш мувозанатлаштиргич компенсаторини олов сўндиригични ажратиб олиш:** Олов сўндиригич фиксатори понасини босиб олов сўндиригични 180^0 бураб чиқариш мумкин.

4. **Ствол қутиси қопқоғини фиксатор дастасини юқорига кўтариб олиш:** чап қўл билан қўндоқни бўйнидан ушлаб, бош бармоқ билан қайтарувчи пружинани йўналтирувчи ўзакни бўртиб чиқсан жойини босиб, ўнг қўл билан қопқоғни орқа қисмидан кўтариб, ствол қутисидан ажратиб олинади.

5. **Қайтарувчи механизмини ажратиш:** автомат чап қўл билан бўйнидан ушлаб, ўнг қўл билан йўналтирувчи ўзакни ўз жойидан, ствол қутисидан чиқариб, йўналтирувчи ўзакни орқа қисмини кўтариб ва қайтарувчи механизмни затвор рамаси каналидан чиқарилиб олинади.

6. Затвор рамасини затвор билан биргаликда ажратиб олиш: чап қўл билан автоматни ушлашни давом эттирамиз, ўнг қўл билан затвор рамасини орқага силжитиб, затвор билан биргаликда кўтариб ствол қутисидан ажратиб оламиз.

7. Затворни затвор рамасидан ажратиб олиш: затвор рамаси чап қўлда босиб затворни юқорига қаратиб оламиз, ўнг қўл билан затворни ортга тортиб, унинг етакчи бўртмасини затвор рамасининг эгри кесмаларидан чиқариб ва затворни олдинга тортиб ажратилади.

8. Газ трубкасини ствол қопламаси билан биргаликда ажратиш: газ камерасини ёпувчи фиксатор понасини босиб, ёпувчини соат стрелкаси бўйлаб бураб чиқариб олингчап қўл билан автоматни ушлаган ҳолда.

9. Нотўлик қисмларга ажраган автоматни йиғиши тартиби қарама-қарши кетма-кетликда бажарилади.

6x9 найза - пичоқ автоматга бириклирдан бўлиб, душманга қўл жангидаги жароҳат етказиш учун хизмат қиласди. Ундан ташқари, унда пичоқ, арра ва қайчи ўрнида ишлатиш мумкин. Қин найза – пичоқни бел камарида олиб юриш учун мўлжалланган. Электр токли тўсиқларни найза – пичоқ ёрдамида кесиш мумкин эмас.



139-расм. 6x9 найза пичоқ анжомлари.

6x9“ ратник” яни “жангчи” ак-12 қуролининг жанговар тўпламга кирувчи 6x9 жанговар пичоқ

Ҳар бир жангчининг жиҳозлари иккита пичоқни ўз ичига олади: бу кўп функцияли ва жанговар турдаги пичоқ.

“6X9” белгисини олган янги жанговар пичоқларни ишлаб чиқариш КАМПО корхонаси томонидан 1993 йилда ишлаб чиқарилди.



140-расм. 6x9 найза пичоқ.


Пичоқларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги тўпланган тажриба КАМПОга Россия қуролли кучларининг истиқболли ҳужум милтифи учун янги армия пичоғи “6Х9” ва янги “6Х9-1” моделини ишлаб чиқиши нуқтаи назаридан АК-12 қуролининг иштирокчисига айланди.



141-расм. 6х9 найза пичоқ билан гилоф алоҳида.

Жанговар пичоқ 6Х9 душманнинг ишчи кучлари ва хизмат кўрсатиш итларига куч ёрдамида зарба бериш ёки отиш, душман асбоб-ускуналари ва ускуналарини яроқсиз ҳолга келтириш ва 3 мм гача бўлган қотиб қолмаган пўлат симларни қирқиши орқали ўз хусусиятига эга.

6Х9 пичоқнинг юқори зангламайдиган 95Х18 пўлатдан ясалган, қаттиқлиги 54 ... 58 HRC. Физик-кимёвий ва механик хусусиятларига кўра 95Х18 пўлатни нарҳ-наво нисбати жиҳатидан қимматлиги ва ишлаб чиқариш учун энг яхши материаллардан бири ҳисобланади. Юқори қаттиқликка эга, аммо айни пайтда мослашувчан ва бардошли.



142-расм. 6х9 найза пичоқ гилоф билан биргаликда.

Пичоқнинг қалинлиги 5 мм. Пичоқ шакли икки томонли носимметрик ўткирлаш хусусиятига эга.

Пичоқ шаклининг бундай танланиши буюртмачининг талабларига биноан ишлаб чиқарилган бўлиб, пичоқ зарбаси 40 Дж ва камида 20 мм чуқурликдаги 6Ж23 туридаги тана зирхини (бронежилет)ни тешиб ўтиш имкониятига эга бўлди.

Пичоқ юқори қаттиқлик ва букилмайдиган қаршиликка эга бўлган титан асосидаги нанокомпозит қоплама билан қопланган.

6X9 Жанговар пичоқнинг техник хусусиятлари:

Пичоқнинг массаси, г - 270;

Маҳкамлаш элементлари билан пичоқнинг оғирлиги, г - 700;

Пичоқнинг узунлиги, мм - 281;

Пичоқнинг умумий ўлчамлари, мм: узунлиги - 330, кенглиги - 70, қалинлиги - 35;

Пичоқнинг юзаси: ялтироқ порлашни камайтириш учун маҳсус ишлов берилган.

Пичоқ бутун узунлиги бўйлаб пичоқни маҳкамлашдада стагининг ўртасига қўлланиладиган юкга бардош бериши мумкин - камида 100 кг;

Пичоқни қобиқдан олиб ташлаш вақти 2 секунддан ошмайди

Найза - пичоқ қўйидагиларга эга: лезвия ва ушлагич.

Лезвия - кесувчи қирра, appa, чархланган учи, тешик пичоқнинг бўртмасини тиқиш учун.

Ушлагич - найза - пичоқ билан ҳаракатда қулайлик туғдириш учун хизмат қиласи. Олдинги ҳалқа ва бириктириш учун бўртма олдинги секинлаштириш мувозанатлаштиргич компенсаторига маҳкамланади ва камар учун илгичдан иборат.

Қин - найза – пичоқни бел камарида олиб юриш учун мўлжалланган, ундан ташқари у найза – пичоқ билан биргаликда симларни кесиш мумкин.

Қинда сиртмоқли камар, бўртма – ўқ бурилишини меъёрда сақлаш учун мўлжалланган. Тиргак найза – пичоқни қайчи сифатида ишлагандага чегарасини сақлаш учун мўлжалланган. Қиннинг ичидаги эгилувчан пружина найза-пичоқни қиндан чиқиб кетишини сақлайди.

13. Анжомлар Автоматни қисмларга ажратиш, йиғиш, тозалаш ва ўқдонни патронлар билан тезроқ тўлатиш учун хизмат қиласи.

Анжомлар таркибига қўйидагилар киради: шомпол, артқич, артқич- чўтка, отвёртка, чиқаргич, пенал, майдон, обоймалар ва ўтгазгич.



143-расм. Автомат тозалаш анжомлари шомпол

Автомат тозалаш анжомлари

Шомпол – ствол каналини, шунингдек, автоматниқисмларидағи каналлар ва бўшлиқларни тозалаш ва мойлаш учун қўлланилади. У чиқаргич, артқич ёки артқич чўткани бураб бириктириш учун резбага эга.

Артқич – ствол каналини, Автоматниқисмларидағи канал ва бўшлиқлардан тозалаш ва мойлаш учун ишлатилади.

У шомполга бураб бириктириши учун ички резбага ва латта ёхуд каноп ўраш учун кесмага эга.

Артқич-чўтка – ствол каналини РЧС (стволларни тозалаш эритмаси) билан тозалаш учун қўлланилади.

Ортвёртка ва чиқаргич – автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш давомида ишлатилади.

Ортвёртка учидағи кесма нилни қотириш ва бўшатиш учун ён томониданги кесма эса артқични шомполга қотириш учун мўлжалланган.

Отвёрткадан қулай фойдаланиш учун у пеналнинг ён бошдаги дарчага ўрнатилади.

Ствол каналини тозалаш мобайнида отвёртка пенал ичига шомпол бошчаси узра солинади.

Пенал артқични, атрқич – чўткани, отвёрткани ва чиқаргични сақлаш учун мўлжалланган. У қопқоқ билан ёпилади.

Пенал, нилни қотириш ва бошатиш мобайнида бурагич учун даста сифатида ва газ трубкаси қатиргичини бураш учун, шунингдек, шомполга даста сифатида ишлатилади.

Пенал тешикларга эга бўлиб, уларга автоматни тозалаш мобайнида шомпол тиқилади, шунингдек, бурагич ўрнатилиши учун тухумсимон дарчага ва автоматниқисмларга ажратиш ва йиғиш мобайнида газ трубкасининг бириктиргичини бураш учун тўғри бурчакка эга.

Бир бўғизли мойдон – мой сақлаш учун хизмат қилиб, ўқдонлар сумкасининг чўнтағида олиб юрилади.

Обойма – патронларни олиб юриш ва ўқдонни патронлар билан тўлаштиш жараёнини тезлатиш учун хизмат қиласи.

Обоймага 15 дона патрон жойлашади.

У иккита бойлама кесмага ва патронларни тутиб кетишидан асрайдиган ясси пружина таъминлайди.

Ўтказгич – ўқдонни патронлар билан тўлатишда обоймани ўқдон билан бириктириш учун хизмат қиласи.

У қуидагиларга эга; қуи қисмida (кенг жойи) – ўқдон бўғиздаги тегизли кесмаларга кирувчи икки бўртиққа эга; юқори қисмida – обойма учун иккита бўйлама кесма, обойма пружинаси учун дарча ва обойма ўтказгичга ўрнатилиш унинг силжишини чеклаб туриш учун таянч.



144-расм. АК-12 автоматининг бутлиги.

5,45 x 39 жанговар патрони



145-расм. АК-12 Автоматининг қўлланадиган жанговар патронлар.
1- 7Н6 (пўлат ўзакли), 2-7Н10 (ўта тешувчан (повышенной пробиваемости)),
7Н24 (зирхтешар (бронебойные пули))ва 7Т3 (Т-ёниб из қолдирувчи).

14. Жанговар патрон - ўқ, гильза, порих ва капсюлдан ташкил топган.

15. 5,45 ммли патронлар оддий, зирхтешар ва ёниб из қолдирувчи ўқлар ишлаб чиқарилади.


Ёниб из қолдирувчи ўқлар каллак қисми яшил рангга буялган. Ўқ - отишний имитация килиш учун пахтавон ўқлар ишлатилади. Пахтавон ўқларни отиш учун учун махсус втулкалар ўрнатилади.

Оддий ўқлар душманнинг очик жойда ва ўқ тешиб ўтадиган ниқоблар ортида жойлашган жонли кучига шикаст етказишуучун мўлжалланган.

Ёниб учадиган ўқлар ҳам душманни яксон килиш учун мўлжалланган, ундан ташқари учиш вақтида унинг ёниб учадиган моддаси 800 м гача из қолдиради, у нишонни кўрсатиш ва тузатмалар киритиш учун мўлжалланган.

Ёниб учадиган ўқни қобик каллак қисмидаги ўзак жойлашган бўлиб унга ёниб учирувчи таркиб жипслантирилган.

Ўт отиш вақтида порох ўқи ёниб, ёниб учувчи таркиб учиш вақтида из қолдиради.



146-расм. 5,45 x 39 жанговар патрон.



147-расм. Ўқлар.

- a) пўлат ўзакли оддий ўқ; б) ёниб из қолдирувчи ўқ; 1- қобик; 2- пўлат ўзак; 3- қўргошинли қоплама; 4- қўргошинли ўзак; 5- ёнувчи таркиб.

Гильза патронни ҳамма қисмларни бириттириш, ташқи мухит таъсирида заарланмаслиги учун хизмат қилади. Унда порох ўқи учун жой, ўқни бириттириш учун дульца мавжуд.

Гильзанинг ташқи қисмида айланали қирра бўлиб у гильза улоқтиришга илитиш учун хизмат қилади.

Гильзани туб қисмида капсюл учун уя ва иккита тешик мавжуд.

Порох ўқи ўқнинг ҳаракати учун хизмат қилади;

Капсюл порох ўқини ёндириш учун хизмат қилади. У латун қопқоғи, жипсланган уриш таркиби ва уриш ҳимоя қилиш учун фольговондан ташкил топган.

13-§. 9А-91 КИЧИК ҲАЖМЛИ АВТОМАТ



Грязев Василий Петрович
(04.03.1928-01.10.2008)

9мм ли кичик ҳажмли 9А-91 автомати душманнинг жонли кучи ҳамда, зирҳли кийимда бўлган ва зирҳсиз техникаларини 200 метргача масофада яксон қилиш учун хизмат қилади.

9мм ли кичик ҳажмли 9А-91 автомати 1991 йилда маҳсус вазифаларни бажарувчи бўлинмалар ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун Василий Грязев томонидан маҳсус ишлаб чиқарилган.

Замонавий ўзини туридаги қуролларга солиштирганда: хуфиёна олиб юриш учун қулайлиги, енгиллиги, кичик ҳажмлилиги, юқори кўрсатгичли овоз пасайтиргичли ва ўқининг кучли тешиб ўтиш хусусиятга эга эканлиги билан анчагина устун туради.

Автоматик равища газни йўналтириш тизими унга бўлган ишончни таъминлайди. Очиқ мўлжалга олиш мосламасидан ташқари, тунда кўриш учун электр (батарейка) билан қувватланадиган коллимоторли, оптик мўлжалга олиш мосламаси ўрнатилиши мумкин.

Ўқ отиш учун 9 мм ли махсус СП-5, СП-6 ва ПАБ-9 патронлар қўлланилади. СП-5, СП-6 русумли ўқлари шовқинсиз ўқ узиш мосламаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

5.45, 5.56 ва 7.62 мм патронларга қараганда 9 мм ли патронларнинг рикошет бўлиш эҳтимоли камроқ.

9A-91 автоматининг қўндоғи ва тиргаги йиғилувчан хусусиятга эга.

10-жадвал

9 мм ли кичик хажмли 9A-91 автоматининг жанговар хусусиятлари

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	285-295 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	700-900 та патрон 1 дақиқада
5.	Жангавор отиш тезлиги, якка тартибда	30 ўқ 1 дақиқада
6.	Жангавор отиш тезлиги, қаторасига отишда	90 ўқ 1 дақиқада
7.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	200 м
8.	Овоз пасатиргичсиз оғирлиги	2 кг
9.	Автоматнинг овоз сўндиригичсиз хажми: - узунлиги - йиғилган қундоғи билан узунлиги - мм - қайрилувчи қўндоқсиз - эни - баландлиги	600 мм 383 мм 373 мм 44 мм 188 мм
10.	Стволнинг узунлиги	160 мм
11.	Нарезлар сони	6 та
12.	Магазин сигими	20 та патрон
13.	Кулланиладиган патронлар	9x39мм (ПАБ-9, СП.5, СП.6)
14.	Ўқ дон оғирлиги 20 патрон билан	670 гр
15.	Белгиланган ресурс	6000 та

*9A-91 кичик ҳажмли автоматларда фойдаланиладиган
9x39 ммли патронлар*



СП-5 патрони конструктор Н.Забелин томонидан 1943 йил намунасидаги 7,62 мм калибрли патрон асосида иҳтиро қилинганд. Ўқда пўлат узак мавжуд. Патрон юқори аниқлик билан ишлаб чиқарилганлиги билан тавсифланади. Патрондан асосан ВСС (6П29), АС (6П30), 9А91 кичик ҳажмли автоматларида ҳамда ВСК-94 ва ОЦ-14 мерғанлик қуролларида фойдаланилади.

СП-6 патрони конструктор Н.Фролов томонидан 1943 йил намунасидаги 7,62 мм колибрли патрон асосида иҳтиро қилинганд. Ўқда вольфрам ва карбит узак мавжуд. Патрондан асосан ВСС (6П29), АС (6П30), 9А91 кичик ҳажмли автоматларида ҳамда ВСК-94 ва ОЦ-14 мерғанлик қуролларида фойдаланилади. Климовский штамповка заводида ишлаб чиқарилади.

**9x39мм СП.5, СП.6 ва ПАБ-9 патронларнинг жанговар
хусусиятлари**

Патронларнинг номи	СП-5	СП-6	ПАБ-9
Патронларнинг тури	Мерганлик	Мерганлик	Зирх- тешар
Узунлиги :			
Патрон	56.2	56.0	56.0
Гильза	39.0	39.0	39.0
Ўқ	36.0	41.0	42.7
Оғирлиги:			
Патрон	23.2	23.0	23.0
Ўқ	16.2	16.0	16.0

**9 ммли кичик хажмли 9А-91 автоматнинг тузилиши ва
ишлатилиш тартиби.**

Автоматнинг асосий таркибий қисмлари:



1. Кўндоқ асоси, кўндоқ тиргаги, гардан ва қопқоғи;
2. Қайтарувчи пружина (пружина возвратная);
3. Затвор рамаси (рама затворная);
4. Затвор;
5. Очиқ мўлжалга олиш мосламаси;
6. Трубка;
7. Ствол;
8. Ствол қутиси (стволная коробка);
9. Зарборд тепки механизми (механизм спусковой);
10. Магазин (ўқ дон);
11. Пистолет дастаси (пистолетная рукоятка);
12. Ствол қопламаси (стволние накладки);
13. Гайка;
14. Овоз пасайтиргич (глушитель) –
15. Ўтказгич (переводчик);
16. Коллиматорли оптик мўлжалга олиш мосламаси ПК – 01.

Ғилоф ва унинг қисмлари:



1. Ғилоф (сумка)
2. Тасма (ремен)
3. Мойлаш мосламаси (маслёнка)
4. Тозалагич (протирка)
5. Магазин (ўқ дон)
6. Калит (ключ)
7. Ғилоф (сумка)

Сурункали механизминг

ишлатилиши, қувур каналидан чиқадиган порохли газлар энергиясидан фойдаланиш учун асосланган. Ўқ отилганида порохли газлар, газ чиқариш каналларидан қувурда қайтарувчи механизмини сиқиб, газ поршен, затвор асоси билан таъсир этиб орқага улоқтириб ташлайди. Бундан мақсад отилган гильзанинг чиқиб кетиши турткини босганда, кейинги ўқ магазиндан чиқиши ва ўқ отиш каналига жойлашиши.

Қайтариш кучи билан пружина затвор асосига келади, олдинги ҳолатга тирадиши қувур каналида қайта затвор билан фигурали ҳолатда затвор асосига келади.

Автоматни ўқлаш учун затвор асосини қайтариб, ушлагични ушлаб орқага охиригича босиб ва қўйиб юбориш керак. Ўқ отиш ҳолати тепкини босиш орқали вужудга келади.

9А-91 кичик хажмли автоматини нотўлик қисмларга ажратиш тартиби:

- Магазин автоматдан ажратиб олинади;
- Стволда ўқ бор ёки йўқлиги текшириб кўрилади;
- Оптик мўлжалга олиш мосламаси ажратилади;
- Гайка ёки овоз пасайтиргич ажратилади;
- Ствол қопламаси (стволние накладки) ажратиб олинади;
- Гардан (затильник) ажратиб олинади;
- Затвор асоси олинади;
- Затвор оставдан ажратиб олинади;
- Затвор қисмларга ажратилади;
- Ўтказгич (переводчик) ажратиб олинади;
- Зарбдор тепки механизми ажратилади.

9A-91 кичик хажмли автоматни нотұлиқ қисмларга қисмларға амалий бажариш қуидаги тартибда амалға оширилади:

- магазинни ажратиб бир қўлда автоматни ушлагицидан ушлаб, иккінчи қўл билан магазин, турткисини катта бармоқ билан босиб орқа томонга тортиб, магазин олинади. Бундан сўнг патронникда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, кейин автомат учини тирик жон йўқ томонга қаратиб, оқ байроқни орқага айлантириб, (якка ўқ отиш). Кейин затвор асосини орқага қайтариб, затвор каналини кўриш керак. Сўнгра затвор асосини қўйиб юбориб тепкини босиш керак (назорат ўқ отиш).

- автоматдан оптик мўлжални ажратиб оқ байроқни айлантириб, ҳаракатланиш механизми қувур каропкасидан оптик мўлжални ажратилади. Гайкаларни ажратиб ёки овоз пасайтирувчини айлантириш йўли билан қувурдан ажратилади.

- қувур накладкалари ажратилади

- қўндоқни ажратиб, бир қўл билан автоматни ушлаб ушлагицдан бошқа қўл билан қўндоқ ўтказилади, очиқ қисмидан 90 градусгача сўнгра катта бармоқ билан кўрсаткич клин ўтказиб, кесилган жойдан затвор каропкасидан ва қўндоқдан, затвор каропкасидан ажратилади. Орқага ҳаракат орқали.

- затвор асосини ажратиб, автоматни ушлаб, затвор асосини орқага қайтариб охиригача ва ундан йўналтирилган қувур коробкасига чиқазади.

- қувурни ажратиб, оставдан қўл билан ушлаб қувурни олдинга итариб, фигурали ҳолатдан чиқазилади.

- затворни йиғиши учун (йиғиши ёпиқ жойда ўтказилади) баёкни итариб, затвор каналидан айлантириб ичини, ташлаб юбориши учун 90 градус соат стрелкасига қарши ташлагични босиб, затвордан ажратиб, сўнгра пружинани затвордан ажратиб қўйиш керак.

- ўтказувчини ажратиб, автошептолни айлантириб, уни кесиб қолган жойдан чиқазиб, тепки ва бармоқ билан босиб тепкини олдинга бошқа бармоқ билан босилади, пастки тепкини ва тепкини ташлаш ҳолатига келтириб (ўтказувчини байроғи шай ҳолатда туриши керак якка ўқ отганда)

- туширилган ҳалқа ажратиб, бунга тепкини босган ҳолда калотка орқа қисмини кўтариб олдинги қисмини қисилган жойдан чиқазилади.

- қувурнинг коробкасидан кейин тепага айлантириб тушириш механизмининг тушиш тепкисидан чиқазилади, қувур ойнасининг коробкасига орқага ҳаракатланиб, қувур каропкасидан тушириш ҳалқаси чиқарилади.

Автомат нотўлик қисмларга ажратилди, йиғиш эса тескари тартибда амалга оширилади.

9A-91 кичик хажсли автоматни қайта йиғиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Зарборд тепки механизми йифамиз;
- Ўтказгич (переводчик) ни қайтариб жойига ўрнатамиз
- Затвор қисмларини йиғиш;
- Затвор асосга бириттирилади;
- Затвор асоси рамага бириттирилади;
- Гардан (затильник) бириттирилади;
- Ствол қопламаси (стволние накладки) бириттирилади;
- Гайка ёки овоз пасайтиргич бириттирилади;
- Оптик мўлжалга олиш мосламаси бириттирилади;
- Тепки ҳалқаси босилиб автомат сақлагизга қўйилади;
- Автоматга магазин ўрнатилади

МЕРГАНЛИК МИЛТИҒЛАРИ

14-§. 7,62 мм ли (6-B1) Драгунов мерганлик милтиғи



**Евгений Фёдорович
Драгунов
(20.02.1920 – 04.08.1991)**



7,62 миллиметрли Драгунов мерганлик милтиғи 1958-1963 йил оралиғида Евгений Фёдорович Драгунов бошлигидаги

конструкторлар гурухи томонидан ихтиро қилинган бўлиб 1963 йил 3 июль куни собиқ СССР армияси мерганларини қуроллантириш учун қабул қилинган.

7,62 миллиметрли Драгунов мерганлик милтиғи мерган қуороли хисобланиб, турли пайдо бўлувчи, ҳаракатланувчи, очик ва ниқобланган якка нишонларни йўқ қилиш учун мулжалланган.

Мерганлик милтиғидан энг унумли ўт очиш масофаси 800 метр.

Мерганлик милтиғидан ўт очиш учун оддий, ёритувчи, зиртешар – ёндирувчи ўқли патронлар ва мерганлик милтиғи патронлари қўлланилади.

Мерганлик милтиғидан якка тарзда ўқ узилади.

Ўт очиш мобайнида патронлар узатилуви, сифими 10 дона патронли қутисимон ўқ дондан амалга оширилади.

12-жадвал

7,62 миллиметрли Драгунов мерганлик милтиғининг жанговар хусусиятлари

Т/п	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	7,62 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	830 м/с
3.	Отиш тури	якка тартибда
4.	Жангавор отиш тезлиги	30 ўқ 1 дақиқада
5.	Ўқнинг учиш масофаси	3800 м
6.	Мўлжалга олиб отиш масофаси: - ПСО 1 била -очик прицел билан	1300 метр 1200 метр
7.	Югурувчи нишонга қарата отиш масофаси	640 метр
8.	Кукрак қиёфали нишонга қарата отиш	430 метр
9.	Бош нишонга қарата отиш масофаси	350 метр
10.	Милтиқнинг оғирлиги: қундоқ юзи, оптик мўлжалга олиш мосламаси билан, тулдирилмаган ўқ дон ва найза пичноқсиз	4,3 кг
11.	Найза пичноқнинг оғирлиги, қини билан	450 гр
12.	Найза пичноқнинг оғирлиги, қинсиз	260 гр
13.	Милтиқнинг узунлиги, - ўрнатилган найза-пичноқ билан - Найза-пичноқсиз	1370 мм 1225 мм
14.	Стволнинг узунлиги	620 мм
15.	Мўлжалга олиш линиясининг узунлиги	587 мм
16.	Қувур қисмининг узунлиги	547 мм
17.	Ариқчалар йўлининг узунлиги	329 мм
18.	Милтиқнинг эни	88 мм
19.	Милтиқнинг баландлиги	230 мм
20.	Нарезлар сони	4 та

21.	Магазин оғирлиги	210 гр
22.	Магазин сигими	10 та патрон
23.	Патрон	7,62 x 54 мм
24.	Патрон оғирлиги	21,8 гр
25.	Пулат ўзакли оддий ўқнинг оғирлиги	9,6 гр
26.	Порох зарядининг оғирлиги	3,1 гр
27.	Гильзанинг узунлиги	54 мм
28.	Нишоннинг қалинлиги	2 мм
29.	Оптик мўлжалга олиш мосламаси ПСО-1 оғирлиги: -филоф ва ЗИП комплекти билан	926 гр
30.	Оптик мўлжалга олиш мосламаси катталашибдириш қобилияти	4-карра
31.	Прицел куриш майдони	6-градус
32.	ПСО-1 эни	70 мм
33.	ПСО-1 баландлиги	132 мм
34.	ПСО-1 оғирлиги	580 гр

Драгунов мерганлик милтиғининг таркибиға қуйидаги асосий қисм ва механизмлари киради:

1. Ствол, ствол қутиси, очик мўлжалга олиш мосламаси қундоқ билан биргаликда.
2. Ствол қутисининг қопқоғи.
3. Қайтарувчи механизм.
4. Затвор рамаси.
5. Затвор
6. Газ трупкаси мослагич билан биргаликда.
7. Газ поршени.
8. Турткич, пружина билан биргаликда.
9. Ствол қопламалари.
10. Зарбдор тепки механизми.
11. Сақлагич.
12. Ўқ дон.
13. Кўндоқ юзи.
14. Оптик мўлжалга олиш мосламаси.
15. Найза-пичноқ.

Драгунов мерганик милтиғини нотұлқ қисмларга ажратиши тартиби

1.



148-расм. Ўқ донни ажратиши.

2.



149-расм. Патрондонда патрон бор ёки йүқлигини текшириши

3.



150-расм. Оптик мүлжалга олиши мосламасини ажратиши.

4.



5.



151-расм. Күндоқ юзини ажратиши.



152-расм. Ствол қутиси қопқоғолынан қайтарувчи механизм билан биргаликда ажратиши.

7.



153-расм. Затвор рамаси затвор билан биргаликда ажратиши.



154-расм. Затвор асосини рамадан ажратиши.

8.



155-расм. Зарбдор-тепки механизми ажратиши.



9.



156-расм. Ствол қопламаларини ажратиши.

10.



157-расм. Газ поршени ва турткич пружина билан биргаликда ажратиши.

Нотұлиқ қисмларга ажратылған Драгунов мерғанлик милтиғини йиғиши тартиби:

- газ поршени ва турткіч пружина билан биргаликда бириктириш.

- ствол қопламаларини бириктириш.

- зарбдор-тепки механизмни бириктириш

- затворни затвор асосига бириктириш.

- затвор асосини затвор билан биргаликда, ствол қутисига жойлаштириш

- ствол қутиси қопқоғини қайтарувчи механизм билан биргаликда үрнатиши

- құндоқ юзини үрнатиши.

- оптик мүлжалга олиш мосламасини үрнатиши.

- үқ донни үрнатиши.

ДММ мерғанлик милтиғининг оптик мүлжалга олиш мосламаси (ПСО-1, ПКС-07)нинг тузилиши.

Оптик мүлжалга олиш мосламаси ДММни нишонга йўналтириш, жанг майдонини кузатиши, нишонгача бўлган масофани белгилаш ва ўт очиш йўналишларига тузатишлар киритиш учун мўлжалланган. Оптик мүлжалга олиш мосламаси мерғанлик милтиғининг асосий нишонга йўналтириш мосламаси хисобланади.

Катталаштириш қобилияти - 4 карра

Кўриш майдони - 6

Оптик мослама механик ва оптик қисмларга бўлинади.

Механик қисм таркибига корпус, юқори ва ёнбош бурагичлар, мослама тўрини ёритувчи курилма, харакатланувчи қувур, резинали кўзлик ва қалпоқ киради.

Оптик қисм таркибига объектив, айлантирувчи тизим, тўр, люминесцентли экран ва окуляр киради.

Корпус, мўлжалга олиш мосламасининг барча қисмларини милтиққа үрнатиши учун хизмат қиласи.

Кронштейнда қўйдагилар мавжуд: оралиқлар, таянч, тиргак қисувчи винт, қисувчи винт дастаси, пружинали турткіч ва регулировка гайкаси.

Корпусга, мўлжалга олиш мосламаси үрнатмаларининг ва ёнбош тўғриланишларининг кўрсаткичлари хамда объектив қолпоғи бириктирилган.

Юқори ва ёнбош бурагичлар гайкаларида, мил билан бурагичлар ёки гайкалар, керакли тўғирланишлар киритиш мобайнида, айлантириш йўналишлари курсатилган (юқори бурагичда – «ВВЕРХ СТП», «ВНИЗ СТП»; ёнбош бурагичда – «ВПРАВО СТП», «ВЛЕВО СТП»).

ПКС-07 жанговар хусусияти:

- катталаштириш қобилияти – 7 карра
- куриш майдони – 35^0

ПКС-07 мўлжалга олиш мосламасининг тузилиши:

- объектив - окуляр
- юқори бурагич - кронштейн
- ёнбош бурагич - кронштейн болти
- корпус - резина кузлик
- батарейкаси - резина қалпоқча.

Оптик мўлжалга олиш мосламаси ПСО-1нинг вазифаси ва жанговар хусусияти

Оптик мўлжалга олиш мосламаси мерганлик милтифини нишонга йўналтириш, жанг майдонини кузатиш, нишонгача бўлган масофани белгилаш ва ўқ отиш йўналишларига тузатишлар киритиш учун мўлжалланган. Оптик мўлжалга олиш мосламаси мерганлик милтифининг асосий нишонга йўналтириш мосламаси ҳисобланади. (158-расм)



158-расм. Оптик мўлжалга олиш мосламаси умумий кўриниши.

Оптик мўлжалга олиш мосламаси ПСО-1нинг жанговар хусусиятлари

T/p	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткич
1.	Катталаштириш қобилияти	4 карра
2.	Кўриш майдонии	6°
3.	Чиқадиган қорачиқнинг айланаси	6 мм
4.	Кўз билан кўзлик орасидаги масофа	68 мм
5.	Ишга ҳозирлаш вақти	12 сек
6.	Мўлжалга олиш мосламаси узунлиги, кўзлик билан бирга	375 мм
7.	Мўлжаллагич баландлиги	132 мм
8.	Мўлжаллагич эни	70 мм
9.	Мўлжалга олиш мосламасини оғирлиги	580 гр
10.	ПСО-1оғирлиги: филоф ва ЗИП комплекти билан	926 гр

Оптик мўлжалга олиш мосламаси механик ва оптик қисмларга бўлинади.

Механик қисм таркиби корпус, юқори ва ёнбош бурагичлар, мослама тўрини ёритувчи қурилма, ҳаракатланувчи қувур, резинали кўзлик ва қалпоқ киради.

Оптик қисм таркиби объектив, айлантирувчи тизим, тўр, люминицентли экран ва окуляр киради.

Корпус – мўлжалга олиш мосламасининг барча қисмларини милтиққа ўрнатиш учун хизмат қилади.

Кронштейнда қуйидагилар мавжуд: оралиқлар, таянч, тиргак қисувчи винт, қисувчи винт дастаси, пружинали турткич ва регулировка гайкаси.

Корпусга мўлжалга олиш мосламаси ўрнатмалари ва ёнбош ростлагичлар кўрсаткичлари ҳамда объектив қалпоғи бириктирилган.

Юқори бурагич мўлжал кўрсаткичини ўрнатиш, ёнбош бурагич эса ёнбош тўғриланиш киритиш учун хизмат қилади. Тузилиши бўйича улар бир хил бўлиб, уларда: бурагич корпуси, пружинали шайба, гайка ва бириктирувчи (марказий) винт мавжуд. Иккала бурагичнинг устки қисмида уттадан туйнук қилинган: ўртадагиси бириктирувчи винт учун, икки четдаги туйнуклар- тутувчи винтлар учун мўлжалланган.

Пружинали шайба – бурагични ўрнатилган ҳолатида тутиб туриши учун хизмат қилади.

Юқори бурагич корпусида мўлжалга олиш мосламасининг асосий шкаласи мавжуд. Шкала бўлинмалари 1-10 гача. Ушбу рақамлар ўқ отиш масофаларини юзлаб метрларда ифодалайди.

Ёнбош бурагич корпусида ёнбош тўғриланиш шкаласи мавжуд. Шкала бўлинмалари 0-10 гача иккала томонга киритилган. Ҳар бир бўлим қиймати мингдан бирга (0-01) тэнг.

Бурагичлар корпусларининг юқори қисмларига қўшимча шкала юритилган бўлиб, мўлжалга олиш мосламасини созлаш давомида қўлланилади; шкала бўлинмаларининг қиймати мингдан 0,5 га тэнг.

Юқори бурагичнинг асосий шкаласи 3 бўлинмасигача бир бўлимдан ўтказиб ўрнатилади. 3 дан 10 гача бўлинмаларга, шунингдек, ёнбош бурагичнинг барча бўлинмалари ҳар яrim бўлимда ўрнатилади (бир бўлимга иккита тириқлаган товуш тўғри келади).

Юқори ва ёnlама маховикни ўрнатишида, зарурий тўғриланишларни киритиш учун юқори ва ён томондаги ёnlама маховиклар гайкаларидаги кичик маховиклар ёки ёnlама гайкаларнинг ҳаракатланиш йўналишлари мос равишдаги чизик (стрелка) билан кўрсатиб берилган (юқори маховикда - “ВВЕРХ СТП”, “ВНИЗ СТП”; ёnlама маховикда – “ВПРАВО СТП”, “ВЛЕВО СТП”). Бу маховиклар чизик йўналиши бўйлаб буралганда, ўқлар уришнинг марказий нуқтаси тегишли томонга силжишини (юқорига, ўнга ва ҳоказо) билдиради.

Бириктирувчи винт – гайкани каретка билан боғлаб, бурагич ёки гайка буралганида, кареткани мўлжалга олиш мосламасининг тўри билан биргаликда зарурий йўналишга силжитади.

Тўрнинг ёритиш қурилмаси – мўлжалга олиш мосламаси тўрини оқшом ва тунги вақтлардаги ўқ отишда ёритиш учун хизмат қилади. У боғловчи винт ва корпус, ток манбаси бўлган батарейка, тиргакли қалпоқ ва батареяни винтга сиқувчи пружина, симлардан, батарейкани электр чироқлар билан тумблер орқали уловчи винт ва электр чироқни ўчириш-ёқиши тумблеридан иборат.

Батарея корпусга шундай ўрнатиладики, марказий электрод винтга, ёнбошдаги электрод эса корпусга уланган бўлади. Бунинг учун, ёнбошдаги электроднинг контактли пружинаси корпус чеккасига букилади ва шундан сўнг қалпоқчаси кийдирилади.

Ҳарорат +2°C дан паст бўлганида тўрни ёритиш учун қишки ёритиш қурилмасидан фойдаланиш зарур. Унинг таркибига корпус, қалпоқча ва экранлаштирилган сим киради.

Тўрнинг қишки ёритиш қурилмасини ишлашга тайёрлаш учун батареяни қишки қурилма корпусига, юқорида айтилганидек жойлаштириш ва унга мўлжалга олиш мосламаси корпусидан ечилган қалпоқчани кийдириш, қишки ёритиш қурилмасидан ечилган қалпоқчани эса мўлжалга олиш мосламаси корпусга кийдириш лозим.

Қишки ёритиш қурилма корпусини батареяси билан биргаликда, мерган кийимининг чўнтағида, экранлаштирилган симни эса чап энгидан ўтказиб олиб юриш мумкин.

Резина қўзлик – кўз билан нишонга тўғирланиш ва кузатиш қулай бўлишини таъминлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари у, окуляр линзасини шикастланиши ва ифлосланишидан асрайди.

Ҳаракатланувчи қувур – ёғингарчилик мобайнида объектив линзаларга намлик тегишидан, шунингдек, қуёш томонда турган нишонга қаратада ўқ отилганда, бевосита қуёш нурларидан ҳимоя қилиш ва шу билан биргаликда, линзалар товланиши натижасида мерганни фош қилинишидан асраш учун хизмат қиласи.

Резина қалпоқ – объектив линзасини ифлосланиш ва шикастланишдан асрайди.

Объектив – қузатилаётган объектнинг кичрайтирилган ва ағдарилган тасвирини ҳосил қилиш учун хизмат қиласи. У учта линзадан иборат бўлиб, улардан иккитаси ёпиштирилган.

Айлантирувчи тизим – тасвирга тўғри ҳолат бериш учун хизмат қиласи. У тўртта линзалардан иборат бўлиб, икки жуфт қилиб ёпиштирилган.

Окуляр – қузатилаётган объектни катталаштирилган тўғри тасвирини кўриш учун хизмат қиласи. У учта линзадан иборат бўлиб, улардан иккитаси ёпиштирилган.

Оптик мўлжалга олиш мосламасини ишлашга тайёрлаш

Оптик мўлжалга олиш мосламасининг созлигини текшириш, окуляр ва объектив линзаларнинг бутунлигига ишонч ҳосил қилиш учун (мосламага окуляр ва объектив томонлардан қараб текширилади) қуидагилар текширилади:

- бурагичлар ростланганда, мослама тўғри эркин кўчиши (окулярга қараб текширилади);
- бурагичларнинг равон ростланиши ва ўртанилган ҳолатда маҳкам, чайқалмай туриши;
- люменесцентли экраннинг равон кўчиши;

- мўлжалга олиш мосламасининг чайқалмасдан туриши ва уни қисувчи винт билан ишончли қотирилиши;

- тўр ёритилишининг созлиги текширилади, бунинг учун объективга қалпоқ кийдирилиб, тумблер босилади ва окулярга қаралади (қурилма соз бўлса, тўр аниқ кўринади, агар тўр кўринмаса батарея ёки чироқ алмаштирилади);

- қишки ёритиш қурилманинг созлигини текшириш учун, у мосламага уланиб, тумблер ёқилади ва окулярга қаралади.

Агар мўлжалга олиш мосламаси милтиқда мустаҳкам ўрнатилган бўлиб, дастанинг букилган жойи қотиргичдаги кесмага кирмаётган бўлса, қисувчи винтни ростлаш зарур. Бунинг учун, мўлжалга олиш мосламаси милтиқдан ажратиб олиниб, тутқични дастага қисиш (пружинани сиқиб) ва қистиравчи винтнинг мословчи гайкасини қотириш ёки бўшатиш керак.

Горизонтал ва вертикал бурчакларни кузатиш ва аниқлаш тартиби


Душманни кузатиш турли шароитларда олиб борилади.

Мўлжалга олиш мосламасининг тўри - мўлжалга олиш учун хизмат қиласи; у ҳаракатланувчан каретка ойнасига чизилган. Мўлжалга олиш мосламасининг тўрига 1000 метргача ўт очиш мобайнида мўлжалга олиш учун асосий (юқори) бурчак; ёнбош тўғриланишлар киритиш шкаласи; 1100,1200 ва 1300 метрга ўт очиш мобайнида қўшимча бурчаклар (вертикал чизик бўйича ёнбош тўғриланишлар киритиш шкаласидан пастроқда); масофани ўлчаш шкаласи (яхлит горизонтал ва эгри пунктир чизиқлар) чизилган (159-расм).

Қўшимча бурчаклар ёрдамида мўлжалга олиш учун юқори бурчагида 10 рақамини ўрнатиш лозим. Ёнбош тўғриланишлар шкаласи пастда (бурчакдан ўнга ва чапга) 10 рақами билан ифодаланиб, мингдан ўнга мос келади (0-10). Иккита вертикал чизиқча орасидаги масофа мингдан бирга тўғри келади (0-01).

Масофани ўлчаш шкаласи горизонтал чизик остидаги 1,7 рақами нишоннинг ўртача баландлигини билдиради. Юқоридаги пунктир чизик устида, бўлакларга бўлинган шкала юртилиган бўлиб, ҳар бирининг орасидаги масофа 100 м га тэнг. Шкаланинг 2, 4, 6, 8, 10 рақамлари 200, 400, 600, 800 ва 1000 метр масофаларга тўғри келади.

Масофани ўлчаш шкаласи бўйича масофаларни белгилаш учун, шкаланни нишонга шундай тўғирлаш керакки, нишон яхлит горизонтал ва эгри пунктир чизиклар орасида жойлашсин.



159-расм. Оптик мўлжалга олии мосламаси.

Шкаланинг нишон устига тўғри келган чизиги, 1,7 м бўйига эга бўлган нишонгacha бўлган масофани кўрсатади.

Агар нишон бўйи 1,7 м дан кичик (катта) бўлса, у ҳолда унинг бўйини 1,7 га бўлиб, ҳосил бўлган қийматни шкала бўйича белгиланган масофа қийматига қўпайтириш зарур.

Ўқ отишдаги эҳтимолий тутилишлар ва уларни бартараф этиш усуслари

Мерганлик милтифи қисм ва механизmlарига ўз вақтида тегишли даражада хизмат кўрсатилса, узок вақт, ишончли ва оғишмасдан ишлайди.

Аммо, механизmlарнинг кирланиши, қисмларнинг ейилиши ва милтиққа эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш натижасида, шунингдек, патронларнинг носозлиги туфайли ўт очиш мобайнида тутилишлар рўй бериши мумкин.

Отиш мобайнида рўй берган тутилишни милтиқни қайта ўқлаш билан бартараф этишга уриниб кўрмоқ лозим.

Бунинг учун затвор рамасининг дастасидан тутилиб, ортга охиригача тортиб қўйиб юборилади ва отиш давом эттирилади.

Агар тутилиш бартараф этилмаган бўлса, бунинг сабабини аниқланади ва уни қўйидаги жадвалда кўрсатилган тартибда бартараф этилади.

ПСО-1 мўлжаллагичини вазифаси, умумий тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби.

Мерганлик милтиқларини нормал жанговар ҳолатга келтиришнинг умумий талаблари

Драгунов мерганлик милтиғининг нишонни уришини текшириш ва уни нормал жанговар ҳолатга келтириш.


Бўлинмаларда мавжуд Драгунов мерганлик милтиғи доимо нормал жанговар ҳолатга келтирилган бўлиши лозим. Милтиқни нормал жанговар ҳолатга келтириш учун, нишонга уришини текшириб кўриш лозим.

Драгунов мерганлик милтиғининг нишонни уришини текшириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- қурол бўлинмага қабул қилинганида;
- таъмирдан ўтганидан сўнг агарда унинг алмаштирилган қисмлари нишонни уришини ўзgartариши мумкин бўлса;
- отишма давомида ўқдарнинг нишондан сезиларли даражада оғиши аниқлансан;
- қурол сақланишга топшириладиган бўлса;

Жанговар шароитларда эса имкон туғилиши билан қуролни нормал жанговар ҳолатга келтириш мунтазам олиб борилади.

Бошлиқлар, шулар жумласида қисм командири ҳам милтиқнинг нишонга уришини, мўлжалга олиш мосламаси (мулжаллагич)ни тўғрилигини текшириш ва нормал жанговар ҳолатга келтиришда ўрнатилган қоидаларга аниқ риоя қилинаётганлигини кузатиб бормоқлари лозим. (160-расм)



Механик (очик) мўлжалга олиш мосламаси (мўлжаллагич).

1- мўлжалга олиши мосламаси (мўлжаллагич)нинг асоси; 2- нишон планкаси; 3- чангак; 4- ҳудуд; 5- қулоқлар; 6- нишон планкасининг чамбари; 7- кесма.

160-расм. Механик (очик) мўлжалга олиши мосламаси (мўлжаллагич)

Милтиқни нормал жанговар ҳолатга келтиришдан олдин уни батафсил кўрикдан ўtkазиш ва аниқланган нуқсон ва носозликларни бартараф этиш лозим. Милтиқнинг нишонга уришини текшириш ва уни нормал жанговар ҳолатга келтириш

ишлари взвод командири томонидан отиш майдонида шамолсиз, очик ва равшан ҳавода, ёпиқ тирда ёки отиш майдонининг шамолдан тўсилган жойида, нормал ёруғликда, мўлжалга олиш мосламалири қуёш нурларидан химояланган ва товланмаётган ҳолатда ташкил қилинади.

Милтиқнинг нишонни уришини текшириш, ушбу қурол бириктирилган харбий хизматчининг шахсан ўзи томонидан амалга оширилади. Айни пайтда қурол-аслахаларни таъмирлаш устаси (техники) ўзининг тегишли асбоб-ускуналари билан ҳозир бўлмоғи лозим.

Милтиқнинг нишонга уришини текшириш ва уни нормал жанговар ҳолатга келтириш, найза пичоқсиз, оддий ўқли (пўлат ўзакли) патронлар билан, 100 м масофада, нишон кўрсаткичи «З» га ўрнатилиб, амалга оширилади. Ўқлар бир партиядан бўлиши лозим.

Мерганлик милтиғи, дастлаб очик мўлжалга олиш мосламаси (мўлжаллагич) билан текширилиб, нормал жанговар ҳолатга келтирилади, сўнгра оптик мулжалга олиш мосламаси (мўлжаллагич) текширилиб, унинг ёрдамида назорат-синов отиш амалга оширилади.

Ўқ узиш эни 0,5 м, баландлиги 1 м ли тахтага махкамланган кенглиги 20 см, баландлиги 30 см бўлган синов нишони ёки қора тўғри тўртбурчакка қаратса амалга оширилади (161-расм).

Биринчи оқ чизикдан пастки томонга оқ қоғоз ёпиштирилган синов нишони ёки қора тўртбурчак пастки четининг ўртаси мўлжалга олиш нуқтаси бўлиб хизмат килади. У отувчининг кўзи билан тахминан бир сатҳда жойлашган бўлиши керак. Очик мўлжаллагич билан отилганида, синов нишонида (қора тўртбурчакда) юқоридан тушган чизик бўйлаб нишон нуқтасининг юқорисида 16 см масофада бўр ёки рангли қалам билан ўртача уриш нуқтасининг нормал ўрни белгилаб қўйилади. Бу нуқта (синов нишонидаги айлана маркази) назорат нуқтаси (КТ) ҳисобланади.



161-расм. Текширув нишонига қаратса ўт очишида мерган холати.

15-§. ОСВ-96 (В-94) мерганлик милтиги.



Шипунов Аркадий
Георгиевич
(07.11.1927-25.04.2013)



ОСВ-96 йирик калибрли мерганлик қуроли Шипунов Аркадий Георгиевич томонидан 1990 йил ихтиро қилинган бўлиб, 1993 йилдан ишлаб чиқаришга қўйилган.

ОСВ-96 йирик калибрли мерганлик милтиги узоқ масофалардаги зирхланган ва зирхланмаган нишонларни, яширинган ва химоя остида булган яккалаб олинган нишонларни йўқ қилиш учун мўлжалланган.

14-жадвал

ОСВ-96 мерганлик милтигининг жанговар хусусиятлари.

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткич
1.	Калибр	12,7
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	900 м/с
3.	Отиш тури	Якка тартибда
4.	Жангавор отиш тезлиги	15-20 дона ўқ/дақ.
5.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	1800 метр
6.	Тунда отиш мосламаси билан	600 метр
7.	Оғирлиги: патронсиз	11,7 кг
8.	Оғирлиги: патронлар билан	12,9 кг
9.	Мерганлик милтиқнинг узунлиги, - жангавар ҳолатда - оддий ҳолатда	1746 мм 1154 мм
10.	Стволнинг узунлиги	1000 мм
11.	Магазин сифими	5 та
12.	Мерганлик милтигининг эни: - жангавар ҳолатда - йиғилган ҳолда	386 мм 132 мм

13.	Мерганлик милтигининг баландлиги: - жанговар холатда - йигилган холда	381 мм 196 мм
14.	Патрон(мерганлик СПЦ-12,7), зирх тешувчи- ёндиривчу Б-32, ҳамда БЗТ ва БС	12,7 x 108 мм
15.	Мўлжалга олиш мосламалари	ПСО-1, ПОС 13x60, ПОС 12x54

16-§. ВСК-94 мерганлик милтиғи.



Грязев Василий Петрович
(04.03.1928 й. - 01.10.2008 й.)



9 мм ВСК-94 Грязев Василий Петрович томонидан 1994 йил ихтиро қилинган қурол бўлиб, мерганлик милтиғи яккалаб олинган нишонларни йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Милтиғдан отиш учун СП-5, СП-6, ПАБ-9 патронлари фойдаланилади.

Милтиққа очик ва оптик мўлжалга олиш мосламаси ўрнатилган.

Милтиққа тунги мўлжалга олиш мосламаси ўрнатса хам бўлади.

ВСК-94 мерганилк илтигининг жанговар хусусиятлари:

T/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий күрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	270-285 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	700-900 та патрон 1 дақиқада
5.	Жангavar отиш тезлиги, якка тартибда	30 ўқ 1 дақиқада
6.	Жангavar отиш тезлиги, қаторасига отишда	90 ўқ 1 дақиқада
7.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	400 м
8.	Оғирлиги ўқ донсиз мўлжалга олиш мосламаси билан -	2,7 кг
9.	Автоматнинг овоз сўндиригичсиз хажми: - узунлиги - эни - баландлиги	898 мм 44 мм 188 мм
10.	Нарезлар сони	6 та
11.	Магазин сифими	20 та патрон
12.	Қулланиладиган патронлар	9x39мм (ПАБ-9, СП.5, СП.6)
13.	Ўқ дон оғирлиги 20 патрон билан	700 гр
14.	Мўлжалга олиш мосламаси	ПКС-07
15.	Белгиланган ресурс	6000 та

ВСК-94 мерганилк милтигининг асосий қисм ва механизмларига қуйидагилар киради:

1. Ствол қутиси;
2. Қундоқ;
3. Гардан (қайтарувчи механизм, ствол қутиси қопқоги) ;
4. Затвор асоси, газ поршени билан;
5. Затвор;
6. Зарбор төпки механизми;
7. Овоз сундирувчи;
8. Магазин;
9. Стволнинг чап-ўнг қопламалари;
10. Оптик мулжалга олиш мосламаси;
11. Ўтказгич;
12. Тасма (ремен);
13. Муфта;
14. Очиқ мўлжалга олиш мосламаси.

ВСК-94 мерганилк милтигини нотўлиқ қисмларга ажратиш тартиби:

- ўқ донни ажратамиз;

- патрондонда патрон бор- йуқ эканлигини текширамиз;
- оптик мұлжалга олиш мосламаси ажратамиз;
- овоз сундирувчини ажратамиз;
- ствол қопламаларини ажратамиз;
- құндоқни ажратамиз;
- гарданни ажратамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан;
- затвор асосини ажратамиз;
- затвор асосидан затворни ажратамиз.

Нотұлық қисмларга ажратилған ВСК-94 мергандык милтиғини йиғиш тартиби:

- затворни затвор асосига бириктирамиз;
- затвор асосини ствол қутисига бириктирамиз;
- гарданни бириктирамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан;
- құндоқни бириктирамиз;
- ствол қопламаларини бириктирамиз;
- овоз сүндиргични бириктирамиз;
- оптик мұлжалга олиш мосламасини бириктирамиз;
- ўқ донни бириктирамиз.

ВСК-94 мергандык милтиғига хизмат күрсатиши және сақлаш талағлары.

Мұлжалга олиш мосламасига хизмат күрсатиши.

- Мұлжаллагични урилиб кетишинде аспаш;
- Мұлжаллагични тоза сақлаш және намлиқдан аспаш керак (оптикаларини спирт билан артиш керак);
- Куролга түғри ўрнатылғанни йўқми текшириб күриш;
- Акумулятор батериясини текшириш. Мұлжаллагичда носозликтар топилса бириңчи нағылда;
- Куролга яхши махкамланғанлиги;
- Обективда ва окулярда йўқми лой, мой, сув;
- Акумулятор батерияси кучсизланмаганни;
- Мұлжаллагичдан фойдаланғанда қуйидагилар тақиқланади;
- Мұлжаллагични қисмларга ажратиши;
- Мұлжаллагични ёник қолдириш дам олаётғанда ёки топшираётғанда;
- Оптик қисимларига құл билан тегиши;
- Керак бўлмаган ҳолларда мұлжаллагичда аккумулятор батареясини қолдириши.

17-§. ВСС (6П29) мерғанлик милтиғи



Пётр Иванович Сердюков
(08.12.1945 й.)

9 мм ВСС мерғанлик милтиғи 1987 йил П.И. Сердюков томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари учун ихтиро қилинган бўлиб шу йилнинг ўзида қуролланишга қабул қилинган. ВСС мерғанлик милтиғи яккалақ олинган нишонларни, 6Б2, 2,3 даражадаги зирҳ ортидаги жонли кучи ва енгил техникасини йўқ қилиш мўлжалланган. ВСС мерғанлик милтиғи темир каскаларни 400 метр масофада тешиб ўтиш хусусиятига эга.

16-жадвал

ВСС мерғанлик милтиғининг жанговар хусусиятлари.

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	280-295 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	700 та патрон 1 дақиқада
5.	Жанговор отиш тезлиги, якка тартибда	40 ўқ 1 дақиқада
6.	Жанговор отиш тезлиги, қаторасига отишка	100 ўқ 1 дақиқада
7.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	400 м
8.	Самарали отиш масофаси	250-300 м
9.	Мерғанлик милтиғининг оғирлиги: -ўқ дон ва мўлжалга олиш мосламасиз - ўқланган, мўлжалга олиш мосламаси билан	2,6 кг 3,7 кг
10.	Мерғанлик милтиғининг узунлиги	894 мм
11.	Стволнинг узунлиги	200 мм
12.	Нарезлар сони	6 та

13.	Магазин сифими каробкали	10 ёки 20 та патронли
14.	Патрон	9x39 мм
15.	Фойдаланиладиган махсус патронлар	СП-5, СП-6, СПП
16.	Мұлжалға олиш мосламаси	ПКС-07
17.	ПКС-07-ни қатталаштириш қобилияти	7 карра
18.	Белгиланган ресурс	6000 үк

ВСС мергандык милтиғини нотұлық қисимларга ажратиши тартиби

- магазинни ажратамиз.
- патрондонда патрон бор- йүк әканлигини текширамиз.
- оптик мұлжалға олиш мосламаси ажратамиз.
- овоз сұндирувчини ажратамиз.
- ствол қопламаларини ажратамиз
- құндоқни ажратамиз.
- гарданни ажратамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- затвор рамасини ажратамиз.
- затвор рамасидан затворни ажратамиз

Нотұлық қисимларга ажратылған ВСС мергандык милтиғини үйғиши тартиби:

- затворни затвор асосига бириктирамиз
- затвор асосини ствол қутисига бириктирамиз.
- гарданни бириктирамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- құндоқни бириктирамиз
- ствол қопламаларини бириктирамиз
- овоз сундиргични бириктирамиз
- оптик мұлжалға олиш мосламасини бириктирамиз
- үк донни бириктирамиз.

ШИБОБ. РГД-5, РГН, Ф-1, РГО ПАРЧАЛАНУВЧИ ВА ТАНККА ҚАРШИ РКГ-3 КУМУЛЯТИВ ЗАРЯДЛИ ҚҮЛ ГРАНАТАЛАРИ

1-§. Қўл гранаталарининг ишлаш тартиби

Ички ишлар органлари қуролланишида РГД-5, РГН, Ф-1, РГО парчаланувчи ва танкка қарши РКГ-3 кумулятив зарядли қўл гранаталари мавжуд. Парчаланувчи қўл гранаталари, портлагандага парчаланадиган бўлакларининг учиш масофасига кўра ҳужум ва мудофаа учун мўлжалланган гранаталарга бўлинади.

РГД-5 ва РГН парчаланувчи қўл гранаталари ҳужум **вақтида**, Ф-1 ва РГО парчаланувчи қўл гранаталари эса **мудофаа вақтида** қўлланиш учун мўлжалланган. Кумулятив зарядли РКГ-3 қўл гранатаси танкка қарши граната бўлиб, душманнинг танкларига, ўзиюрар артиллерия қурилмаларига, жанговар техникаларига ҳамда зирҳли автомобилларини йўқ қилиш ёки талофат етказиш учун, шунингдек унинг доимий ва вақтинчалик дала иншоотларини вайрон қилишга мўлжалланган.

Эслатма: ички ишлар органларида мавжуд бўлган УЗРГМ запалидан қўл гранаталрини улоқтиришни ўргатишда қўллаш таъкиқланади. Запалнинг пистони (капсюли) граната улоқтирилган ондаёқ аланталанади ва портлаш содир бўлади.

РГД-5, Ф-1, РГН ва РГО гранаталари қорга, сувга ва ерга урилганида хеч бир тўхтовсиз портрайди. Портлашдан ҳар томонга учувчи катта миқдордаги осколкалар ҳосил бўлади.

РКГ-3 кумулятив қўл гранатаси танкка қарши қўлланувчи граната бўлиб, танклар, бронетранспортёрлар, ўзи юрар артиллерия қурилмаларини ва шунингдек, мустаҳкам тўсикларни, дала истеҳкомларини йўқ қилишда қўлланилади.


Кумулятив қўл гранатаси нишонга (қаттиқ тўсиққа) урилган ондаёқ портрайди, портлаш натижасида ҳосил бўлган газлар кумулятив воронка (мослама)нинг мавжудлиги туфайли ингичка боғлам шаклида тўпланиб замонавий танкларнинг зирҳини тешиб ўтади ва экипажни ҳамда осбоб-ускуналарни ишдан чиқаради. Граната нишонга таг қисми билан бориб урилса, анча самарали таъсир этади. Гранатанинг таг қисми билан олдинга қараб учишини стабилизатор (барқарорлаштирувчи) таъминлайди.

2-§. РГД-5 парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши

РГД-5 парчаланувчи, масофада ҳаракатга келувчи қўл гранатаси бўлиб, хужум ва мудофаа вақтида душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган (162-163 расмлар).

Граната пиёда ёки жанговар техника (автомобил)да ҳаракатланиш вақтида турли ҳолатлардан улоқтирилади.

РГД-5 парчаланувчи қўл гранатаси 1954 йилда ихтиро қилинган ва шу йилнинг ўзида собиқ СССРнинг қуролланишга киритилган, у 1942 йилда ишлаб чиқарилган РГ-42 қўл гранасининг ўрнини эгаллаган. Граната Сириядаги жанговор ҳаракатларда синовдан ўтказилган. У қўл билан улоқтириш орқали ҳаракатга келтирилади.



*(162-расм)
РГД-5 гранатаси ва УЗРГМ запалининг умуний кўриниши.*

17-жадвал

Гранатанинг асосий тактик-техник хусусиятлари.

Т/р	Тактик – техник тавсифлари	РГД-5
1.	Граната тuri	Хужумда қўлланилади
2.	Граната механизмининг ишга тушиш принципи	Масофада ишга тушади
3.	Гранатанинг тўлиқ оғирлиги	310 гр
4.	Баландлиги -корпусининг баландлиги -жанговар ҳолатдаги баландлиги	76 мм 117 мм
5.	Айланаси (диаметри)	56.8 мм
6.	Осколколарининг таъсир этиш радиуси	25 м гача
7.	Гранатанинг ўртacha улоқтирилиш масофаси	40–50 м
8.	Портлатувчи запалнинг ёниш вақти	3,2–4,2 сек
9.	Портловчи моддаси	тротил
10.	Портловчи моддасининг оғирлиги	110 гр
11.	Гранаталар солинган қўти оғирлиги	14 кг
12.	Кутидаги гранаталар ва запаллар сони	20 дона

РГД-5 парчаланувчи қўл гранатаси запал учун қувурли корпус, портловчи заряд, запал (портлатгич)дан ташқил топган.



(164-расм)

РГД-5 парчаланувчи қўл гранатаси.

(165-расм)

Граната корпуси портловчи заряд, запал учун трубкани жойлаш ва портлаш жараёнида парчалар ҳосил қилиш учун мўлжалланган. У қуи ва юқори қисмлардан ташқил топган.

Корпуснинг юқори қисми қалпоқ деб номланадиган ташқи қобиқ ва қалпоқнинг ички қопламасидан иборат. Юқори қисмiga гранатанинг бўғзи ёрдамида запал учун трубка бириктирилади. Трубка запални гранатага бириктириш ва корпус ичидаги портловчи зарядни герметизациялаш учун хизмат қиласди.

Трубкани ифлосланишдан асраш учун унинг ичига пластмасса тиқин бураб ўрнатилади. Граната улоқтиришга ҳозирланаётганида трубкага тиқин ўрнига запал бураб ўрнатилади.

Корпуснинг қуи қисми туб қисм деб номланадиган ташқи қобиқ ва туб манжетадан ташқил топган.

Портловчи заряд корпусни тўлдириб, гранатанинг парчаланиб кетишига хизмат қиласди.

Гранатанинг УЗРГМ запали (РГД-5 ва Ф-1 парчаланувчи қўл гранаталарининг бир хилдаги такомиллаштирилган запали) портловчи зарядни портлатиш учун хизмат қиласди. У запалнинг ўзидан ва зарбдор механизмдан ташқил топган.

3-§. РГН парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши




РГН – парчаланувчи қўл гранатаси, хужум ва мудофаа вақтида душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Граната пиёда ёки жанговар техника (автомобил)да ҳаракатланиш вақтида турли ҳолатлардан улоқтирилади.

Гранатанинг асосий тактик-техник хусусиятлари:

Т/р	Тактик – техник тавсифлари	РГН
1.	Граната тури	Хужумда қўлланилади
2.	Граната механизмининг ишга тушиш принципи	Зарбда ҳамда масофада ишга тушади
3.	Портлагандан парчаларининг сони	220–300 та
4.	Парчаларнинг ўртача оғирлиги	0,42 гр
5.	Парчаларнинг бошланғич учиш тезлиги	700 м/сек
6.	Парчаларнинг таъсири радиуси	25 м гача
7.	Гранатанинг ўртача улоқтирилиш масофаси	25–45 м
8.	Гранатанинг тўлиқ оғирлиги	310 гр
9.	Портлатувчи запалнинг ёниш вақти	3,3–4,3 сек
10.	Гранаталар солинган қути оғирлиги	14 кг
11.	Қутидаги гранаталар ва запаллар сони	20 дона

Гранатанинг тузилиши



РГН – парчаланувчи қўл гранатаси.

РГН парчаланувчи қўл гранатаси корпус, аралаш портловчи заряд, детонацияли шашка ва зарбдор-масофали запал (портлатгич)дан ташқил топган.

РГН гранатасининг корпуси ички томони ўйилган иккита (пастки ва юқори) алюминий яримсферадан иборат.

Гранатани улоқтиришга ҳозирлаётганда трубканинг пласт-масса тиқини ўрнига зарбдор-масофали портлатгич бураб ўрнатилади. Зарбдор-масофали портлатгич РГН ва РГО гранаталари учун бир хил моделда ишлаб чиқарилади ва қисқа шаклда “УДЗ” (ударно-дистанционный запал) – деб номланади.

4-§. Ф-1 парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши

Ф-1 – парчаланувчи қўл гранатаси масофада ҳаракатга келувчи граната бўлиб, асосан мудофаа вақтида душманинг жонли кучини яксон қилиш учун мўлжалланган. Гранатани фақат тўсиқ ортидан, жанговар техника ёки танк (ўзи юарар артиллерия қурилмаси) ичидан турли ҳолатларда улоқтириш мумкин.

19-жадвал


Гранатанинг асосий тактик-техник хусусиятлари

T/p	Тактик – техник тавсифлари	Ф-1
1.	Граната тури	Мудофаада қўлланилади
2.	Граната механизмининг ишга тушиш принципи	Масофада ишга тушади
3.	Портлагандаги парчаларнинг сони	290 та
4.	Парчаларининг бошланғич учиш тезлиги	730 м/сек
5.	Парчаларнинг таъсир этиш радиуси	200 м гача
6.	Гранатанинг ўртача улоқтирилиш масофаси	35–45 м
7.	Гранатанинг тўлик оғирлиги	600 гр
8.	Портлатувчи запалнинг ёниш вақти	3,2–4,2 сек
9.	Гранаталар солинган қўти оғирлиги	20 кг
10.	Яшикдаги гранаталар ва запаллар сони	20 дона

Ф-1 парчаланувчи қўл гранатаси.



(169-расм)



(170-расм)

Ф-1 гранатасининг умумий кўриниши.

Ф-1 парчаланувчи қўл гранатаси запал учун трубкаси бор корпус, портловчи заряд, запал (портлатгич)дан ташқил топган.

Корпус портловчи заряд ва запалдан иборат бўлиб, граната портлаганида парчалар ҳосил бўлишига хизмат қиласди. Граната корпуси чўяндан қўйилган бўлиб, узунасига ва кўндалангига кетган ариқчалари бор.

Корпуснинг юқори қисмидаги резбали тешик запални бураб киритиш учун хизмат қиласди. Гранатани сақлаш, ташиш ва олиб юриш вақтида ушбу туйнукка пластмасса тиқин бураб қўйилади.


Гранатанинг УЗРГМ запали (РГД-5 ва Ф-1 парчаланувчи қўл гранаталарининг бир хилдаги такомиллаштирилган запали) гранатанинг портловчи зарядини портлатиш учун хизмат қиласди.

5-§. РГО парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши


Парчаланувчи, **зарбда** ҳамда **масофада** ҳаракатга келувчи **РГО** қўл гранатаси душманнинг жонли кучини мудофада йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Гранатани фақат панадан, жанговар техника ёки танк (ўзиюрар артиллерия қурилмаси) ичидан турли ҳолатларда улоқтириш мумкин.

РГО қўл гранатасининг умумий кўриниши.



(171-расм)



(172-расм)

20-жадвал

Гранатанинг асосий тактик-техник хусусиятлари

Т/р	Тактик – техник тавсифлари	РГО
1.	Граната тури	Мудофаада қўлланилади
2.	Граната механизмининг ишга тушиш принципи	Зарбда ҳамда масофада ишга тушади
3.	Гранатанинг диаметри	61 мм
4.	Гранатанинг баландлиги	113 мм
5.	Портлаганда парчаларининг сони	670–700 та
6.	Парчаларнинг ўртача оғирлиги	0,46 гр
7.	Парчаларнинг бошланғич учиш тезлиги	1200 м/сек
8.	Парчаларнинг таъсир этиш радиуси	200 м гача
9.	Гранатанинг ўртача улоқтирилиш масофаси	20–40 м
10.	Гранатанинг тўлиқ оғирлиги	530 гр
11.	Портлатувчи запалнинг ёниш вақти	3,3–4,3 сек
12.	Гранаталар солинган қўти оғирлиги	18 кг
13.	Қутидаги граната ва запаллар сони	20 дона

6-§. РКГ-3 танкка қарши кумулятив қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши

РКГ-3 – кумулятив қўл гранатаси йуналтирилган ҳаракатли, танка қарши граната бўлиб душманинг танкларга, ўзиюрар артиллерия қурилмаларига, бронетранспортёрларига ҳамда зирхли автомобилларига қарши қурашиб шунингдек, унинг доимий ва вақтинчалик дала иншоотларини вайрон қилиш учун мўлжалланган.

Граната фақат тўсиқ ортидан турли холатларда улоқтирилади.

Граната нишонга урилган ондаёқ портлаш юз беради ва ҳосил бўлган юқори температурадаги ва зичликдаги газлар оқими замонавий танклар зирхини ва бошқа мустаҳкам тўсиқларни тешиб ўтади.

Гранатанинг тузилиши

Танкка қарши кумулятив қўл гранатаси асос, дастак, портловчи заряд ва запалдан иборат (173-расм).



(173-расм).

Гранатанинг асоси цилиндр шаклида бўлиб, портловчи зарядни ва запални жойлаштириш учун хизмат қиласи.

Асоснинг пастки қисми - таглик, ички қисми - кумулятив воронка, уст қисми - запал учун қувури бўлган қопқоқдан иборат. Қопқоқнинг юқори қисми дастак бураб ўрнатиш учун резба билан тугалланган. Граната асосининг ташқи қисмидаги улоқтириш қоидаси ва маркаси кўрсатилган.

Дастак гранатани улоқтиришнинг қўлай бўлиши ва зарбдор механизми ҳаракатга келтириш учун хизмат қиласи. У асосдан, силжувчи муфта пружинаси билан очилувчи планкадан, планкаси билан очилувчи қалпоқдан ва ҳалқали сақловчи чекадан иборат.

Дастакка туртқич механизм, стабилизатор ва сақлагич қурилма жойлашади. Дастак асоси герметик холатда: олд томонидан у сув ўтмайдиган кофоз ўрами билан бекитилган, орқа

қисмida эса силжувчи муфта ва қалпоқ ўртасида фильтри қатlam мавжуд.

Силжувчи муфта граната асосининг қопқоғига бураб ўрнатиш учун резбага эга. Унинг ён томонларида сақлагич чекаси учун тешикли қулоқлар ва иккита ботиқ мавжуд. Қулоқлар ва чека ёрдамида силжувчи муфта очилувчи планка билан уланади. Силжувчи муфтанинг битта ботигида очилувчи планканинг пружинасимон чеккаси, иккинчисида эса шарикли очилувчи қалпоқнинг чеккаси ўрнашади.

Зарбдор механизм - запалнинг детонацияловчи капсюлини алана олдириш учун хизмат қиласи. Зарбдор механизм таркибиغا - қобиқ, асосли трубка, туртқич қобиғи, туртқич, жанговар ва назоратчи сақлагич пружина, сақловчи шарчалар ва инерцион юқдан иборат. Туртқич асоси асосий трубка ичида жойлашиб, сақловчи шарчалар учун тўртта тешикка эга. Қобиқ ичида туртқич ва жанговар пружина жойлаширилади.

Иккита катта сақловчи шарча туртқич асосини трубкада, иккита кичик шарчалар эса туртқични туртқич қобиғида ушлаб туради. Граната улоқтирилганда назоратчи сақловчи пружина инерцион юқнинг силжиб кетишига йўл қўймайди.

Стабилизатор - граната қобиғининг таги олдинга бўлган ҳолатда учишини таъминлайди. У матодан тайёрланган конус, тўртта симли қанот, втулкадан, ҳалқа ва пружинадан иборат.

Сақловчи механизм - тўртта сақлагичдан иборат бўлиб, граната билан муомалада бўлишда ва унинг учиш даврида ҳавфсизликни таъминлайди.

Биринчи сақлагич, яъни сақловчи чека сурилувчи муфтани очилувчи планка билан боғлаб туради ва граната билан муомалада ҳавфсизликни таъминлайди. У граната улоқтирилиш арафасида ажратиб олинади.

Иккинчи сақлагич, сақловчи чекаси суғуриб олинган ҳолатда граната тасодифан тушиб кетиши ҳолатида ҳавфсизликни таъминлайди. У шарикли очилувчи қалпоқ планкасидан, силжувчи муфтадан ва унинг пружинасидан иборат.

Учинчи сақлагич граната улоқтирилганидан кейин (иккинчи сақлагич ишлаб кетган), улоқтирувчига бир метр яқинлиқда тасодифан бирорта тўсиққа урилиб кетса, унинг ҳавфсизлигини таъминлайди. У қалпоқчали ва пружинали устун, сурилувчи ва марказий трубкалар, резина ниппел ва иккита шарчадан иборат. У

граната учиб бораётганда стабилизатор очилиши натижасида ажралади.

Тўртинчи сақлагич, яъни назоратчи сақлагич пружина инерцион юкнинг олдинга силжишига тўсқинлик қилиб, гранатанинг учишдаги ҳавфсизлигини таъминлайди.

Портловчи заряд зирҳли ва бошқа мустаҳкам тўсиқ (бетон)ларни тешиб ўтиш учун хизмат қиласди. Заряднинг олдинги қисмида портлаш натижасида юқори зичликдаги бир неча минг атмосфера босимдаги ингичка газ оқимини ҳосил қилиб, зирҳга йуналтириш учун воронкасимон кумулятив ботиқ мавжуд. Ундан ташқари, асоснинг таг қисми билан кумулятив воронка оралиғида очик бўшлиқ мавжуд бўлиб, бу гранатанинг зирҳни тешиши самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Портловчи заряд асосий ва қўшимча зарядлардан иборат бўлиб, улар орасида картон қатлами жойлаштирилган.

Запал бир зумдаёқ ҳаракатга келиб, портловчи зарядни портлатиш учун хизмат қиласди. У гильза ва қопқоқдан иборат. Қопқоқда детонацияловчи капсюль, гильзада эса қўшимча детонатор жойлаштирилган.

Граната қисми ва механизмларининг ишлаши

Гранатани улоқтиришидан олдин у сумкадан олиниб, дастаги бураб ечилади, асос қувурига запал ўрнатилиб, дастак жойига кайтадан бураб мустаҳкамланади. Туртқич асосида жанговар пружинани сиқиб турган ҳолатда кичик шарчалар билан ушлаб турилади. Туртқич асосининг олдинга силжиб кетмаслиги учун катта шарчалар ёрдамида флансли қувурда ушлаб турилади. Очилувчи планка дастакнинг силжувчи муфтаси ва очилувчи қалпоқ билан сақлагич чека ёрдамида уланган бўлиб, планканинг пружинасимон чеккаси силжувчи муфтанинг ботиғига кириб туради. Сақловчи чекаларнинг учи кайрилган бўлиб, уни дастакда маҳкам ушлаб туради.

Гранатани улоқтириши учун уни қўлга олиб, сақлагич чеккаси суғурилади ва граната нишонга улоқтирилади. Сақлагич суғуриб олинганда силжувчи муфта ва очилувчи планка бир-биридан ажралади. Граната улоқтириш учун силтанганида граната асоси ва силжувчи муфта билан биргалиқда дастак асосида силжиб узоқлашади, бунда силжувчи муфтанинг пружинаси сиқилади ва очилувчи планканинг пружинасимон чеккаси ва шарча муфта ботикларидан чиқиб озод бўлади.

Граната қўлдан ажралиб чиққан онда дастак асоси силжувчи муфта пружинасининг таъсири натижасида граната асоси томонга силжиб олдинги ҳолатга қайтади. Очилувчи қалпоқ ўз пружинасининг таъсири натижасида дастакдан орқага итарилади, очилувчи планка орқага буралиб очилувчи қалпоқдан ажралади ва очилувчи қалпоқ озод бўлиб дастакдан ажралади.

Стабилизаторнинг пружинаси дастакдан стабилизаторни суреби чиқаради ва у симли қанотлар ва ҳавонинг қаршилик кучи таъсирида очилиб, силжувчи қувурни орқага тортиб дастак ташқарисига чиқаради, бу ҳолатда устунни ушлаб турувчи учинчи сақлагичнинг шарчалари озод бўлади. Устун ўзининг пружинаси таъсирида туртқичдан чиқади (3-сақлагич ишлайди) ва катта шарчалар ҳамда туртқич халос бўлади. Назоратчи сақлагич ҳамда деворларга ишқаланиш инерцион юк ва туртқич асосининг олдинга силжишига йўл қўймайди. Кичик шарчалар туртқич асосининг деворига ва туртқичга кириб турган ҳолда туртқичнинг олдинга силжишига тўсқинлик қиласиди.

Нишин (*тўсиқ*) билан учрашган граната унга (*тўсиқка*) таг қисми ёки ён томони билан урилганда, назоратчи сақлагич пружина инерцион юк таъсирида сиқилади, туртқичнинг асоси эса кичик шарчалар флансли қувурнинг ариқчасига кириб туртқич қўйиб юборгунига кадар олдинга сурелади. Шундан кейин туртқич жанговар пружинанинг таъсирида кескин равишда олдинга силжиб пистон детонаторни чақади ва у алантага олиб гранатани бир зумда портлатади.


21-жадвал

РКГ-3 танкка қарши қўл гранатасининг тактик-техник хусусиятлари

Т/п	Тактик – техник тавсифлари	РКГ-3
1.	Граната механизмининг ишга тушиш принципи	кумулятив
2.	Зирх тешарлиги	170 мм
3.	Гранатанинг узунлиги	362 мм
4.	Гранатанинг баландлиги	76 мм
5.	Гранатанинг ўртача улоқтирилиш масофаси	15-20 м
6.	Гранатанинг тўлиқ оғирлиги	1070 гр
7.	Граната запалининг тури	Зарбада ҳаракатга келадиган
8.	Гранаталар солинган қўти оғирлиги	24 кг
9.	Қўтидаги граната ва запаллар сони	12 дона

УЗРГМ запалининг тузилиши. Гранатани улоқтиришда қисм ва механизмларнинг ишлаш тартиби

УЗРГ (рус. Унифицированный Запал Ручной Гранаты) қўл гранатасининг запали 1941 йилда Е.М.Вицени ва А.А. Беднияковлар томонидан ихтиро қилинган. У Ф-1, РГ-42 ва РГД-5 қўл гранаталарининг порох зарядини ҳаракатга келтириш учун қўлланилади.



174-расм

Запал – темир қобиқ, зарборд тепки механизми, ишга тушуриш дастаги, алангаланувчи капсюль, секинлаштиргич, капсюль-детонатордан иборат.



175-расм

УЗРГМ (рус. Унифицированный Запал Ручной Гранаты Модернизированный) қўл гранатасининг бирлашган моделлаштирилган запали УЗРГ запалидан фарқли жихати алюмин қобиқли, секин ёнувчи кам газли порох заряди, мунтазам юқори ёндирувчи ва қўрғошин азидли капсюл-детонаторли гилзадан иборат (175-расм).

УЗРГМ-2 (рус. Унифицированный Запал Ручной Гранаты Модернизированный) қўл гранатасининг бирлашган моделлаштирилган запали УЗРГ запалидан фарқли жихати кам гигроскопик моддадан иборат бўлиб, ёниш тезлиги секинлаштиручининг ишлаш механизмига эмас, атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ.

Гранатанинг запали УЗРГМ (унифицированный запал ручной гранати модернизирований - қўл гранатасининг бир хилдаги такомиллаштирилган запали) портловчи зарядни портлатиш учун мўлжалланган. У запалнинг ўзидан ва зарборд механизмдан иборатdir.

Зарборд механизм запалнинг алангаланувчи пистони (капсюласи)ни аланга олдириш учун хизмат қилади. У зарборд

механизм қувурчасидан; резбали втулкадан, йуналтирувчи шайбадан, жанговар пружинадан, туртқичдан, туртқич шайбасидан, қўйиб юборувчи ричагдан ва сақлагич чекаси ва ҳалқадан иборатдир.

Зарбдор механизм қувури запалнинг ҳамма қисмларини йифиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Резбали втулка запални граната асоси билан бириктириш учун хизмат қилади. У зарбдор механизм қувурининг пастки қисмига кийдирилган.

Йўналтирувчи шайба жанговар пружинанинг юқори қисмида таянч вазифасини ўтаб, пружинани пастга йуналтиради. У зарбдор механизм қувурининг юқори қисмига жойлаштирилган.

Жанговар пружина аллангаланувчи пистон (капсюла)ни чақиши учун зарур бўлган кучни туртқичга ҳосил қилиб беришга хизмат қилади. У туртқичга кийдирилган бўлиб, ўзининг юқори қисми билан йуналтирувчи шайбага, пастки қисми билан туртқич шайбасига такалиб туради.

Туртқич аллангаланувчи пистон (капсюла)ни чақиб алланга олдиришга хизмат қилади.

Қўйиб юборувчи ричаг туртқични жанговар ҳолатда (жанговар пружина сиқилган ҳолатда) ушлаб туриш учун хизмат қилади. Зарбдор механизм қувурида қўйиб юборувчи ричаг сақлагич чека ёрдамида ушлаб турилади.

Сақлагич чекаси қўйиб юборувчи ричаг қўлоқлари тешигидан ҳамда зарбдор механизм қувури деворидан ўтиб туради. У суғуриб олиш учун ҳалқага эга.

Запалнинг ўзи гранатанинг портловчи зарядини портлатиш учун хизмат қилади. У секинлаштирувчи втулкаси, аллангаланувчи пистон (капсюла), секинлаштирувчи ва детонатор (тебрантирувчи)дан иборат.


Секинлатувчи втулкасининг юқори қисми зарбдор механизм қувурчаси билан бириктириш учун резбага, аллангаланувчи пистон учун уяга, ўртасида секинлатувчи жойланадиган найчага, ташқи қисмидан пистон-детонатор гильзасини ўрнатиш кемтигига эга.

Аллангаланувчи пистон секинлатувчини ёндириш учун хизмат қилади.

Секинлатувчи аллангаланувчи пистон шуъласини (нурини) пистон-детонаторга етказиб беради. У камгазли прессланган (зичланган) таркибдан иборат.

Пистон-детонатор гранатанинг портловчи зарядини портлатиш учун хизмат қиласи. У секинлатувчи втулкасининг пастки қисмига ўрнатилган гильза ичига жойлаштирилган.

Запаллар доимо жанговар холатда бўлади. Запални булакларга ажратиб, зарбдор механизм ишлашини текшириш катъиян тақиқланади.



(176-расм)

Зарбдор механизмининг тузилиши

- 1 - зарбдор механизми трубкаси;
- 2 - йўналтирувчи шайба;
- 3 – жанговар пружина;
- 4 – зарбдор (тургич);
- 5 – зарбдор шайба;
- 6 – тушуриладиган дастаг;
- 7 – сақлагич, халқаси билан;
- 8 – боғловчи втулка.

Запалнинг тузилиши


- 9 – ёндирувчи капсюль;
- 10 – секинлаштирувчи втулка;
- 11 – секинлаштирувчи аралашма;
- 12 – қўзғатувчи портловчи модда;
- 13 – бризант портловчи модда.

УДЗ запалининг тузилиши, қисм ва механизмларнинг ишлаш тартиби

УДЗ (рус. Ударно-Дистанционный Запал) РГО ва РГН қўл гранаталарининг ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган.



(193-расм)




(194-расм)

Зарбдор-дистанцион запалнинг қирқилган кўриниши (хизмат муомаласи чоғида механизм ва қисмларнинг ҳолати):

- 1 – детонацион тугун капсюль-детонатори;
- 2 – аллангалатувчи пистон;
- 3 – масофадан ишга солувчи механизм движоги;
- 4 – игнаси;
- 5-6 – нишон датчигининг втулкаси ва гильзаси;
- 7 – корпус;
- 8 – нишон датчигининг инерцион юкчаси;
- 9 – санчувчи-сақлагич механизм зарбордининг игнаси;
- 10 – зарбдор (турткич);
- 11 – ҳалқа;
- 12 – санчувчи-сақлагич механизмининг аллангалатувчи пистони;
- 13 – ричаг

Нишонлар намуналари

Үлчамлар сантиметрларда күрсатилған (кattалиғи 1 метргача бўлган нишонларни ± 1 см ўзгариш билан, ундан катта үлчамдаги нишонларни ± 2 см ўзгариш билан тайёрлашга рухсат берилади)



Текширув нишони

Изоҳ:

1. Чизиқлар қўйидагича ифодаланади:

1 – автомат, қўл пулемети ва 1943 йил намунасидағи патронларга мўлжсалланган карабин учун;

2 – мерғанлик милтизи учун;

3 – Калашников пулемети ва милтиқ патронига мўлжсалланган қўл пулемёти учун;

4 – тиргакли пулемётдан 1930 йил намунасидағи патронларда отиш учун;

5 – тиргакли пулемётдан 1980 йил намунасидағи ва 5.45 мм патронларда отиш учун;


6 – пистолет ва револьверлар учун;

7 – 12.7 мм ДШК (НСВ) учун;


8 – 5.45 мм Калашников қўл пулемёти учун.

2. Қуролни текшириш ва уни меъёрий жанговар ҳолатга келтириши вақтида нишонга олиши нуқтаси оқ рангли вертикал чизиқ ҳамда рақамли чизиқлар билан ифодаланган нишон пастки чеккасининг кесишиши жойидан танланади.

3. Меъёрий жанговар ҳолатдаги ўртача тегиси нуқтаси кичик айланадан четга чиқиб кетмаслиги керак.




1-нишон. Фидирак




2-Спорт нишони




2-а нишон. Махсус бел баробар шакл




2- б нишон. Махсус бел баробар шакл




2-в нишон. Жиноятчининг
бўй баробар шакли




3-Спорт нишони




4-нишон. Айланали кўкрак баробар
шакл




4-а нишон. Спорт нишони




5-нишон. Бои шакли




5-а ниишон. Бои шакли




6-нишон. Кўкрак баробар шакл




6-б ниишон. Кўкрак баробар шакл



6-а ниишон. Кўкрак баробар шакл




7-нишон. Бел баробар шакл




7-а ниишон. Бел баробар шакл




7-б ниион. Террорчи




7-в ниион. Анатомик бел баробар шакл




7-г ниион. Кесик бел баробар шакл




7-д ниион. Зонали бел баробар шакл



8-ницион. Бўй баробар шакл



8-а ниион. Бўй баробар шакл




8-б ниишон. Бүй баробар шакл



8-в ниишон. Гаровга олган террорчи



8-г ниишон. Ташиқи күриниши акс
эттирилган бүй баробар шакл



8-д ниишон. Зонали бүй баробар
шакл

22-жадвал

**ҮҚ отиш тайёргарлиги бўйича
МЕЪЁРЛАР**

Т/р	Меъёрлар	Шартлар	Натижалар бўйича баҳолаш (сониягача, дақиқагача)		
			Аъло	Яхши	Қоник- ли

Макаров пистолети

1	Пистолетни қисмларга нотўлиқажратиш	Ходим стол олдида қўллари пастига туширилган ҳолда, пистолет дастасига магазин жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	7 сония- гача.	8 сония- гача.	9 сония- гача.
2	Қисмларга нотўлиқажратилган пистолетни йиғиш	Ходим стол олдида, қўллари пастига туширилган ҳолда, пистолет қисмлари стол устида жойлашган	9 сония- гача.	10 сония- гача.	11 сония- гача.
3	Патронларни магазинга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастига туширилган ҳолда, 8 та патрон сочилган ҳолда бўлади	16 сония- гача.	18 сония- гача.	20 сония- гача.
4	Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш ва қайта йиғиш	Ходим стол олдида, қўллари пастига туширилган ҳолда, пистолет дастасига магазин жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	8 дақиқа- гача.	10 дақиқа- гача.	12 дақиқа- гача.

Калашников автомати

5	Автоматни қисмларга нотўлиқажратиш	Ходим стол олдида, қўллари пастига туширилган ҳолда, автоматга магазин жойлаштирилган, пенал ажратилмайди	16 сония- гача.	20 сония- гача.	24 сония- гача.
6	Қисмларга нотўлиқажратилган автоматни йиғиш	Ходим стол олдида қўллари пастига туширилган ҳолда, автомат қисмлари стол устида жойлашган	30 сония- гача.	35 сония- гача.	40 сония- гача.
7	Патронларни магазинга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастига туширилган ҳолда, 30 та патрон сочилган ҳолда бўлади	35 сония- гача.	40 сония- гача.	45 сония- гача.

IV-БОБ. МАХСУС ВОСИТАЛАР

1-§. Инсон ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда махсус воситаларни қўлашнинг ҳуқуқий асослари

Ички ишлар органлари шахсий таркиби хизмат вазифаларини бажаришда мамлакатда жамоат тартибини, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, вайронкор ва талончилик ҳаракатларига олиб келувчи тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда хизмат вазифаларини бажарадилар.

Ички ишлар органлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- жиноий жаъзони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- давлат обьектларини, ўта муҳим, тоифаланган обьектларни ва бошқа обьектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг молмулкини қўриқлаш;
- жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишида ҳамда гаровга олингандарни озод қилишида иштирок этиш йўли билан курашиш;
- ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида фуқароларнинг Конституциявий эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашда, ўта муҳим, тоифаланган обьектларни ишончли қўриғини таъминлашда, жаъзони ижро этиш муассасаларида сақланаётганларнинг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатишида, ушланган, шубҳали шахсларни ички ишлар органлари ёки бошқа хизмат идораларига олиб боришида, уларни қўриқлашда, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида фуқароларнинг

хавфсизлигини таминлашда ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус воситалардан фойдаланиб келадилар.

Бунинг учун ички ишлар органлари ходимлари махсус воситалардан фойдаланишда қабул қилинган норматив ҳужжатларга асосланиши зарур.

Махсус воситаларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари деганда, Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги 29-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси ЖК 37, 38, 39 – моддалари, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 17,18, 19–моддаларини тушуниш лозим.

2-§. Инсон ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда махсус воситаларни қўллаш шартлари

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан махсус воситаларни фақат қонунда белгилаб берилган ҳолларда ва тартибда олиб юриш, сақлаш ва қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Махсус воситаларни махсус тайёргарликдан ва касбий яроқлилиги хақида текширувдан ўтган ҳамда сертификатга эга бўлган ички ишлар органлари ходими қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситалар қўлланилишидан аввал ходим уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган ҳолда огоҳлантиради. Бунда ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф тугдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай заарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Махсус воситалар құлланилғанлиги натижасыда тан жароҳати олған фуқароларга бириңчи ёрдам күрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичидә тиббий ёрдам күрсатиш чоралари күрилиши зарур.

Махсус воситалар құлланилғанлигининг ҳар бир ҳолати түғрисида ички ишлар органды ходими бевосита бошлиғига дархол ахборот беріши шарт. Агар махсус воситалар құлланилғанлиги натижасыда фуқароларға тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, шунингдек уларнинг мол-мулкига зарап етказилса ҳар бир ҳолат түғрисида прокурорга дархол хабар берилади. Бундай ҳолларда ходим дархол ҳодиса жойини ўзгаришсиз саклашга қаратилган чораларни кўради, махсус воситалар қонунда белгиланган асослар бўйича ва белгиланган тартибда құлланилған бўлса ички ишлар органды ходими етказилган зарап учун жавобгар бўлмайди.

Ички ишлар органды ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

- фуқарога ёки ички ишлар органды ходимиға қилинган ҳужумни қайтариш учун;
- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишида;
- ички ишлар органды ходимиға қаршилик күрсатилишига чек қўйишида;
- жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дархол кўриб қолинган, яширинишига уринаётган шахсни ушлашда;
- қуролли қаршилик күрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарап етказишини бартараф этиш мақсадида;
- зўравонлик йўли билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишида;
- фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуниий хатти-харакатларга чек қўйишида;
- ҳайдовчи ички ишлар органды ходимининг тўхташ түғрисидаги талабини бажармаган ҳолларда транспорт воситасини тўхтатишида;

- жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурӯҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

Ички ишлар органи ходими қўйидаги маҳсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

- резина таёқлар, қўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қуроллар, қўл кишанлари ёки бошқа боғлаш воситалари, маҳсус бўёқ ва маркировка қилувчи воситалар, электрошок қурилмалари, хизмат ҳайвонлари, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-тovуш мосламалари, транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш мосламалари, тинчлантириш кўйлаги, сув билан зарба берувчи машиналар, муҳофаза қилинадиган объектларни (худудларни) ҳимоя қилиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гурӯҳларининг ҳаракатланишини тўсиш воситалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситаларни.

Ички ишлар органлари ходимлари қонунда белгиланган ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда маҳсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органлари таъминотида бўладиган маҳсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органи ходими маҳсус воситаларни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиқса қонун олдида жавобгар бўлади.

Маҳсус воситаларнининг турлари

Ички ишлар органларида қўлланиладиган маҳсус воситалар қўйидаги турларга бўлинади:

1. Шахсий ҳимоя воситалари;
2. Фаол мудофа воситалари;
3. Маҳсус операцияларни таъминлаш воситалари.

Шахсий ҳимоя воситаларига дубулға (каска)лар, зирхли совут (бронежелет)лар, қалқон (шит)лар, газ ниқоб (противогаз)лар киради.

Шахсий ҳимоя воситаларининг вазифалари ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органи ходимларини мина ва гранаталарнинг кичик заррачаларидан, ўқ отар қуролларнинг ўқларидан, кесувчи ва ўткир тиғли предметлардан (пичоқ, вилка, сик, болта ва х.к.), улоқтирувчи предметлар (тартиббузарлар

томонидан отилган тош ва бошқа барча нарсалар)дан, зарбалар (оёқ, құл, таёқ, металл ва бошқа барча буюмлар)дан ҳисобланади, шунингдек нафас олиш органлари орқали захарланишдан ва терени химоя қилиш воситалари ҳам киради.

Фаол мудофаа воситаларининг вазифаси қонунбузарлар томонидан бўйсунмаслик, жисмоний қаршилик қўрсатишни олдини олиш, хужумни қайтариш ва тўғридан-тўғри харакатларини сусайтириш ҳисобланади.

Фаол мудофаа воситалари қонунбузарларга тан-жорахатлари етказмасдан қисқа муддатли кучли оғриқ бериш ёки психофизиологик таъсир этиш учун мўлжалланган.

Фаол мудофаа воситаларига қўйидаги воситалар киради: маҳсус резина таёклар; қўл кишанлари ёки бошқа боғлаш воситалари; маҳсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар; газли қўл гранаталари; газ гранатали патронлар; аэрозоли пуркаш мосламалари; электрошок қурилмалари; қувурсиз ўлимга олиб келмайдиган пистолетлар; кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қуроллар; хизмат ҳайвонлари; тинчлантириш кўйлаги.

Маҳсус операцияларни таъминлаш воситалари жаъзони ижро этиш муассасаларида исён кўтарган маҳкумларни тарқатишида, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларни бартарф этишда, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, ўта хавфли қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда, гаровга олинганларни озод этишда, террористик гурухларни заарсизлантиришда ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-харакатларга чек қўйиш мақсадида ишлатилади.

Ички ишлар органлари томонидан маҳсус операцияларни амалга оширишда қўйидаги воситалари қўлланилади: суюқ препаратларни сепиш учун мўлжалланган аппаратлар; маҳсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар; газли булут ҳосил қилувчи ва кўзни ёшлантирувчи қўл газли гранаталари; автотранспортни мажбуран тўхтатувчи мосламалар; тутун чиқарувчи мосламалар; ёритувчи, қаттиқ, шовқинли гранаталар; кичик ҳажмдаги портловчи мосламалар; операцияда қўлланиладиган маҳсус қуроллар; сув пуркагич маҳсус автотранспортлар; маҳсус автомобиллар; маҳсус зирхли автомобиллар; зирхли техникалар; кузатувчи мосламалар.

3-§. Шахсий химоя воситалари

Шахсий химоя воситаларининг турлари, вазифалари, тактик-техник тавфиси ва улардан фойдаланиш тартиби

Дубулға (каска)лар ҳарбий хизматчиларни, ички ишлар органлари ходимларини бош қисмини жароҳат олишдан ишончли ва самарали химоя қилиш воситаси хисобланади.

Дубулға (каска)лар даражасига қараб қуидаги тоифаларга бўлинади:

- биринчи тоифали дубулға (каска)лар таёқ, тош, металл буюмларнинг зарбидан, ёнғиндан ва тупроқ чангларидан химояланиш учун мўлжалланган;

- иккинчи тоифали дубулға (каска)лар таёқ, тош, металл буюмларнинг зарбидан ҳамда мина ва гранаталарнинг кичик парчаларидан химояланиш учун мўлжалланган;

- учинчи тоифали дубулға (каска)лар таёқ, тош, металл буюмларнинг зарбидан, мина ва гранаталарнинг кичик парчаларидан ҳамда ўқ отар қуролларнинг ўқларидан химояланиш учун мўлжалланган.

Дубулға (каска)ларнинг турлари, қўлланиши, тактик-техник тавфиси.

Зарбага қарши дубулға (каска)си “Ниқоб-2”, парда ва гарнитураси билан. Механик таъсирларига қарши, турли ҳил улоқтириладиган (таёқ, тош, темир ва бошқа) предметлар одамнинг бошини химоя қилиш учун мўлжалланган (177-расм).

Зарбага қарши “Ниқоб-2” дубулға (каска)сининг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 1,3 кг; химоя майдони – 14 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат; зарба бардошлиги – 100 Дж.



177-расм “Ниқоб-2” дубилға (каска)си.

Пўлатдан ясалган дубулға (каска). Мина ва гранаталарнинг кичик парчаларидан яраланишдан, таёқ, тош ва металл буюмлар зарбидан химоялайди (178-расм).

Пўлатдан ясалган дубулға (каска)нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 1,4 кг; химоялаш юзаси – 8 дм²; доимий кийиб юриш вақти – 8 соатгача.



178-расм. Пўлатдан ясалган дубулга (каска)си.

Титандан ясалган "Сфера" дубулга (каска)си. Пистолет ва револьверлар ўқларидан яраланишдан, мина ва гранаталарнинг кичик парчаларидан, шунингдек таёқлар, металл буюмлар ва тош зарбаларидан ҳимоялайди (179-расм).

Титандан ясалган "Сфера" дубулга (каска)сининг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 2,6 кг; ҳимоялаш юзаси – 10 дм²; доимий кийиб юриш вақти – 4 соатгача.



179-расм. Титандан ясалган "Сфера" дубулга (каска)си.

Ўқдан ҳимояловчи "БЗШ (Н-01)" зирҳли дубулга (каска)си. Ўқдан ҳимояловчи зирҳли шлем бошни ўқдан, гранаталар парчаларидан яраланишдан, таёқлар, тошлар ва металл симлардан шикастланишдан ҳимоялаш учун мўлжалланган (180-расм).

Ўқдан ҳимояловчи "БЗШ (Н-01)" зирҳли дубулга (каска)нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 1,6 кг; ҳимоя майдони – 11,5 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат.



180-расм. Ўқдан ҳимояловчи "БЗШ (Н-01)" зирҳли дубулга (каска)си.

Ўқдан ҳимояловчи "Кевларовали" дубулга (каска). Ўқдан ҳимояловчи зирҳли шлем бошни ўқдан, гранаталар парчаларидан яраланишдан, таёқлар, тошлар ва металл симлардан шикастланишдан ҳимоялаш учун мўлжалланган (181-расм).

Ўқдан химояловчи “Кевларовали” дубулга (каска)нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 1,3 кг; ҳимоя майдони – 10 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат.



181-расм. Ўқдан химояловчи “Кевларовали” дубулга (каска).

Совут (бронежелет)лар

Совут (бронежелет)ларнинг вазифаси таёқ ва тошлар зарбидан, ўткир кесувчи предметлардан ва ўқ отар қуролларнинг ўқларидан, ходим ва ҳарбий хизматчиларни кўкрак ҳамда бел қисмларини, яъни хаётига зарур бўлган органларини ҳимоялаш ҳисобланади.

Совут (бронежелет)ларнинг ҳимоялаш даражасига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- биринчи тоифали енгил ҳимоя қилувчи совут (бронежелет)лар пистолетлар, ов милтиқлари ўқларидан, шунингдек санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимояланиш учун мўлжалланган;

- иккинчи тоифали совут (бронежелет)лар совуқ қуроллар, пистолетлар, автоматлар ва силиқ стволли қуролларнинг ўқларидан ҳимояланиш учун мўлжалланган;

Совут (бронежелет)ларнинг турлари, қўлланиши, тактик-техник тавфифи.

Енгил ҳимояловчи “Кора-1” совути. Пистолетлар, ов милтиқлари, шунингдек санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (182-расм).



Енгил ҳимояловчи “Кора-1” совутининг тақтиқ-техник тавсифи: оғирлиги – 2,5 кг; ҳимоя майдони – 46 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат

182-расм. Енгил ҳимояловчи
“Кора-1” совути

“Кара-1МК” зирхли совути. Пистолет, револьвер, автомат ўқларидан ва совуқ қуроллардан ҳимоялайди, шунингдек санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимоялайди (183-расм).

“Гарант” зирхли совути. 9 мм ли қуролларнинг ўқларидан, мина ва гранаталарнинг заррачаларидан, санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимоялайди (184-расм).



183-расм. Кара-1МК” зирхли совути.



184-расм. Кара-1МК” зирхли совути.

“Кара-1МК” зирхли совутининг тақтиқ-техник тавсифи: оғирлиги – 9,9 кг; ҳимоя майдони – 53 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 6 соат.

“Гарант” зирхли совутининг тақтиқ-техник тавсифи: оғирлиги – 11,2 кг; ҳимоя майдони – 14 дм²; узлуксиз кийиб юриш вақти – 4 соат.

Зирхли нимчалар

Ўқ отиш қуроли ва санчиладиган нарсалардан ҳамда граната, мина ва снарядларнинг бўлакларидан одамнинг хаёти учун зарур бўлган органларини химоялашга мўлжалланган (185-расм).



1



2



3

185-расм. Зирхли нимчалар.

Асосий кўрсатгичлар			
	Яширин зирҳли нимча	2-химоя тоифадаги зирҳли нимча	3-химоя тоифадаги зирҳли нимча
Химоя майдони, дм ²	33-41	41	45
Оғирлиги, кг	2	6	8
Химоя тоифаси	1	2	4



186-расм. Бармоқсиз тактик қўлқоплар

Бармоқсиз тактик қўлқоплар

Ички ишлар органлари ходимларининг қулларидан қурол ёки маҳсус воситани тортиб олишга йўл қўймидиган резина қопламаси билан жихозланган ва қўлни зарбадан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (186-расм).

Зарбага қарши “РОБОКОП” комплекти.

“РОБОКОП” комплекти зарбага чидамли маҳсус операциялар вақтида иштирок этадиган ходимлар учун хавфсизлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, кўкрак, орқа, йлка, қўл ва оёқларни максимал даражада ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (187-расм).

Қалқонларнинг асоси қаттиқ алюминийдан (дуралумин), кўкрак ва орқадаги зирҳ плиталари пўлатдан ясалган, бу ходимларни берилган ўткир қиравчи зарбалардан ҳимоя қиласди. Плиталар остидаги амортизатор қатлами туфайли травматик таъсир минимал даражага туширилади.

Зарбага қарши “РОБОКОП” комплекти созлаш имкониятлари туфайли барча ўлчамлари мос келади. Қалқонларнинг барча ташқи юзалари маҳсус мато билан тортилади, у ҳам ҳимоя, ҳам декоратив қоплама ролини ўйнайди.

Қалқонлар қулай фиксатсия тизими билан маҳкамланади, бу эса фойдаланувчи томонидан ўз-ўзидан кийиш ва йчиб ташлаш имкониятини беради.



187-расм Зарбага қарши “РОБОКОП” комплекти.

Зарбага қарши “РОБОКОП” комплектининг тактик-техник тавфисифи оғирлиги – 9 кг; химоя юзаси – 71,0 дм.кв; тешилиш қаршилиги – 40; (ҳисобланган қиймат учун), учи бурчаги 27 даражада, радиуси эса 2,5 мм; Ишлаш ҳароратининг диапазони – - 40 дан +50 гача.

Зарбага қарши қалқон (шит)лар

Зарбага қарши қолқон (шит)ларниң вазифаси ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимларини бош, оёқ, қўл ва бутун танасини таёқлар, метал симлар ва бошқа жисмларниң зарбаларидан, улоқтирилувчи предметлардан жароҳат олишдан ишончли ва самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Зарбага қарши қалқон (шит)лар ҳимоялаш даражасига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- биринчи тоифали зарбага қарши қолқон (шит)лар таёқлар, метал симлар ва улоқтирилувчи предметлардан шикастланиш эҳтимолидан ҳимоялайди. Улар бузғинчи тўдаларни оммавий тартиббузарликларни ҳаракатларини бартараф этишда ҳимояланиш учун мўлжалланган;

- иккинчи тоифали зарбага қарши зирҳли қолқон (шит)лар ўқ отар қуролларниң ўқларидан ҳимоялайди. Улар қуролланган жиноятчиларга қарши ўтказиладиган маҳсус тадбирларда ўқ отар қуролларниң ўқларидан ҳимояланиш учун мўлжалланган.

Зарбага қарши ва зирҳли қалқон (шит)ларниң турлари, қўлланиши ва тактик-техник тавфисифи.

Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж” -улоқтирилувчи предметлар, таёқлар, металл жисмларниң зарбаларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (188-расм).

Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж”нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 2,72 кг; ҳимоялаш юзаси – 60 дм²; баландлиги – 900 мм; эни – 500 мм; доимий кўтариб юриш вақти - 8 соатгача.

Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж-АТ” - улоқтирилувчи предметлар, таёклар, металл жисмларнинг зарбаларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (189-расм).

Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж-АТ”нинг тактик-техник тавсифи:

оғирлиги – 3,9 кг; ҳимоялаш юзаси – 60 дм²; баландлиги – 900 мм; эни – 500 мм; доимий кўтариб юриш вақти – 8 соатгача;



188-расм. Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж”



189-расм. Алюминдан тайёрланган зарбага қарши қалқон “Витраж-АТ”



Зарбага қарши қалқон (пластмассали)

Ички ишлар органлари ходимларини таёқ, темир таёқ, тош ва бошқа отиладиган нарсалардан ҳимоялашга мўлжалланган (190-расм).

Қалқоннинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 3,5 кг.; ҳимоялаш юзаси – 56 дм²; материал – поликорбанат; баландлиги – 1000 мм; эни – 540 мм; доимий кўтариб юриш вақти – 8 соатгача;



190-расм. Пластмасали зарбага қарши қалқон.



Поликорбанатдан тайёрланган зарбага қарши “Шаффоф” қалқон - улоқтирилувчи предметлар, таёклар, металл жисмларнинг зарбаларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (191-расм).

Поликорбанатдан тайёрланган зарбага қарши “Шаффоф қалқон”нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 4,5 кг; ҳимоялаш юзаси – 60 дм²; баландлиги – 110 мм; эни – 560 мм; олд

тарафи 140 мм га бўртиб чиқарилган; қалинлиги 5мм; доимий кўтариб юриш вақти - 8 соатгача.



191-раси. Поликорбанатдан тайёrlанган зарбага қарши “Шаффофф” қалқон



192-расм. Зирҳли қалқон “БЗТ-75”

Зирҳли қалқон “БЗТ-75” – пистолет, револьвер ва силлиқ стволли ов қуролларининг ўқларидан ҳимоялайди (192-расм).

Зирҳли қалқон “БЗТ-75”нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 4,5 кг; ҳимоя майдони – 25 дм²; тақиб юриш вақти - 4 соат.

Зирҳли қалқон БЩ-82 – пистолет, револьвер, силлиқ стволли қуроллар, АКМ, АК – 74 автоматлари ўқларидан яраланишдан ҳимоялайди (193-расм).

Зирҳли қалқон БЩ-82нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 18 кг; ҳимоялаш юзаси – 57 дм²; доимий кўтариб юриш вақти – 2 соатгача.



193-расм. Зирҳли қалқон БЩ-82

Зирҳли қалқон “Девор” (Зabor) – маҳсус тадбирлар ўтказилаётганда хужумкор гурухларга қарши мўлжалланган. Пистолет, револьвер, ов қуроллари, АК-74, АКМ, М-16 винтовкаси ўқларидан ҳимоялайди (194-расм)

Зирхли қалқон “Девор” (Зabor)нинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 27кг; Ҳажми – 900x500мм; ҳимоя майдони – 55 дм²; доимий кўтариб юриш вақти – 1 соатгача.



194-расм Зирхли қалқон “Девор”(Зabor)

Ҳимоя қалқончалари – ходимлар ва ҳарбий хизматчилар йиқилганда, тартибузарлар билан тўқнашганда, қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда жароҳатланишдан, тирсак, тизза ва елкаларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган (195-расм).



195-расм. Ҳимоя қалқончалари.

Нафас олиш аъзоларини ҳимояловчи воситалар.

Нафас олиш аъзоларини ҳимояловчи воситалар ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларини нафас олиш аъзолари орқали турли ҳил заҳарловчи моддалар - аэрозоль ёки газтутун булатларидан, чанглардан ҳимоя қиласи. Унга газниқоб, респиратор, чанга қарши матодан қилинган ниқоб, докадан қилинган пахтали боғламлар киради.

Нафас олиш аъзоларини ҳимояловчи воситаларнинг вазифаси нафас олаётганингизда ҳавони заҳарли моддалардан тозалаб беришга асосланган. Газ ниқоб “ГП-5” ва “ГП-7” – ҳавони тозаловчи қути ва резина қалпоқли ниқобдан иборат (196-расм). Газниқоб мажмуасига булардан ташқари газниқобни сақлаш, олиб юриш учун жилд (сумка) ва кўзойнак терламаслиги учун плёнкали қутича киради. Металли қути танасига маҳсус тозалагичлар жойлаштирилган. Нафас олишда қутига кирган ҳаво аввал тозалагичлар орқали ўтади, чанг, тутун, туман зарралари қолади,

кейин сузгичлар заҳарли модданинг буғларини ушлаб қолади. Газ ниқобнинг юз қисми, (беш ўлчамли) резина қалпоқли ниқоб, тугунчасимон кўзойнак, суйри, қалпоқчали қути, бирлаштирувчи найчадан иборат.

Тугунчасимон кўзойнак – кузатиш ойнаси, ички ва ташқи ҳалқа ойнали, қалпоқ ниқобга маҳкамланади ва терлатмайдиган плёнкани маҳкамлаш учун қисувчи ҳалқадан иборат.

Суйри – нафас олганда ҳаво тўғридан-тўғри тугунчасимон кўзойнак ойнасига етказиб берилади ва шу сабабли терлаш камаяди.

Қалпоқчали камера – нафас олиш ва нафас чиқариш пайтида ҳаво оқимини тақсимлайди, унинг ичида нафас олиш қалпоқчаси ва яна иккита – асосий ва қўшимча қалпоқча нафас чиқариш учун мавжуд.

Бирлаштирувчи найча резина қалпоқли ниқобни ҳавони тозаловчи қути билан бирлаштиради.



ГП-5



ГП-7

196-расм. Газниқоблар.

Газниқоб ГП-5 ҳавони тозаловчи кичик ўлчамли қути ГП-5, қалпоқли ниқобдан (беш ўлчамли) иборат. Қалпоқли ниқобнинг ўлчамини аниқлаш учун бошнинг қоқ тепасидан, бетдан ўтказиб ияк остигача айлантириб ўлчаш керак. Ўлчам катталиги 63 сантиметргача бўлса газниқоб 0 ўлчамли, 63,5-65,5 см биринчи, 66-68 см иккинчи, 68,5-70,5 см учинчи, 71 см ва бундан ортифи газниқобнинг тўртинчи ўлчамли эканлигини билдиради. Керакли ниқобни танлаш учун бетнинг баландлиги қаншардан то иякнинг пастки нуқтасигача ўлчаш керак. Бетнинг юза баландлиги 99-109 мм бўлса биринчи ўлчам, 109-119 мм иккинчи ўлчам, 119дан каттаси учинчи ўлчам ҳисобланади.

Газниқоб ГП-7 ҳавони тозаловчи қути, юз қисми (МГП маски гражданского противогаза) ФГН-фуқаро газниқоби филофи, 6 дона

терламайдиган плёнка, 2 дона иситувчи манжетчадан ва жилдан иборат. ГП-7 газниқобининг юз қисми уч ўлчамли. Ўлчамли нусхадаги “Эркин” абстюратор, тугунчасимон кўзойнак, гаплашиш мосламаси, нафар олиш ва нафас чиқариш қалпоқчаларининг тугунлари, тепаликлардан иборат. “Эркин” абстюратор-юпқа резина қатлами ва юз қисмини ишончли зичлигини таъминлаш ва уни бетга зич босилишига эришилади. Бу унинг чўзилиши никобга боғлиқ эмас. Тепалик бошнинг юз қисмини маҳкамлаб туриш учун хизмат қиласди. Унинг 5 тортқич тасмаси бор: пешонаники, 2 та чакканики, 2 та бет мушакларники. Ҳар бир тасма оралиғи 1 см дан зинасимон таянч бор рақамлар тартиб рақамини кўрсатади ва бош орқасини ёпувчи пластина мавжуд. Газниқоб ГП-7ни юза қисмини танлаш учун бошни энига ва тиккасига ўлчаб чиқиши.

24-жадвал

Газ никобларни ўлчаш жадвали

Бошнинг энига ва тиккасига мм хисобидаги ўлчов йиғиндиси	Юз қисмининг ўлчами	Тасма тортқичининг ҳолати
1185 гача	1	4-8-8
1190-1210	1	3-7-8
1215-1235	2	3-7-8
1240-1260	2	3-6-7
1265-1285	3	3-7-7
1290-1310	3	3-5-6
1350 ва ундан ортиғи	3	3-4-6

Заҳарланган ҳавода газниқоблардан фойдаланганда: агар қалпоқли никоб тешилган ёки озгина йиртилган бўлса, уни юзга қўл билан маҳкам босиш керак. Агар ойнаклари синган, йиртиқ катта бўлса, нафас олиш ва чиқариш қалпоқчаларидан нафас олиб бўлмаса, бирлаштирувчи найча тешилган бўлса, кўзни юмиб ҳаво тозалагич қутини эгиб, олиб бўйини оғизга солиб, бармоқлар билан бурун тешикларини ёпиб, кўзни очмасдан нафас олиш керак. Ҳаво тозаловчи қути тешилган бўлса, лой, ноннинг мағзи (юмшоқ жойи) билан беркитиш мумкин. Газниқобида бирлаштирувчи найча ишдан чиқса, ҳаво тозаловчи қутини никобнинг юз қисми қалпоқласига бирлаштиради.

Газ никоблари сумкада олиб юрилади, лекин шароитга кўра 3 ҳолатда олиб юрилиши мумкин "сафар", "тайёргарлик", "жангавор".

Газниқобдан ташқари респираторлар ҳам мавжуд. У нафас олиш аъзоларини чанг-тўзон, радиоактив моддалар, бактерияли курол таъсири, тутун ва аэрозоллардан муҳофаза қиласди.

Респираторлар нафас аъзоларини радиоактив ва тупроқ чангларидан ва бактериал аэрозоллардан ҳимоя қилади, ҳозирги вақтда респираторлардан **P-2**, ва **ШБ-1** "лепесток" кенг қўлланиммоқда.



197-расм. *P-2* респиратори


P-2 респиратори нафас олиш, нафас чиқариш клапанлари, бурун қисқичи ва тасмалари бўлган ярим маска юзга келади, энгак ва бурун унинг ичидаги қолиши керак, тасмалар бошга тортилади (197-расм).

ШБ-1 респиратори "Лепесток"-синтетик фильтрловчи материалдан тайёрланган бўлиб, бир марта фойдаланиш учун мўлжаланган, кийиш учун респиратор пакетдан олиниб, резина шнуришгача уч тахминан керак бўлган узунликда чўзиб борланади, энгакдан бошлаб юзга кийилади, алюминий пластинка қисилади ва тасмалар энсага боғланади (198-расм).



198-расм. *ШБ-1*
"Лепесток" респиратори.

Газниқоб ва респираторлардан ташқари қўлда таёrlаш мумкин бўлган докадан қилинган паҳтали боғламлардан фойдаланиш мумкин. Докадан қилинган паҳтали боғлам нафас олиш аъзоларини газли чанг-тўзон, тутун ва аэрозоллардан муҳофаза қилади (199-расм).



199-расм. Докадан қилинган паҳтали боғлам.



Ушбу боғлам қалин бўлмаган кам миқдордаги пахта бир неча қаватли марлига ўралган бўлади. Боғлам ўралганда ияқ, оғиз, бурунни кўзигача ёпиш керак.

4-§. ФАОЛ МУДОФАА ВОСИТАЛАР

Фаол мудофаа воситаларининг турлари, вазифалари, тактик-техник тавсифи ва улардан фойдаланиш тартиби.

Фаол мудофаа воситалари билан қуролланишига қўйидагилар томонидан рухсат берилади: ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси; жаъзони ижро этиш муассасаси бошлиғи ва унинг ёрдамчиси – тезкор навбатчи; ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари; Коровул қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинма командирлари.

Фаол мудофаа воситаларнинг турлари, қўлланиши, тактик-техник тавсифи ва хавфсизлик қоидалари.

Махсус резина тайёклар - ҳуқуқбузарларни қайтариш, бўйсиндириш ёки улар томонидан қилинган қаршиликни олдини олиш учун мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда Республикализнинг ички ишлар органларида бир нечта турлари мавжуд (200-расм).

Махсус резина тайёклар қўйидаги ҳолаларда қўлланилади:

- фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун;
 - жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;
 - ходимга қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;
 - жиноятни содир этиш вақтида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол қўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;
 - зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;
 - фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;
 - муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурӯҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.



200-расм. Махсус резина таёқларнинг турлари

Махсус резина тайёқларнинг тактик-техник тавсифи

“PR-73” махсус резина таёқнинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 730 гр; узунлиги - 65 см; диаметри – 30-32 мм.

“PR-M” таомиллаштирилган махсус резина таёқнинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 750-850 гр; узунлиги – 600 мм; диаметри – 32-35 мм.

“PR-T” махсус резина таёқнинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 700 гр; узунлиги – 65,5 см; диаметри – 3,0 мм.

“PR-89T” ва “PR-90” махсус резина таёқларнинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 820 гр; узунлиги йиғилган ҳолатда – 440 мм; узайтирилган ҳолатда – 550 мм; диаметри – 30 мм; ушлаш дастаги диаметри – 40 мм.

Махсус резина тайёқларни қўллашда хавфсизлик қоидалари.

Махсус резина тайёқларни қўллашда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етмаслиги керак. Махсус резина тайёқларни қўллашда қонунбузарларни бошига, бўйнига, ўмров суюгига, қорнига, жинсий аъзоларига ва юрак соҳасига зарбалар бериш таъқиқланади.

Шунингдек, хомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин эмас. Бунда, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатган ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилган ҳолатлар бундан мустасно.

Қўл кишинлари - жиноятчига ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга, шунингдек, ички ишлар органлари ходимларига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда, жиноят содир этаётган ёки уни содир этганидан кейин кўриб қолинган, яширинишига уринаётган, қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни ушлашда ҳамда қочишга уринган, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказиши мумкин ҳаракатини олдини олиш мақсадида қўлланилади (201-расм).

Кўл кишанлари

“BRS” қўл кишанинг тактик-техник тавсифи: умумий ўлчами – 245 x 86 x 13 мм; оғирлиги – 400 гр; ишлатиш миқдори – 4000 маротаба; билагни ўраб олиш диаметри – 75 мм; узилиш кучи – 150 кг; ишлатиш вақтида – хар 2 соат ичида қулфлар ҳолати текширилади; комплектида калит сони – 1 та.

“BRS-2” қўл кишанинг тактик-техник тавсифи: қўл кишанинг умумий ўлчами – 245 x 86 x 13 мм; оғирлиги – 500 гр; ишлаш миқдори – 5000 маротаба; билагни ўраб олиш диаметри – 75 мм; узилиш кучи – 150 кг; ишлатиш вақтида – хар 2 соат ичида қулфлар ҳолати текширилади; комплектида калит сони – 1 та.

“BRS”

“BRS-2”



Пўлатли
қорайтирилган

Никелланган

Пўлатли
қорайтирилган

Никелланган

201-расм. Кўл кишанлари

Бир мартали ишлатиладиган қўл кишани умумий узунлиги 69 см, кенглиги 1 дан 1,3 см гача, қалинлиги 3 дан 5 мм гача, вазни 25 дан 30 г гача, қаршилик кучи 100 дан 158 кг гача, материал пластмас, ранги қора, оқ. (202-расм).

Кўл кишанларини қўллашда хавфсизлик қоидалари.

Кўл кишанлари ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга, шунингдек қонунбузарлар махсус транспорт воситасида канвой қилинганда қўлланилмайди.



202-расм. Бирматали қўл кишини.

Аэрозолли ва кўзни ёшлантирувчи воситалар

Аэрозолли қопламалар - фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтаришда; жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга чек қўйишида; ходимга жисмоний куч ишлатилишига чек қўйишида; зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишида; фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликлар ҳамда бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишида қўлланилади (203-расм).



“Черёмуха-10”



Резеда-10



Контроль-М



Зверобой-10M

203-расм. Аэрозолли қопламалар.

“Черёмуха-10” аэрозолли қоплама – кўздан ёш оқизиш мақсадида ҳуқуқбузарга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаш учун мўлжалланган, ушбу аэрозолли қопламанинг оғирлиги 100 гр; ҳуқуқбузарга қарата 90 см гача бўлган масофада, агар қаршидан шамол эсиб турган бўлса, 70 см гача бўлган масофада қўлланилади, ҳуқуқбузарга қарата ундан камида 30 см масофада туриб, унинг юз-кўзига 2-3 сония давомида сепилади. Агар узоқроқ масофада (80-100 см) туриб қўлланилса қопламанинг клапани қаттироқ босилади ва узоқроқ вақт босиб турилади. Қопламани қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида -5°C дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳаво ҳарорати талаб қилинади. Киш вақтида қоплама яхши ишлаши учун уни кийим ичидаги олиб юриш тавсия қилинади.

“Резеда-10” ва “Резеда-10M” аэрозолли қопламалар – кўздан ёш оқизиш мақсадида ҳуқуқбузарга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаш учун мўлжалланган.

Аэрозолли қопламаларни очик оловга қарата сепиш тақиқланади. Уларни ҳуқуқбузарга қарата 100-200 см гача бўлган масофада, агар қаршидан шамол эсиб турган бўлса 100 см дан кам

бўлган масофада қўлланилади. Ушбу аэрозолли қопламаларни ҳуқуқбузарга қарата ундан камида 100 см масофада туриб, унинг юз-кўзига 2-3 сония давомида сепилади. Агар узокроқ масофада (300-400 см дан) туриб қўлланса қопламанинг клапани қаттикроқ босилади ва узокроқ вақт босиб турилади. Қопламани қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида -5°C дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳаво ҳарорати талаб қилинади. Киш вақтида қоплама яхши ишлаши учун уни кийим ичида олиб юриш тавсия қилинади.

Аэрозолли қоплама “Контроль-М” оғирлиги – 75 гр., фаол таркибни ташлаш узоқлиги – 1 - 3,5 м гача, пуркаш тезлиги, 9-11 гр./сек , диапазон ҳарорати: – 10° дан $+40^{\circ}$ гача, қонунбузарга таъсир қилиш вақти – 5-10 дақ.

“Резеда-10М” аэрозолли қопламанинг тактик-техник тавсифи оғирлиги –75 гр; баландлиги – 101 мм; диаметри – 35 мм; фаол таркибни пуркаш узоқлиги – 300-400 см гача; самарали таъсир этиш узоқлиги – 100-200 см; минимал қўллаш узоқлиги – 100 мм; таркибни чиқиш вақти – 10 секунд; таъсир қилиш вақти – 15 дақиқадан 30 дақиқагача.

“Зверобой-10М” аэрозолли қоплама – кўздан ёш оқизиши мақсадида ҳуқуқбузарга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаш учун мўлжалланган, очик оловга қарата сепиш тақиқланади. Уни ҳуқуқбузарга қарата 300-400 см гача бўлган масофада, агар қаршидан шамол эсиб турган бўлса 100 см дан кам бўлган масофада қўлланилади, аэрозолли қопламаси ҳуқуқбузарга қарата ундан камида 100 см масофада туриб, унинг юз-кўзига 2-3 сония давомида сепилади. Агар узокроқ масофада (500-600 см дан) туриб қўлланганда қопламанинг клапани қаттикроқ ва узокроқ вақт босиб турилади. Қопламани қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида -10°C дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳаво ҳарорати талаб қилинади. Киш вақтида қоплама яхши ишлаши учун уни кийим ичида олиб юриш тавсия қилинади. Унинг суюқ таркибининг оғирлиги – 54,5 гр; баландлиги – 106 мм; диаметри – 35 мм; самарали таъсир этиш узоқлиги – 5-6 метр; ишлаш вақти – 5-8 секунд.

Аэрозоли қопламаларни қўллашда хавфсизлик қоидалари.

Аэрозоли қопламаларни қўллашда қисмларга ажратиш, ўзбошимчалик билан носозликларни бартараф этиш, сумкалардан ташқарида олиб юриш, очик оловга қарата сепиш тақиқланади.

Газли қўл гранаталари ва газ гранатали патронлар.

Газли қўл гранаталари ва газ гранатали патронларнинг асосий принципи бу – қонунбузарларга кучли физиологик ва фаол моддалар мавжуд бўлган таъсириш хусусиятига эга аэрозолли ёки газ-тутун булутини ҳосил қилиш ҳисобланади.

Бундай воситалар кўзда кучли оғриқ, нафас йўлларида кучли ачитиш, нафас олишни қийнлаштириш, баъзи ҳолларда эса хушидан кетишига олиб келади. Асосийси газ-тутун булути таъсири майдонида бўлган ҳуқуқбузарларда ҳеч қандай оғир оқибатлар кузатилмайди. Заараланган одамнинг ҳаракатсиз ҳолда бўлиш вақти фаол модданинг ҳаводаги концентрацияси микдорига боғлиқ бўлади.

Газли қўл гранаталари бир неча турларга бўлинади:

“Черемуха - 1”, “Черемуха - 6”, “Сирень - 12” ва бошқа газли қўл гранаталарига. Улар очиқ ва ёпиқ жойларда кўздан ёш оқизувчи газ-тутун булутини ҳосил қилиш учун мўлжалланган (204-расм).



Черемуха-1”



“Черемуха-1”



Сирень-12”

204-расм. Газли қўл гранаталари.

“Черемуха-1” газли қўл гранатаси - цилиндр кўринишида, картонли қопламадан иборат бўлиб, очиқ жойларда кўздан ёш оқизувчи газ-тутун булутини ҳосил қилиш учун мўлжалланган.

“Черемуха-1” газли қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: оғирлиги - 200 гр; узунлиги – 135 мм; айланаси – 47 мм; газ ажратиш вақти – 40 сек; булутнинг фронт бўйича тарқалиши – 25 м гача; булутнинг чуқурлиги бўйича тарқалиши – 250 м гача; ёнгиндан хавфли.

“Черемуха-6” газли қўл гранатаси - очиқ ва ёпиқ хоналарда 60 метр³ гача ҳажмдаги кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булут ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

“Черемуха-6” газли құл гранатасининг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 200 гр; узунлиги – 135 мм; айланаси – 47 мм; газ ажратиш вақти – 40 сек; булутнинг фронт бүйича тарқалиши – 25 м гача; булутнинг чуқурлиги бүйича тарқалиши – 250м гача; ёнғиндан хавфсиз.

“Сирень - 12” газли құл гранатаси – тартиббузарларга түғридан-түғри таркибида аэрозоль бўлган кўзни ёшлантирувчи воситани таъсир қилиши учун мўлжалланган. “Сирень-12” газли құл гранатасининг тактик-техник тавсифи: диаметри – 69 мм; оғирлиги – 310 гр; бўйи – 114 мм; заҳарли модда; секинлашиш вақти – 3 сек.

Газ гранатали патронлар - конструктив хусусиятлари бўйича газли патронларни отувчи пистолетлар ва бошқа маҳсус қуроллардан отиш учун мўлжалланган бўлиб, маҳсус газли воситаларга бўлинади.

Газ гранатали патронлар очик ҳудудларда ва ёпиқ биноларда агрессив қаршилик кўрсатаётган тартиббузарларга ҳамда биноларда яширинган жиноятчиларга узоқ масофадан туриб токсикологик таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган. Газ гранатали патронлар кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булат ҳосил қиласи (205-расм).

“Черёмуха-4” газ гранатали патрони - Шпагин сигнал пистолети (СПШ)дан отишга мўлжалланган. У очик жойларда 50 метр³ гача бўлган ҳажмда кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булат ҳосил қиласи.

“Черёмуха-4” газ гранатали патроннинг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 73 гр; узунлиги – 77 мм; диаметри – 26 мм; максимал учиш узоклиги – 165 м гача.

“Черёмуха-7” газ гранатали патрони - “КС-23” маҳсус карабинидан отиш учун мўлжалланган. У хонада 30 метр³ ҳажмли кўзни ёшлантирувчи воситанинг тоқат қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунли газ булатини ҳосил қиласи.

“Черёмуха-7” газ гранатали патроннинг тактик-техник тавсифи: патроннинг оғирлиги – 38,5 гр; узунлиги – 77 мм; диаметри – 23 мм; газ ажратиш вақти – 5-7 сек.



“Черемуха-4”



“Черемуха-7”



205-расм. Газ гранатали патронлар қўлланилганда токсикологик таъсир кўрсатиши ва кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булат ҳосил бўлиши

Сигнал берувчи ва ёритувчи СП-81 пистолети

СП-81пистолети сигнал берувчи ва ёритувчи 26 мм ли хар хил рангдаги патронларни отиш учун белгиланган (206-расм).

Сигнал берувчи ва ёритувчи патронлардан ташқари Черёмуха – 4 газ гранатали патронлардан фойдаланилади.

Пистолет 10 та патрондан иборат бўлувчи ғилофда олиб юрилади.

Ёритувчи воситалар тунги вактларда жойларни ва нишонларни ёритиш, шахсий таркибни жойларда ориентир қилиш ва душманинг ҳаракатини кузатиш учун мўлжалланган.



206-расм. Сигнал берувчи ва ёритувчи СП-81 пистолети.

Сигнал берувчи воситалар тунда ва кундузги вақтларда сигнал бериш учун хизмат қиласи.

25-жадвал

**Сигнал берувчи ва ёритувчи СП-81 пистолетининг
жанговар хусусиятлари**

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	26 мм
2.	Ўқ отиш тури	якка тартибда
3.	Жангавор отиш тезлиги	10-12 ўқ 1 дақиқада
4.	Ёритувчи ва сигнал патронларни юқорига кўтарилиши	90 метр
5.	Патронларнинг учиш масофаси	165 м
6.	Пистолетни ўқланмаган холда оғирлиги	600 гр
7.	Пистолетни ўқланган холдаги оғирлиги	675 гр
8.	Пистолетни узунлиги	175 мм
9.	Пистолетни баландлиги	130 мм
10.	Ишлатиш шароитлари	-/+ 50 С
11.	Ишлаб чиқарилган завод	Кавров МЗ
12.	Ишлаб чиқарилган йили	1981 йил

26 мм сигналли патрон кундузги харакатдаги (тутунли) у хам 15 мм ва 26 мм ёритувчи ва сигнал берувчи патронлар қисмларидан иборат, фақат сигнал беруви юлдузчалар ўрнига тутунли контейнер ва порохли секинлатгич ўрнатилган.


Ёритувчи воситаларнинг сигнал берувчи воситалардан фарқи шундан иборатки ёритувчи воситалар жойларни ёритади, сигнал берувчи воситалар эса хар - ҳил рангдаги сигнал юлдузчалар ва тутунлар билан хабар беради.

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситалар жойларни ёритиш ва бўлинмаларга сигнал беришнинг асосий воситаларидан бири хисобланиб 5 сониядан 30 сониягача, узоқлиги 2 км дан 13 км гача, баландлиги 50 м дан 500м гача бўлган масофаларда бўлинмаларга сигналлар узатиш учун хизмат қиласи.

26-жадвал

26 мм ёритувчи ва сигнал берувчи патронлар қуидаги қисмлардан иборат:

1. Тешикли пиж
2. Фарқловчи белги
3. Сигнал берувчи юлдузчалар
4. Металл ва картон қисмли гильза (тип-1)
5. Ёндирувчи капсюль КВ-32
6. Картонли ва вайлочный пыж
7. Қоғоз патронли трубка
8. уриб чиқарувчи заряд
9. Порох ДРП-2



Воситаларнинг номлари	Тунда ажратиб олиш учун фарқловчи белгилар	Тамға (маркировка)
1	2	3
26 мм ёритувчи патрон	Оқ рангли металл пиж устига бўялган 3та нуктали учбурчак шакл.	
26 мм сигнал берувчи патронлар	Яшил рангли пиж усти яшил рангли 2 та нукта босилган.	
	Сариқ рангли пиж усти 1 та узун чизик босилган.	
	Кизил рангли пиж усти қизил рангли 1-нукта босилган.	

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситаларнинг вазифаси ва жанговар хусусиятлари.

Ёритувчи воситалар тунги вақтларда жойларни ва нишонларни ёритиш, шахсий таркибни жойларда ориентир қилиш ва душманинг ҳаракатини кузатиш учун мўлжалланган.

Сигнал берувчи воситалар тунда ва кундузги вақтларда сигнал бериш учун хизмат қиласи.

27-жадвал

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситаларнинг жанговар хусусиятлари

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситаларнинг номланишлари	Калибри (мм)	Оғирлиги (грамм)	Юқорига кўтарилиши (м)	Ёниш вақти (с)	Сигналлар кўриниш узоклиги (км)
15 мм сигналли патрон	15	9,5	50	5	5
26 мм ёритувчи сигналли патрон	26	55	90-120	6,5-10	7

26 мм кундузги харакатдаги сигналли патрон	26	50	50-80	7-10	2
30мм ёритувчи патрон	30	200	450	8-10	10
30 мм сигналли патрон	30	170	325	9-11	8
30 мм сигналли патрон кундузги харакатдаги (тутунли).	30	200	250	20-30	3
40 мм ёритувчи патрон	40	390	500	22-25	13
30 мм реактив патрон огох (чақи्रув) СХТ	40	370	370	12	13 узок 800м

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситаларнинг тузилиши хамда уларни харакатга келтириш усуллари.

15 мм сигналли патрон қўйидаги қисмлардан иборат:

- гильза;
- ёндирувчи капсюль;
- уриб чиқарувчи заряд;
- сигнал берувчи юлдузчалар.

26мм сигналли патрон кундузги харакатдаги (тутунли) у хам 15мм ва 26мм ёритувчи ва сигнал берувчи патронлар қисмларидан иборат, фақат сигнал беруви юлдузчалар ўрнига тутунли контейнер ва порохли секинлатгич ўрнатилган.

30мм ёритувчи ва сигнал патронлар қўйидаги қисмлардан иборат:

- учирувчи трубка; Ракеталар қўйидаги қисмлардан иборат:
- ёнувчи қурилма; а) реактив қисмдан;
- ракеталар; б) уриб чиқарувчи заряд;
- қўшимча анжомлар. в) ёритувчи юлдузчалардан.

Қўшимча анжомлар:

- силжитувчи трубка;
- қопқоқ;
- қалпоқча.

40мм ёритувчи патрон қўйидаги қисмлардан иборат:

- учирувчи трубка;
- ёнувчи қурилма; а) алюминли корпусдаги реактив қисмдан;
- ракеталар; б) уриб чиқарувчи заряд;
- қўшимча анжомлар. в) ёритувчи юлдузчалар парашют билан.

Қўшимча анжомлар:

- кучайтиргич (усилитель) ;
- войлочний пыж;
- қопқоғ;
- қалпоқча (колпачок).

30мм реактив сигналли патроннинг тузилиши 30мм ёритувчи сигналли патронга ўхшаш. Асосий фарқи 30мм реактивли кўп юлдузчали сигналли патронлардан иборат. Битта алюминиli корпусда бир-нечта юлдузчалар билан фарқланади.

40мм СХТ реактив сигналли патрон: кимёвий, бактериологик заарланишдан огоҳлантириш учун хизмат қиласди. Конструкцияси бўйича 40мм ёритувчи реактив патронга ўхшаш: реактив двигательдан трубкаси отилиб чиқади ва ерга тушиш вақтида ўзига хос товуш чиқаради.

40мм ёритувчи патрон тузилишининг мохияти шундаки ёритувчи юлдузча парашют билан керакли баландликда осилиб туради ва ерга тушиши секинлашади.

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситалар билан ишлашда хавфсизлик чоралари.

Ҳар бир ходим қуидаги хавфсизлик чораларини билиши ва бажариши шарт.

1. Ёритувчи ва сигнал берувчи воситаларнинг эксплуатация қилишни билган, хавфсизлик чораларини ўқиб олган ва амалиётга эга бўлган тингловчилар қўллашга рухсат этилади.

2. Сигналли ва ёритувчи патронларни қаттиқ урилишдан ва ерга тушиб кетишдан сақлаш.

3. Сигналли ва ёритувчи патронларни маҳсус кабураларда олиб юриш.

Ёритувчи ва сигнал берувчи воситалар билан ишлашда қуидагилар тақиқланади:

- нам тортган ва пачоқланган (эзилган) сигналли ва ёритувчи патронларни қўллаш;
- сигналли ва ёритувчи патронларда носозликларни таъмирлаш;
- СП-81 Пистолетида носоз патронларни қўллаш;
- сигналли ва ёритувчи патронларни одамлар тўпланган жойларда ва портловчи моддалар томонга қаратиб учирин;
- иситувчи мосламалар яқинида сақлаш;
- 40⁰ дан паст бурчакга йўналтириш.

ПБ-4СП қувурсиз шикаст етказувчи пистолети - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари томонидан қисқа масофадан мудофааланиши учун мўлжалланган (207-расм). Пистолетдан қуидаги маҳсус патронлар отиласди: травматик патронлар; сигнал патронлар; ёритувчи ва қаттиқ шовқинли патронлар; маркировкаловчи патронлар.


ПБ-4СП қувурсиз шикаст етказувчи пистолетидан қонунбузарларни бошига, томоқ ва юрак соҳаларига ҳамда жинсий аъзоларига отиш тақиқланади.

ПБ-4СП қувурсиз шикаст етказувчи пистолетининг тактик-техник тавсифи: калибри – 18,5 мм; ўқланмаган ҳолда оғирлиги – 0,4 кг; ствол сони – 4 та; капсюль таркиби – электрли; отиш масофаси – 1 метрдан 40 метргача; узунлиги – 119 мм; баландлиги – 114 мм; эни – 39 мм; отиш ҳароарат диапазони -30° дан $+50^{\circ}$ гача.



207-расм. ПБ-4СП қувурсиз шикаст етказувчи пистолети

18,5 мм ли ўлимга олиб келмайдиган шикаст етказувчи патрон (208-расм). *Патронинг тактик-техник тавсифи:* патрон калибри – 18,5 мм; ўқнинг калибри – 15,6 мм; ўқнинг оғирлиги – 13,3 гр; ўқнинг ўғирлиги – 29 гр; 25 метрдан ўқнинг фронт бўйлаб тарқалиши – 150 мм; Ўқнинг самарали отиш масофаси – 10 м. 18,5 мм ли ўлимга олиб келмайдиган шикаст етказувчи патроннинг таркибий кўриниши



208-расм. 18,5 ммли патроннинг таракибий кўриниши.

Электрошок қурилмаларнинг қўлланиши тактик-техник тавсифи, улардан фойдаланишда хавсизлик чоралари.

Электрошок қурилмаси бошқа маҳсус ҳимоя ва фаол воситаларидан қўйидаги асосий жихатлари билан афзалигини фарқлаш мумкин.

1. Электрошок қурилмасини ёпиқ жойларда, газдан ҳимоя қилиш воситаларидан фарқли равишда қўллаш мумкин. Электрошок қўлланилган шахсда нафас етишмовчилиги ёки аллергия ҳолатлари кузатилмайди.

2. Электрошок қурилмаси қўлланилган шахснинг ўлимига олиб келмайди. Бошқа турдаги ўқ отар қуроллардан фарқли равишда электрошок қўлланилган шахсга ва ундан фойдаланган ходимга салбий таъсир кўрсатмайди ҳамда ток уриши тартиббузарнинг соғлиғига зарар етказмайди. Аксинча, тартиббузарга қўлланилганда зарба натижасида уни шок ҳолатига келтириб, мувозанатини йўқотишига олиб келади.

Электрошок қурилмаси кўплаб тиббий синовлардан ўтган. Уни қўллаш хавфсизлиги тегишли тиббиёт муассасалари томонидан тасдиқланган.

3. Электрошокни ҳайвонларга, айниқса итларга қарши ишлатиш самара беради.

Электрошок қурилмалари - фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун; жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишида; ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишида; жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол қўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда; ушлаб турилган ва қамоқقا олинган шахслар қочишига уринганда, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида қўлланилади.

Электрошок қурилмалари - инсон организмига йўл қўйиладиган шикаст етказувчи таъсири нормаларига эга бўлган, электр импульсларни хосил қилиш асосида контактли ва масофа-контактли электр таъсир ўтказиш қурилмалари ҳисобланади.

Электрошок қурилмаларини қўллаш учун куч ишлаталмайдиган усуллар ва жисмоний куч ишлатилиши ички ишлар органлари ходимларининг зиммасига фукароларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек

қүйиш ва уларни фош этиш бўйича юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаган шароитлар асос ҳисобланади.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмаларини қўллашдан олдин қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга нисбатан электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вақт бериши шарт.

Агар электрошок қурилмаларини бўлинма (гурух) таркибида қўлланилса, бундай огоҳлантириш ушбу бўлинма (гурух) таркибига киравчи ходимлардан бири томонидан берилади.

Электрошок қурилмалари қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлифи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва электрошок қурилмалари қўлланилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичидаги билдириги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимиға фаол қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарга нисбатан электрошок қурилмалари қўлланилган ҳоллаларда билдириги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходими қўйидаги ҳолларда электрошок қурилмаларини қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимиға қилинадиган ҳужумни қайтаришда, гаровдагиларни озод қилишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гурух бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органларининг ўқотар қуроллари, ўқ-дорилари, транспорт воситалари, маҳсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган ўринишиларга чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимиға қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда:

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни ва бошқа муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсаларни (*тез аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган моддалар бундан мустасно*) топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишига уринаётган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда уларнинг қочишига уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарап етказишини бартараф этиш мақсадида, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек куйишида;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишида;

инсоннинг ҳаёти ва соғлигига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришида.

Электрошок қурилмаларини қўйидаги ҳолларда қўллаш тақиқланади:

ҳар бир электрошок қурилмалари турининг ишлатиш бўйича йўриқномасида белгиланган инсонга электр разряд таъсирини ўтказишнинг йўл қўйиладиган вақтини оширган ҳолда қўллаш;

бир шахснинг ўзига нисбатан такороран 5 дақиқа ичida қўллаш;

инсон организмининг рефлексоген (сезгир) жойлари (бош, бўйин, юрак ва жинсий аъзолар)га;

портлаш хавфи бўлган муҳитда, шу жумладан тез аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган моддалар мавжуд бўлган хоналарда;

ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёки аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга;

Бунда уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳолатлари бундан мустасно.

Шунингдек, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишларни бартараф этиш чоғида ЭШҚнинг қўлланилиши тақиқланади.

АИР «M-140» русумли электрошок қурилмаси қурол кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу кўриниш тартибузарга қўшимча психологик таъсир кўрсатади. Ушбу электрошок қурилмаси ўзи ва қўшимча картриджи билан ҳам ихчам ва кийимда яширин равища олиб юриш учун қулай хисобланади.

Электрошок қурилмасини бириктирилган табел қуроли каби елкага осиб олинадиган қурол ғилофида ёки камардаги қурол ғилофида олиб юриш мумкин. Камарда электрошок қурилмасини қўшимча картридж билан ҳам олиб юрса бўлади (209-расм).



209-расм. АИР «M-140» русумли электрошок қурилмаси ва уни олиб юриши тартиби.

АИР «М-140» русумли электрошок қурилмасининг таркиби

Қурол кўринишидаги электрошок қурилмасининг ташқи кўриниши ва корпусининг ствол қисми (210-расм).



210-расм.

- ЭШҚнинг ташқи кўриниши ва корпусининг ствол қисми (1)
- электродлари бўлган юқоривольтли ғалтакнинг диэлектрик бошчаси жойлашган (2) ва (3)
- байонет қулфи диэлектрик бошчанинг ён томонида (4) жойлашган бўлиб, функционал алмаштиrsa бўладиган картридж (картридж “БТЭР”)ни қўйиш имконини бериб, у хуқуқбузарга масофадан туриб таъсир ўтказиш имконини беради
- корпуснинг ствол қисми пастида бошқарув тугмаси (тепки) жойлашган (5).

Электрошок қурилмаси корпуснинг ўрта қисми (211-расм).

- корпуснинг чап томонида лазерли мўлжалга олувчи (ЛМО) (6)
- корпуснинг ўнг томонида ёритгичнинг ёруғлик диодли фонари жойлашган қабариқ қисми (7) (LED фонари)



211-расм.

Электрошок қурилмаси пистолет дастаги ва остки қисми (212-расм).

- Аккумулятор батареяси ечиладиган орқа қопқоғи (8);
- Ечиладиган аккумуляторли батареяси (9) АКБ;
- Маҳсулотнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи OLED дисплейи (10);

– Кўшимча учлик (насадка)ларни маҳкамлаш учун қурилма (11);



Аккумуляторли батареяни (АКБ) ўрнатиш (ўзгартириш) тартиби (213-расм).

АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) учун АКБ бўлимининг орқа қопқофини очиш (8) ҳамда АКБ бўлимига АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) зарур.



АКБ бўлимга тепки контакт клеммалари ёрдамида АКБ заряд чукурчаси ҳолатидан қатъий назар ўрнатилиши зарур. АКБ ўрнатилган (ўзгартирилган)дан сўнг АКБ бўлимининг орқа қопқофини жойига қўйиш зарур.

Аккумуляторли батареяни зарядлаш тартиби (214-расм).

Аккумуляторли батареяни зарядлаш учун (АКБ) бўлимининг орқа қопқофини (8) ечиб олиш, АКБни бўлимдан чиқариб олиш зарур. Сўнгра АКБ заряд қурилмасига (14) (охиригача зич улаш керак эмас!) заряд қурилмасининг шнурини бириктириш (ЗУ) (15) керак, бунда заряд қурилмасида яшил ёруғлик диоди ёнади. Заряд симини майший электр тармоғига (220В, 50 Гц) улаш зарур, бунда ёруғлик диодининг ранги яшилдан қизилга ўзгаради, бу заряд олиш бошланганлигини билдиради.



28-жадвал

АИР «M-140» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи:

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
Учқун разрядининг кучланиши	70,0-120,0
Ишлаш ҳароратининг диапазони, $^{\circ}\text{C}$	-15°дан+50° гача
Ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,98 бўлганда ўртача ишлаш микдори, қувватланиш элементлари тугашини ҳисобга олмаган ҳолда, ёқиб-ўчириш сони	3000
Қурилманинг узунлиги	154 ±2

Курилманинг баландлиги	114 ± 2
Курилманинг кенглиги	42 ± 1
Курилманинг оғирлиги	$0,250 \pm 0,03$ гр.

Электрошок қурилмасини масофадан туриб ишлатиш учун иккита турдаги картридждан фойдаланиш мумкин.

Биринчи турдаги картридждан 4,5 метргача бўлган масофадан туриб фойдаланиш мумукун.

Иккинчи турдаги катридж 135 децибелга тэнг шовқин чиқарувчи нур-шовқинли картридж ҳисобланади.

Картриджларни ўрнатиш даврида сақлагич юқорига кўтарилиган ҳолда турган бўлиши лозим. Ушбу модельда картриджни тўғри ўрнатиш жуда муҳим, акс ҳолда у ишламайди. Масофадан туриб ишлатиладиган картриджларни электрошок қурилмасига ўрнатишда ЭШҚнинг картридж ўрнатиладиган қисмидаги маҳсус қулфга йўналиш бўйича горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотирилади. Нур-шовқинли картридж ҳам юқоридаги каби горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотирилади (215-расм).



215-расм. Картриджларнинг кўриниши ва уларни ўрнатиш тартиби.

Электрошок қурилмаси созламаларини тўғрилаш учун унинг дастасидаги лед (LED) дисплейдан фойдаланилади (216-расм). Электрошок қурилмаси ишга туширилганда, дисплейда қуйидаги маълумотлар кўринади: - аккумулятор қувватининг даражаси; - маҳаллий вақт, соат ва дақиқа; - электрошок қурилмасидан неча маротаба фойдаланилганлиги;

- электрошок қурилмасининг дастурий таъминот тури;
- ишлаб чиқарувчининг номи.



216-расм. лед (LED) дисплей

Электрошок қурилмаси менюсига кириш учун, уни сақлагич ҳолатига қўйиб, дастакдаги сервис тугмасини ингичка жисм ёрдамида 10 сония давомида босиб турилади. Экран менюси фаол ҳолатга ўтади, бироқ бу вақтда меню ёниқ вақтда электрошок қурилмаси нофаол ҳолатда бўлади, яъни, ундан фойдаланиб бўлмайди. Менюда акс этган бирон бир функцияга кириш учун уни

танлаб яна дастакдаги сервис тұгмасини босиш керак. Керакли созламаларни амалға оширгандан сүнг уни хотирада сақлаш ёки үзгартеришсиз қолдириш учун электрошок қурилмасини ҳаракатта келтириш тепкиси босилади (217-расм).



217-расм. АИР «M-140» русумли электрошок қурилмаси менюсига кирии.

Маҳаллий вақт, соат ва дақиқаларни созлаш - биринчи менюдан соат созламаси танланади. Бунда танланган ёзув алохіда ранг билан ажралиб туради ва электрошок қурилмасини ҳаракатта келтириш тепкиси босилади; - иккінчи соат ва сана созламалари күринади. Дастреке соат ва дақиқалар аник вақт режиміда, ундан кейин йил, ой ва кун календарь бүйича созланади (218-расм).



218-расм. Соат дақиқаларини созлаи.

Электрошокдан неча маротаба фойдаланғанлигини күриш менюси - биринчи менюдан “просмотр протокола” созламаси танланади. Бунда танланган ёзув алохіда ранг билан ажралиб туради ва электрошок қурилмасини ҳаракатта келтириш тепкиси босилади; - иккінчи жараёнда электрошок қурилмасидан фойдаланғанлик тартиби, фойдаланилған санаси ва вақти күринади (219-расм).



219-расм. Фойдаланғанликни күриши менюси

Электрошок қурилмаси чироғини ёқиши учун қуидаги амаллар кетма-кетликда бажарылади (220-расм).

- электрошок қурилмасини ҳаракатта келтириш тепкиси босиб турғылади ва сақлагиқч ёқиб тепки қўйиб юборылади;

- электрошок қурилмаси фонари ҳамда лазер нурини бир вактда ёки түриш учун эса, электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва тепкини қўйиб юбормаган ҳолда ушлаб турилади, орадан З сония вакт ўтгач ўзингизга қулай бўлган режимни танлаб оласиз ва тепкини қўйиб юборасиз.



220-расм. Фанар ва лазерни ёқилиши

АИР «М-140» русумли электрошок қурилмасини қувватлаш учун қўшимча аккумулятордан фойдаланиш мумкин, қўшимча аккумулятор ҳам электрошокнинг дастагига ўрнатилади (221-расм).

Аккумуляторни никел металл гибридли ҳамда литийполимерли турлари мавжуд. Аккумулятор ўрнатилгандан сўнг электрошок дастаги ушлаш учун янада қулай бўлади.




222-расм. Пикатин қурилмаси.

Бу турдаги электрошокга қўшимча "пикатини" қурилмасини ўрнатиш мумкин. Бу эса электрошокга яна бошқа мосламаларни ўрнатиш имконини беради. (222-расм).

“Скорпион” русумли электрошок қурилмаси бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган резина таёқ, яъни, ризина таёқ кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан нафакат электрошок сифатида, заруратга қараб ризина таёқ сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Мазкур электрошок, жиддий синовдан ўтган, кучли зарбга ва юқори чидамли корпусга эга. Бу турдаги электрошок қурилмаси мустаҳкам шишатолали материалдан тайёрланган. Унинг тутқичи сирғанмайдиган материалдан ишланган бўлиб, кафтда ушлаб туриш учун қулай ва қўлдан тушиб кетишини ёки тартибузарлар томонидан тортиб олишига имкон бермайди. Унда билакка ўтказиб олинадиган маҳсус тасма (ип) мавжуд (223-расм).



221-расм. Қўшимча аккумулятор



223-расм. Билакка ўтказиб олинадиган махсус тасма.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмасининг вазифаси ҳуқуқбузарга бевосита яқиндан алоқа қилиш вақтида ёки масофадан туриб очиқ жойда ва хоналарда катриджидан фойдаланган ҳолда унга юқори кучланишли бир қатор электр импульслар орқали нолетал таъсир қилишга мўлжалланган. Қурилма ҳуқуқбузарга руҳий-жисмоний таъсир қилиш ҳамда овоз ва ёруғлик сигналини беришга мўлжалланган.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмасининг сақлагичи бош бармоқ остида “Пуск” тугмачасининг ёнида жойлашган бўлиб, бу қисқа сонияларда электрошокни осонлик билан жанговар ҳолатига тушириш имконини беради. Бу турдаги электрошок қурилмасини ҳам (шу жумладан, олдиндан ўрнатилган қўшимча картридж билан) камарга осиладиган махсус ғилофда олиб юриш мумкин (224-расм).



224-расм. «Скорпион» русумли электоршок қурилмаси тутқичи, ишлатиш тугмаси, ўрнатилган қўшимча картридж билан камарга осиладиган махсус гилофда олиб юриш

“Скорпион” русумли электоршок қурилмасини масофадан туриб қўллаш ва нур-шовқин чиқарувчи картриджлар ўрнатилиши мумкин. Ушбу моделда картриджни тўғри ўрнатиш жуда муҳим, акс ҳолда у ишламайди. Ушбу электрошокга картриджларни ўрнатиш даврида сақлагичини тутқичга қўйиш лозим. Картриджларни электрошокга ўрнатишда электрошокнинг картридж ўрнатиладиган қисмидаги махсус қулфга йўналиш бўйича бураб қотирилади. (225-расм).



1



2

225-расм. 1-масофадан туриб қўллаш картредж; 2-нур-шовқин чиқарувчи картридж

Биринчи турдаги картридждан қўлланилганда 7,5 метр масофагачи йтиб боради, ушбу картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ ва 1 метрдан кам бўлмаслиги лозим, картриджнинг яхши самаравали таъсир эиш масофаси 4,5 метр. Иккинчи турдаги электрошок қурилмасига ўрнатиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чақнаши ва 135 децибелга тэнг шовқин чиқариши натижасида тартибузарнинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартибузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Нур-шовқинли картриджни қўллаётганда ходим қулоқ битиб қолишини олдини олиш мақсадида ён томонга бурилиб, оғзини катта очиб туриш тавсия этилади.

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мумкин.

Бу турдаги электрошок қурилмасига қўшимча ўрнатиладиган кучли ёритувчи фонар ҳамда 120 децибелга тэнг кучли овоз чиқарувчи «Сирена» қурилмаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин

Электрошок қурилмасига фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма осонлик билан ўрнатилади ва ечиб олинади. Бунинг учун электрошок қурилмасини дастак қисмини ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми бўшатилиб, унинг ўрнига қурилмани ўрнатиш кифоя бўлади (226-расм).



226-расм. Фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма.

Электрошок қурилмасига қўшимча қурилма ўрнатиладиган тақдирда ҳам унинг барча аввалги функциялари йўқолмайди. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида электрошок қурилмасидан инсон танасига теккизган ҳолда ҳамда масофадан туриб қўллаш мумкин.

Электрошок қурилмасини тўғри ва самарали қўллаш учун уни мунтазам равишда электр манбай билан кувватлантириб туриш керак.

Кувватлантириш жараёни оддий, кўп вақт ва ҳаракат талаб қилмайди. Кувватлантириш қурилмасини улаш учун электрошокни дастак қисмидаги ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми очилади ва кувватлаш қурилмаси уланади

Электрошок қурилмасини қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади.

Кувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил чироги ёрқинроқ ёнади бу эса аккумуляторнинг кувватланаёт-ганлигидан далолат беради (227-расм).



227-расм. Аккумуляторни қувватлаш

Тавсия: Электрошок қурилмасини қувватлантириш жараёнида ёқиши мумкин эмас, 8 соат давомида қувватлантирилганидан сўнг уни ишлашини текшириб кўриш мумкин. Бундан ташқари, зарурият туғилганда электрошок қурилмасини автомашинани қувватлантириш қурилмасига улаш орқали ҳам қувватлантириш мумкин.

29-жадвал

“Скорпион” электрошокернинг тактик-техник тавсифи.

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир

куввати 7 ,0-10,0;

Учқун разрядининг кучланиши 70,0-120,0;

Ишлаш ҳароратининг диапазони, °C -20°дан+50 ° гача;

Габарит ўлчамлари	Скорпион 250-А/250--АЦ	Скорпион 350-А/350--АЦ	Скорпион 500-А
Узунлиги, мм.	286±2	339±1	550±5
Диаметри, мм	52,5±1	52,5±1	52,5±1
Оғирлиги, гр.	480±20	580±20	780±20

Айрим ҳолларда, электрошокнинг аккумуляторини зудлик билан алмаштириш зарурияти юзага келиши мумкин.

“Скорпион” русумли электрошокларнинг барча моделлари учун қўшимча аккумуляторлар манбаалари ишлаб чиқарилади.

Бундай вазиятларда ходим мустақил равишда оддий қўл фонарини батарейкасини ўзгартириш каби электрошокни қувват манбани алмаштириб олиш мумкин.

Аккумулятор, зарур ҳолатлар юзага келишини, тунги вақтни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, уни манфий ёки мусбат томонини ажратиш талаб этилмайди, аккумулятор ҳар қандай усулда электрошокга жойлаштирилиши мумкин (228-расм).



228-расм. Аккумулятор

“Скала” русумли электрошок қурилмаси қалқон (шит) кўринишида бўлиб, ушбу электрошок қалқони тўғридан-тўғри механик таъсир яъни, таёқ, темир жисм, тош ёки оёқ билан зарба берилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳимояланиш учун мўлжалланган (229-расм).



229-расм. “Скала” русумли электрошок қалқони (шит).

“Скала” русумли электрошок қалқонининг корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли бўлиб, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир. Қалқон эргономик тутқичга эга бўлиб, тутқичнинг ёнида сақлагичдан олиш тугмаси ва «ишига тушириш» тугмаси мавжуд. ИИО ходимлари оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтида бу турдаги қалқонлардан жамоат тартибини сақлаш, тартиббузарларга самарали таъсир чораларини кўрсатиш учун фойдаланадилар.

Бу вактда ходим қалқондаги электрошок функциясидан фойдаланади. Бунинг учун қалқонга ўрнатилган ишга тушириш яъни, "Пуск" тугмаси босилади (230-расм).



230-расм "Пуск" босилиши

Тартибузарлар томонидан улоқтириладиган тошлар ёки таёклардан сақланиш учун қалқонларни ёпиб, ички ишлар органлари ходимлари тартибсизликни ташкил этган ташкилотчи ёки уларнинг етакчисини оломон орасидан ажратиб (тортиб, чиқариб) олади.

Бу жараёнда электрошок қалқонининг токи маҳсус электродларнинг оқими орқали қалқоннинг ташқи томонига ўтади ва унга теккан тартибузарларга таъсир қурсатади.

Электрошок қалқони эса ходимларни ташқи механик таъсирлардан ишончли ҳимоя қиласди.

Мазкур электрошок қалқонини аввалги қалқонлардан асосий фарқи шундаки, бу қалқонни оддий ёнда олиб юриш ва "Скорпион" русумли электрошок қурилмасини ўрнатиш зарурияти бўлмаган ҳолда ечиб олишимиз мумкин.

Қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзаси электр токини тез ва осон ўтказиш хусусиятига эга фальга билан қопланган;

- электрошок қурилмасини ўрнатиш жойи;
- қалқонни ишончли ушлаб туриш учун тутқич;
- юқори ҳамда пастки тутқичлар;

-пастки тутқичнинг ёнида электрошокни сақлагиchi ва ишга тушириш тугмаси жойлашади. Қалқондан электрошок сифатида фойдаланиш учун электрошок қурилмасини пастки тутқичининг ёнига ўрнатилади (231-расм).



231-расм Қалқонга электрошок қурилмасини ўрнатилиши.

Қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагиchinи ечиш ва ходим тартиббузар ўзига нисбатан энг яқин масофага келганда ишгириш яъни, “Пуск” тугмасини босиши лозим.

Бундай вазиятда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатиб, унга электр зарба беради.

Зарурият юзага келганда қалқонга ўрнатилган электоршокни осонлик билан ечиб олиб ундан электрошок ёки ризина таёқ сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

30-жадвал.

«Скала» русумли электрошок қалқонини тактик-техник тавсифи:

Габарит ўлчамлари:	баландлиги -	1020±50мм.
	энни -	573 ±50 мм.
	қалинлиги -	116±20 мм.
электрошок қурилмаси билан оғирлиги -		4,1±0,5 кг.
электрошок қурилмасиз оғирлиги -		3,8±0,5 кг.
1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати-	7 ,0-10,0	
Учқун разрядининг кучланиши -	70,0-90,0 кВ	
Ишлаш ҳароратининг диапаъзони, $^{\circ}\text{C}$ -	-20 $^{\circ}$ +50 $^{\circ}$ тacha	
Кийим устидан максимал таъсир кучининг пасайиши -	25%	

Электрошок қалқонини қўйидаги ҳолатларда қўллаш таъқиқланади.

Электрошок қалқони ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан қўллаш таъқиқланади. Бунда улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг хаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этилган ҳолатлар ҳамда гурӯҳ бўлиб ҳужум қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Шу билан бирга, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини бузмасдан, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишларни бартараф этиш вақтида электрошок қалқонини қўллаш тақиқланади.

Электрошок қурилмаси “ОСА-928” фаол мудофа воситаси бўлиб,

қонунбузарлар томонидан қилинган ҳужумни қайтариш ва тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун қўлланилади. Элекшокер қурилмасининг комплектида камарга тақиладиган чехол ва қувватлаш мосламаси олиб юрилади (232-расм).



232-расм. “ОСА-928”

Электрошок қурилмасининг юқори қисмида ўтказгич тугмаси билан ишлаб чиқарилган (233-расм). Ушбу ўтказгич тугмаси қўйидаги уч функцияни бажаради:

- электрошокнинг ўчирилиши ўтказгич тугмасининг пастки ҳолати;
- электрошокнинг фанари ёқилиши ўтказгич тугмасининг ўрта ҳолати;
- электрошок жанговар ҳолатига келтирилиши ўтказгич тугмасининг юқори ҳолати.

Ўтказич тугмаси жанговар ҳолатга келтирилганда юқори қисмида қизил чўроқ ёнади, бу электоршокер жанговар ҳолатга келтирилгани ҳақида малум қиласди.

Электрошок қурилмасининг пастки қисмида қизил рангда 0 ва 1 рақам билан белгиланган қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси, бармоқлар учун ўйимлар мавжуд (234-расм).

Қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси 0 рақамида турганда электро шокер ўчирилган бўлади 1 рақамида босиб турилганда индукторлари орасида электро учқуни хосил бўлади.



233-расм. Ўтказгич тугмаси



234-расм. Ҳаракатга келтириши тугмаси



235-расм. "OSA-928" фонари

Электро шокерни олди қисмда фонар ва ток кучланишини хосил қилувчи индуктор ва унга уланган икки ёнга туширилган темир пластиналари жойлаштирилган (235-расм). Темир пластиналарининг вазифаси қонунбузар қурилмани ушлаб олиб тортиб олмоқчи бўлганда унга юқори самарали таъсир қилиш. Темир пластиналарини қурилмадан ечиб олиш осон, индуктори бураб ечиб олинади, темир пластина чиқариб олинади ва индуктор жойига бураб қўйилади.

“ОСА-928” электрошокер қурилмасини қулайлиги шундаки уни бир қўлда жанговар ҳоладка келтириш ва қўлаш мумкин. Қурилмани харакатга келтириш тугмаси ва бармоқлар учун ўйимлар пастга қараган холда ўнг қўлга олинади, кўрсаткич бармоғи харакатга келтириш тугмасини устига, қолган учта бармоқлар бармоқлар учун ўйимларга қўйилади, бошмолдоқ бармоғи қурилмани юқорига қараб турган томонидаги ўтказгич тугмасига қўйилади.

“ОСА-928” электрошокер қурилмаси чехолга олд томони яни ток кучланишини хосил қилувчи индуктори томони билан солинади ва бел камарида тақилган холда олиб юрилади. Ушбу электро шокер қурилмасини қуватлантириш, қурилманинг остиғи қисмига қувватлаш мосламаси ўрнатилади ва 220 волтда қуватлинтирилади. Қурилмани қуватланиш давоми 2-3 соат. Электро шокер қурилмасининг тактик-техник таснифи: қурилма пластик материалдан тайёрланган; оғирлиги 140 гр; узунлиги 160 мм; эни 45 мм; қалинлиги 30 мм; учқун разрядининг кучланиши 15 000 В; 25 мм қалин кийимдан ўтади.

Электрошок қурилмаларини бошқа шахсий ҳимоя ва фаол мудофаа воситаларидан афзаллиги:

1. Электрошок қурилмасини ёпиқ жойларда, газдан ҳимоя қилиш воситаларидан фарқли равишда қўллаш мумкин. Электрошок қўлланилган шахсда нафас етишмовчилиги ёки аллергия ҳолатлари кузатилмайди.

2. Электрошок қурилмаси қўлланилган шахснинг ўлимига олиб келмайди. Бошқа турдаги ўқ отар қуролларидан фарқли равишда электрошок қўлланилган шахсга ва ундан фойдаланган ходимга салбий таъсир қўрсатмайди ҳамда ток уриши тартибузарнинг соғлиғига зарар етказмайди. Аксинча, тартибузарга етказилган зарба натижасида уни шок ҳолатига келтириб, мувозанатини йўқотишига олиб келади. Электрошок қурилмаси кўплаб тиббий синовлардан ўтган. Уни қўллаш хавфсизлиги тегишли тибиёт муассасалари томонидан тасдиқланган.

3. Электрошокни ҳайвонларга, айниқса итларга қарши ишлатиш самара беради.

Электрошок қурилмалари амалиётда қўлланилиши.

Электрошок қурилмасини амалиётда қандай қўлланилиши ва ундан фойдаланиш тартиби қандай бўлади.

Тасаввур қилинг хавфсизлик учун масъул ходим обьектда патрулликни амалга оширади ва патруллик даврида у тартиббузар ёки шубҳали шахсларга дуч келди.

Бундай ҳолларда биринчи навбатда тартиббузарни заарсизлантириш учун ходим электрошок қурилмасига ўрнатилган картридждан фойдаланган ҳолда масофадан туриб қўллаши мумкин.

Картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ бўлмаган ва 1 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тартиббузарлар икки киши бўлса, биринчи тартиббузарга фойдаланган картрижни ечмаган ҳолда, иккинчи тартиббузарга нисбатан элетрошок қурилмасини асосидан фойдаланиши мумкин.

Электрошок қурилмасини тартиббузарнинг қорин қисмини пастига қўллаш энг самарали таъсир нуқталаридан бири хисобланади.

Инсон танасининг болдир (яъни, сон қисми), бел, кўкрак қафаси асосий таъсир нуқталари хисобланади.

Электрошок қурилмасини таъсир кўрсатиш оралиғи имкон қадар инсоннинг катта мушакларига яқин бўлиши зарур.

Киндикнинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак жойлашган томони бундан истисно тутилади.

Инсоннинг бош қисмига элекрошок қурилмасини қўллаш қатъиян ман этилади.

Электрошок қўлланилаётганда имкон қадар инсон танасига маҳкам босиши лозим бўлади ва шундагина элекрошок қурилмасининг таъсир кучи етарли даражада бўлади.

Қуйидаги ҳолларда электорошок қурилмаларини қўллашда тақиқланади.

Электрошок қурилмасини бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисмига қўллаш қатъиян тақиқланади.

Электрошок қурилмасини уч сониядан ортиқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли ҳисобланади.

Аммо, элекрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт давомида қўллаш элекрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартиббузарни ғазаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган.

Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Электрошок қурилмаларидан фойдаланишда айрим фойдаланувчиларда қўйидаги нотўғри фикрлар юритилади:

- электрошок қурилмасини ёмғирда ишлатиб бўлмайди;
- электрошок қурилмаси қўлланилаётганда тартиббузарга тегиш мумкин эмас, чунки электр оқими ундан фойдаланаётган ходимга ҳам таъсир қиласди;
- электрошок қурилмаси ўлимга олиб келади;
- электрошок қурилмасини фақат инсон танасига текизган ҳолда қўллаш мумкин;
- электрошок қурилмаси қалин, қишки кийимлар устидан таъсир қиласди.

Юкорида келтирилган фикрларга жавоб:

1. Электрошок қурилмасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида қўллаш мумкин бўлиб, шунчаки тартиббузарнинг баданига қурилмани қаттикроқ босиш талаб этилади.

2. Бундай вазиятда электрошок қурилмассидан юборилаётган электр оқими электродлар орқали энг қисқа йўлдан тартиббузарнинг танасига ўтади ва фақат тартиббузарнинг зарба берилган жойига таъсир кўрсатади.

3. Инсон ҳаётига, ҳатто юрак қон томири билан оғриган шахсларга ҳам зарар етказмайди. Электрошок қурилмасининг таъсир кучи тартиббузарнинг шок ҳолатига тушиши ва мувозанатини йўқотиш учун етарли бўлади. Олиб борилган қўплаб тиббий синовлар натижаларига кўра электрошок қурилмаси тўғри қўлланилганда инсон саломатлигига зарар етказмайди.

4. Электрошок қурилмасида қўшимча картридж мавжуд бўлса, ундан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Картридж электродлари

4,5 метрдан 7,5 метргача бўлган масофага етиб боради.

5. Электрошок қурилмалари совуқ иқлим шароитларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жемфер, пальто ва бошқа қалин кийимларни устидан ҳам таъсир этади. Йилнинг совуқ даврида, қалин кийим кийган тартиббузарларга қарши қўллашда

таъсир худудини кўпайтириш учун электрошок қурилмасини иложи борича инсон танасига босиброк қўллаш лозим бўлади ҳолос.

Электрошок қурилмаларини қўллашда хавфсизлик қоидалари.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашдан аввал улар қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга у ички ишлар органи ходими эканлигнни айтиши, уларга нисбатан электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вакт бериши шарт.

Агар электрошок қурилмасини бўлинма (гурух) таркибида қўлланилса, бундай огоҳлантириш ушбу бўлинма (гурух) таркибига киравчи ходимлардан бири томонидан берилади.

Агар электрошок қурилмасинини қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф түғдирса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, ички ишлар ходими электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик хуқуқига эга.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашда юзага келган вазиятни, электрошок қурилмасини қўлланилиши назарда тутилаётган шахслар хатти-ҳаракатларининг ҳусусияти ва хавфлийлик даражасини, шу жумладан, кўрсатилаётган қаршиликнинг ҳусусияти ва кучини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қиласи. Бунда ходим ҳар қандай заарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқарога биринчи ёрдам кўрсатишга, шунингдек унга имкон қадар қисқа вакт ичидан тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга мажбурдир.

Электрошок қурилмаси қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва электрошок қурилмасини қўлланилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичидан тегишли билдириги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимиға фаол қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарга нисбатан электрошок қурилмасини қўлланилган ҳоллаларда билдириги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

Ички ишлар органи электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида:

фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса бу ҳақида имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмайдиган вақт ичидаги ушбу фуқаронинг қариндошларига ёки яқин шахсларига;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходими томонидан электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.


Қуйидаги ҳолларда электрошок қурилмасини қўллаш тақиқланади:

- ҳар бир электрошок қурилмасининг ҳар бир турини ишлатиш бўйича йўриқномада белгиланган инсонга электр разряд таъсирини ўтказишнинг йўл қўйиладиган вақтини оширган ҳолда қўллаш;

- бир шахснинг ўзига нисбатан такроран 5 дақиқа ичидаги қўллаш;

- портлаш хавфи бўлган муҳитда, шу жумладан тез аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган моддалар мавжуд бўлган хоналарда қўллаш;

- инсон организмининг рефлексоген (сезир) жойлари (бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисми)га қўллаш (236-расм);



236-расм. Инсон организмининг рефлексоген (сезир) жойлари.

Шунингдек, ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёки аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб хужум қилганлиги ҳоллари мустасно, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайри-қонуний йиғилишлар, митинглар,

намойишлар, бартараф этиш чоғида электрошок қурилмасининг кўлланилиши тақиқланади (237-расм).



237-расм. Электрошок
қурилмасини қўлланилиши тақиқланади

Электрошок қурилмаси билан муомалада бўлишда ички ишлар органи ходими қуйидаги хавфсизлик чораларини кўриши зарур:

хизмат ўташ чоғида электрошок қурилмасини ғилофда олиб юриш ва тегишли асосларсиз ундан чиқармаслик;

ишга туширилган электрошок қурилмасининг электродларига тегмаслик ва уларга қўлларни яқинлаштирумаслик;

ёнғин ва портлаш хавфи бўлган мұхитда ҳамда нам, шу жумладан ёмғирли шароитларда электрошок қурилмасидан имкон қадар фойдаланмаслик;

носоз бўлган электрошок қурилмасидан фойдаланмаслик ва уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш;

электрошок қурилмасини ўзга шахсга бермаслик.

Ходим эътибор қилиш лозим !

Электрошок қурилмасини уч сониядан ортиқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли ҳисобланади.

Аммо, электрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт давомида қўллаш электрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартиббузарни ғазаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган.

Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Барча электрошоклар тўғри ва узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун бир нечта умумий қоидалар мавжуд:

- электрошокни мунтазам равишда қувватлаб турин зарур. Агар электрошок узоқ вақт ишламай турган тақдирда ҳам камида бир йилда бир марта қувватлантириш талаб этилади.

- электрошокдан фойдаланилган бўлса уни қувватлантириш тавсия этилади;

- электрошокга сув ёки бошқа намлик тушганда, уни юмшоқ мато билан артиб қуритиш лозим;

- электрошокни ишлатиш жараёнида носозликлар ёки бошқа муаммолар юзага келса, камчиликни бартараф этиш учун электрошокни хизмат кўрсатиш марказларига топшириш талаб этилади ва уни мустақил равища демонтаж қилиш қатъяян ман этилади!

Хизмат ҳайвоналарининг қўлланилиши

Ички ишлар органларида хизмат ҳайвонлари қуидаги ҳолларда қўлланилади:

фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишида;

ички ишлар органи ходимиға қаршилик кўрсатилишига чек қўйишида;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишига уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоқقا олинган, маъмурий қамоқقا олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига заар етказишини бартараф этиш мақсадида;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишида;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишида, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишида (238-расм).

Ички ишлар органларида маҳсус йўналишлар бўйича тайёрланган хизмат итлари имкониятларидан келиб чиқан ҳолда оғир ва ўта оғир ҳамда шахсга қарши жиноятларни фош этишда, жамоат тартибини сақлашда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, гиёҳ - вандлик воситалари, портловчи моддалар, қурол ва ўқ-дориларни аниқлашда, оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлашда, терористик гуруҳларни

излашда ва қўлга олишда, оммавий тартибузарликларни бартараф этишда самарали фойдаланилади.

Хизмат отлари билан кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропортлар ва бошқа жамоат жойларида ташкил эилади.

Ички ишлар органларида жамоат тартибини сақлашда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ва қоидабузарларни тезкор ушлашда, шунингдек, кўриқлаш патрул хизматини амалга оширишда, хизмат отлари билан жамоат жойларида хизмат олиб борадилар.

Бундан ташқари турли ҳил оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлашда самарали хизмат қиласди. Шунингдек, террористик гуруҳларни излашда ва қўлга олишда, оммавий тартибузарликларни бартараф этишда самарали фойдаланилади.

Хизмат отларида хизмат ташкил этилиши пиёда ҳамкасбларига нисбатан тезроқ ҳаракатланади. Бундан ташқари, отдаги ходим жонивор тепасида атрофдаги вазиятни яхшироқ кўриши, ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиши ва бартараф этиш имкониятига эга бўлади.



238-расм. Хизмат итлари

Чавандозлар гурухи таркиби хизмат ўташ вақтида жиноятларни тезкор очилишига ва жиноят содир этиб воқеа жойидан қочиб яширинишига уринган шахсларни ушлашда ўз самарасини беради.

5-§. Махсус операцияларни таъминлаш воситалари.

Махсус операцияларни таъминлаш воситалари билан қуролланишига қўйидагилар томонидан рухсат берилади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари, ЖИЭМ (тергов ҳибсонаси) бошлиғи, Қоровул қўшинлари қўмондони, ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари, махсус операция раҳбарининг қарори асосида.

Махсус операцияларни таъминлаш воситаларининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилиш;

- ғайриқонуний хатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурӯҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйиш;
- тартибузарларни, қуролланган жиноятчиларни фаол ҳаракатларини сусайтириш;
- террорчи ва қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда чалғитиши;
- транспорт воситаларини мажбуран тўхтатиши;
- маҳсус операцияларни олиб бориша шароитлар яратиши.

Суюқ препаратларни сепиб берувчи рансли аппаратлар оммавий ҳуқуқбузарларни тарқатиши, майдон жихатдан катта худудга йифилган оммани кўзларини ёшлантириш ва фаоллигини сусайтириш учун мўлжалланган.

"Облако" рансли аппарати оммавий тартибузарларни агресивлигини сусайтириш мақсадида очиқ худудда кукунсимон кўзни ёшлантирувчи суюқ препаратларни сепиш учун мўлжалланган (239-расм).

"Облако" рансли аппаратнинг тактик-техник тавсифи: тўхтамасдан ишлаш вақти – 45-60 дақика; резервуар сифими – 16 литр; оғирлиги – 8 кг; ишлов бериш майдони – 15000 м².



239-расм. "Облако" рансли аппарати.

"Облако" рансли аппаратидан кукунсимон кўзни ёшлантирувчи суюқ препаратларни шамолга қарши сепиш тақиқланади. Кўлланилган худудда ҳарбий хизматчи ва ходимлар газ ниқобида бўлиши зарур. Ишлатиш икки кишига мўлжалланган.

Маҳсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

- автортранспорт хайдовчиси ходимнинг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишида;
- жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни белгилашда;
- оммавий ҳуқуқбузарларни тарқатишига, майдон жихатдан катта худудга йифилган оммага кучли кўзни ёшлантирувчи газ тарқатишида;

- мухофаза қилинадиган обьектларни химоя қилишда, ноқонуний ҳатти-харакатларни содир этаётган фуқаролар гурұхларининг харакатланишини түсіб қўйишида.

МОДЕЛ-5” газ пуркагич мосламаси очиқ ва ёпиқ жойларда оммавий тартиббузарликларни тарқатишига, майдон жихатдан катта худудга йиғилган оммага кучли кўзни ёшлантирувчи газ тарқатиш, жазони ижро этиш муассасаларида оммавий тартиббузарликлар содир этган махкумларни тарқатиш ҳамда маҳсус бўлинмалар томонидан террористик гурӯхларни қўлга олишда ёки заарсизлантиришида, қуролланган жиноятчилар томонидан гаровга олинган фуқароларни озод қилишда қўлланиш учун мўлжалланган (240-расм).

“МОДЕЛ-5” газ пуркагич мосламасининг тактик-техник тавсифи: ташқи диаметри-11 см; узунлиги-70 см; тўлиқ вазни-7,5 кг; бўш ҳолдаги вазни- 5,5 кг; газ моддасининг вазни- 2 кг; таъсир этиш вақти- 20 дақиқа; ишлатиш тартиби – ҳар 15 секундда 1 секунд ишлатилади.



240-расм. “МОДЕЛ-5” газ пуркагич мосламаси

“МОДЕЛ G705 CSS” ўзидан кучли таъсирга эга бўлган кўзни ёшлантирувчи газ чиқарувчи алюмин қобиқли қўл гранатаси. Очиқ майдонларда қўлланилиши мумкин. Сувга тушганида ҳам хусусиятини йўқотмайди. Кучли зарб тўлқини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас (241-расм).

“МОДЕЛ G 705-CSS” қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 152 мм; диаметри – 55 мм; умумий вазни – 285 гр; фаол кучга эга модда вазни - 120 гр; ишга тушиш вақти 3-4 сек; ишлаш давомийлиги 7-12 сек.



241-расм. “МОДЕЛ G 705-CSS” қўл гранатаси

“МОДЕЛ G717 STRB” икки функцияли қўл гранатаси ўзидан кучли шовқин ҳосил қилган ҳолда, атрофга фаол модда рангли кукуни заррачаларни сачратиб, тартиббузарларнинг фаоллигини белгилаш учун мўлжалланган. Картон қобиғи ўзининг зарарли парчаланиб кетишидан сақлайди. Очиқ майдонларда ва хона ичидаги

қўлланилиши мумкин. Сувга тушганида ҳам портлаш хусусиятини йўқотмайди. Кўзни ёшлантирувчи хусусиятга эга эмас (242-расм).

“МОДЕЛ G 717 STRB” икки функцияли қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 163 мм; диаметри – 67 мм; умумий вазни – 330 гр; фаол модданинг вазни – 100 гр; портлаш вақти – 3-4 сек; овоз босими – 120 децибел.



242-расм. “МОДЕЛ G 717
STRB” икки функцияли
қўл гранатаси.

“МОДЕЛ G 303 SSS” ўзидан кучли кўзни ёшлантирувчи газ чиқарувчи қўл гранатаси. Очиқ майдонларда ва хона ичида қўлланилиши мумкин. Материал резинли. Сувга тушганида ҳам хусусиятини йўқотмайди. Кучли зарб тўлқини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас (243-расм).

“МОДЕЛ G 303 SSS” қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 135 мм; диаметри – 80 мм; умумий вазни – 330 гр; фаол кучга эга модда вазни – 125 гр; ишга тушиш вақти – 3-4 сек; ишлаш давомийлиги – 7-12 сек.



243-расм.“МОДЕЛ G 303
SSS” қўл гранатаси

“МОДЕЛ G 303-WS” ўзидан қуюқ оқ тутун ҳосил қилувчи резина қобиқли қўл гранатаси. Сигнал берувчи, пана қилувчи ёхуд кимёвий тутунли булутнинг симулятори сифатида ишлатилади. Машқ жараёнлари учун муҳим восита ҳисобланади. Кўзни ёшлантирувчи ва кучли зарб тўлқини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас (244-расм).

“МОДЕЛ G 303-WS” қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 135 мм; диаметри – 80 мм; умумий вазни – 315 гр; перотехник модданинг вазни - 120 гр; ишга тушиш вақти - 3-4 сек; ишлаш давомийлиги – 7-12 сек.



244-расм. “МОДЕЛ
G 303-WS” қўл
гранатаси.

“МОДЕЛ G 303 ST” резина қобиқли улоқтирувчи қўл гранатаси шовқин ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Очиқ майдонда ва бино ичида қўлланилиши мумкин. Унинг резина қобиғи хатарли портлашдан сақлайди. Сувга тушганида яроқсиз

холатга келиши мумкин. Кўзни ёшлантириш хусусиятига эга эмас. Тез ёнувчи ва кимёвий моддалар сақланаётган жойларда ишлатиш таъқиқланади (245-расм)

“МОДЕЛ G 303 ST” қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 135 мм; диаметри – 80 мм; умумий вазни – 195 гр; портлаш вақти – 2-3 сек; шовқин даражаси – 160 децибел.



245-расм. “МОДЕЛ G 303 ST” қўл гранатаси

“МОДЕЛ G 303 STRB” ўзидан кучли шовқин ҳосил қилиб, нобуд қилмайдиган резина шарчаларини сачратиш хусусиятга эга қўл гранатаси. Сочилган резина шарчаларини сочилиш радиуси 10 метргача бўлган худудни қамраб олади. Очик ва хона ичидагулланилиши мумкин. Унинг резина қобиғи хатарли портлашдан сақлайди. Сувга тушганида ҳам портлаш хусусиятини йўқотмайди. Кўзни ёшлантирувчи хусусиятга эга эмас (246-расм).

“МОДЕЛ G 303 STRB” қўл гранатасининг тактик-техник тавсифи: баландлиги – 135 мм; диаметри – 80 мм; умумий вазни – 300 гр; резина шарчалари вазни – 100 гр; портлаш вақти – 2-3 сек; шовқин даражаси – 160 децибел/10 метрда; тарқалиш масофаси – 10 метр.



246-расм. “МОДЕЛ G 303 STRB” қўл гранатаси

Чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалар

Чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалар қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва эр участкаларини озод қилишда;

- фуқароларнинг хаёти ва соғлигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйишида;

- муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишида.

“Заря” нур ва товуши гранатаси – ўзидан кучли ёруғлик ва шовқин чиқариб, хуқуқбузарларга физиологик таъсир кўрсатади.

Граната ўзидан заррачалар(осколка) ҳосил қилмайди ва ёнфинга хавфсиз (247-расм).

“Заря” нур ва товушили гранатасининг тактик-техник тавсифи: диаметри – 64 мм; оғирлиги – 150 гр; ёруғлик кучи – 30x10 кД; овоз босимини қўрсаткичи – 172 децибел; портлаш вақти – 3-5 сек; таъсир радиуси – 10 м; қўллашда хавфсизлик масофаси – 2-3 м.

“Пламя” нур ва товушили гранатаси ҳуқуқбузарларга кучли товуш ва нур билан руҳий ва жисмоний таъсир қўрсатиш учун мўлжалланган (248-расм).

“Пламя” нур ва товушили гранатасининг тактик-техник тавсифи: диаметри – 75 мм; оғирлиги – 180 гр; ёруғлик кучи – 60 x10 кД; овоз босимини қўрсаткичи – 170 децибел; таъсир радиуси – 15 м; қўллашда хавфсизлик масофаси – 2 м.



247-расм. “Пламя” нур ва товушили граната



248-расм. “Заря” нур ва товушили граната

ВПЦФ портловчи пакетлар.



249-расм. Портловчи пакетлар

Артиллерия снарядларни, мина, гранаталарнинг портлашини ўхшатиш учун мўлжалланган пиротехник воситаси (249-расм). Тактик ўқув машқларда қўлланилади. Диаметри – 32 мм.; узунлиги – 75 мм.

Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар

Мухофаза қилинадиган объектларни (худудларни) химоя қилиш, ноқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар ёки гурӯхларнинг ҳаракатланиш йўналишини тўсиш воситалари:

“Ключ” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси – 60 мм гача қалинликдаги дуб дарахтидан ясалган тахтали эшиклар ва бошқа тўсиқларда 180 мм гача бўлган туйнук ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Электр токи ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Жиноятчилар томонидан гаровга олинган шахслар ушлаб турилган хоналарда қўллаш тақиқланади (250-расм).

“Ключ” кичик ҳажмли портлатиш қурилмасини шай ҳолатга келтириш учун қурилманинг учидаги сурғучли муҳр ечилади, унинг ҳаракатга келтириувчи қурилма ўрнатиладиган учи парфиндан тозаланади ва у ерга ҳаракатга келтирувчи қурилма ўрнатилади. Ёпишқоқ тасмалар ёки пластилин ёрдамида қурилма керакли жойга ўрнатилади.

“Ключ” кичик ҳажмли портлатиш қурилмасининг тактик-техник тавсифи: диамери – 12 мм; узунлиги – 56,5 мм; оғирлиги – 100 гр.

“Импульс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси – 8 мм гача қалинилдиғаги металдан тайёрланган эшик ва тўсиқларда туйнук ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Қурилманинг узунлиги - 25 см гача. Электр токи ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Жиноятчилар томонидан гаровга олинганлар ушлаб турилган хоналарда қўллаш тақиқланади (251-расм).

“Импульс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмасини шай ҳолатга келтириш учун қурилманинг ҳолати сақиҳсимон бўлганлиги сабабли, қурилма керакли миқдорда олинади ва ўзига ҳаракатга келтирувчи қурилма ўрнатилади. Ёпишқоқ тасмалар ёки пластилин ёрдамида қурилма керакли жойга ўрнатилади.

“Импульс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси тактик-техник тавсифи: диамери – 12 мм; узунлиги – 56 мм; оғирлиги – 170 гр.



250-расм. “Ключ” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси



251-расм. “Импульс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси

“Ключ” ва “Импульс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаларини гаровга олинган шахслар жойлашган биноларда ишлатиш тақиқланади.

Махсус операцияларни таъминлашда махсус автомобиллар ва зирҳли техникалар оммавий тартибсизликларни бартарф этишда,

ўта хавфли куролланган жиноятчиларни қўлга олишда, гаровга олингандарни озод этишда, террористик гуруҳларни заарсизлантиришда ҳамда бошқа ноқонуний хатти-харакатларга чек қўйиш мақсадида ишлатилади.

АРБАЛЕТ – ШНЕППЕР

Арбалет-шнеппер 16-асрда ихтиро қилинган ва жуда машҳур эди. Шу асрда икки турдаги испан ва немис арбалетлар мавжуд эди (252-расм). 19-асрнинг бошларида инглиз қуш овчилари томонидан жуда қиммат ва севимли қурол эди.

Унинг енгил вазни ва овозсиз отилиши уни оғир милтиқлардан афзал кўрди.



252-расм. 19-асрда Арбалет билан қуш ови.

Хозирги кунда кўпгина мамлакатларда қурол компаниялари ўзларининг моделларини ишлаб чиқарадилар, жумладан Германия, Хитой ва Россия.

Бугунги овчилар Россияда ишлаб чиқарилган шнепперларни афзал кўришади (253-расм). Бундай сифатга эга бўлмаган бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган шнепперлар камроқ машҳур, чунки улар бундай аниқлик ва ўлимга олиб келадиган кучга эга эмас.



253-расм. Арбалет – шнеппер

Республикамизда ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари томонидан Арбалет – шнепперлар ўқ отар қуролларни қўллаб бўлмайдиган (портлаш содир бўлиши ёкин ёнгин чиқиши мумкин бўлган) жойларда, шунингдек овоз чиқармасдан операцияларни бажариш мақсадида қўлланилади.

Арбалет -шнеппернинг тактик-техник хусусиятлари

Арбалетдан отиладиган ўқ дорилар: 1. Узунлиги – 16 ва 21 дюйм бўлган найза ўқлар; 2. олти дюймли дротлар; 3. Диаметри – 8 миллиметр бўлган пўлат шарчалар. Найзаси пўлатли, ажраладиган елкаси билан. Пўлатдан ясалган симни тортилиш кучи – 43 келограм. Елканинг кенглиги – 54,6 сантиметр. Ўқнинг учиш тезлиги – 79,2 метр секундига. Мўлжалга олш узоқлиги – найза билан – 30-50 метр, пўлат шарчалар билан – 20-25 метргача. Узунлиги – 90 сантиметр. Оғирлиги – 4,4 келограм. Оптика мўлжални ўрнатиш учун планкаси мавжуд. Кўндоғи ёғочли ёки пластмасали.

Арбалетнинг ностандарт зарядлар билан отиш мўлжали 15 метргача .

Арбалетнинг сими пўлатдан ясалган бўлиб динамик юкларга тоқат қилмайдиган ва кутилмагандан йиртилиб кетиб яқин атрофдагиларга хавф туғдириши мумкин. Арблетнинг пўлат симни литол ёки шунга ўхшаш мой билан ёғлаб туриш лозим.

Арбалетда оптик нишонини ўрнатиш учун кенглиги 11 ммли планкаси мавжуд, аммо арбалетнинг оптик нишонидан нишонга олиш механизмлари олиб ташлангандан кейин фойдаланиш мумкин (254-расм).



254-расм. Арбалет – шнеппер оптик нишони билан.

Арбалет -шнепперни ишлатиш тартиби.

Кувурнинг ётиғида учта бўлт билан камол қотирилади, планкага мўлжалга олиш механизмлари ўрнатилади. Шу билан арбалетни йиғиш якунланади.

Қувур магазинига 8 та пўлат шарчалари жойлаштирилади ва комолнинг тушурувчи халқасига ўрнатилади. Пўлат симни қўйиб юборувчи механизимнинг тишига тортиб ўрнатилади. Пўлат сими тортиб ўрнатилган вақтда битта пўлат шарчаси йўналтирувчи планкасига тушади.

Агар қувур магазинда пўлат шарчалари бўлмаса, қувур магазинни йчмасдан дротлар билан отиш мумкин. Бунинг учун дротлар комоннинг йўналтирувчи планкасига блок томонидан ўрнатилади.

Найза ўқларини отиш учун қувур магазини йчилади, найза ўқи орқа томони билан пўлат симига ўрнатилади ва битта стабилизатор билан йўналтиручининг ёриқ уясига ўрнатилади.

Камоннинг пўлат сими қўл билан тортилади, агар у ҳимоя мойи билан суртилган бўлса қўлга қолқоп кийиш керак.

Қўйиб юборувчининг сақлагичи автоматик равища ишлаб кетмаслик учун, унинг орқа томонида ярим шарсимон тугмасини босиш керак.

Турли тезкор операцияларда қўлланиладиган “РГС – 50” ва “РГС – 50М” маҳсус қўл гранатамётлари

“РГС – 50” кўп мақсадли граната отиш мажмуаси (маҳсус қўл гранатамёти) 1980 йилларда яратилиши бошланган. Натижада 1989 йилларда бир қатор ишлар бажарилганидан сўнг маҳсус қўл гранатамёти собиқ совет даврида Давлат хавсизлиги қомитаси ва Ички ишлар вазирлиги маҳсус бўлинмаларига фойдаланишга топширилди.

1990 йилларнинг охирида “РГС – 50” маҳсус қўл гранатамёти такомиллаштирилди ва “РГС – 50М” номини олди. Маҳсус қўл гранатамётини қулай ушлаш учун қувур остида йғилувчан дастаги ўрнатилди, орқага қайтариш пружинаси алмаштирилди, забдор тепки механизими такомиллаштирилди (255-расм).



255-расм. Такомиллаштирилган РГС – 50М маҳсус қўл гранатамёти.

“РГС – 50М” махсус қўл гранатамёти оғир гранатамётлар синфиға киради, қуролланган жиноятчилар томонидан эгалаб олинган обьектларга, танспорт воситалариға (самолёт, автобус ва ҳакозо) узоқ масофадан қўллаш ва уларга психологик таъсир кўрсатиш ҳамда фаоллигини сусайтириш учун мўлжалланган.

“РГС – 50М” махсус қўл гранатамётининг тактик-техник тавфисиғи: ўқланмаган холда оғирлиги – 6,3 кг; узунлиги – 904 мм; баландлиги – 280 мм; эни – 75 мм; калибри – 50 мм; жанговар отиш тезлиги – минутига 2-3 граната; гранатанинг учиш тезлиги – 92 м/с; мўлжалга олиб отиш масофаси – 150 м; ўзоққа отиш масофаси – 400 м; белгиланган ресурси – 500 та граната; ўқланиш шакли – бирмарталик; ишлаш ҳароратининг диапаъзони –минус 40⁰ дан + 50⁰ гача

“РГС – 50” ва “РГС – 50М” махсус қўл гранатамётларидан отиш учун бир нечта махсус гранаталар ишлаб чиқарилган, жумладан (256-расм).



256-расм. “РГС – 50” ва “РГС – 50М” махсус қўл гранатамётларидан отиладиган махсус гранаталар.

ГС-50 ва ГС-50М – газли граната, кўзни ёшлантириш хусусиятини берувчи СН рритант билан жиҳозланган бўлиб газни пуркаш орқали қуролланган жиноятчиларни вақтинча кўзларини ёшлантириб, сергаклигини йўқатиш учун мўлжалланган;

ГС-50ПМ – ўқув гранатаси, амалий машғулотни ўтказиш учун мўлжалланган;

ГСЗ-50 – нур ва шовқин чиқарувчи граната, ўзидан кучли ёруғлик ва шовқин чиқариб қуролланган жиноятчиларга вақтинча физиологик таъсир күрсатиш учун мўлжалланган;

ЭГ-50 – эластик зарба берувчи гранатаси, эластик зарба элементи билан ўлимга олиб келмайдиган шикаст етказиш орқали қуролланган жиноятчиларни вақтинча шок холатига тушириш учун мўлжалланган;

ЭГ-50М – каучук бўлаклари билан зарба берувчи гранатаси, 140 грамли каучук бўлаклари билан ўлимга олиб келмайдиган шикаст етказиш орқали қуролланган жиноятчиларни вақтинча шок холатига тушириш учун мўлжалланган;

ГВ-50 – зарба билан қулуфларни бузиш гранатаси, эшикларни фавқулотда очиш учун мўлжалланган;

ГО-50 – парчаланиш гранатаси;

ГК-50 – енгил зирхли техникаларни ишдан чиқариш кумулатив гранатаси.

Турли тезкор операцияларда қўлланиладиган олтта граната отиш мосламаси “6Г-30” маҳсус қўл гранатамёти

6Г-30 гранатамёт олтта граната отиш мосламаси бўлиб очиқ ва турли бошпаналарда жойлашган жонли нишонлар ва йингил қурилмаларни йўқ қилиш ҳамда террорчи гурухларга, оммавий тартиббузарларга психофизиологик таъсир этиш учун мўлжалланган (257-расм).

Гранатамётнинг дизайни содда, унинг дизайнни ҳар қандай иш шароитида ишончли ишлашни таъминлайди. Ушбу қурол ички ишлар органлари томонидан маҳсус операцияларида, айниқса шаҳарларда қўлаш самарали ҳисобланади. Гранатамёт револьвер схемаси бўйича айланма пружинали 6 та қуврлар блоки билан тайёрланган. 300 метр масофага отиш учун қўндоғи елкага, ундан каттароқ масофада эса қўндоғи ён томонга босган ҳолда амалга оширилади.



257 – расм. “6Г-30” маҳсус қўл гранатамёти.

6Г-30 гранатамётининг тактик-техник тавфиси: калибри – 40 мм; блокдаги қуврлар сони – 6 та; оғирлиги - 255-278 г; максимал

отиш масофаси – 380 ± 15 м; гранатанинг бошланғич учиш тезлиги – $73,5 \pm 1,5$ м / с; камарсиз гранатамётнинг оғирлиги 6,2 кг; узунлиги - очилган қўндоғи билан – 690 мм; ёпилган қўндоғи билан – 520 мм; кенглиги – 145 мм; баландлиги – очилган қўндоғи билан – 280 мм; ёпилган қўндоғи билан – 200мм; мўлжаллга олиб отиш узоқлиги – 100-380 м; отиш тезлиги 12-16 граната минутига; ўт отиш ресурс - 2400 та граната.

6Г-30 гранатамётидан қўлланиладиган гранаталари:

- парчаланувчи гранаталар – ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ;
- безовта қилувчи граната – ГС-40;
- нур ва товушли граната – ГСЗ-40;
- тутун хосил қилувчи граната – ВГ-40МД;
- Зарба тўлқини берувчи граната – ВГ-40ТБ;

Парчаланувчи гранаталар – ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ 400 метргача бўлган масофаларда очик жойларда ва баландликлар ортида жойлашган террорчи гурӯҳларни ҳамда уларнинг техникаларини йўқ қилиш учун қўлланилади (258-расм).



258-расм. ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ гранаталари.

Шу билан бирга, ВОГ-25ПМ ер юзасидан 0,5-1,5 метр баландликда портилайди ва тўсиқлар, чуқурликлар, траншеяларда яширинган террорчиларни йўқ қилиш имконини беради.

ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ гранаталарнинг тактик-техник тавфиси: калибри – 40 мм; гранаталарнинг оғирлиги – (ВОГ-25)-0,255 кг; (ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ)-0,278 кг; ўртача узунлиги – 103 мм; бошланғич учиш тезлиги – 76 м/с.

ГС-40 гранатаси ишга тушганда таркибидаги хлоратсетофонон (CH) кукуни билан хуқуқбузарларни қўзидан ёш оқизиб вақтингчалик қобилияйтсиз ҳолатга келтириш учун мўлжалланган (259-расм).

Граната зарар етказиш элементларга эга эмас, бундан ташқари бир зумда таъсир этувчи ва юқори сезгир контактли портлатиш механизаси билан жиҳозланган.



259-расм. ГС-40 гранатаси.

ГС-40 гранатанинг тактик-техник тавфиси: калибри – 40 мм; гранатанинг оғирлиги – 0,25 гр; узунлиги – 117 мм; бошланғич учиш тезлиги – 76 м/с; таъсир этувчи моддасининг оғирлиги – 25 гр; ишлаш ҳароратининг диапаъзони –минус 30⁰ дан + 50⁰ гача; таъсир қилиш масофаси – 10-40 м; таъсир қилиш маоддасини чиқариш вақти – 23 сония; тасир қилиш вақти – 5 дақиқа.

Ёруғлик ва шовқин ГС3-40 гранатаси ҳуқуқбузарни вақтинча сафдан чиқариш мақсадида унга психо-физиологик таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган (260-расм).

Граната зарар етказиш элементларга эга эмас, бундан ташқари бир зумда таъсир этувчи ва юқори сезгир контактли портлатиш механизаси билан жиҳозланган.

Ёруғлик ва шовқин гранаталарининг асосий таъсир этувчи омиллари ёргуларнинг ёрқин чақнаши ва баланд овоз боўлиб, улар портлаш марказида яқин атрофдаги одамларнинг вақтинча кўркўона ва ҳайратда қолишига олиб келади, бу эса уларни бир мунча вақт давомида ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум қилиб самарали қаршилик кўрсатишини олдини олади.

ГС3-40 гранатанинг тктик-техник тавфиси: калибри – 40 мм; гранатанинг оғирлиги – 0,25 гр; узунлиги – 107 мм; бошланғич учиш тезлиги – 76 м/с; таъсир этувчи моддасининг оғирлиги – 25 гр; максимал ёруғлик интенсивлиги, Мқд 2 дан кам эмас 10 метр масофада товуш босими даражаси - 135 дБ дан кам эмас; ишлаш ҳароратининг диапаъзони –минус 30⁰ дан + 50⁰ гача.

Тутун хосил қилувчи ВГ-40МД гранатаси ўқ отиш очиқ жойларда, хоналарда ва иншоотларда бир вақтнинг оўзида ходимлар учун ҳимоя зоналарини таъминлайдиган ва ёнувчан материалларни ёқадиган тутун экранлари ва ёнгғинларни яратиш учун мўлжалланган (261-расм).



260-расм. ГС3-40 гранатаси.

ВГ-40МД гранатанинг тактик-техник тавфисиғи: калибри – 40 мм; гранатанинг оғирлиги – 0,275 кг; узунлиги – 122,5 мм; ёниш үчоғлари – камида 20 дона; тутун тарқалиш масофаси – фронт бўйича 10метр, баландлик бўйича 3 метр; қўллаш масофаси – 50-400 м; ишлаш ҳароратининг диапаъзони –минус 50⁰ дан + 50⁰ гача.



261-расм. ВГ-40МД гранатаси.

Зарба тўлқини берувчи – ВГ-40ТБ гранатаси очиқ майдонда ва ҳар хил турдаги тўсиқларда, бинолар ва муҳандислик иншоотларининг ёпиқ жойларида зарба тўлқини билан террорчи гурухларни, тартиббузарларни сафдан чиқариш ва мағлуб этиш учун мўлжалланган (262-расм).

Зарба тўлқини берувчи – ВГ-40ТБ гранатанинг тактик-техник тавфисиғи: калибри – 40 мм; гранатанинг оғирлиги – 0,28 кг; узунлиги –122 мм; ишлаш ҳароратидиапаъзони –минус 40⁰ дан + 50⁰ гача; тротил эквиваленти – 0,2 килограммдан кам бўлмаган.



262-расм. ВГ-40ТБ гранатаси.

23 мм ли махсус карабин. Махсус карабин КС-23 оммавий тартибсизликларни бартараф қилиш мақсадида 1970 йил бошларида Ички ишлар вазирлиги ва Ички қўшинларни қуроллантириш мақсадида НИИ (Научно-исследовательский институт МВД) спец техник мухандислари томонидан ишлаб чиқилган.

Махсус карабин КС-23 ички ишлар органларининг кўп функцияли қуроли хисобланиб, оммавий тартибсизликларни бартараф қилишда хуқуқбузарларга қарши кимёвий, руҳий ва кучли жисмоний таъсир ўтказиш мақсадида қўлланилади.

Махсус карабин КС-23 дан кўздан ёш оқизувчи махсус “Черёмуха-7”, “Сирень-7”, “Черёмуха-6”, “Черёмуха-12” жанговор газли патронлари ва “Волна-Р” шикаст етказувчи думалоқ резина шаклидаги ўқларини мўлжалга аниқ отиш учун белгиланган.

Газли граната 40-50 метр масофадан иккита ойна қаватини, 30 мм қалинликдаги тахтани ёки қалинлиги 1 мм ли темир қаватини

тешиб ўтади. Хозирги кунда ички ишлар органлари қуроллар таркибида махсус карабин КС-23 ни қуидаги турлари мавжуд:

КС-23 – Карабин Специальный 23 мм

КС-23М – Карабин Специальный 23 мм модернизированный

КС-23К – Карабин Специальный 23 мм короткий



263-расм. Махсус карабин ризина ўқлари билан.



264-расм. КС 23 Махсус карабин құндоқсиз.



265-расм. КС 23 Махсус карабин құндоқ билан.



266-расм. КС 23К Махсус карабин калта құндоқлы.

31-жадвал

Махсус карабин КС-23, КС-23М ва КС-23К милитифининг жанговар хусусиятлари.

Т/п	Тактика-техник тавсифи	Асосий күрсаткичлари		
		КС-23	КС-23М	КС-23К
1.	Махсус карабин турлари	23	23	23
2.	Жанговар отиш тезлиги	4	8-12	10-12
3.	Мүлжалга олиб отиш масофаси (м)	100	100	100
4.	Узоққа отиш масофаси (м)	150	150	150
5.	Үқланмаган холдаги оғирлигі (кг)	3.85	2.9	4

6.	Үқланган холдаги оғирлиги (кг)	4	3.05	4.35
7.	Милтиқнинг узунлиги (мм)	1040	875 / 650	741
8.	Стволнинг узунлиги (мм)	510	410	460
9.	Милтиқнинг эни (мм)	65	65	65
10.	Милтиқнинг баландлиги (мм)	145	145	200
11.	Нарезлар сони	10	10	10
12.	Магазин сифими	3+1 затвор ичида	3+1 затвор ичида	каробкали 7
13.	Патрон (мм)	23x75	23x75	23x75
14.	Белгиланган ресурси	3500	3500	3500
15.	Ишлаб чиқарилган йили	1970	1991	1998

КС-23 ни нотўлик қисмларга ажратиш тартиби

1. Куролни ўқланмаганлигини текшириш (куролни сақлагиҷдан ажратиш, цевъёни охирги орқа ҳолатга келтириш, патрон турадиган жойни кўриш, цевъёни олдинги ҳолатга келтириш, жанговор тепки халқасини босиб назорат отишни амалга ошириш)

2. Қалпоқчани бўшатиш.

3. Цевъёни охирги орқа ҳолатга келтириш.

4. Кутичадан қувурни ажратиш (қувурни олдинга бериш).

5. Зарбдор тепки механизмини ажратиш (тепкини ушлаб турувчи қисқични ва фиксаторни чиқариш, затвор қутичасидан механизмни ажратиш).

6. Цевъё олд томонидан харакатланувчи қисм затворни ажратиш.

7. Цевъёни тортгichi билан магазиндан ажратиш.

8. Затвор қутисидан қайтаргични ажратиш.

9. Магазинни ажратиш (қўл билан ушлаб уни қалпоқчасини магазинни пуржинасини ва итаргич).

Қайта йиғиш тескари тартибда амалга оширилади.

“Егоза” тусдаги тиконли симларидан иборат мобиль тўсиқ.



267-расм. “Егоза” тусдаги тиконли сим.


Йўлнинг бир қисмини чеклаш учун мўлжалланган қурилмаси (267-расм).

Тактик-техник тавсифи: узунлиги – 10-20 м; оғирлиги 35-45 кг.; кенглиги -1-3 м.; баландлиги – 1-3 м.

“Ёж-М” транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш қурилмаси.

“Ёж-М” автотранспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш қурилмаси кичик ва ўрта ҳажмли ҳаво билан дамланадиган шинали

автотранспорт воситаларининг барча турларини мажбурий тўхтатишда фойдаланиш учун мўлжалланган (268-расм).



268-расм. “Ёж-М” автотранспорт воситаларини мажбурий тўхтатиши қурилмаси.

“Ёж-М” автотранспорт воситаларини мажбурий тўхтатиши қурилмасининг тактик-техник тавсифи: оғирлиги – 13 кг; узунлиги – 7 метр; эни – 131 мм.

Максус воситаларни қўллаш бошлиқнинг рухсати билан ишлатилади. Ички ташлар органлари ходимлари якка ҳолда ҳаракат қилганда, зарур ҳолларда шароитга қараб мустақил қарор қабул қиласди.

“Ёж-М” автотранспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш қурилмасини баландликларга чиқища, пастликларга тушишда, бурулишларда, қияликларда, жарликлар бор жойларда ҳамда жамоат транспортлари ва катта юк машиналарига қўллаш тақиқланади.

Сув билан зарба берувчи (Водомёт) максус машиналар

Сув билан зарба берувчи машиналар фуқароларнинг хаёти ва соғлигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун ишлатилади.

“Сув пуркагич ЖРС-6500С” максус автотранспорт воситаси кўздан ёш чиқарувчи газ ва сув аралашмаси билан олди томонидан ҳамда айлана мудофаада туриш учун оммавий тартиббузарликларни тарқатиш, омманинг агрессив этакчиларини ранг билан белгилаш, шунингдек ташқи томонидан олов ёқилганида автотранспорт воситанинг фронт бўйлаб оловни ўчириш ва бинолардаги ёнғинларни ўчириш учун мўлжалланган (269-расм).



269-расм. “Сув пуркагиң ЖРС-6500С” маҳсус автотранспорти.

“Сув пуркагиң ЖРС-6500С” маҳсус автотранспорт воситасининг тактик-техник тавсифи: экипаж – 3 киши; ковш қисми билан узунлиги – 8 метр; эни – 2,4 метр; лафет туби билан баландлиги – 3,8 метр; сув сифими – 6,5 тонна; қўпик аралашмасининг сифими – 100 литр; ёш чиқарувчи газнинг сифими – 50 литр; ранг сифими – 50 литр; оқимнинг босими – 15 баргача (14,8 атмосфера). оқимнинг узунлиги, оператор бошқаради – 100 метргача.

Оммавий тартибсизликларни сони ва эгалаб турган майдони катта бўлган ҳолда, сув билан зарба берувчи машиналар етишмаса тартиббузарларни тарқатиб юборишида ёнғин ўчириш автотранспортлардан фойдаланилади. Масалан, “АЦ-40 ўт ўчириш автоцистернаси”. Босим остидаги қўпикли сув ёрдамида оммавий тартибсизликлар қатнашчиларини тарқатиб юбориш учун ишлатилиди (270-расм).



270-расм. АЦ-40 ўт ўчириш автоцистернаси.

АЦ-40 ўт ўчириш автоцистернасининг тактик-техник тавсифи: Босими - 6 атмосферагача; Цистернанинг сифими - 4 куб; сувни сарфлаш - 40 литр/ сек. гача.

Сув билан зарба берувчи автомобилларнинг сони фронт бўйича ҳаракатланаётган тартиббузарларга қараб белгиланади ва ҳар бир машина 20-30 метр оралиқда жойлаштирилади. Ҳаво ҳарорати совуқ бўлганда (0 градус ва ундан тушиб кетганда) автотехникани қўллаш тақиқланади.

УАЗ-3315192-018 «Хантер» маҳсус автомобили шахсий таркибига қуроллар ва маҳсус жихозларни маҳсус операцияларни ўтказиш худудига этказиш учун мўлжалланган (271-расм).



271-расм. УАЗ-3315192-018 «Хантер» маҳсус автомобили.

УАЗ-3315192-018 «Хантер» маҳсус автомобилининг тактики-техник тавсифи: ўриндиқлар сони – 5+2; двигатель тури – бензин; ғилдираклар формуласи – 4x4; ишчи хажми – 2,693 литр; тўлиқ вазни – 2523 кг; юк кўтариш қобилияти – 675 кг; йўл ёриклиги – 210 мм; ўтиши мумкин бўлган сувнинг чуқурлиги – 0,5 м; максимал тезлик – 130 км/с. 100 кмга ёқилғи сарфи – 13,2 л; ёқилғи бакларнинг умумий сигими – 72 л; узунлиги – 4100 мм., баландлиги – 2025 мм; эни – 2010 мм. олди ва орқа ғилдиракларнинг орасидаги масофа – 2380 мм; чап ва ўнг ғилдиракларнинг орасидаги масофа – 1465 мм.

“Мерседес-Бенц СПРИНТЕР” тўрта ғилдираклари тортувчи юк ташиш маҳсус автомобиль автофургони.

Шахсий таркибни, хизмат-қидирав итлари ва маҳсус ускуналарни, портловчи қурилмалар ва портлаш хавфи бўлган предметларни қидириш, аниқлаш, заарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича маҳсус операцияларни бажариш жойига етказиш учун мўлжалланган (272-расм).



272-расм. “Мерседес-Бенц СПРИНТЕР” маҳсус автомобиль.

“СПРИНТЕР” маҳсус автомобилининг тактик-техник тавсифи: Двигатели – 4 цилиндрли; Двигатель тури – дизел; Двигатель қуввати – 122 от кучи; Автомобильнинг узунлиги – 5585

мм; Эни – 1864 мм, баландлиги – 2570 мм; Филдираклари орасидаги масофа – 3550 мм; Юз қисмининг узунлиги – 3265 мм; Эни - 1736 мм, баландлиги – 1633 мм; Автомобильнинг умумий оғирлиги – 3500 кг; Экипаж – 6 нафар одам; Кескин бурилиши – 12,8 м (юксиз ҳолатда); Комплектли энерготаъминот 12 вольт/220 вольт.

“TIGR SBM VPK-233136” маҳсус зирхланган автомобили барча турдаги йўлларда, чекловсиз, куннинг исталган вақтида ва барча фасилларида шахсий таркибни, ҳар хил турдаги юкларни, шатакда олиб юриладиган тизимларни ташиш учун мўлжалланган (273-расм).



273-расм. “TIGR SBM VPK-233136” Маҳсус зирхланган автомобили.

“TIGR SBM VPK-233136” маҳсус зирхланган автомобили қўйидаги холатларда қўлланилади:

- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва эр участкаларини озод қилишда;
- фуқароларнинг хаёти ва соғлигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид соловчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда.

“TIGR SBM VPK-233136” маҳсус зирхланган автомобилининг тактик-техник тавсифи. ҳимоялаш синфи – 5 (10 метр масофадан СВД милтигидан отилган 7,62 мм Б-32 туридаги ўқни ушлайди); автомобиль тури – икки ўқли, тўлиқ узаткичли; тўлиқ вазни – 8200 кг; умумий ўриндиқлар сони – 9 та; умумий юк кўтариш қобилияти – 1300 кг; узунлиги – 5700 мм; эни – 2330 мм; баландлиги – 2400 мм; ердан баландлиги – 400 мм; 100 км йўлга ёқилғи сарфи – 14 литр; наъзоратли ёқилғи сарфи бўйича юриш захираси – 950 км; тик қияликдан ошиб ўтиш деворининг баландлиги – 0,4 м; ўтиши мумкин бўлган ариқнинг эни – 0,5 м; ўтиши мумкин бўлган сувнинг чуқурлиги – 1,2 м; чиқиш (тушиш) бурчаги – 300 мм дан кам бўлмаган.

Зирҳли автомобилга ўрнатиладиган түсик мосламаси.



274-расм. Зирҳли автомобилга
ўрнатиладиган түсик

Оммавий тартибсизликларни олдини олиш учун мўлжалланган бўлиб, «Тигр» ёки «УАЗ-Есаул» автомобиллар базасида ўрнатилади (274-расм). Баландлиги – 3,3 м.; кенглиги – 5,5 м.; оғирлиги 1200 кг.

БТР-70 зирҳли транспортёр – саккиз ғилдираги тортувчи, сузувчи, иккита двигателли машина. Таркибида 10 нафар ҳарбий хизматчиларни ташишга ва маҳсус операцияларни таминлашга мўлжалланган (275-расм).

Куролланиши: калибри 14,5 мм ли КПВТ, калибри 7,62 мм ли ПКТ пулемётлари ва УКВ Р-163 радиостанцияси ўрнатилган.

Ўқ дорининг заҳираси – 500 та 14,5 мм ли ва 2000 та 7,62 мм ли патронлар.



275-расм. БТР-70 зирҳли транспортёр.

БТР-70 зирҳли транспортёрнинг тактик-техник тавсифи: шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги – 80 км/с; сувда 9-10 км/с; қумли ерларда – 25-30 км/соатига; шоссели йўл бўйича заҳираси – 400 км; двигатели – 120 от кучига тэнг; оғирлиги – 13,6 тонна; узунлиги – 7560 мм; эни – 2800 мм; бўйи – 2240 мм.

БТР-80 зирҳли транспортёр – саккиз ғилдираги тортувчи, сузувчи машина. Таркибида 8 нафар ҳарбий хизматчиларни ташишга ва маҳсус операцияларни таминлашга мўлжалланган (276-расм).

Куролланиши: калибри 14,5 мм ли КПВТ, калибри 7,62 мм ли ПКТ пулемётлари ва УКВ Р-173 радиостанцияси ўрнатилган. Ўқдорининг заҳираси – 500 та 14,5 мм ли ва 2000 та 7,62 мм ли патронлар.



276-расм. БТР-80 зирҳли транспортёри

БТР-80 зирҳли транспортёрнинг тактик-техник тавсифи: шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги – 80 км/с; сувда 9-10 км/с; қумли ерларда – 20-40 км/с; шоссели йўл бўйича заҳираси – 600 км; двигатели – 260 от кучига тэнг; оғирлиги – 13,6 тонна; узунлиги – 7650 мм; эни – 2900 мм; бўйи – 1350-1460 мм.

Қўшиналарнинг БМП-2 – занжир (гусеница)ли жанговар машинаси. Таркибида 7 нафардан иборат ҳарбий хизматчини ташибашга ва маҳсус операцияларни таъминлашга мўлжалланган (277-расм).

Қуролланиши: калибри 30 мм ли автоматлаштирилган пушка 2А 42, калибри 7,62 мм ли ПКТ пулемёти ва УКВ Р-173 радиостанцияси ўрнатилган. Ўқ дори заҳираси – 500 та 30 мм ли снаряд, 2000 та 7,62 мм ли патрон.



277-расм. БМП-2 – занжир (гусеница)ли жанговар машина

БМП-2 занжир (гусеница)ли жанговар машинанинг тактик-техник тавсифи: шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги – 65 км/с; сувда 7 км/с; қумли ерларда – 40-50 км/с; шоссели йўл бўйича заҳираси – 600 км; двигатели – 300 от кучига тэнг; ўқдорининг заҳираси – 500 та 30 мм ли снаряд, 2000 та 7,62 мм ли патрон; оғирлиги – 14 тонна; узунлиги – 6735 мм; эни – 3150 мм; бўйи – 2450 мм.

Қуролланиши: калибри 30 мм ли автоматлаштирилган пушка 2А 42, калибри 7,62 мм ли ПКТ пулемётлари ва УКВ Р-173

радиостанцияси ўрнатилган. Ўқдорининг заҳираси – 40 та 73 мм ли снаряд, 4000 та 7,62 мм ли патрон.

БМД-1 жанговар десант машинаси – занжир (гусеница)ли, таркибида 8 нафардан иборат десантни ташишга ва терорчи гурухларни заарсизлантиришга мўлжалланган (278-расм).

Куролланиши: 73 мм ли силлиқ стволли ярим автоматик қурол ва иккита 7,62 мм ли ПКТ пулемёти, УКВ Р-105 радиостанцияси ўрнатилган.

БМД-1 жанговар десант машинасининг тактик-техник тавсифи: шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги - 61 км/с; сувда 9-10 км/с; двигатели – 240 от кучига тэнг; узунлиги - 5 м 40 см; эни – 2 м 63 см; баландлиги - 1 м 97 см.



278-расм. БМД-1 жанговар десант машинаси.

БРДМ – зирхланган жанговар разведка дозор машинаси.

Тўртта филдиракли сузувчи, таркиби 6 нафардан иборат жанговар разведка олиб бориш ва қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, ҳарбий разведканинг асосий жанговар таминоти ҳисобланади (279-расм).

Куролланиши: - 7,62 мм ли ПКТ пулемёти, УКВ Р-123 радиостанцияси ўрнатилган. Ўқдорининг заҳираси – 1250 та 7,62 мм ли патрон.



279-расм. БРДМ – зирхланган жанговар разведка дозор машинаси

БРДМ – зирхланган жанговар разведка дозор машинасининг тактик-техник тавсифи:

Шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги - 61 км/с; сувда 9 км/с; қумли ерларда –30 км/с; двигатели – 90 от кучига тэнг; узунлиги - 5700 мм; эни - 2250 мм; баландлиги - 295 мм.

6-§. Хавфсизлик чоралари ва жавобгарлик.

Махсус воситаларни ишлатиш вақтида хавфсизлик чоралари

Махсус воситаларни қўллаган ходим ўз хавфсизлигини таъминлаган ҳолда жарохатланган шахснинг олдига бориб, қуроли бўлса қуролсизлантириб, уни заарасизлантиради ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Навбатчилик қисмига ахборот бериб, тезкор-тергов гуруҳини ва тез тиббий ёрдамни чақиради. Улар келгунга қадар жарохатланган шахсни қочиб кетишини олдини олиб, воқеа жойини қўриқлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Гувоҳларни ушлаб туради, далилий ашёларни ва изларни йўқолиб кетмаслигини таъминлайди. Тезкор-тергов гуруҳи етиб келганидан сўнг воқеа хақида батафсил ахборот беради ҳамда гувоҳлар ва далилий ашёларни тақдим этади. Билдирги ёзиб воқеа тафсилотларини баён қиласи (қачон, кимга нисбатан махсус воситаларни қўлланганлиги, қўллаш сабаблари ва шароитлари, оқибатлари ва х.к.).

Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонун талаблариiga асосан ҳуқуқбузарларга ва жиноятчиларга нисбатан махсус воситаларни қўллаганликлари тўғрисида далолатнома тузадилар.

Ички ишлар органлари ходимлари махсус воситаларни ишлатишдан олдин ҳар бир воситанинг тактик-техник тавсифини, ишлатиш тартибини билиши шарт.

Кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли қурол, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларини шахсий таркиб томонга қаратиб қўллаш тақиқланади, уларнинг қўлланилиши натижасида булат ҳосил бўлган ҳудудда қолган ходимлар зудлик билан газниқбларни кийишлари ва хавфли ҳудудни тарк этишлари лозим.

Газ-тутун булути тарқалган ҳудудда хизмат олиб бораётган ходимлар газниқбларда бўлишлари лозим.

Кўзни ёшлантирувчи воситалар билан ишлашда қуйидагилар қатъиян ман этилади:

ушбу воситаларни қисмларга ажратиш, ўзбошимчалик билан носозликларни бартараф этиш, сумкалардан ташқарида олиб юриш;

күллаш жадаллигини ошириш (газли гранаталарни күллаш жадаллиги маҳсус операция раҳбари томонидан белгиланади);

маҳсус карабиндан отиш учун мўлжалланган қоғоз гильзали, ёритувчи ва сигнал берувчи барча турдаги ўқ-дориларни ҳамда газли гранаталарни сигнал бериш пистолетидан отиш;

газ гранатали патронларни оммага қаратса ва ҳуқуқбузарларни мўлжалга олиб отиш тақиқланади (26 ммли “СПШ” Шпагин сигнал пистолетидан “Черёмуха - 4” газ гранатали патрони 45^0 градусга қаратиб отилади ва тўдани ичига туширилади).

Газли қўл гранаталар ва газ гранатали патронларни кўллашда хавфсизлик қоидалари.

Кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли қурол, шахсий таркиб томонга қаратиб кўллаш тақиқланади, уларнинг кўлланилиши натижасида булат ҳосил бўлган ҳудудда қолган ходимлар зудлик билан газниқобларни кийишлари ва хавфли ҳудудни тарқ этишлари лозим.

Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларининг (запал)лари алоҳида олиб юрилиши лозим, (запал)ларни электр манбасига улашдан олдин занжирда кучланиш йўқлиги текширилади. Ушбу воситаларни кўллаётган ходим шахсий ҳимоя воситасида бўлиши керак.

Портламай қолган барча портловчи ва нур-товушли мосламалар мутахассислар томонидан заарсизлантирилиши керак.

Ўчиб қолган алнга узатувчи шнурни қайтадан ёқиши қатъиян ман этилади.

Электр манбаи ёрдамида портлатиладиган барча тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва нур-товушли гранаталарнинг созлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, улар қайтадан портлатилиши мумкин.

Транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини қўйидаги ҳолатларда кўллаш қатъиян ман этилади:

- одамларни ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаларига нисбатан, ушбу транспорт воситаларида йўловчилар бўлганда;

- чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига тегишли автотранспорт воситаларига;

- төг ёнбағир йўлларида шунингдек, йўлнинг кўриниши чэгараланган қисмларида;

- темир йўл кесишмаларида, қўприкларда, йўл ўтказгичларда.

Электрошок қурилмаси индукторини устига қопқоғи ёпилган ҳолда олиб юриш ва сақлаш лозим.

Электрошок қурилмаси билан ҳаракат қилганда куйидагилар тақиқланади:

- индуктор қопқоғи мавжуд бўлмаган, ҳаракатга келтиришга тайёр бўлган электрошок қурилмаси электродларига тегиш ва қўлларни яқинлаштириш;

- электрошок қурилмасини ёмғир ва нам ҳавода қўллаш.

Тез аланга олуви ва портловчи объектларда яширган жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган ва ёнувчи (портловчи) хусусиятларга эга бўлган маҳсус воситаларни қўллаш ёнгин ўчириш хизматлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Маҳсус воситалар қўлланилгандан сўнг хоналар (бино) жароҳат олганлиги, ёнгин ўчоқлари ва портламай қолган воситаларни аниқлаш мақсадида текширилади. Портламай қолган воситаларни заарсизлантириш мақсадида мутахассислар жалб қилинади.

Ноқонуний тарзда маҳсус воситаларни қўллаганлик учун жавобгарлик

1. Зарурий мудофаа чэгарасидан четга чиқиши тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа вақтида қасдан одам ўлдириш ёки қасдан баданга оғир шкаст етказиш.

Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 100- ва 107-моддаларида кўзда тутилган.

2. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чэгараларидан четга чиқиби қасдан одам ўлдириш ёки қасдан баданга оғир шикаст етказиш.

3. Охирги зарурат чэгарасидан четга чиқиши, яъни бошқа воситалар билан хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган заар олдини олинган заардан ошиб кетса.

4. Мансаб ваколатидан четга чиқиши, яъни ходимнинг ўзига қонун билан белгиланган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасдан содир этиши ва бунинг оқибатида фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда заар ёки жиддий зиён етказиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив ҳуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 15 мартағи “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидағи йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги 29-сонли буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 383-сон буйруғи.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 февралдаги “Ички ишлар органлари патрул-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 77-сонли буйруғи.

Махсус адабиётлар

1. Умурзаков Б.Б., Батыров У.А. Махсус тактика. Ўқув қўлланма. – Т., 2014.
2. Джурабаев Р.Т., Акрамбаев Х.М., Ачилов М.Х. Махсус тактик тайёргарлик: Ўқув қўлланма. – Т., 2014.
3. Мухамадалиев Д.С. Омавий тадбирларни ўтказишида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавсизлигини таъминлаш бўйича хамкорликни ташкилий жиҳатлари: Ўқув-методик қўлланма – Т., 2011.
4. Ўқотиши тайёргарлиги: Дарслик. – Т., 2017.
5. Наставления по стрелковому делу: Учебник. – М., 1985.
6. Тангирбердиев С.К., Козорез А.Н., Мухаммадиев А.Л. Ўқотиши тайёргарлиги. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.
7. Техническое описание и инструкция по эксплуатации. 9А-91, ВСК-94.

8. Техническое описание и инструкция по эксплуатации 9x19мм Glock-17, 9x19мм наступающий ПБС Витязь-МО.
9. Техническое описание и инструкция по эксплуатации 40 мм (ГП-25), 40 мм (6Г-30), 40 мм (РПГ-7Д), и 40 мм (ПУС-7).
10. Ёш аскарлар учун бошланғич харбий умумқүшин тайёргарлик бўйича қўлланма. – Т., 2004.
11. Кочкаров А.А. Хизмат пистолетидан ўқ отиш асослариға ўргатиш. Ўқув-методик қўлланма. – Жиззах, 2009.
12. Подготовка снайперов: Учебное пособие. – Т., 2000.
13. Хаджиматов Х.Р., Козорез А.Н., Рустамов М.Т. Ички ишлар вазирлиги органлари ва бўлинмаларида ўқ отиш тайёргарлигининг ташкилий ва ўқув-методик асослари: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2006.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I-БОБ. ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АСОСИ

1-§. Таълимнинг предмети ва методи.....	4
2-§. Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалари.....	12
3-§. Отиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш.....	15

II-БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎҚ ОТАР ҚУРОЛЛАР

1-§. Ўқотар қуроллардан отиш машқлари.....	17
2-§. ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги пистолетлардан отиш машқлари.....	18
3-§. Отиш машғулотларини ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари.....	19
4-§. Ички ва ташқи баллистика.....	23
5-§. Макаров пистолети (ПМ).....	51
6-§. Стечкин автоматик пистолети (АПС).....	100
7-§. Ярыгин пистолети (ГРАЧ)	104
8-§. Ўзи ўқланувчи кичик хажмли пистолет (ПСМ).....	108
9-§. Овозсиз пистолет (ПБ).....	111
10-§. GLOCK-17 пистолети.....	115
11-§. Калашников автоматлари.....	121
12-§. АК-12 автомати.....	130
13-§. 9А-91 кичик хажмли автомат.....	145
14-§. Драгунов мерганлик милтифи.....	151
15-§. ОСВ-96 (В-94) мерганлик милтифи.....	165
16-§. ВСК-94 мерганлик милтифи	166
17-§. ВСС (6П29) мерганлик милтифи.....	169

III-БОБ. РГД-5, РГН, Ф-1, РГО ПАРЧАЛАНУВЧИ ВА ТАНККА ҚАРШИ РКГ-3 КУМУЛЯТИВ ЗАРЯДЛИ ҚҮЛ ГРАНАТАЛАРИ

1-§. Қўл гранаталарининг ишлаш тартиби.....	171
2-§. РГД-5 парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши.....	172
3-§. РГН парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши.....	173
4-§. Ф-1 парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши.....	175

5-§. РГО парчаланувчи қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши.....	176
6-§. РКГ-3 танкка қарши қумулятив қўл гранатасининг вазифаси, жанговар хусусиятлари ва тузилиши.....	177

IV-БОБ. МАХСУС ВОСИТАЛАР

1-§. Инсон ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда маҳсус воситаларни қўлашнинг хуқуқий асослари.....	191
2-§. Инсон ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда маҳсус воситаларни қўллаш шартлари.....	192
3-§. Шахсий химоя воситалари.....	196
4-§. Фаол мудофаа воситалар.....	208
5-§. Маҳсус операцияларни таъминлаш воситалари.....	243
6-§. Хавфсизлик чоралари ва жавобгарлик.....	267

Ш.А. ТАДЖИМЕТОВ, Р.Т. ДЖУРАБАЕВ, Б.Б УМУРЗОКОВ,
Н.З ТАСИМОВ, Х.Н. МУСЛИМОВ, Л.З. КОМИЛОВ, Б.А. УЛУГБЕКОВ,
Х.А. ТУРАББАЕВ, Л.Р. ИСАЕВ, А.Т.АЛИЖОНОВ, Ф.Ф. ХАТАМОВ

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

ДАРСЛИК

1-ҚИСМ

Босишга руҳсат этилди ____ 2023 йил. Нашриёт ҳисоб табоғи ____.
Буюртма № _____. Адади 50 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй